

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

У. ТАДЖИХАНОВ  
А. САИДОВ

# ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ

Икки томли

1-том

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан  
вазирлик олий ўқув юртлари учун дарслик сифатида  
рухсат этилган*

Масъул мухаррир  
академик Ш.З. УРАЗАЕВ

Тошкент 1998

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг  
Таҳририят-ноширлик кенгаши томонидан  
маъқулланган*

**Таджиханов У., Сайдов А.** Ҳукуқий маданият назарияси. Дарсларик. 2 томли. 1-том / Масъул муҳаррир академик Ш.З. Үразаев - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998.- 316 б.

Дарсликнинг умумий қисмida ҳукуқий маданият назарияси фаннининг предмети, методлари, асосий тушунчалари ва тузилиши баён этилади. Шунингдек унда ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳукуқий-тарихий тажрибалари, ҳукуқий маданият ривожланишининг асосий тамойиллари, Ўзбекистон Конституциясининг ҳукуқий маданият таяничи эканлиги республика ташқи сиёсати маданияти асослари ёритиб берилади.

Ички ишлар вазирлиги олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, адъюнктлари ва тингловчиларига мўлжалланган

**Тақризчилар:** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг муовини **Ш.М. Мавлянов**; юридик фанлар доктори, профессор **М.М. Файзиев**; фалсафа фанлари доктори, профессор **Б.Т. Тўйчиев**. фалсафа фанлари доктори, профессор **Н.Ё. Гаибов**

## СЎЗ/БОШИ

“Маданият” - кенг тушунча. З.М. Маъруфов таҳрири остида чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “маданият” тушунчаси 1) жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳәётида қўлга киритилган ютуқлари мажмуи; 2) бирор ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси ва 3) ўқимишилилк, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилк, маърифат ҳамда турмушнинг маърифатли киши эҳтиёжларига мос келадиган шароитлари йигиндиси каби маънолари орқали изоҳланади<sup>1</sup>.

Рус тили изоҳли луғатининг муаллифи В.Даль эса маданият деганда ақдий ва ахлоқий таълимни тушунади. Д.Н. Ушаков таҳрири остидаги изоҳли луғатда маданиятта қўйидагича таъриф берилади: бу инсоннинг табиат тобелигига техника, таълим ва ижтимоий тузум соҳаларида эришган ютуқлари мажмуи; халқнинг ижтимоий, хўжалик ва ақдий турмуши ҳолатидир.

Маданият серқирра ва мураккаб ҳодисадир. У одамлар турмуш фаолиятининг барча жабҳаларида намоён бўлади. Касбий маданият, нутқ маданияти, ахлоқий маданият, меҳнат маданияти, савдо-сотиқ маданияти, нутқ маданияти (актерларда), жисмоний тарбия, турмуш маданияти, мусиқий маданият, парламент маданияти, шаҳар маданияти, қишлоқ маданияти, саноат маданияти, халқаро муносабатлар маданияти, сиёсий маданият кабилар ҳақида гапирилади.

Маданият сўзида жамоатчиликнинг инсон хатти-ҳаракатига берган баҳоси ҳам акс этади. Ушбу асарда муаллифлар - хукуқшуносликнинг атоқли назариётчилари - У.Таджиханов ва А.Сайдов ўз олдиларига оламшумул муаммонинг фақат бир қиррасини, чунончи хукуқий маданият масалаларини тадқиқ этиш вазифасини қўйганлар. Хукуқий маданиятта бағишланган алоҳида мақола, рисола ва китоблар аввал ҳам кўп нашр этилган. Бироқ уларнинг кўпчилиги мавҳум, қисқа, ҳаётдан узоқ бўлиб, амалий жиҳатдан кам фойда келтиради.

Мустақилликка эришилганидан сўнг, ҳамма ва ҳар бир кишида хукуқий давлат фуқаросининг ажralmas xусусияти бўлмишхукуқий маданиятни шакллантиришга ёрдам берувчи китобларни яратишига илк бор ҳаётий зарурият туғилди. Хукуқий маданият инсоннинг хукуқ, жамият ва давлатга бўлган муносабати ҳамда хукуқ, жамият ва давлатнинг алоҳида шахс, унинг хукуқ ва манфаатларига бўлган муносабати билан чамбарчас боғлиқ.

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. -М.: Русский язык, 1981. Т.1. -439-6.

Хуқуқий маданиятнинг даражаси ҳуқуқий тизимнинг ривожланганлик даражаси, давлат ва жамият институтларининг ҳалқчилиги, аҳолининг билим даражаси, ҳуқуқий онги ва жамиятдаги ҳуқуқий мафкура билан узвий алоқдорликдадир. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий маданият умумий маданият тушунчасининг таркибий қисми бўлса-да, бироқ у ҳам муҳим ва дунёвий аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳисобланади. Ҳуқуқий давлатнинг шаклланишида ҳуқуқий маданиятнинг алоҳида аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ушбу муаммони ҳал этишга давлат идоралари ва жамоатчиликни жалб қилишининг муҳиммилигини бир неча бор таъкидлади ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга имкон берувчи бир қатор институт ва марказларни яратиш ташаббускори бўлди.

Ушбу улкан ва кенг миқёсдаги ишни амалга ошириш мақсадида муайян ишлар қилинди: доимо такомиллашиб бораёттан қонунчилик асослари яратилди, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди ва амал қўлмоқда, ялпи ҳуқуқий таълимга катта аҳамият берилмоқда, фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш тизими йўлга қўйилди, ҳуқуқ, қонун, қонунга итоат қилишни аҳолининг онгига сингдириш бўйича ҳалқ анъаналари қўллаб-кувватланмоқда ва ривожлантирилмоқда. Албатта, бундай катта ишни тарқоқ равищда амалга ошириб бўлмайди. У маълум мақсадга қаратилган, изга солинган, аниқ ва равшан йўналишларга эга бўлиши керак. Шу сабабли тавсия қилинаётган китоб муаллифлари ўз эътиборларини ҳуқуқий маданият назарияси масалаларига қаратишга, асарни ўқув муассасаларида, маданият даргоҳлари, жамоат ва давлат тизимида ўрганиш учун тавсия этишга қарор қилдилар.

Китобда кенг доирадаги муаммолар қамраб олинади. Муаллифлар “ҳуқуқий маданият” тушунчаси, унинг тузилиши, вазифалари, намоён бўлиш соҳалари, бошқа юридик ва жамоат ҳодисалари билан боғлиқлигини очиб берадилар. Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида қаралади.

Китобда кам ўрганилган муаммолар, чунончи ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият тизими, ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқий маданиятнинг намоён бўлиши, ҳуқуқий маданият ва юридик муассасалар каби масалаларга катта эътибор берилади.

Китобхон турли мамлакат ва минтақалардаги ҳуқуқий маданият тизимлари, юридик типология таснифи, турли давлатлардаги ҳуқуқий маданият хусусиятлари билан таништирилади.

Ўзбекистон аҳолиси ҳуқуқий маданиятининг илдизлари тарихий ўтмишнинг бой маданиятига бориб тақалади, миллий анъаналари,

буоқ қадриятлари - меҳнатсеварлик, камтарлик, халқнинг саҳиyllиғи, Ватанга, она-заминга муҳаббати, бошқа халқларга биродарларча муносабати билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистоннинг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиши ва дунё ҳамжамияти томонидан жаҳон ҳамдўстлигининг таркибий қисми сифатида тан олинишида жаҳон давлатлари билан давлат, иқтисодиёт ва маънавият йўналишидаги мулоқот маданияти, бошқа мамлакатларнинг саноат, молия ва банк соҳаларидаги ҳамкорлиги, учрашувлар тажрибаси тараққиёт йўлидаги олға силжишида катта аҳамиятга эгадир. Ўқувчи бу ва бошқа саволларга батағсил жавобларни чоп этилаётган ушбу китобдан топади. У мазкур соҳада яратилаётган биринчи иш бўлганилиги сабабли муаллифлар учун китобхоннинг китоб бўлимлари бўйича таклиф ва танқидий фикрлари қимматлидир, чунки ушбу мавзу келажакда ҳам долзарб ва муҳим масала бўлиб қолади. Муаллифлар ҳам ушбу муаммо устида кейинчалик иш олиб бориш ниятидадирлар.

**Ш.З. Ўразаев,  
Ўзбекистон Фанлар академиясининг  
академиги, юридик фанлар доктори,  
профессор**

## КИРИШ

Истиқдол ҳисси бутун башариятга хос түйғудир. Бирор миллат ёки халқ йўққи, мустақиллик нашидасидан баҳра олишга орзуманд бўлмаса. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, мазлум халқларнинг эрк учун кураши ХХ асрнинг гоясига айланиб, энг асосий, энг муҳим ижтимоий-сиёсий тамойил сифатида ажралиб туради<sup>1</sup>.

1991 йилниң 31 августи Ўзбекистон давлати тарихида заржал ҳарфлар билан ёзилажак. Шу кундан бошлаб диёримиз узра истиқдол ва эрк шабадаси эсмоқда. Бу қисқа вақт мобайнида, биз ўзбек миллий давлати ва ҳукуқий тизимини шакллантиришда бутун бир тарихий даврни босиб ўтдик, давлат қурилиши ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муҳим сифат ўзгаришларига эришдик.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида - сиёсат, иқтисодиёт, маданият, маънавиятда мустақил қадамлар ташланмоқда, кўхна ва навқирон ўзбек халқининг эзгу-ниятлари ушалмоқда. Бунинг учун бизда ҳамма нарса муҳайё. Бу - табиий ва иқтисодий куч-кудратимизу маънавият гулшанларимиз, теран тарихий, маданий меросимизу ватанпарвар, меҳнатсевар, дилкаш, бағри кенг халқимиз. Бу - бизнинг шарқона миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизу, ўзбекларга хос инсон-парварлик, меҳр-оқибат, иймон-инсофли бўлишга интилишишимиздир. Бу - Ўзбекистон давлатининг муттасил ўсиб бораётган халқаро нуфузи, жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичida тенг бўлиб бораётгани.

Ҳаётимизнинг, жамиятимизнинг асосий принципларини ва давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳукуқий, иқтисодий тузилишини белгилаб берувчи, умуминсоний қадрияtlарга асосланган, эрkin демократик келажагимизни аниқ белгилаб берган Конституциямизни қабул қилдик.

Истиқдол шарофати билан жамиятимиздаги маданий-маънавий иқлим тубдан ўзгарди. Одамларда аниқ дунёқараш тикланмоқда, миллий фуур, орият, шаън, қадр-қиммат, номус туйғулари кучаймоқда, ҳаётга ва меҳнатта янгича муносабат юзага келмоқда, Ватанга, она юртга меҳр, мулкка эса эгалик ҳисси ошмоқда.

Мустақиллигимизнинг яна бир ижобий хусусияти шундан иборатки, миллатимиз ўзлигини англамоқда. Ўзбеклар қайси заминда

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 293-бет.

яшаётгандарини ҳис этмоқдалар, гўзал ва қадимий юрт фарзанди эканликларини тобора теран тушуниб этмоқдалар.

Ҳаётимизда, умуминсоний қадриятларга интилиш билан бирга, Шарқ маънавияти, фалсафаси ва маданияти муносабиравища ривожланмоқда. Орамизда яна қайтадан мусулмончилик, ҳалқимиз соддагина қилиб “ўзбекчилик” деб айтадиган меҳру-оқибат, ўзаро чидам ва хурмат, ўзгаларнинг дардига ҳамдард бўлиш каби олижаноб фазилатлар қарор топмоқда. Бу улуг ақидалар қалбимиз тўридан тобора кўпроқ жой олаётгани катта аҳамиятга эга<sup>1</sup>.

Жаҳон цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган, илму-фан ва маданият тараққиётига улкан ҳисса кўшган аллома ва олимларимизнинг бой илмий-маданий меросига таянган ҳолда ўзбек миллий истиқлол мафкураси яратилмоқда.

Ҳукуқий маданият ҳалқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланган ҳолда - инсоф ва иймон, адолат ва қонунийлик, инсонга юксак ҳурмат ва эътибор, сабр-тоқат каби маърифат ва ҳақиқат туйгуларини онгимизга сингдиришга хизмат қиласи. Шунинг учун ҳам кишиларнинг фикрини, дунёқарашини мустақиллигимиз йўлида фидокорона меҳнат қилишга йўналтирилган ҳукуқий маданиятни юксалтириш ҳаётий заруриятдир.

“Ҳукуқий маданият назарияси” номли ушбу дарслик ана шу мақсадда ёзилган. Муаллифлар дарсликда баён этилган фикр-мулоҳазаларга оид барча таклиф ва маслаҳатларни мамнуният билан қабул қиласидар.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик // Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 296-бет.

# УМУМИЙ ҚИСМ



**ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИНИНГ  
УМУМИЙ МУАММОЛАРИ**

**Биринчи бўлим**  
**ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ -**  
**ИЛМ ВА ЎҚУВ ФАНИ**

---

**I боб**  
**ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ**  
**ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДЛАРИ**

---

\* Хуқуқий маданият назарияси фанининг предмети \* Хуқуқий маданият назарияси фанининг методлари \* Хуқуқий маданият назарияси фанининг методологияси \* Хуқуқий маданият назариясининг ижтимоий ва юридик фанлар тизи-мидаги ўрни

**1. Хуқуқий маданият назарияси фанининг предмети**

Қадим замонлар (эрамизнинг I асри ўрталари)дан бизнинг давримизгача етиб келган “Улуворлик ҳақида”ги асарда шундай фикр баён қилинган: “Одатда ҳар бир олим учун у амал қилиши керак бўлган иккита талаб кўйилади: биринчидан, тадқиқотнинг предмети-ни аниқлаш; иккинчидан, бу мавзуни эгаллашга ёрдам берадиган ме-тодларни топиш ва уларни кўрсатиш. Бунда иккинчи талаб тартиб бўйича биринчисидан кейин турса ҳам, аммо аҳамияти жиҳатидан жуда муҳимдир”. Ўтган юз йилликлар бу номаълум муаллиф фикрла-рининг қанчалик доно ва ҳаққоний эканлигини тўла тасдиқлади.

Ҳар бир мустақил ўқув фани ўз предмети ва методига эга бўлиши зарур. Ўқув фанининг предмети у ўрганадиган масалаларнинг мажмуидир. Ўқув фанининг методи ушбу фан мавзулари ўрганиладиган усуслардир.

Юқори малакали хуқуқшунос бўлиш учун авваламбор давлат ва хуқуқ ҳақида асосий тушунчаларни, тамойилларни, таълимотларни билиш зарур. Умуман, давлат ва хуқуқ ҳақида билимлар хуқуқшунослик фанининг турли соҳалари ёрдамида ўрганилади. Хуқуқшунослик фанлари ичida марказий ўринни давлат ва хуқуқ на-зарияси эгаллайди. Давлат ва хуқуқ назарияси хуқуқшунослик фанла-рининг методологик назарий пойдеворини ташкил этади.

Давлат ва хуқуқ назарияси таркибида ҳам илм, ҳам хуқуқий таъ-лим бўйича турли мустақил йўналишлар мавжуд. Булар жумласидан

давлат ва ҳукуқ фалсафаси, давлат ва ҳукуқ социологияси, қиёсий ҳукуқшунослик, ҳукуқий мафкура асослари ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. XX асрнинг сўнгти чорагида яна бир мустақил йўналиш - ҳукуқий маданият назарияси шаклланди.

### **Ҳукуқий маданият назарияси нимани ўрганади?**

Ҳар қандай назария каби ҳукуқий маданият назарияси ҳам давлат ва ҳукуқ назариясининг таркибий қисми бўлиб, амалиёт билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳукуқий маданият назарияси ҳукуқий амалиёт ривожининг йўналишини белгилаб беради. У ҳукуқий амалиёт хуласалари ва тажрибаларининг синтезидир.

**Ҳукуқий маданият назарияси ҳукуқий амалиёт қонуниятларини акс эттирувчи тажрибанинг мантиқий умумлаштирилишидир.** Ҳукуқий маданият назарияси ҳукуқий амалиёт билан узвий боғланган бўлиб, амалиётта хизмат қиласи ва амалиётдан келиб чиқади.

Ҳукуқий маданият назарияси ҳам амалий ҳаёт билан, ҳам ҳукуқий амалиёт ва тажриба билан мустаҳкам боғлангандир. Тарихий тараққиёт жараёнида ҳаёт илгари сурган улкан вазифалар негизида ҳукуқий маданият назарияси ўз хуласа ва таклифларига аниқликлар киритади, бойитади ва ривожлантиради. Ҳукуқий маданият ҳар бир жамият ижтимоий тараққиётининг муҳим кўрсаткичидир. Демократик ҳукуқий давлатни шакллантиришда шахс, давлат ва жамият ҳукуқий маданиятини юксалтириш устун аҳамият касб этади.

**Ҳукуқий маданият назарияси ҳукуқий маданиятнинг асосий тушунчалари ва моҳияти, принциплари ва қонуниятлари, жамиятдаги вазифаси ва ривожланиши ҳақидаги билимларнинг умумлаштирилган тизимидир.**

Ҳар бир жамиятдаги демократик ўзгаришлар муҳим аҳамиятта эга. Бу жараёнларга жаҳон ҳукуқий тараққиёти тамойиллари нуқтаи назаридан қараш зарур. Бу, бир томондан, Ўзбекистондаги ҳукуқий ислоҳотларнинг йўналишлари ва мезонлари, қадриятлари ва мақсадларини аниқ белгилашга ёрдам берса, иккинчи томондан, маълакатимиз тараққиётida ҳукуқий маданиятимиз қаердан келиб, қаёқقا кетаяпти, унинг ўзига хос жиҳатлари, ривожланишининг шакл ва кўринишлари, мезонлари борми ёки дунёдаги мавжуд ҳукуқий тараққиёт ўзанидан кетадими, деган саволларга жавоб топишга имкон яратади. Ана шу муаммолар ҳукуқий маданият ўкув фанининг қисқача асосини, ўзагини ташкил қиласи.

Демократик ҳукуқий давлатни шакллантириш жамият, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳукуқий маданиятини оширишдек кенг қамровли ишларни амалга оширишни тақозо этади. Шу маънода ҳукуқий давлатнинг муҳим белгиси - бу юксак даражадаги ҳукуқий маданиятдир. Ижтимоий-иктисодий ва демократик ислоҳотларни му-

ваффақиятли амалга ошириш, замонавий бозор муносабатлари механизмини яратиш жамиятимиз олдига Ўзбекистон ҳуқуқий тизимини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини жаҳон андозаларига мослаштиришдек ўта долзарб муаммони ҳал қилиш масаласини қўймоқда.

Ҳуқуқий маданият, энг аввало, жамият ва шахс умумий маданиятинг кўрсаткичидир. Жамият маданиятининг юксак даражаси ҳуқуққа нисбатан чуқур эҳтиром, ҳурмат ва уни теран билишни тақозо этади. Ўз навбатида, ҳуқуқ нормаларининг талабларини билиш ва уларга риоя этиш фуқаролик жамияти демократиклигининг ва маданиятининг шартларидан биридир.

Аввалинг тузум учун жамиятда юксак ҳуқуқий маданияти бўлишининг кераги йўқ эди. Албатта, давлат ҳукумрон коммунистик мафкура билан сугорилган ҳуқуқ талабларини сўзсиз бажарувчи фуқароларга эга бўлишдан манфаатдор эди ва у бунга кўпинча эришарди ҳам. Бироқ бундай тузум, ҳуқуқни тўла амалга оширишга қаратилган асл ҳуқуқий маданиятнинг, ҳатто у мафкуралашган ҳолда бўлса ҳам, ҳукмрон бўлишига йўл қўя олмас эди. Тузум учун ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини унча тасаввур эта олмайдиган фуқарога қараганда ҳуқуқий жиҳатдан саводли инсон хавфлироқ эди.

Демократик ҳуқуқий давлатни жамият ва шахснинг юксак ҳуқуқий маданиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Боз устига бундай жамият мазкур маданиятни юксалтиришдан манфаатдордир. Чунки маданият тоталитаризм ва ўзбошимчаликка қўйилган тўсиқ ҳамда демократик принциплар ва нормаларни ҳаётга жорий этишнинг асосидир.

Жамиятимиз ҳуқуқий давлатни барпо этмоқда. Бундай давлатнинг кўплаб белгилари кўриниб турибди, бошқалари учун эса зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Хўш, жамият ҳуқуқий маданиятининг ахволи қандай? У асл ҳуқуқий давлат талабларига жавоб берадими? Афсуски, кейинги саволга ижобий жавоб бера олмаймиз.

Бу саволларга жавоб бериш ушбу ўқув фанининг предметини ташкил этади.

Демак, ҳуқуқий маданият деганда жамиятда қарор топган ҳуқуқий тизимнинг даражасини, ҳалқнинг бу ҳуқуқ тизимидан хабардорлик даражасини, фуқароларнинг қонунга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий нормаларнинг ижро этилиш даражаси, ҳуқуққа риоя қилмаганларга мурросасиз бўлиш, қонунга итоаткорлик даражасини тушунамиз.

Ушбу масалалар бўйича жамиятда ташкил топган ғоя ва фикрлар, назария ва мафкура ҳуқуқий маданият назарияси тушунчасини вужудга келтиради.

Хуқуқий маданиятни таҳлил қилганда, унинг кўпқатламли, кўриниш ва таркибий қисмларининг кўпқиррали эканлигини инобатга олиш лозим.

Хуқуқий маданият назарияси ўкув фани қўйидаги хусусиятларига эга.

**Биринчидан**, хуқуқий маданият назарияси - ижтимоий фан. Чунки унинг ўрганадиган соҳаси муҳим ижтимоий ҳодисалар - жамият ва маданият, давлат ва ҳуқуқдир.

**Иккинчидан**, хуқуқий маданият назарияси - юридик фан. Хуқуқий маданият ижтимоий ҳодиса сифатида бевосита давлат ва ҳуқуқ ҳаёти билан боғланган. Шунинг учун ҳам у юридик фандир. Бундан ташқари, хуқуқий маданият назарияси бошқа ижтимоий фанлардан фарқли ўлароқ, бевосита ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий руҳият (психология)га оид масалаларни ўрганади.

**Учинчидан**, хуқуқий маданият назарияси - назарий фан, зеро у ҳуқуқий маданиятнинг умумий қонуниятларини очиб беради.

**Тўртинчидан**, хуқуқий маданият назарияси - фалсафий хусусиятга эга фан. Чунки у ҳуқуқий маданиятнинг қонуниятларини ёритиш билан бирга, фалсафанинг жамият ва маданият, давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги умумий қонунларини ҳам очиб беради.

**Бешинчидан**, хуқуқий маданият назарияси - амалиётта йўналтирилган фан. Чунки у демократик ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда назарий асос бўлиб хизмат қиласди. У шахс, жамият ва давлат ҳуқуқий маданияттини юксалтиришда амалий аҳамият касб этади.

**Олтинчидан**, хуқуқий маданият назарияси - ўкув-тарбиявий аҳамиятта молик фан. Чунки у кишиларнинг ижтимоий ҳодисалар тўғрисидаги тасаввурини, билимини кенгайтирибгина қолмай, балки уларда ҳуқуқий тафаккур ва дунёқарашини таркиб топтиришга, ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, ривожланиши ва истиқболини тушишиб олишга ёрдам беради.

## 2. Ҳуқуқий маданият назарияси фанининг методлари

Ҳар қандай ўкув фани муайян методга, усулага, яъни ўрганилаётган ҳодисаларни англаб етиш воситаларига эга бўлади. Бундай методлар икки гуруҳга бўлинади: **биринчиси** барча ўкув фанларига хос бўлган методлар бўлиб, уларнинг асосида табиат, жамият ва тафаккурнинг энг умумий қонуниятлари ётади; **иккинчиси** маҳсус методлар бўлиб, уларга системали, тарихий, қиёсий, социологик ва бошқа методлар киради.

Ҳуқуқий маданият назарияси фанининг методлари - ҳуқуқий маданият ривожланишининг қонуниятлари, ҳозирги аҳволи ва

моҳияти ҳақида билим олишга ёрдам берувчи усул ва воситалар бирлигидан иборат.

XXI аср бўсағасида жаҳонда рўй бераётган барча жараёнлар “инсон ўлчовлари” орқали баҳоланади. Ҳукуқий маданият назарияси фанининг **методологик асосларини** ҳукуқий маданият масаласига, **биринчидан**, инсонийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, инсонга “барча нарсаларнинг ўлчови” сифатида қараш; **иккинчидан**, шахсга давлат машинасининг бир винти сифатида қарашга асосланган мустабид тушунчадан воз кечиб, унга (шахсга) ижтимоий субъект сифатида қараш ташкил этади.

**Ҳукуқий маданият назарияси ўқув фанининг методлари ҳукуқий маданиятни ўрганиш усулларидир.** Ҳар қандай фандаги каби, ҳукуқий маданият назариясида ҳам турли ёндашувлар, ҳар хил қарашлар мавjud. Ҳукуқий маданият назариясининг методлари ҳукуқий маданиятниң моҳияти, турли жиҳатлари ва хусусиятларини, ривожланиш қонуниятлари ва принципларини, уни шакллантириш ва юксалтиришни таъмин этади.

**Ҳукуқий маданият назариясининг методлари ҳукуқий маданиятниң кўп қирралари ва қатламларини очиб беришга ёрдам беради.** Улар ҳукуқий маданият тўғрисидаги билимларни ўрганиш, тўғлаш ва умумлаштириш калитидир.

**Ҳукуқий маданият назариясининг методлари ҳукуқий маданиятни бошқа ижтимоий ҳодисалар билан узвий алоқадорликда, ҳаракатда, миқдорий ва сифат ўзгаришида ўрганишни тақозо этади.** Ҳукуқий маданият реал ҳодиса сифатида муайян вазиятда, муайян вақтда, муайян жамият ва давлатда мавжуд деб ўрганилиши лозим. Бинобарин, ҳукуқий маданиятни тушуниш учун у шаклланяётган шароитни, мавjud бўлган тарихий даврнинг хусусиятларини билмоқ ва эътиборга олмоқ керак.

**Ҳукуқий маданият назариясининг методлари ҳукуқий маданият шаклланиши ва ривожланишининг қонуниятларини билишга хизмат қиласди.** Улар ҳукуқий маданиятниң моҳияти ва вазифаларига, функциялари ва тараққиёти тамойилларига илмий ёндашиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

**Ҳукуқий маданият назариясининг методлари (усуллари)-** ўзаро боғлиқ бўлган муайян бир тизимни ташкил қиласди. Бу тизимга қўйидаги методларни киритиш мумкин: мантиқий метод, қиёсий метод, тарихий метод, социологик метод, системали метод, кибернетик метод. Албатта, ҳукуқий маданиятни ўрганилаётган жиҳатларига қараб, илмий билишнинг бошқа усулларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Мантиқий метод** ҳуқуқий маданиятни ўрганишда оқилона, тўғри кулоса чиқаришга имкон беради. У илмий билишнинг мавхум шаклидир. У ҳуқуқий маданиятни мантиқий ўрганишнинг усул ва воситаларини ифодалайди ҳамда тафаккур шаклларига, мантиқ қонунларига асосланади. Ҳуқуқий маданиятни ўрганишда мантиқий усуддан фойдаланиш ҳуқуқий маданият бўйича қонун ҳужжатларини кўллашда зиддиятлардан ҳоли бўлиш имконини беради.

**Қиёсий метод** турли хил гуруҳларнинг, давлатларнинг ҳуқуқий маданиятидаги умумий ва ўзига хос томонларини билиш ва шу асосда ҳуқуқий маданият тараққиёти қонуниятларини аниқлашга ёрдам беради. Бу метод ҳуқуқий маданият ҳақидаги тушунчалар, ҳодисалар ва жараёнларни ўзаро солишириш ва шу асосда улар ўртасида мавжуд бўлган ўхшашлик ва фарқларни аниқлашдан иборат. Турли мамлакатларнинг ҳуқуқий маданияти ҳақидаги қонун ҳужжатлари ҳам таққослаб ўрганилади.

**Тарихий метод** ҳуқуқий маданият тараққиётини муайян тарихий изчилликда ўрганишни тақозо этади. Ушбу метод кўлланилдиган ҳуқуқий маданият назарияси фанида ҳуқуқий маданиятнинг қарор топиши, ривожланиши тарихий тараққиётнинг мурakkab жараёнлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Бунда кўпинча кишилик жамиятининг турли даврларида рўй берган воқеалар, ҳодисалар ҳақида билим олиш имконини берадиган тарихий манбалар, қонунлар, маҳсус ҳужжатлар, муайян ишларга доир суд қарорлари ва бошқаларни таҳлил қилиш усули қўлланилади.

**Социологик метод** ҳуқуқий маданият даражасини аниқлашда кенг қўлланилиши мумкин. Социологик метод сўроқлар орқали ўрганишни, анкеталар ёрдамида маълумотлар тўплашни, ҳуқуқий статистика натижаларидан фойдаланишни назарда тутади. Бу усул ҳуқуқий маданиятни юксалтиришига қаратилган ҳуқуқий таълимтарбия ва тадбирларнинг самарадорлигини аниқлашда ёрдам беради.

**Системали метод** ҳуқуқий маданиятни ҳар томонлама ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқий маданиятни турли ижтимоий ҳодисалар тизимида ўзаро боғлиқликда ўрганиш учун имкониятлар яратади.

Ҳуқуқий маданият назарияси фани инсон ҳуқуқлари масаласига системали ёндашишни ҳисобга олган ҳолда илмий объективлик, тарихийлик принциплари асосига қурилади. Ҳуқуқий маданият барча ижтимоий ҳамда давлат институтларининг бир бутунлиги сифатида таҳлил этилади. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқ, ҳуқуқий онг, юридик ташкилотлар, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий хулқ-автордан ташкил топган яхлит, бир бутун ҳолда характерланади.

**Кибернетик метод** ҳуқуқий маданият соҳасида ахборот-қидирив тизимини яратишда, математик-статистик методларни қўллаган ҳолда ҳуқуқий статистика ва ахборотларни компьютерлар ёрдамида қайта ишлашда турли хил техника воситаларини қўллашни ўрганишга ёрдам беради.

Ҳуқуқий маданият назарияси методларининг бутун бир мажмуи унинг методологиясини ташкил этади.

### **3. Ҳуқуқий маданият назарияси фанининг методологияси**

Ҳуқуқий маданият бетакор инжимоий воқеиликдир.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон ўз тараққиётининг бутун асоси бўлмиш ҳуқуқий маданиятни қайтадан тикламоқда. Халқимизнинг теран маънавий-ҳуқуқий мероси, унинг бой табиий ва аклий имкониятлари, мустаҳкамланиб бораётган халқаро алоқалари ҳуқуқий маданиятни шакллантириш учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Ҳуқуқий маданият назарияси ўқув фанини ўрганишнинг умумий асосини, яъни методологиясини ва хусусиятларини қўйидагилар ташкил этади:

**биринчидан**, ҳуқуқий маданият, умуминсоний қадриятлар ва жаҳон андозалари (талаблар);

**иккинчидан**, ҳуқуқий маданият бўйича Шарқ фалсафаси (ислом таълимоти);

**учинчидан**, ўзбек миллий мафкураси;

**тўртинчидан**, тарихий-ҳуқуқий мерос ва тажриба.

**Ҳуқуқий маданият ва умумбашарий қадриятлар.** Ҳуқуқий маданият, энг аввало, умуминсоний қадриятларга, умумжаҳон цивилизациясига, бу соҳада бошқа халқлар эришган тажрибаларга, халқаро ҳуқуқнинг ҳаммаэтироф этган принциплари ва меъёrlарига асосланади.

Юксак ҳуқуқий маданиятга асосланган демократик жамиятнинг халқаро миқёсда этироф этилган принциплари бор. Тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат асосий идораларининг сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, давлат ва жамият бошкарувида қонун устунлиги, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат идора-

ларининг сайловчи ташкилотлар олдидағи жавобгарлиги ва бошқалар шудар жумласига киради<sup>1</sup>.

Инсон ҳуқуқларига доир жаҳон андозалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унга кўшимча Факультатив протокол ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий foя ва қоидаларини ўзига сингдирган. Асосий қонунимиз тарихда синалган умуминсоний қадриятларни ўзида мужағзамлаштирган, энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг ҳуқуқий тажрибасига таянган.

Жаҳоннинг маърифий ривожланган мамлакатлари эътироф этган ҳуқуқий маданият ва давлат суверенитети, демократия ва халқаро ҳуқуқнинг устунлиги каби умумбашарий қадриятлар Ўзбекистон давлатчилик манфаатларига, халқнинг ўзига хослигига, унинг миллий анъана ва урф-одатларига тўла мос келади. Ҳуқуқий маданият Ўзбекистонда Конституция ва қонунлар билангина эмас, балки халқнинг ўз онги, унинг маънавий-ахлоқий дунёқарashi ва ҳуқуқий тажрибаси, меҳр-шафқати билан мустаҳкамланади. “Мустақил Ўзбекистоннинг куч-кудрат манбай - халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир”<sup>2</sup>.

**Ҳуқуқий маданият бўйича Шарқ фалсафаси таълимоти.** Ҳуқуқий маданият ўз обьектив қонуниятлари асосида ривожланади. Шарқда ҳуқуқий маданият ва демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган хусусиятлари мавжуд. Шарқда ҳуқуқий маданият ва демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу ерда ҳуқуқий маданият ва демократия тушунчалари ҳамжиҳатлик foяси, жамоатчилик фикрининг устунлиги заминида шаклланади.

Фарбда эса ҳуқуқий маданият индивидуализм фалсафасига таянади ва бу оммани ҳаддан ташқари сиёсатлаштиришга олиб келади. Шарқда ахлоқий-маънавий қадриятлар сиёсий муносабатлардан устунлиги билан ажralиб туради. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавий адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимотлари билан узвий равишда ривожланган. Шу билан бирга буюк аждодларимиз - Шарқнинг машхур мутафаккирлари Ал-Бухорий, Ат-Термизий,

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.3. 8-бет.

<sup>2</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1993. 74-бет.

Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо ва бошқалар жаҳон маданияти, фани ва цивилизациясига бебаҳо ҳисса кўшганлар.

Ўзбекистонда, бутун Шарқ цивилизациясига хос бўлганидек, оилани барча чоралар билан қўллаб-қувватлаш энг муҳим инсоний қадриятлардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ҳукуқий маданиятни шакллантириш макони маҳалладир. Чунки маҳалла халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир.

Ҳукуқий маданиятни юксалтириш, тўлиқ амалга ошириш миллий давлатчилигимиз тажрибасини ва ҳукуқий маданиятимизни бойитади.

**Ўзбек миллий мағкураси.** Ҳукуқий маданият ўзбек миллатининг турмуш тарзida, анъанавий маданиятида, миллий дунёқарashi ва мағкурасида муҳим ўрин тутади. Ҳукуқий маданиятни тўла карор топтириша миллий, маънавий, линий-ахлоқий, лавлат-ҳукуқий ва тарихий меросимизга, мағкурамиз гояларига таянмоқ керак.

Ўзбек миллий мағкурасининг таркибий қисмлари қуидагилардан иборат: биринчидан, мустақилик ҳис-туйғуси ва истиколони тўла идрок этиш; иккинчидан, ўзбекчилик; учинчидан, кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ватанпарварлиги.

**Миллий мағкура** - она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш, ардоқлаш ва равнақи ҳақидаги гоялар мажмуи. Миллий мағкура - жамият аҳлининг руҳияти кўрсаткичи, хоҳиши-иродасининг намоён бўлишидир. Миллий мағкура ҳар қандай мағкурадан юқоридир. Миллий мағкура давлат тараққиётини белгилаб берувчи мағкуравий мезонларни ҳам қамраб олади. Миллий мағкура адолатли ҳукуқий демократик фуқаролик жамияти ҳақидаги сиёсий-ҳукуқий гоялардан ҳам ташкил топади.

Яқин-яқинларга қадар “миллий мағкура” иборасини ишлатиш жиноят ҳисобланарди. Ўз миллатини севиш, миллий ютуқлардан фаҳрланиш, миллат йўлидаги саъй-ҳаракатлар “миллатчилик” тамгалари билан қораланарди. Наҳотки бирор бир инсон ўз миллатига мансублигидан фурурланса, миллатчи бўлса!?

Миллатчи миллат бўлмайди. Миллийлик, миллатга мансублик умумжаҳон тараққиёт қонуниятидир. “Миллатчилик”, “миллатчи” дейдиганларни, ўз насл-насабини билмайдиганларни ачиниш билан буюк давлатчилик, империяча миллий сиёsat манқурлари деб баҳолаш мумкин, холос. Ўзбекман, миллатимдан ва она юртимдан фаҳрланаман, ўзбек давлатининг фуқаросиман, дея олмаганлар ҳақида нима дейиш мумкин?! Ўзбек халқи қанчалик истибодод,

Қанчалик тазиңің чеклашларға дуч келмасин, ҳеч қаңон тили, дини, маданияти, мероси илдизларидан узилиб қолған эмас. Миллатимизнинг ана шу теран, соғлом ва бой маънавий томирлари ҳуқуқий маданият мустаҳкам пойдеворининг таяңч нуқталарини ташкил этади.

Ўзбек миллий мағкурасининг негизини қуйидагилар ташкил этади: **биринчидан**, миллий гурур, **иккинчидан**, ўзбек миллатининг асосий фазилатлари ва ниҳоят, **учинчидан**, буюк миллий-маданий меросимиз.

**Миллий гурур.** Ўзбек миллатининг гурури, миллий ифтихори қуйидагиларда яққол намоён бўлади:

1) она-Ватанимизнинг кўп минг йиллик буюк тарихий ўтмишида, унинг Шарқ маърифатпарварлиги, умуман, жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган бекиёс ҳиссасида ва унда тутган мавқеида;

2) бизнинг ватандошларимиз, буюк аждодларимиз бўлмиш жаҳон миқёсида тан олинган маданият, фан, дин, адабиёт, санъат даҳоларимизда, давлат ва жамоат арбобларимизда;

3) диёримизнинг маданият, санъат, меморчилик, фан ва ҳуқуқ соҳасидаги бебаҳо ёдгорликларида;

4) ўзбек халқининг ўз она тили, миллий урф-одатлари, анъана-удумлари билан фаҳрланишида;

5) ўзбекларнинг буюк ислом цивилизацияси ва маданиятига ма-нусублигига;

6) ўзбек давлатининг табиий бойликларида, серҳосил ерларида, буюк дарёларида, қолаверса, мамлакатимизнинг иқтисодий куч-кудратида;

7) кўп миллатли Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига, унинг фуқаролари ва бутун халқининг истиқдол ва тараққиётта, буюк келажакка бўлган ишончидан;

8) фуқароларимизнинг жаҳон талаблари даражасида билим ва малака олишга, фан-техникага, бозор иқтисодиёти тадбиркорлиги маданиятига бўлган иштиёқ ва интилишида;

9) Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти томонидан тан олинишида, халқаро нуфузининг ошиб боришида ва ниҳоят,

10) тинчлик, барқарорлик ва ўз истиқдол ва тараққиёт йўлини танлаб олиб собитқадамлик билан бораётганида.

Миллий гурурсиз ҳеч бир миллат миллат сифатида равнақ тополмайди.

**Ўзбекнинг асосий фазилатлари.** Ўзбекларнинг асосий хислатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- ўзбекларнинг туркий халқарга мансублигида, улар билан яқин қон-қариндошлигига, уларнинг тили ва дини, маданий ва тарихий илдизларининг бирлигига;

- ўзбекларнинг барча Шарқ халқлари - қозоқ, қыргиз, туркман, тожик, афғон, эрон, араб, хитой, ҳинд ва бошқалар билан яқинлигига, улар билан ўзаро кўп минг йиллик яқин этник маданий муносабатларida;

- ўзбекларнинг ўзига хос шарқона мустақил маънавий тараққиёт йўлининг бошқа қардош маданиятлар билан узвий ривожланишида;

- ўзбекларнинг ислом маданиятини ва маърифатпарварлигини ўзига хос идрок этишида ва равнақ топтиришида;

- ўзбекларнинг қадимдан Оврўпо, кейинчалик рус маданияти билан яқин ҳамкорлигига;

- ўзбекларнинг очиқлигию меҳмондўстлигига, хоҳ ўз мамлакати ичиди, хоҳ ташқарисида барча миллат ва элатлар, дин вакиллари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликка мойиллигига;

- ўзбекларнинг қўп асрлик оғир ва зиддиятли тарихида, буюк миллий давлатчилик намуналарию тарқоқлик ўқинчларини, мустамлака зулмарию тўла қарамликни бошдан кечирганлигига;

- ўзбекларнинг истиқолол шарофати туфайли буюк миллат, халқ бўлиб бирлашуви, жипслашуви учун имкон яратилганида ва тараққиёт сари ўз мустақил йўли билан боришида;

- ўзбекларнинг ўз кучига ишонишида, меҳнатсеварлигига, тишиб-тинчимаслигига, ишчанлигига, билимдан ва ташаббускорлигига;

- ўзбекларнинг халқقا, Ватанга садоқатида, фидойилигига, жонкуярлигига.

**Миллий маданий мерос.** Ўзбеклар бошқа халқлар сингари бой тарихга эга. Миллий маънавиятимизнинг, маданий меросимизнинг буюк хазина эканлигига шак-шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам фақат маънавий тикланиш ва чинакам покланиш орқалигина биз ўз миллий мағкурамизни яратишимиш мумкин. Бошқа йўл йўқ. Буни қанча тез англасак, миллий истиқолонинг яна бир муҳим истеҳкомини яратурмизким, бу яқинда фиштлари қўйила бошлаган мустақил ўзбек давлати қатъаси учун ҳақиқий маънавий замин бўлиб қолажак.

Ўзбек халқи ҳам, барча халқлар сингари асрлар мобайнида сақданиб, сайқалланиб келган миллий урф-одати, расм-русуми, удуми ва анъаналари, юриш-туриши, фурури, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, дини, ҳуқуқий онги, умуман айтганда, маданий-маънавий дунёси акс этади. Ўзбек халқининг маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ифодаланиши билан бирга, оиласвий ҳаёт учун, ҳар бир инсон учун муҳим тарбиявий аҳамиятга моликдир. Чунки болаларимиз ана шу кўзга илинмас ҳис-туйғу ва онг, аждодлар хотираси ва уз-

вийлиги таъсирида, она сути, она алласи билан маънавий озуқа, тарбия оладилар. Ушбулар тил воситасида онгимизга кириб боради, буларнинг барчаси миллат маънавиятигининг гултоҳи ҳисобланади.

Сир эмаски, асрлар давомида аждодларимиз ҳётида таркиб ва равнақ топган миллий-маданий анъаналарни ва урф-одатларни қадрламаслик маънавий тубанлик, ўз тарихига, она заминига, турогига ҳурматсизлиқдир. Бой, қадимий ва навқирон маънавиятимиз дурданалари миллий-маънавий инқизорзининг олдини олишнинг, миллий-маънавий салтанатимизни тиклашнинг муҳим омили ва таянчи-дир.

Миллатимиз маънавият сарчашмалари ўзбек маданиятигининг янги босқичдаги Ўйғонишидир.

Кўп минг йиллик маданий меросимиз илдизлари униб, ниш бериб, куртак очмоқда. Бу ўзбек маънавиятимизнинг хусусиятлари кўйидагилардан иборат:

Биринчидан, бизнинг юртимиз маданиятининг барча соҳаларида юзлаб, минглаб жаҳоншумул улуг зотлар, давлат арбобларини етиштирган ва умумбашарият маърифатпарварлигини яратишда буюк аждодларимиз улкан ҳисса кўшганлар. Шунинг учун ҳам ўзбек маданий мероси жаҳон маданиятининг ажралмас таркибий қисмидир.

Иккинчидан, мустақил Ўзбекистонда, қолаверса бутун жаҳон маънавиятида ўз ўринларига эга бўлган улуғ аждодларимизни кўкларга кўтариш вақти келди. Тўмарис ва Широқ, Спитамен ва Мангуберди, Темур Малик, буюк бобомиз Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Шоҳжаҳон ва бошқа улуғларимизнинг руҳларини шод айламоғимиз, Гўрўғли, Алпомиш, Ойбарчин, Равшан, Ҳасан, Кунтуғмиш достонларини баралла куйламоғимиз ва эшитмоғимиз керак.

Учинчидан, Ўзбекистон ўзининг чуқур давлатчилик негизларига эга бўлган ўзига хос сиёсий-ҳукуқий, маданий мерос соҳибидир. Эрамиздан бир неча юз йиллар олдин, бизнинг ҳудудимизда ҳукукий тизимлар ва қарашлар тараққий этган Мовароуннаҳрда ислом манфаатларига, ислом ҳукуқшунослиги - фикҳга, шариатга ва, умуман, жаҳон ҳукуқий маданиятига улкан ҳисса кўшган ҳукуқшунослар яшаганлар.

Тўртингчидан, бизнинг ҳудудимизда тўққиз мингдан зиёд тарихий, маданий, меъморчилик ёдгорликлари - ўзбек ҳалқи бекёёс маданий меросининг намуналари сақланиб келинайяпти. Уларни таъми-рлаш, тиклаш, сақлаб қолиши ва келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг маънавий, қолаверса, инсоний ватанпарварлик бурчимиздир. Шунинг учун конституциямизнинг 49-моддасида: “Фуқаролар Ўзбекистон ҳалқининг тарихий, маънавий ва маданий меъросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар”, - дейилган.

Хуллас, миллий мафкурамизнинг узвий таркибий қисмини бой маданий меъросимиз ташкил этади. Маънавиятимиз гулшани дурданаларидан баҳраманд бўлиб тарбияланган соғлом авлод руҳан тетик ва енгилмас бўлиб доимо музafferият отида юргай.

**Тарихий ҳуқуқий мерос.** Мустақил Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш борасида бутун дунёда иш бошлаган ва иш олиб борган барча кишиларни ва барча давлатларни жуда эъзозлайди. Ўзбекистон Республикаси дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида маърифатпарвар демократик адолатли давлат бўлишга ҳаракат қиласди, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва мустаҳкамлашга қатъий кафолат беради.

Инсон ҳуқуқлари умумбашарий ва миллий давлат ва ҳуқуқ тушунчаларини ўзида мужассамлаштиради. Ўзбекистон ўзининг бой ва кўп минг йилик маънавий-ҳуқуқий меросига асосланиб, инсон ҳуқуқларининг умуминсоний қадриялари ҳамда эътироф этган халқаро ҳуқуқ талабларини таъминлаш борасида мунтазам иш олиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари аниқ тарихий ва миллий ўзига хос шароитда табиий равищда пайдо бўлади ва ривожланади. Шунинг учун ҳам ўзбек маънавий-ҳуқуқий меросининг илдизларини чуқур билиш ва идрок этиш, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ўзига хос тушунишни ва ҳолатини тўғри талқин қилишга асос бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбек маънавий-ҳуқуқий меросининг илдизлари қандай? Бизнинг кўхна заминда давлатчилик ва ҳуқуқ ўзининг чуқур илдизларига эга бўлиб, қадим-қадим даврларга бориб тақалади. Ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи пайдо бўлиши ва тараққий этиши тарихий солномаси қўйидагича.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида йигирмага яқин қабилалар бўлиб, улар бир неча қабилалар иттифоқига бирлашган эдилар. Булар орасида бир неча қабилаларни бирлаштирувчи массагетлар алоҳида мавқеи билан бошқалардан ажralиб турганлар. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг чуқур илдизлари ана шу массагетларга бориб тақалади.

Эрамиздан аввалги XV-XII асрларда Марказий Осиё ҳудудининг асосий қисми Оссурия давлатининг таркибида бўлган, шу билан бирга бу даврда мустақил Хоразм давлати ҳам мавжуд эди.

Эрамиздан аввалги VI асрнинг ўрталарида Марказий Осиёда Аҳмоний подшоҳларнинг ҳукмронлиги ўрнатилган.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг иккинчи ярмида хоразмшоҳлар, кейинчалик сак қабилалари мустақилликка эришганлар.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг охирги чорагида Хоразм давлатидан ташқари бутун Марказий Осиё македонияликлар томонидан босиб олинган. Искандар Зулқарнайн вафотидан сўнг, Марказий Осиё Салавкийлар давлати таркибига киритилган.

Эрамиздан аввалги III аср ўртасига келиб, Грек-бақтрия подшолиги ташкил топиб, унинг таркибига Бақтрия, Сүғдиёна, Марфиёна ва Паркана (Фаргона) кирган. Кейинчалик Марказий Осиё ҳудудида Хоразм давлати билан чегарадош бўлган Тоҳаристон давлати ташкил топган. Кўп ўтмай у кичик-кичик давлатларга бўлиниб кетган.

Эрамизнинг I-IV асрларида Марказий Осиё ҳудуди Кушон подшолиги таркибида бўлган. IV асрнинг охирги чорагида Марказий Осиёда кичик-кичик давлатлар ташкил топган.

V аср ўрталарида Марказий Осиё Эфталитлар давлати томонидан босиб олинган.

VI асрнинг охирги чорагидан араблар босиб олгунга қадар Марказий Осиё Фарбий Турк хоқонлиги таркибида бўлган.

VIII аср бошларида Марказий Осиёда араблар ҳукмронлиги ўрнатилган. Араблар бизнинг ўлкани Мовароуннаҳр деб атаганлар.

IX аср охири X аср бошларидан иккинчи ярмигача Ўзбекистон ҳудудида Сомонийлар, X асрнинг иккинчи ярмидан Қорахонийлар, XI аср бошларидан Салжуқийлар салтанатлари мавжуд бўлган.

XII асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳрни қорахитойлар ўзларига бўйсундирганлар. XII асрда Хоразм яна мустақилликка эришган.

XIII аср бошларидан XIV асрнинг 60-йиллари ўрталаригача Мовароуннаҳрда мўғуллар, XV аср охирлари гача Амир Темур ва темурийлар, XVI асрдан Шайбонийлар ҳукмронлик қилганлар. XVI аср охирида Ўзбекистон ҳудудида Бухоро ва Хива, XVIII аср бошларида Кўқон хонликлари ташкил топган.

Марказий Осиё XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия томонидан босиб олинган. Кўқон хонлиги тутатилган. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинган. Бухоро ва Хива хонликлари устидан Россия протекторати ўрнатилган. Ҳудудимиз Туркистон ўлкаси деб атала бошлаган.

1917 йилда “қизил империя” ҳукмронлиги ўрнатилди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилганидан бошлаб Ўрта Осиё ибораси кўлланила бошланди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиди.

Демак, бизнинг ёш мустақил ўзбек давлатимиз ўзида кўхна Суғдиёна ва Хоразмдан бошлаб, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва темурийлар давлатларининг давлат башқарув ютуқларини, ҳалқимизнинг бутун давлат-хукуқий тарихи тажрибасини ҳамда унинг ўз миллий давлатига ва ҳуқуқига эга бўлиш каби асрий орзуарини

мужассамлаштирган. Яъни ҳозирги ўзбек давлати умумжаҳон ва миллий давлатчилик ва ҳуқуқий тараққиёт қонуниятларини ўзида узвий равища уйғуллаштиради. Ўзбек давлати ва ҳуқуқи ўзининг салкам З минг йиллик тарихига эга.

Ўзбекистон Оврўпо ва Осиё маърифатпарвар дунёсини, цивилизацияларини бирлаштирувчи буюк халқаро йўллар кесишган заминда жойлашганд. Маърифатпарварчилик давридаги маънавиятимиз шакллана бошлаганига камида 2,5 минг йил бўлган. Ўзбеклар фоят кўхна ва кўпдан-кўп негизга - саклар, массагетлар, сўғлар, Ксеркс ва Искандар Зулқарнайн, Салавкий ва кўп қабилали туркларгача бўлган фоят қадимий ва чуқур илдизли миллат ҳисобланади. Уларнинг авлод-аждодлари бундан минг йиллар муқаддам шу тупроқда ўтроқ бўла бошлаганлар. Ўзбек элати шаклланишида ўтмишда араблар ва форстожик маданияти намояндалари, XIII-XIV асрлардаги мўгуллари ҳамда XV-XVI асрлардаги Чингизхоннинг чигатой улуси мўгуллари ҳам ўзларининг бевосита таъсирларини кўрсатганлар. Ўзбекларнинг ота-боболарига, авлод-аждодларига ҳиндлар, хитойлар, греклар томонидан ҳам маданий таъсирлар бўлганини кўриш мумкин. Таъбир жоиз бўлса, элат тарзида шаклланган бу ўзига хос гиламда уйгурлар, арманлар, лўлилар ва ўнлаб бошқа нисбатан кам сонли миллий жамоаларга тааллукли, дарҳол кўзга ташланмайдиган маданий иплар ҳам тўқилганлигини айтиш керак. Йигирма асрдан кўпроқ даврдан бери Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда бизнинг авлод-аждодларимиз билан бирга яхдийлар ҳам яшаган ва яшаб келмоқдалар. X асрдан XV асргача Мовароуннаҳр шаҳарларида талайгина насронийлар ҳам яшаганлар, боз устига мўғул ҳукмдорлари Ислом динини қабул қилгунларига қадар оммавий равища уларга ҳомийлик қилганлар.

XIX аср охиридан эътиборан Туркистон халқлари орасига руслар ва рус маданиятидаги кишилар қўшилди.

Ўлқамизнинг мўгулларгача бўлган ва темурийлар давридаги номи - Мовароуннаҳр уйғониши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш даркор. Ислом цивилизацияси халқимизнинг дунёқарашини тўлдириди ва бойитди, бу халқ жаҳонга таниқли ва башарият томонидан тан олинган буюк мутафаккирларни етказиб берди.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон ўз тараққиётининг асоси бўлмиш миллий давлатчилиги, ҳуқуқий тизимини қайтадан яратмоқда, халқимизнинг маънавияти камол топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси демократик-ҳуқуқий давлат қуришга азму қарор қилган экан, юксак ҳуқуқий маданият, Конституция ва қонунга ҳурмат, итоаткорлик, миллий истиқтол мафкурасида муҳим ўрин эгалламоқда. У ўзида халқимизнинг энг ардоқли фазилатлари -

нимон ва инсоф, меҳр-оқиоат, шафқат ва раҳмдиллик, ҳаёт ва андиша, ор-номус, элига ва юргита содиқлик, ватанпарварлик каби қадриятлар ва гояларни мужассамлаштиришга қаратгандир. Ўзбек халқи асрлар мобайнида авайлаб сақлаб, сайқаллаб келган ўз миллий урф-одатлари, расм-русумлари, удум ва анъаналари, фурури, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, ҳуқуқий онги ва маданияти, эътиқоди, қисқача айтганда, маданий-маънавий дунёси билан ажralиб туради. Буюк алломаларимиз башарият мәърифатпарварлигини яратишда бевосита иштирок этганлар, улар жаҳон ҳуқуқий цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлар. Уларнинг бой маданий-ҳуқуқий мероси ҳозирги мустақил ҳуқуқий тараққиётимизнинг мустақил пойдевори бўлиб хизмат қиласиди.

#### **4. Ҳуқуқий маданият назариясининг ижтимоий ва юридик фанлар тизимидағи ўрни**

Ҳуқуқий маданият назарияси ўкув фани сифатида турли ижтимоий ва юридик фанлар билан узвий боғлиқдир. Ушбу боғлиқлик мазкур фанлар ўрганиш объектининг умумийлигидан келиб чиқади. Улар ўз предмети доирасида жамият ва маданият, давлат ва ҳуқуқ каби ижтимоий ҳодисаларни ўрганадилар. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири муайян хусусиятга, ўзи ўрганадиган фан соҳасига эга.

Ҳуқуқий маданият назарияси ижтимоий фанлар бўлмиш фалсафа, иқтисодиёт назарияси, социология, сиёсатшунослик, маданиятшунослик, тарих каби фанлар билан ҳам боғлиқдир. Айни пайтда ҳуқуқий маданият назарияси бу фанлардан фарқ қиласиди.

**Иқтисодий фанлар ва ҳуқуқий маданият назарияси.** Иқтисодий фанлар базис ҳисобланувчи ҳодисаларни ўрганади: ишлаб чиқариш муносабатлари тизими, хўжалик ҳаётини ташкил этиш, хўжалик соҳалари, меҳнат, молия, кредит ва бошқалар. Ҳуқуқий маданият назарияси ўкув фани энг муҳим устқурмавий ҳодиса - маданият ва ҳуқуқни ўзининг асосий предмети ҳисоблайди. Иқтисодий фанлар ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро таъсири, уларнинг бир-бирига кириб бориши, ҳуқуқий маданиятнинг иқтисодиётга қанчалик боғлиқ эканлигини аниқлашга имкон беради.

**Фалсафа ва ҳуқуқий маданият назарияси.** Фалсафа табиат ва жамият ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганади. Шу боис у жамият ва маданият, давлат ва ҳуқуқ масалаларини умумий тарзда, ижтимоий ҳодиса сифатида кўриб чиқади.

Хуқуқий маданият назарияси фани фалсафанинг хulosалариға таянган ҳолда, хуқуқий маданият муаммоларини конкретлаштиради ҳамда бир қатор маҳсус назарий масалаларни ўрганади. Бунда фалсафа ва хуқуқий маданият назарияси бир-бирини тақорламайди, аксинча, тўлдиди.

Фалсафа борлиқнинг онгга, инсоннинг уни ўраб турган атроф-муҳитга муносабатининг умумий принциплари ҳақидаги билимлар тизимиdir. Фалсафа хуқуқий маданиятнинг моҳияти, табиати, унинг ижтимоий ҳодисалар тизимидағи ўрнини аниқлайди ва фақат шунинг ўзи билан чекланади. Хуқуқий маданият назарияси фани эса хуқуқий маданиятни унинг барча кўринишлари ва белгилари билан бир бутун ҳолда батафсил ўрганади. Агар фалсафа хуқуқий маданиятнинг моҳиятини топиш калитини берса, хуқуқий маданият назарияси фалсафани ижтимоий тараққиёт, хуқуқий маданиятнинг умумий таймилларини ифодаташ билан куроллантиради.

**Социология ва хуқуқий маданият назарияси.** Социология жамиятнинг яхлит ва унинг алоҳида тузилиш ва ижтимоий гуруҳлари тўғрисидаги, социал жараёнлар, алоҳида шахслар ва гуруҳлар хулқатворининг қонуниятлари ҳақидаги фандир. Социология ўзининг хulosаларида эмпирик маълумотларга, ижтимоий тажрибаларга асослади. Барча ижтимоий ҳодисалар, шу жумладан, хуқуқий маданият ҳам социологик тадқиқотларнинг обьектига айланади. Социология ҳам, фалсафа сингари, хуқуқий маданиятни билишнинг умумий воситаси ҳисобланадики, у хуқуқий маданиятни билиш асосида ўзининг предметини чуқурлаштиради ва янада ойдинлаштириб олади.

**Сиёсатшунослик ва хуқуқий маданият назарияси.** Сиёсатшунослик сиёсатни, унинг шаклларини, сиёсий жараёнлар ва сиёсий бирлашмаларни, шу жумладан, партияларни, сиёсий ва давлат ҳокимиятига эришиш воситалари, фуқаролик жамияти, давлат ва шахснинг ўзаро муносабатини ўрганади. Сиёсатшунослик инсон сиёсий маданияти муносабатлар тизими орқали, яъни фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш орқали ўрганади.

Хуқуқий маданият назариясининг барча ижтимоий фанлар билан алоқаси ҳам шу каби икки томонламадир.

Юридик фанлар ва хуқуқий маданият назарияси ўзига хос предметта эга. Юридик фанлар, биринчи навбатда, хуқуқий маданиятнинг юридик соҳалари ва улар амалиётининг таҳлили, яъни хуқуқий маданиятнинг шаклланиши, мустаҳкамланиши, амалга оширилиши билан шугулланади. Унда хуқуқий маданият ҳақидаги таълимот фуқаронинг хуқуқий мақоми асосида ёритилади. Фуқаронинг хуқуқий ҳолати - инсоннинг юридик жиҳатдан ифодаланишининг асосидир.

Хукуқий маданият назарияси фани юридик фанлар билан яқин алоқадорликладыр.

Авваламбор, давлат ва ҳуқуқ назарияси умумметодологик назарий фан сифатида ҳукуқий маданият назарияси учун пойдевор ҳисобланади. Ҳукуқий маданият назарияси давлат ва ҳуқуқ назарияси доирасидаги мустақил илмий йұналиштады.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганади. У ўз предмети доирасида ҳукуқий маданият түшүнчеси ва моҳияти, аҳамияти ва вазифаларини талқын қылады. Ҳукуқий маданият назарияси давлат ва ҳуқуқ назарияси хулосаларига таяниб, ҳуқуқий маданият муаммоларини аниклаشتариради ҳамда давлат ва ҳуқуқ назарияси томонидан ўрганилмайдыган маҳсус назарий ва амалий масалаларни қараб чиқади.

Шундай қилиб, ҳукуқий маданият назарияси янги фан бўлиб, у ҳукуқий маданият бўйича муайян назарияни ишлаб чиқишида кўпчилик ижтимоий ва юридик фанларнинг назарий қоида ва хулосаларига таянади ва уларни ривожлантиради.

## II боб

### ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИННИГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

\* Ҳуқуқиј маданият назарияси тушунчаси \* Ҳуқуқиј маданият функциялари

#### 1. Ҳуқуқиј маданият назарияси тушунчаси

Ҳуқуқиј маданият назариясининг асосий масаласи “ҳуқуқиј маданият нима” деган саволга жавоб беришдир. Бу саволга жавоб бериш учун ҳуқуқиј маданият ҳақидаги билим шакларини таҳдил қилиш, ҳуқуқиј маданият назарияси ўрганадиган масалалар доирасини белгилаш ва асосий тушунчаларига түхталиб ўтиш зарур.

Шу боис гап ҳуқуқиј маданиятнинг аниқ ҳодисалари ҳақида бўлмай, балки, ҳуқуқиј маданий қадриятлар ҳақидаги билимларнинг шаклланиш жараёни ҳақида, демократик ҳуқуқиј давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятининг шаклланиши шароитида амалга ошириладиган қадриятлар учун зарур бўлган ҳуқуқиј воситалар тизимининг таҳдили ҳақида боради.

✓ Маданиятнинг умумий таърифига назар ташласак, бутунги кунда ижтимоий фанлар доирасида “маданият” тушунчаси каби турли-туман, қарама-қарши талқин ва фикрларга бой бўлган бошقا ижтимоий ҳодисани топиш қийин.

Мисол тариқасида шуни келтириш жоизки, чет эллик олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 1919 йилга қадар “маданият” тушунчасига еттита таъриф берилган, 1950 йилга келиб бу сон 164 тага, 1970 йилларда эса - 250 тага етган<sup>1</sup>. Америкалик олимлар А. Кребер ва К.Клакхонлар эса 1950 йиллар-

<sup>1</sup> Қаранг Fischer Hugo. Theorie der Kultur. Das kulturelle Kraftfeld. Stuttgart, 1965; Боль A. Социология культуры. М., 1973. -С.35.

нинг бошида "маданият" тушунчасининг 257 та таърифи мавжудлигини таъкидлаганлар<sup>1</sup>.

Шу билан бирга ҳуқуқий маданият назариясининг асосий йўналишларини аниқлаш масаласига оид ижтимоий ва юридик тадқиқотлар ҳуқуқий маданият хусусиятларининг ривожланишини кўрсатишга эътибор бера бошлади. ¶

Жаҳон фанлари миқёсида маданиятта оид ёндашувларни уч гурӯхга бўлиш мумкин:

биринчидан, антропологик ёндашув;

иккинчидан, социологик ёндашув;

учинчидан, фалсафий ёндашув<sup>2</sup>.

**Антропологик ёндашувда** маданият табиат яраттан нарсалардан фарқли равища, инсон томонидан яратилган неъматларнинг йигиндиси сифатида тушунилади.

**Социологик ёндашув** эса маданиятни маънавий қадриятлар сифатида талқин этади. Бу ерда маданият ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида қатнашади.

Ва ниҳоят, фалсафий ёндашишда маданий ҳодисалар ижтимоий ривожланишга боғлиқ бўлмаган, соф таҳлилий ҳолда ажратилиб кўрсатилади.

Антропологик ёндашишнинг ижобий томони унинг кенг кўламлиги ҳисобланади, чунки маданият ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил томонлари ва доираларининг намоён бўлишини кўрсатади. Унинг афзаллиги ҳозир жуда кенг тарқалган тор амалиёт ва кўп ҳолларда «маданий» ва «ҳуқуқий маданият» ни вазиятта қараб ишлатиш ҳоллари билан тақдосланганда янада равшанроқ кўринади. Бироқ, кенг кўламли ёндашиш жиддий камчиликлардан ҳоли эмас.

У инсон фаолияти натижаларининг объектив ҳолатини юзаки, умумий аниқлашга мўлжалланган. Бундан ташқари, ушбу натижаларни қадриятлар сифатида тавсифлаганда, ҳавола антропологик ёндашув қадриятларга нималар киришини белгилайдиган мезонларни аниқлаб бермайди. Бу фикрлар билан ҳуқуқий қадриятларни ажратиш мумкин эмас, чунки ҳуқуқий қадриятларсиз ҳуқуқий маданиятни тушуниб бўлмайди.

<sup>1</sup> Kroeber A, Kluchonu C. Culture // Anaeitical Review of Concepts and Debinisitions. Cambridge: Mass., 1952. P. 57-58.

<sup>2</sup> Қаранг: Сальников В.П. Социалистическая правовая культура. -Саратов, 1989. 5-12-бетлар.

Маданият ҳақидағи тасаввурларнинг ривожланиш жараёнида ижобий рол ўйнайдиган, ушбу ижтимоий ҳодисанинг таҳдили иккита бошқа усул билан тұлдирилиши лозим. Улардан биринчиси, маданиятнинг ижобий фаолият жараёнини аңглашда намоён бўлса, иккинчиси, инсон фаолиятининг ўзига хос усулидир. Маданий фаолиятта умумий изоҳ бериш улар учун умумий бўлиб, лекин ушбу изоҳ бериш усули кўпинча ўхшаш бўлавермайди.

Биринчи усуlda, маданият инсоннинг тақомиллашиш, амал қилиш ва маънавий ишлаб чиқариш жараёни орқали таҳдил қилинади. Иккинчи фикр вакиллари маданиятнинг умумий моделини ижтимоий ҳаётнинг универсал хусусияти сифатида қарашни таклиф этадилар.

Маданиятни шахс режаси сифатида қараш, назаримизда, замонавий ҳуқуқий маданиятуносликнинг асосий йўналишларини белгилайди ва шахснинг ҳуқуқий маданияти муаммоларини тадқиқ этишни рагбатлантиради.

Умуман, маданиятта багишланган аксарият илмий ишлар ҳозиргача шахс муаммосига тааллуқидир.

Маданиятта бошқача ёндашиш тарафдорлари уни ижтимоий ҳаётнинг универсал хусусияти сифатида қараб, унинг амал қилиши ва ривожланишини таҳдил қилишга алоҳида эътибор берадилар. Ушбу мақсадларда улар этнография, археология, антропология, социал бошқарув каби тадқиқот амалиёти соҳаларининг мўътадил таҳдил тамойилига мурожаат этадилар. Улар томонидан олинган кўрсаткичлар инсон ижодий фаолияти маданий чўққисининг маъносини чуқур аңглашга ёрдам берди.

Маданиятни маданий фаолият орқали кўриш шахс муаммолари билан маҳсус шугулланувчи муаллифларга хосдир. Ушбу йўналиш вакилларининг қарашларида бир қанча қарамақаршиликлар борлигига қарамай, улар маданиятни инсоннинг тарихий ижодий фаолияти нуқтаи назаридан таҳдил қилиш ва ушбу фаолиятни унинг субъекти сифатида ривожлантиришдир. Ушбу ёндашища маданият тараққиёти ижтимоий фаолиятнинг истаган соҳасидаги шахснинг ривожланишига тўғри келади.

Ҳуқуқий маданият назариясини ўрганишда умуммиллий бошлангич талабларни таҳдил қилиб, ҳуқуқий маданиятни аксиологик таҳлилсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Аксиологик ёндашувсиз ҳуқуқий маданиятни тўғри аңглаш мумкин эмас. Ҳуқуқий маданият соҳасига тегишли воқеаларни ажратиб, тан-

лаб олингандан кейин, ушбу воқеаларга амал қилиш ва тако-миллаштириш қонуниятларини билишда, албатта, аксиологик таҳлил керак. Фақат унинг ёрдамида ҳуқуқий маданиятнинг ҳар бир воқеасига ҳолис баҳо бериш, унинг ижтимоий-тарихий аҳамиятини аниқлаш мумкин.

Ҳуқуқий маданият назариясини шакллантириш тамойилларини ҳисобга олиш зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат ва ҳуқуқ назарияси доирасида мустақил илмий йўналиш бўлган ҳуқуқий маданиятшунослик ёки, бошқача сўз билан айтганда, ҳуқуқий маданият назарияси шаклланди.

Ҳуқуқий маданият назариясининг ҳаётийлиги ва кучи шундаки, у инсон ҳуқуқий тафаккурини шакллантиришнинг муҳим воситаси ва натижаси сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқий маданият жамият ва шахснинг ҳуқуқий ҳолати тимсолида қабул қилиниши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий ҳодисадир.

Ҳуқуқий маданият назариясига оид барча муаммолар атрофлича ўрганилиши зарур. Шу билан биргалиқда ҳар бир муайян ҳолатларда маданиятнинг турлича кўринишларини тушунишда қатъий белгиланадиган у ёки бу жиҳати устун бўлади. Чунончи, ҳуқуқий ҳаётда, маърифатпарварликнинг шаклланишини таъминлашда инсон омилини ошириш нуқтаи назаридан ёндашилганда, авваламбор, эътиборни ҳуқуқий маданиятнинг мазмунига қаратиш зарурлиги намоён бўлади.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онгнинг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштиришнинг ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир тури сифатида кўрилади. Моҳияти жиҳатидан, бу унинг ҳуқуқий тафаккур, юридик техника (услубият) ва ҳуқуқий тажрибанинг мужассамлантирилишидир. У амал қилаётганда ва унинг таркибий қисмлари ривожлантирилаётганда ҳуқуқнинг ўзига, ҳуқуқий амалиёт, ҳуқуқий муносабатларга, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботга, ҳуқуқий ижодкорлик ва ҳуқуқни кўллаш, шунингдек, бошқа ҳуқуқий фаолиятларга, бутун ижобий ҳуқуқий борлиқка сингиб кетади.

Ҳуқуқий маданият инсонсиз ва унинг дунёқарашини белгиловчи фаолиятсиз, бундай фаолият ва тафаккурнинг прог-

рессив йўналишисиз мавжуд бўла олмайди. У бу ерда ҳуқуқий реалликнинг ҳақиқий амал қилиши ва ривожланишидаги муҳим жиҳатларини қамраб оловчи, аниқ белгиланган мақсадлари йўналтирилган ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Шунингдек, ҳуқуқий воситани қўллашга - шахс ва жамиятни прогрессив ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш муҳимдир. Ҳуқуқий маданият фақат ижтимоий тараққиёт доирасидагина тўлиқ ҳолда тушуниши мумкин. Ҳақиқий ҳуқуқий маданият тарихий ижобий ҳуқуқий тажрибани эътиборга олмасдан мавжуд бўла олмайди.

«Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти» тушунчаси кўпинча ҳуқуқий воқеаликнинг қимматли бўлғаги, унинг олға қараб ривожланишининг даражаси сифатида намоён бўлади. У илғор ва ижобий маърифатпарварлик ҳуқуқий қадрияtlарини қамраб олади.

**Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти шахс эркинлиги ва хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг ҳуқуқий ҳимоя этилишини ва ижтимоий фаоллигини кафолатлаш учун замин бўлиб ҳисобланади.**

Шахснинг ҳуқуқий маданияти жамият ҳуқуқий маданиятининг узвий таркибий қисмидир. Бу фаолият ҳуқук соҳасида жамият тараққиётига ва унинг маданиятига мос келади, натижада шахснинг ва жамиятнинг доимий ҳуқуқий бойиши содир бўлади. Шубҳасиз, шахснинг юксак ҳуқуқий маданияти жамият тараққиётини таъминлайди. У инсоннинг билимдошлиги билан яқиндан уйгунашиб кетади. Шахснинг ҳуқуқий онгига нисбатан умумий ва ўзига хос жиҳатлар ҳам мавжуддир. Бу, шунингдек, ҳуқуқий тарбияга ҳам боғлиқдир.

**Шахснинг ҳуқуқий маданияти - жамият ҳуқуқий маданиятининг зарурий шарт-шароити ва илк бунёдкори, унинг мақсади ва таркибий қисмидир.** Шу билан бирга у шахснинг ўзининг қонуний фаолият даражасида акс этувчи ҳуқуқий ривожланишининг жиҳати ҳамдир. У жамият ҳуқуқий ҳолати мувайян даражасига боғлиқ ҳолда унинг муҳим негизини ташкил этади ва унинг асосида ётади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти амалиётда унинг ижобий ҳуқуқий онгини тақозо қиласди. У ҳуқуқ соҳасида жамиятнинг прогрессив ютуқларига мос келувчи ижодий фаолиятни ташкил этиб, натижада шахснинг доимий ҳуқуқий бойиши рўй беради.

Шундай қилиб, шахснинг ва жамиятнинг ҳуқуқий маданияти умуминсоний қадриятлар тушунчаларининг ва инсоният умумдемократик ютуқларининг муҳим натижасиdir. Ҳуқуқий маданият - ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисмидиr.

## 2. Ҳуқуқий маданиятнинг функциялари

Ҳуқуқий маданият бир неча маҳсус функцияларни бажаради. Бу функциялар қўйидагилардан иборат:

- регулятив функция;
- норматив функция;
- социологик ҳуқуқий функция;
- коммуникатив функция;
- прогностик функция.

**Ҳуқуқий маданиятнинг регулятив функцияси демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришни ва адолатли фуқаролик жамиятини вужудга келтиришни таъминловчи назарий ва ташкилий фаолият билан боғлиқ. Бу функция умумий ва шахсий манфаатларни инсоният ижтимоий ривожланишининг марказига қўйиш, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун муҳит яратиш, унга зарур меҳнат ва ҳаёт шароитини яратиш, сиёсий эркинлигини таъминлашга ёрдам беради. Бу функция умуминсоний аҳамиятта эга бўлган ҳуқуқий ва маънавий кафолатларни, яъни росттўйлик, инсоф, диёнат, эзгулик, шафқат, виждан, инсоний қадр-қиммат ва танлов эркинлигини қамраб олади.**

Ҳуқуқий маданиятнинг регулятив функцияси ҳуқуқий тизимнинг барча элементларининг барқарор ва батартиб ҳаракатланишини таъминлашга йўналтиради.

Ҳуқуқий маданият узвий бир бутунилиқдаги ҳуқуқий онг ва борлиқнинг таркибий қисми сифатида майдонга чиқар экан, у бутун инсоний борлиқни акс эттирибина қолмай, балки унга фаол қайта таъсирини ҳам мақсад қилиб қўяди. Унга хос қадриятлар, ҳуқуқий нормалар, тамойиллар ва ҳулқ-атвор на муналари фуқаролар, ижтимоий қатламлар ва гурухлар бирдамлигига, уларнинг кучини ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришга йўналтиришга, тўплашга ёрдам беради.

Ҳуқуқий маданият одамларнинг ижтимоий бирлашувини таъминлаши мумкин. У фақат фуқароларга, ўзаро ҳуқуқий мулоқотта киришувчига имконият яратиб бермасдан, балки улар-

нинг ўзаро муносабатларини бошқаради. Ҳуқуқий маданиятнинг регулятив функцияси ҳуқуқий ва бошқа социал нормалар орқали амалга ошади. Ушбу функция шарофати билан ҳуқуқий маданият одамларни уларнинг фаолиятида белгиланган қоидаларга социал интилиш ва идеаллари, эҳтиёжлари ва манфаатларининг ҳуқуқий муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларининг амалга ошувини таъминлайди, бу муносабатларни йўлга кўйишга ёрдам беради.

Ҳуқуқий маданиятнинг норматив функцияси аксиологик тавсифлар тизими ёрдамида акс эттирилади. У турли ходиса ва фактларда маълум бир аҳамият касб этган онгли шахслар ҳаракатида ўз аксини топади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий нормалар бошқа жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ташкил қилувчи элементлар баҳоловчи объект сифатида майдонга келади. Бу ерда сўз ҳуқуқдаги аҳамият тўгрисида борганилиги каби, ҳуқуқнинг ўзининг аҳамияти сифатида маълум бир маъно касб этиши тўгрисида ҳам бормоқда.

Ҳуқуқий маданиятнинг норматив функцияси ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган ҳаракат намуналарига мос ҳолда атроф ҳуқуқий воқеликни ўзгартиришга эришилган натижага нисбатан муносабатда ўз аксини топади. Ҳуқуқий маданиятдаги баҳоловчи фаолият шахс, ҳуқуқ хизматчилари жамияти, қонунчилик, ҳуқуқий тартиб-интизом, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий бошқарув механизми (тегишли ҳуқуқий аҳамиятта эга бўлган) «ўлчовидан» ташкил топади. Ҳуқуқий реаллик аниқ юридик ҳодатдан ҳуқуқий тизимгача энг кенг кўламда баҳоланади. Ҳуқуқни, аниқ ҳуқуқий нормаларни, фуқаролар ҳулқ-атвори, ҳуқуқни бузишга қарши кураш олиб борувчи ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар фаолиятини ўз ичига олади.

Ҳуқуқий маданиятнинг социологик функцияси шахснинг ҳуқуқий сифатларининг шаклланиш тизими орқали ўрганиб чиқилиши мумкин. Сўзсиз, бундай жараёнга ҳуқуқий воқелик маълум бир таъсир ўтказади. Шу билан бирга, мақсадли ҳуқуқий тарбиявий ишларни олиб бориш, аҳолининг ҳуқуқий таълим мини ташкил қилиш чорасини кўриш, уларга юридик ёрдам кўрсатиш, шахснинг ўзини ўзи тарбиялаш жараёнини фоллаштириш зарур.

**Ҳуқуқий маданият коммуникатив функцияни ҳам бажаради.** У фуқароларнинг ҳуқуқий доирадаги мулоқотини таъминлар экан, шу мулоқат орқали мавжуд бўлади ва таъсир этади.

Бу ерда фуқароларнинг фақат ҳуқуқий ҳаракат доирасидаги бевосита мулоқоти назарда тутилибгина қолмасдан, балки уларнинг биз шахсан нотаниш бўлган, биздан макон ва замонда муайян оралиқда бўлган тенгдошларимиз, ўтмиш авлодларимиз билан бевосита «мулоқоти» назарда тутилмоқда. Бундай мулоқот ёзма юридик асарлар воситаси билан таъминланади ва бутунги кунда у оммавий ахборот воситаларининг такомиллашуви билан янада ривожланади. Ҳуқуқий мулоқот субъектларо ўзаро таъсир формуласи бўлиб, ҳуқуқ доирасида эркин ва камёб моҳият сифатида майдонга чиқади.

Бу функцияни ўзлаштириш ҳуқуқий маданий меросга, замонавий ҳуқуқий маданиятнинг бошқа кўринишларига нисбатан муносабатимизни белгилайдиган турли асарлардаги ҳуқуқий маданиятни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ҳар бир жамиятнинг ҳуқуқий маданияти бошқа жамият ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро тавсирисиз муваффақтияти ривожлана олмайди. Мамлакатимизнинг советлар даврида маданиятни чеклашга уриниш, жумладан бой тарихий, ҳуқуқий меросимиздан узишга интилиш ва замонавий давлатлар маданий-ҳуқуқий ҳаёти билан ҳар қандай алоқани чеклашга уриниш қандай ачинарли оқибатларга олиб келгани маълум.

Ҳуқуқий маданият ўзида ҳозирги ва ўтмиш давр ҳуқуқий маданияти илгор ютуқлари ҳамма турларини тўплаши лозим. Ҳуқуқий маданиятнинг коммуникатив функцияси охир оқибатда фуқароларнинг гоявий-ҳуқуқий алоқаларини жамият такомиллашуви ва ҳуқуқий тажрибаси мерос қилиб қолишини таъминлайди.

Ҳуқуқий маданиятнинг коммуникатив функцияси фақат «бугунги» ҳуқуқий бошқарув доирасида ташкил топибгина қолмайди. У ҳуқуқий маданиятнинг ривожланишини режалантириш ва прогнозлаштириш, ҳуқуқий маданият қуриш ва ривожланиш учун зарурый элемент сифатида юзага келади.

Ҳуқуқий маданиятнинг прогностик функцияси ҳуқуқий ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллашни қамраб олади, қонунлар ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашни, фуқароларнинг ҳуқуқка мос хатти-ҳаракати, фаоллиги ва бошқаларни, бутун ҳуқуқий тизим учун хос бўлган анъяналарни ташкил қилишни ўз ичига олади. Ҳозирги вактда илмий прогнозлаш ва режалаштиришнинг элементлари, масалан қонунчилик фаолиятида кучайиб

бормоқда, чунки қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни режали равищда амалга ошириш зарур.

Хукуқий маданият башоратлар (олдиндан айтиб бериш) эхтимоли бўлган ўзига хос қадриятлардан иборат. Бундай ҳолларда ҳатто маълум даражадаги ноаниқлик етарли асосланган башорат қилиш имкониятини чеклаб қўяди.

Хукуқий маданиятта бевосита алоқадор бўлган жуда кўп қарама-қаршиликларга дуч келиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси, албаттa, ҳукуқий маданиятта таъсир қиласди. Ана шунинг учун ҳукуқий маданиятни ривожлантириш бўйича қонунчилик ва ҳукуқий тизимдаги мавжуд зиддият ва қарама-қаршиликларни бартараф қилмасдан, шахсни ҳар томонлама ҳукуқий камол топтириш мумкин эмас.

Ҳукуқий маданият цивилизациянинг ривожланишига, тартибга солинишига, яхшиланишига турткি бўлади. Ҳукуқий маданият - бу динамик ҳолат. Унда маънавий бойликлар ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Шахсники каби, жамиятнинг ҳукуқий маданияти ҳам маънавийликсиз бўлиши мумкин эмас. Жамиятимизда умумбашарий қадриятларни тиклаш юқори умуминсоний маданиятнинг ажралмас элементини, мамлакатимиз ҳукуқий маданияти элементини ҳам ташкил қиласди.

Ҳукуқий маданият мамлакатимиз идеалларига хизмат қилганлиги учун эмас, балки унда умуминсоний идеаллар, адолат ўз аксини топгани учун қадрлидир. Агарда ҳукуқий маданият бу идеаллардан узоқлашса, унда у цивилизацияни ва ҳукуқни ҳурмат қилишга хизмат қиласди.

### III боб ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТУЗИЛИШИ

---

- \* Ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисмлари: а) ҳуқуқ - ҳуқуқий маданият негизи; б) ҳуқуқий муносабатлар - амалдаги ҳуқуқий маданият; в) юридик муассасалар; г) ҳуқуқий онг; д) ҳуқуқий хатти-ҳаракат
- \* Ҳуқуқий маданият ва тараққиёт

#### **1. Ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисмлари**

Ҳуқуқий маданият тузилишини, унинг моҳиятини адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришда туттган ўрни ва вазифасини аниқлаган ҳолда кўриб чиқиш керак. Бунда фақаттина унинг элементларини санаб ўтиш ва умумий тавсифи билан чекланиб қолмасдан, ушбу элементларнинг ўзаро муносабатларини уларнинг яхлитлигини, узвий бирлигини кўрсатган ҳолда ҳамда улар орасидан асосий элементлар ва иккинчи даражали элементларни ажратиб кўрсатган ҳолда аниқлаш талаб қилинади.

Ҳуқуқий воқеликнинг турли жиҳатлари ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисмлари бўлиб ҳисобланади.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти куйидаги қисмлардан ташкил топади:

биринчидан, юридик нормалар тизими бўлмиш ҳуқуқ;

иккинчидан, ҳуқуқий муносабатлар, яъни қонун билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар тизими;

учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва таъминлаш фаолияти билан шугулланувчи давлат ва жамият институтлари тизими бўлмиш юридик муассасалар;

тўртинчидан, ҳуқуқий онг, яъни ҳуқуқий воқеликни маънавий жиҳатдан акс эттирувчи тизим;

бешинчидан, ҳуқуқий хатти-ҳаракат (ҳам қонуний, ҳам қонунга хилоф).

Кўриб турганимиздек, ҳуқуқий маданият ижтимоий онг ва ижтимоий амалиётнинг кўп жиҳатли ҳолати бўлиб, жамиятни тавсифловчи барча ҳуқуқий жиҳатларнинг синтезидир.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ташкил этувчи элементлар бир вақтнинг ўзида бошқа хил тузилмаларга ҳам кира-

ди. Ундан ташқари ҳуқуқий маданият элементлари бир неча тизимларнинг таркибий қисмлари бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданиятнинг тузилишини таҳдил этганда асосий эътиборни унинг табиатига қаратиш керак. Агар кишилик фаолияти шаклларининг ҳуқуқий маданиятда туттан ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинса, авваламбор, иккита соҳани назарда тутиш керак: биринчидан, бевосита ҳуқуқий соҳадаги фаолият ва иккинчидан, ҳуқуқий характерда бўлмаган, лекин ҳуқуқ амал қиласидан соҳа билан боғлиқ бўлган фаолият. Биринчисини тушунишда гоятда анъанавий бўлмаган йўналишлар намоён бўлса-да, алоҳида қийинчиликлар учрамайди. Иккинчисининг мазмунини ишлов бериш, яъни бадиий шаклда бўлган ҳуқуқий гояларни, қарашларни, баҳоларни, ҳиссиётларини ва ҳоказоларни акс эттирадиган қандайдир асарлар ташкил этади. Бу фаолият бевосита ҳуқуқий маданиятта кирмайди, лекин ўз гоявий мазмуни жиҳатидан унга сингиб кетади. Шундай қилиб, радио, телевидение, адабиёт, тасвирий санъат, кино, журналистика ўзича ҳуқуқий маданиятта кирмайди, лекин доимий равишда уни тўлдириб боради.

Ҳуқуқий маданиятнинг юқорида таъкидлаган элементлари унинг мазмунига тўла мос келмайди. Аммо улар жамиятнинг ҳуқуқий маданияти даражасини ифодалайди. Унинг мазмуни эса фақат ҳуқуқий онг, ҳуқуқ, қонунийлик кабиларнигина эмас, балки унинг ривожланиш даражасини, миқдорини, яъни цивилизациянинг, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичи нималарни берса, ҳаммасини қамраб олади.

Энди ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисмларини батафсил кўриб чиқамиз.

**а) Ҳуқуқ - ҳуқуқий маданият негизи.** Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳуқуқий маданиятнинг энг биринчи ва асосий таркибий қисми ҳуқуқдир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳуқуқи жиддий ва туб ўзгаришларга учраганлиги билан ажralиб туради.

Қонунларда, давлат ҳуқуқий тузилишида, ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳуқуқий маданият институтлари ҳамда механизmlарида кўз ўнгимизда юз бераётган ўзгаришлар шунчалар жадал ва чуқурки, ҳуқуқий ривожланишнинг оламшумул, стратегик истиқболлари ва мақсадлари тўғрисида ўйлаш, мамлакатимизда юз бераётган ҳуқуқий ислоҳотларни жаҳондаги ҳуқуқий ривожланиш жараёни билан “мослаштириш”, унда

Ўзбекистоннинг ўрнини ҳамда ушбу ўринга мос ислоҳотчилик йўналишлари ва мақсадларини аниқлаш зарур.

Бизнинг миллий ҳуқуқий тизимимиз бутунлай янги асосда, жаҳон ҳуқуқий жараёнининг ютуғи бўлган демократик принциплар негизида янгитдан яратилганлиги шубҳасиз. Конституциядан бошлаб деярли барча қонунларимиз туб ўзгаришга учради. Қонунларимизда ҳуқуқ мустақил демократик давлатнинг ҳуқуқи бўлган бутунги кун воқелиги ҳисобга олинди. Ўзбекистон қонунларида ҳалқаро ҳуқуқнинг жаҳонда тан олинган принциплари ва нормалари ўз ифодасини топди ва мустаҳкамланди. Улар ривожланган мамлакатлар ҳуқуқий тизимининг илгор ютуқларини давом эттириди, қадимий мамлакатимишининг тарихий-ҳуқуқий тажрибасини қамраб олди.

Янги Конституциянинг, Фуқаролик, Жиноят, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал қаби ўнта асосий кодексларнинг ҳамда тахминан уч юз қонуннинг қабул қилиниши миллий ҳуқуқий тизимимизнинг моҳияти ва мазмунини тубдан ўзгартириб юборди. Хусусий мулк институти, шахсий манфаатларнинг давлат манфаатларидан устунлиги қаби янги ҳуқуқий институтлар ва тушунчалар юзага келди.

Шу билан Ўзбекистон суд-ҳуқуқий ислоҳоти ҳали якунланимади, бинобарин, илгариги ҳуқуқий тизимга хос камчиликлар ва белгилар бўлиши табиий.

Ҳуқуқда ҳали камчиликлар ва зиддиятлар бор, айрим қонун ҳужжатларининг тартибга солувчи кучи кам. Бутунги кунда қонун ижодкорлиги фаолияти ҳуқуқий амалиёт сахнасига чиқмоқда.

Миллий ҳуқуқий тизимнинг асосини Конституция ва қонунлар ташкил этади. Шу муносабат билан шахс ҳуқуқий мақомининг барча томонларини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишни фақат қонун тартибга солишини белгиловчи талабларни ҳаётта қатъий ва изчил жорий этиш фавқулодда муҳим ва долзарб масаладир. Қонун ижодкорлиги амалиёти эса, айниқса идоравий бошқарув, ушбу ҳуқуқ ва эркинликларнинг билвосита чекланишига йўл қўймоқда, уларни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

*Қонун ижодкорлиги фаолиятини тартибга солиши мақсадида Олий Мажлис қошида қонун ижодкорлиги стратегиясини белгилаш билан шугулланадиган, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб, экспертизадан ўтказадиган*

**Қонунчиллик илмий тадқиқот институтини ташкил этиш зарур деб ҳисоблаймиз.** Амалдаги қонунлар мониторинги институтти эса парламентта қонунларнинг ижро этилишини назорат қилишда ёрдам бериши, социологик тадқиқотлар ўтказиши, қонунларни ўзгартиришга доир таклифларни ишлаб чиқиши керак.

Шундай қилиб, ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисми бўлган ҳуқуқ туб ислоҳот босқичини бошдан кечирмоқда, унга муайян камчиликлар ва нуқсонлар хосдир. Умуман олганда эса, бу демократик, ҳуқуқий тафаккурнинг илғор ютуқларига асосланган ҳуқуқдир. Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, ҳуқуқий давлат қонунчилигининг асосий базаси, негизи яратилган, эндиғи вазифа эса уларни такомиллаштириш, чуқурлаштириш, муфассаллаштириш, рўёбга чиқариш ва қўллашдан иборат.

**б) Ҳуқуқий муносабатлар - амалдаги ҳуқуқий маданият.** Ҳуқуқий маданиятнинг иккинчи элементи ҳуқуқий муносабатлардир. Юридик адабиётларда ҳуқуқий муносабат ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлардир, деган фикр кенг тарқалган. Бинобарин, ҳуқуқий муносабат, биринчи навбатда, юридик нормаларни амалга оширишнинг, ҳуқуқ амал қилишининг натижасидир. Айнан ҳуқуқий муносабатлар орқали ҳуқуқ „яшайди“, амал қиласди. Ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий имкониятлари ва юридик мажбуриятларини амалга оширишнинг ҳақиқий манзарасини айнан ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши кўрсатади. Ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқий позицияси ва мўлжаллари, юридик соҳадаги ташаббуслари ва фаолликлари, хатти-харакатлари юридик шакларини афзал билиш даражаси биргалиқда уларнинг ҳуқуқий маданиятини белгилаб беради.

Ҳуқуқий муносабатлар, ижтимоий-фойдали ёки салбий юридик факт муносабати билан юзага келганилгига қараб, жамият ҳуқуқий маданиятининг кўрсаткичи бўлади. Айтайлик, оила қонунларида мустаҳкамланган никоҳдан ўтиш имконияти камдан-кам ҳолларда аниқ ҳуқуқий муносабатларда амалга ошади ва ўз амалий ифодасини топади. Бу жамият ҳуқуқий маданиятининг нафақат юридик, балки ижтимоий қадрият бўлган мазкур нормани ҳали қабул қилмаганлигидан далолат беради. Ахир ушбу нормани кенг қўллаш эр-хотин ўртасида юзага келадиган жуда кўп фуқаролик-ҳуқуқий келишмовчиликларнинг олдини олишга, улар бўйича узок давом этувчи тортишув-

ларга йўл қўймасликка, айрим ҳолларда эса ажратишилар негизида содир этилаётган жиноятларнинг олди олинишига имкон берган бўларди.

Ҳуқуқбузарликларнинг, ҳуқуқни кўллаш ва бошқа юридик аҳамиятта эга бўлган ҳаракатларнинг миқдори ҳам жамият ва шахс ҳуқуқий маданиятини кўрсатади. Ҳуқуқий муносабатлар, бир томондан, жамият ижтимоий ва ҳуқуқий ривожланишининг даражаси билан белгиланади, бошқа томондан эса, унинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини акс эттиради.

Ҳуқуқий муносабатлар аҳволи ва ривожланишини таҳдил этиш қонунларнинг ривожланиши ва такомиллашиши, юридик ҳаракатларнинг яхшиланиши, ҳуқуқни кўллаш амалиёти самародорлигининг юксалиши билан ҳуқуқий муносабатлар қонун билан тартибга солинган шунчаки ижтимоий муносабатлардан ҳуқуқ субъектларининг ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга ошириш мақсадида муносабатга киришишларининг ўзига хос шаклига айланади, дея тахмин қилишга имкон беради. Ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқийлашуви ижтимоий муносабатларнинг тобора кўпроқ миқдори ҳуқуқий хусусиятта эга бўла боришига, ҳуқуқий муносабатлар шаклини ола бошлашига олиб келади.

**в) Юридик муассасалар.** Ҳуқуқий маданиятнинг учинчи элементи юридик муассасалардир. Ҳуқуқий ривожланиши ва ҳуқуқий маданиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи амалиётчи юристлар ва ҳуқуқшунос олимлар ҳамда ўқитувчилардан иборат профессионал юридик жамоадан иборат. Юристлар ҳуқуқий тараққиёт эгалари, жамиятда юз берайттан ҳуқуқ ва эркинликлар ривожланиши, ҳуқуқий даъволар қилиш жараёнлари, шахсни ва жамиятни ўзбошимчалик ва бошбошдоқлиқдан ҳимоя қилиш талабларининг ифодачиларидир. Охир оқибатда ҳуқуқшунослар қандай бўлса, ҳуқуқ ҳам шундай бўлади. Ҳуқуқ ва ҳуқуқшуносларнинг даражаси эса уларга берилган ҳуқуқий таълимга баглий.

Давлат юридик муассасаларининг тизими мухим ўзгаришларга учради. Мустақил ўзбек давлатчилиги органларининг янги тизими яратилди, давлат ҳокимияти бўлининининг демократик принципи амалга оширилди, суд ҳокимиятининг уч қисмини бирлаштирувчи тизим шакллантирилди, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қайта ташкил этилди, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар (Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, омбудсмен институти, пар-

ламентдаги тегишли комиссия ва бошқалар) таъсис этилди. Да-влатта қарашли бўлмаган қуийдаги юридик муассасалар тар-моғи, жумладан, Адвокатлар ва судьялар ассоциацияси, хусу-сий адвокатлар бюоролари, нотариат, юридик хизмат кўрсатиш фирмалари, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича турли хил ассоциациялар ва ижтимоий фондлар ташкил этилди. Натижада жамият аъзоларининг ҳуқуқий ҳимояланиши ва уларга юридик хизмат кўрсатилишини таъминловчи бутун-лай янги механизм шакланди.

Юридик муассасалар, улар фаолиятининг самарадорлиги нафақат жамиятнинг, балки давлатнинг ҳам ҳуқуқий маданияти даражасини белгилаб беради. Айнан Конституцияга муво-фиқ равищда ҳалқ иродасини ифодаловчи ва унинг манфаатларига хизмат қилувчи давлат ушбу муассасаларнинг фаолиятини ташкил этади ва таъминлайди. Жамият ва давлатнинг демократиклигига, ривожланганлик даражасига юридик муассасалар қандай ишлёттанилигига қараб ҳам баҳо берадилар.

Бутунги кунга келиб Ўзбекистонда юридик муассасалар тизимини яратиш ниҳоланди, деб бўлмайди. Ушбу тизимни ри-вожланган мамлакатлардаги худди шундай тизимлар билан қиёслаш уларнинг асосий қисмини ҳуқуқий хизмат кўрсатиш муассасалари ташкил этишини кўрсатмоқда.

Давлатта қарашли бўлмаган юридик муасасаларнинг амалдаги тизими анча кенгайтирилиши керак. Адлия вазирлигининг маълумотларига қараганда, республикамиздә давлатта қарашли бўлмаган 47 юридик муассасаса ишлаб турибди. Уларнинг, бири-ничи навбатада, хусусий адвокатлар ва нотариусларнинг етиши-маслиги айниқса қишлоқ жойларида сезилмоқда. Шу муноса-бат билан (Ўзбекистон қонунларига қатъий риоя қилганлари тақдирда) хорижий компанияларнинг аҳолига юридик хизмат кўрсатиш амалиёти қўллаб-куватлашга лойикдир.

г) Ҳуқуқий онг. Ҳуқуқий маданиятнинг тўртингчи элементи - ҳуқуқий онг. Ҳуқуқий онг шахс онгида, жамият ғояларида намоён бўлган ҳуқуқдир. Ҳуқуқий онг ҳуқуқ ва қонунийликка муносабатдаги эътиқодлар, тасаввурлар, баҳолар, ҳис-туйғулар ва маънавиятнинг бошқа таркибий қисмлари тизимиdir.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг давлат ва жамиятнинг бошқарув таъсирига энг кам даражада учраган элементидир. Тезлик билан янги қонун қабул қилиш, давлат органини тузиш мумкин, аммо инсоннинг ҳуқуқий онгини тезда ўзgartириб

бўлмайди. Юксак ҳуқуқий онгни шакллантириш кўп куч ҳамда вақт талаб қылувчи қийин вазифадир. Шунинг учун ҳам “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”да барча ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий онги даражасини кўтариш тасодифан бош мақсад қилиб белгиланмаган. Ҳуқуқий қадриятларни маънавий ўзлаштириш одий инсоний маданият ва саводхонликнинг бўлишини тақозо этади. У шахсни умумий тарбиялаш жараёнлари билан узвий боғлиқдир.

Жамиятимиз ҳуқуқий онгининг даражаси қандай?

Ушбу масаланинг муҳимлиги ва долзарблигига қарамай, афсуски, унга аниқ жавоб бера олмаймиз. Гап шундаки, сўнгти вақтларгача ушбу йўналишда ҳеч қандай тадқиқотлар амалга оширилмаган. Айрим тоифадаги фуқаролар (судланганлар, вояга етмаганлар)нинг ҳуқуққа муносабатини тадқиқ этишга ҳаракат қилинган, холос.

Бильосита белгилар ва айрим маълумотларга қараб тажминан қўйидагича баҳо бериш мумкин.

Биринчидан, ўзбек халқига хос бўлган қонунга, ҳуқуққа, ҳокимиятта бўлган ҳурматни ҳисобга олиш зарур. Узоқ қишлоқдаги дэҳқон юриспруденциянинг нозик жиҳатларини билмаслиги мумкин, аммо ҳуқуқнинг қадрини ва моҳиятини ҳақиқий фуқароча тушуниши, уни ҳурмат қилиши мумкин. Буни ижобий маънодаги ҳуқуқий конформизм деб аташ мумкин.

Иккинчидан, ҳуқуқий онгнинг ахлок, жамият анъаналари ва одатлари, халқнинг маънавияти билан чукур алоқасини таъкидлаш зарур.

Учинчидан, кишиларнинг ҳуқуқий онгига уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигига қараб гапириш мумкин. Жамият аъзоларининг маҳалла, меҳнат жамоаси ҳаётида иштирок этиши, бошқа ижтимоий фойдали алоқаларнинг фаоллашуви ҳуқуқий маданият даражасининг ўсаётганлигидан далолат беради.

Тўртинчидан, ҳуқуқий статистика жамият ҳуқуқий онгининг ахволини баҳолаш учун асос бўлиши мумкин. Жиноятчиликнинг даражаси, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг, фуқаролик-ҳуқуқий битимларнинг миқдори тўгрисидаги маълумотлар ҳам ҳуқуқий онгнинг сифат томонини кўрсатади.

Ҳуқуқий онгнинг ахволини юқорида баён этилган жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш жамиятимиз маънавий ҳуқуқий онгининг юксак имкониятидан, унинг та-

раққийпарвар ҳуқуқий ғоялар, тасаввурлар, мақсадларни қабул қилишга тайёргидан далолат беради.

Шу билан бирга айрим ижтимоий гурұхлар вакиллари ҳуқуқий онгининг жиддий равища бузилғанлиги яққол күриниб турибди. Ҳуқуқий нигилизм, ҳуқуққа нисбатан истеъмолчилик муносабати жиноятчилар дүнёсининг маданиятини белгилаб беради. Ёшларнинг бир қисмида ҳуқуқий қадриятларга нисбатан бефарқлик кузатылмоқда. Агар ёшлар ҳуқуқни билмасликларини намойиш қылсалар, ҳуқуқбұзарлар, одатда ўзларининг ҳуқуқий жиҳатдан, айниқса жиноят ҳуқуқи соҳасида, билимдонникларини күрсатадилар. Бироқ улар ҳам, булар ҳам нұқсонли, паст даражадаги ҳуқуқий онғта згадирлар.

Ҳуқуқий онғ даражасини күтариш учун оила, мактабгача тарбия муассасалар, мактаблар, ўқув-юртлари, ҳуқуқни мухофаза қылувчи органдар ҳамда бошқа давлат ва жамоат институтларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари зарур. Сүнгти вақтларда юксак ҳуқуқий онғ фақат шахс дүнәқарашига комплекс ва мақсадға мувофиқ таъсир этишининг натижаси бўлиши тушуниб етилди.

Мазкур таъсирнинг бир қисми бўлмиш ҳуқуқий тарбия узлуксиз ва ҳамма жойда амалга оширилиши керак. Ҳуқуқий тарбия амалиётининг таҳлили мактабгача бўлган муассасаларда бундай тарбия деярли йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда. Зоро, медиклар, психологлар ва социологларнинг маълумотларига қараганда, айнан мактабгача бўлган ёнда бажарилиши шарт бўлган, тақиқланган, рухсат этилган хатти-ҳаракатларга доир энг оддий тасаввурлар шаклланади. Шахснинг ҳуқуқий онигига самарали таъсирнинг кўплаб имкониятлари мактаб таълимида ҳам бор. Аммо мактаб кўпинча давлат ва ҳуқуқ асослари бўйича унча кўп бўлмаган миқдордаги машгулотларни ўtkазиш билан чекланиб қолади. Мехнат жамоаларидағи ҳуқуқий тарбия ишлари ҳам онда-сонда амалга оширилади.

Юқори даражадаги ҳуқуқий онгни шакллантиришга қаратилган фаолиятни ўрганиш унда асосий эътибор ҳуқуқий билимларни тарқатишига қаратилаётганлигини кўрсатмоқда. Айни пайтда ҳуқуқий тарбиянинг қонунга итоаткор қонуний хатти-ҳаракатни шакллантиришдан иборат мұхим мақсади четда қолмоқда. Бунинг устига бугунги шароитда қонунга итоаткорликнинг ўзи ҳам ҳуқуқий тарбиянинг аниқ мақсади бўла олмайди.

**Хуқуқий онгнинг тузилиши.** Маълумки, ҳуқуқий онг икки таркибий қисмдан, яъни ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий руҳиятдан иборат. Ҳуқуқий мафкура ҳуқуқнинг моҳияти, аҳамияти ва талаблари тўғрисидаги гоялар, қадриятларни ўз ичига олса, ҳуқуқий руҳият ҳиссиятлар, кайфиятлар, кечинмалар, яъни ҳуқуқнинг эмоционал қабул қилиниши билан боғлиқ.

Ижтимоий ҳуқуқий онгдаги ушбу икки таркибий қисмнинг ҳолатини таҳдил қилиб, уларнинг ривожланганлик даражаси бир хил эмаслигини кўрамиз. Агар ҳуқуқий мафкура жамиятда демократик давлатта хос бўлган гоялар ва қадриятлар муайян даражада шаклланганлиги билан белгиланса, ҳуқуқий руҳият инфантлилликка мубтало бўлиб, унда ҳуқуққа нисбатан бефарқлик ва менсимаслик сақланиб қолган.

Криминалогия соҳасидаги тадқиқотлар жамиятнинг ҳуқуқий руҳиятида жиддий камчиликлар борлигидан далолат бермоқда. Масалан, жиноятларнинг айрим турлари бўйича юқори даражадаги латентлик (яширинлик) сақланиб қолмоқда. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, содир этилган ҳар бир жиноятдан ўртача 5 - 7 киши хабардор бўлади. Агар ушбу рақамни жиноятлар миқдорига кўпайтирсақ, кишини қувонтирумайдиган манзарага дуч келамиз: минглаб кишилар жиноятта тайёргарлик кўрилаётганлигини ва улар содир этилаётганлигини билганлари ҳолда уларни бефарқ томоша қилганлар.

Жамият ривожидаги янги ижтимоий-иқтисодий воқеалар кундалик ҳуқуқий онгнинг бузилиши сабаблари ва шартшароитларини (ҳуқуққа нисбатан салбий ва истеъмолчилик муносабатлари, шахснинг ҳуқуққа хилоф йўналишларининг мотивлари, жамиятта қарши хатти-ҳаракат стереотипларининг шаклланишини) аниқлашнинг зарурлигини тақозо этади. Мазкур вазифани бажариш фаннинг, биринчи навбатда, ҳуқуқшуносликнинг энг муҳим мақсадидир. Бизнингча, ушбу ҳодисаларнинг ҳаммасини тоталитар тузум меросига тааллуқли деб ҳисоблаш мумкин эмас, бузилган ҳуқуқий онг манбаларини объектив воқеликдан қидириш зарур.

Баён этилганларга қисқача холоса қилиб айтиш мумкинки, аҳолининг ҳуқуқий онги ҳуқуқий психологиянинг давлат ташвиқ қилаётган ҳуқуқий мафкурадан кескин орқада қолаётганлиги, ҳуқуқий давлатта хос бўлган ҳуқуқий гоялар ва принципларнинг кундалик онг ҳуқуқий нигилизмидан кескин

фарқ қилиши билан ажралиб туради. Ҳуқуқий онгдаги бундай ахволнинг сабаблари ҳуқуқий тизим доираси билан чекланиб қолмайди, балки иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа объектив ва субъектив омиллар билан белгиланади. Бироқ ҳуқуқий онг ўзгармай қолмайди, у ҳуқуқ ва давлатнинг ўзгариши билан та-комиллашиб боради.

**Қонунга ҳурматни тарбиялаш.** Ҳуқуқий давлатда жамият ва шахс ҳуқуқий онгининг муҳим жиҳати, бизнингча, қонунга ҳурмат, унинг қадрини шахс қадриятиларининг энг юқори да-раjaxасига кўтарищдан иборат. Ҳуқуққа, қонунга ҳурматни од-дий қонунга итоаткорлик деб тасаввур этиб бўлмайди, у юқори даражадаги ҳуқуқий фаолликни талаб этади.

Айнан ҳуқуқий фаоллик, яъни шахснинг ижтимоий фаол ижобий хатти-ҳаракати унинг ҳуқуқий онгининг, қонунга ҳурматининг даражасини билдирувчи муҳим кўрсаткичидир.

Қонунга ҳурмат қонундан, унинг одиллигидан қониқиш ҳиссига, шунингдек, ўз хатти-ҳаракатларини ҳуқуқ принципла-ри ва нормаларига ихтиёрий равищда бўйсундиришга асослан-ган ахлоқий-ҳуқуқий категориядир. Бошқача айттанда, шахс ҳуқуқий мажбуриятларни англанган бурч сифатида, ҳуқуқ ва мажбуриятлари бирлиги принципининг тимсоли сифатида қабул қиласи.

Криминологиядаги тадқиқотлар ҳуқуқбузарлик содир эти-лиши учун муайян ҳуқуқий нормаларини билиш ёки билмас-ликнинг ҳал қиувчи аҳамияти йўқлигидан далолат бермоқда. Респондентларнинг каттагина қисми ҳуқуқбузарликларни қонунни ҳурмат қилганликлари учун эмас, жазодан қўрққанлиги туфайли содир этмасликларини тан олганлар. Бу ҳуқуққа ҳурматни шакллантиришнинг жуда муҳимлигини тас-диқлади.

**Жамоатчилик фикри ва ҳуқуқ.** Жамият ҳуқуқий онгини баҳолашда жамоатчилик фикрини ўрганиш катта ёрдам беради. Афсуски, республикамизда ҳуқуқ масалалари бўйича жа-моатчилик фикрининг мониторинги амалда ўтказилмайди, ҳолбуки социологик тадқиқотларнинг маълумотлари бутун жа-миyтдаги ҳамда айrim ижтимоий гуруҳлардаги ҳуқуқий онг-нинг манзарасини аниқлаштиришга ёрдам берган бўларди. Шахс ҳуқуқий онгидаги ижобий мотивлар ва манфаатларга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки регулятив хосса ҳамиша ҳам тарбиявий хосса билан мос келавермайди, кишиларнинг

муайян қисми қонун талабларини келишувчилик қилиб ёхуд жазонинг қўлланилишидан қўрқиб бажарадилар. Бошқа қисми эса ҳуқуқий қадириятларга англанган ҳолда муносабатда бўладилар. Шу нарса ажабланарлики, айнан ижобий ҳуқуқий онг механизми амалда ўрганилмасдан қолмоқда. Турли хил ижтиёмий гурӯҳларнинг ҳуқуқий онгидағи ижобий стериотипларни аниқлаш ва кенг ёйиш лозим.

Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг туб ўзгаришлари, жамият ҳаётидаги ҳуқуқий асосларнинг кучайиши, шунингдек, давлат ва жамоат институтларининг фаол ҳуқуқий тарбия ишлари аста-секин аҳоли ҳуқуқий онгининг ва ҳуқуқий маданиятининг юксалишига олиб келади.

**д) Ҳуқуқий хатти-ҳаракат.** Ҳуқуқий маданиятининг дараҗасини кўрсатувчи индикатор бўлган бешинчи элементи ҳуқуқий хатти-ҳаракатdir. Шундай ҳолат юзага келдики, юридик фан асосан қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар муаммолари билан, унинг сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш билан шугулланиб, ҳуқуқий хатти-ҳаракатнинг қонунга мувофиқ шакли кам тадқиқ этилган. Айни пайтда ҳуқуқий хатти-ҳаракатнинг ижтиёмий фойдали турларини аниқлаш, таъминлаш ва ривожлантириш жамият ҳуқуқий маданиятини кўтаришнинг қудратли воситасидир. Қонунга мос хатти-ҳаракат ҳуқуқий нормаларда мавжуд бўлган идеал ахлоқ билан мос келувчи юридик аҳамиятта эга ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этади.

Маълумки, ҳуқуқ шахснинг имкониятидаги хатти-ҳаракатларининг, унинг эркинлигининг меъёриди. Шахс ушбу имкониятларни, шунингдек, ҳуқуқ нормаларининг талабларини турли усуллар билан амалга оширади. Уларга, жумладан, ҳуқуққа риоя этиш, бажариш, уни бажариш, тадқиқ этиш ёхуд қўллаш киради. Ушбу ҳуқуқларни таъминлаш, шунингдек, шахсга қонунга хилоф ҳаракатлардан ўзини тийиш мажбурияting юкланиши шаклида ҳам амалга оширилади.

Қонуний хатти-ҳаракатларнинг икки турини ажаратиш: 1) ҳуқуқ нормалари ва қонунларнинг талабларини бузмаслиқда, уларга риоя этишда, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни қилмаслиқда намоён бўладиган пассив ижобий хатти-ҳаракат; 2) ташаббускорона, фаол ҳуқуқий хатти-ҳаракатларда, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилган ихтиёрий фаолиятда ифодаланадиган ҳуқуқий фаоллик.

Үмуман олганда, хатти-ҳаракатларнинг мазкур типлари жамият учун фойдалидир. Аммо ҳуқуқий давлатни шакллантириш шароитида қонуний хатти-ҳаракатлар иккинчи турининг аҳамияти ва зарурияти биринчисиникига қараганда бекиёс ортиқдир.

Ҳуқуқий маданият қонуний хатти-ҳаракатларни шакллантириш учун ўзига хос старт майдончаси ва айни пайтда унинг мезони бўлиб намоён бўлади.

**Ижтимоий ҳуқуқий фаоллик ва ҳуқуқий мадният.** Ҳўш, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга, қонуний хатти-ҳаракатларини ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг аҳоли ҳурмат қиласидиган ва қўллаб-қувватлайдиган эталонига айлантиришга қандай қилиб эришиш мумкин?

Энг аввало, давлатнинг ва барча бошқа ижтимоий институтларнинг ҳуқуқий тарбияга қаратилган самарали фаолияти зарур. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг санарадорлиги, ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлиги принципининг таъминланиши улкан аҳамиятта эгадир. Шунингдек, қонун бузилишларининг олдини олишга қаратилган профилактик ишлар мажмуасини амалга ошириш ҳам мухимдир.

Ижобий ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни жорий этиш ва ташвиқ қилиш, қонунга итоаткорлик турмуш тарзини шакллантириш фаолиятида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари катта самара беради. Айнан маҳаллада, мавзеда ҳуқуқий хатти-ҳаракатларнинг мақсадга йўналганилиги яққол намоён бўлади, бу ерда қонуний хатти-ҳаракатни ташвиқ қилиш ва рагбатлантириш энг кўп самара беради. Ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ўрганиш ушбу фаолиятнинг асосий йўналишлари ижтимоий таъминот, ободоналаштириш, маданий оқартув ишларидан иборатлигини кўрсатмоқда. Ҳуқуқий онг ва хатти-ҳаракатни шакллантириш масалаларига эса етарлича эътибор берилмаяпти. Жамоатчилик судлари, ёшлари тарбияси бўйича кенгашлар, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик комиссияларнинг тузилиши ва амал қилиниши қонуний хатти-ҳаракатларнинг кенг ёйилишига ва қонунга хилоф хатти-ҳаракатларнинг камайишига ёрдам берган бўлар эди.

**Инсон - ҳуқуқий маданият маркази.** Замонавий юридик назарияда шахс бутун ҳуқуқий воқеликнинг марказига қўйилмоқда ва илмий тадиқотларнинг бошлангич нуқтаси, манбай ва асоси сифатида майдонга чиқмоқда. Ўзбекистоннинг

Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, орномуси, қадр-қиммати ва бошқа узвий ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги эътироф этилади (13-модда). Бу инсон ҳуқуқий тизим ва маданиятнинг асоси ва маркази эканлигини; бошқа барча субъектлар - ташкилотлар, ассоциациялар, бирлашмалар, хўжалик уюшмалари ва ширкатлари, давлат органлари эса улардан ҳосил бўлган тузилмалар, инсон ижтимоий фаолиятининг натижаси эканлигининг конституциявий даражада мустаҳкамланишидир.

Конституция инсон ҳуқуқларини биринчи ўринга қўйди, бинобарин, инсон ва унинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий ривожланишимизнинг асосий мақсади қилиб танланди. Ҳозирги кунда нафақат ҳуқуқ ва эркинликларининг рўйхати миқдор жиҳатдан кенгаймоқда, балки уларнинг сифат жиҳатдан ўзгариши, ҳуқуқий механизмлар, муассасалар, юридик ҳаракатлар, ҳуқуқий онг ва бошқаларнинг ўзгариши кузатилмоқда.

Давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларига инсон ҳуқуқлари ва эркинларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатимоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинлари қонунларнинг маъносини, мазмунини ва қўлланилишини, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини белгилаб бермоқда ҳамда улар аҳамияти борган сари кўтарилиб бораётган одил судлов томонидан таъминланмоқда.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти жамият ҳуқуқий ҳолатининг зарурий шарт-шароити ва яратувчи асосидир. Шу билан бирга, у шахснинг ҳуқуқий ривожланиш даражаси ва хусусиятидир. Ушбу даража ва хусусият инсоннинг қонуний фаолияти даражасида ўз ифодасини топади. Шу муносабат билан ҳуқуқий маданиятли шахснинг моделини яратиш мақсадга мувофиқдир. Бундай модель индивидлар учун тегишли ижтимоий-ҳуқуқий мақсадларни ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятта эга.

## 2. Ҳуқуқий маданият ва тараққиёт

Жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини таърифлаб, мустақиллик даврида ушбу маданият жиддий ўзгаришларга учраганлиги, унинг даражаси кўтарилганлиги, мазмуни демократик қадриятлар ва гоялар билан бойиганлиги тўғрисида хулоса

қилиш мумкин. Агар қисқача айтадиган бўлсак, ҳуқуққа муносабат ўзгарди. Бироқ яна кўп ишларни қилиш керак бўлади. Фикримизча, ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиши унинг барча таркибий қисмларини комплекс ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш асосида кечади. Ҳуқуқий маданиятнинг тарихий ривожланиши ҳуқуқий тараққиёт бўлиб, унинг мезонини шахснинг ҳуқуқий аҳволи, ҳуқуқий эркинлик даражаси ташкил этиди.

Ҳуқуқий маданиятнинг тараққиёти шахс ҳуқуқлари ва эркинлари ҳажмининг кенгайиши, уларнинг ҳимояланганлик даражасининг кўтарилишидир. Ҳуқуқий тараққиёт марказида шахс, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳамда маданиятдаги олий қадрият бўлган шахснинг, "барча нарсаларнинг мезони бўлган инсон"нинг мақомини мустаҳкамлашга қаратилган барча ҳуқуқий воситалар, механизmlар ва институтлар туради.

Ҳуқуқий тарбия ва юридик таълимни ҳуқуқий ривожланишининг, ҳуқуқий маданиятни кўтаришнинг муҳим омиллари, ҳуқуқий тараққиётни тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин бўлган омиллар сифатида қараш лозим.

Вазифалар ва мақсадларни белгилаб олмасдан туриб жамиятнинг ҳуқуқий ривожланишини тасаввур этиб бўлмайди. Ҳуқуқий давлатни шакллантириш вазифасини юксак ҳуқуқий маданиятсиз амалга ошириб бўлмайди. Худди шунингдек, ҳуқуқ, ўзига муносаб олий қадрият ўрнини олмас экан, демократик фуқаролик жамиятини яратиб бўлмайди. Ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда тан олинган принциплари ва нормаларининг миллий ҳуқуқдан устунлиги эътироф этилмоқда, бу бизнинг ҳуқуқий маданиятимизни барча илгор ва тараққийпарвар ўзгаришлар учун очиқ қилмоқда, халқаро ҳуқуқда ўз ифодасини топган умуминсоний қадриятлар ва идеалларни ҳуқуқий маданиятимиз ривожланиши учун мезон ва мўлжал сифатида тасдиқдамоқда.

Ҳуқуқий маданиятнинг тараққий этиши жаҳон ҳуқуқий тарихини хуолосаловчи кенг йўлидир. Ўзбекистоннинг ривожланиши инсоният йўлидан, ижтимоий ва ҳуқуқий тараққиётдан четда эмас. Бу стратегик вазифаларни ҳал этиш, афтидан, узоқ вақт олади. Қабул қилинган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг миллий дастури"да унинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

## IV боб

### ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ - ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

\* Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури - давлат ҳуқуқий сиёсатининг асоси \* Ҳуқуқий саводхонлик - ҳуқуқий маданият асоси

#### 1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури - давлат ҳуқуқий сиёсатининг асоси

Қабул қилинган ҳуқуқий-норматив актларни ҳаётга муваффақият билан татбиқ этиши кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шаклантириш билан борлиқ.

*И.Каримов.*

"Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқиқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди"<sup>1</sup>, - дейилади Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурида.

Ўзбекистон демократик ислоҳотлар йўлидан қадамбақадам олға силжимоқда. Қўлга киритилган ютуқлар кўп жиҳатдан давлатнинг асосий ислоҳотчи сифатида демократик ўзгаришларнинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга доимо ғамхўрлик қилаёттанлигининг самарасиdir. Шу билан бирга, давлат фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, аҳолининг ҳуқуқий билимини, жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаолигини ўстириш ишларини бирлаҳзага бўлса-да сусайтираёттани йўқ. Мамлакатда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ўстириш, аҳолининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ахборотномаси. 1997. № 9.

хуқуқий тарбияси ва таълимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда.

1997 йилнинг 20 майида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг хуқуқшунос олимлар, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан шу куннинг долзарб хуқуқий муаммолари хусусида ўтказган учрашуви мазкур йўналишдаги ишларнинг жонланишига туртки бўлиб хизмат қилди. Бу учрашувнинг асосий гоясини "**Демократик жамиятта - юксак хуқуқий маданият**" шиори билан ифодалаш гумкин.

Биз эркин хуқуқий демократик давлат барпо этмоқдамиз. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидағи ислоҳотлар шу мақсадни амалга оширишга йўналтирилган демократик ислоҳатларни ҳаётта мудаффакиятли татбиқ этишда ҳалққа юридиқ билимлар бериш, яъни жамиятдаги ижтимоий-хуқуқий фаолликнинг зарурий шартлари бўлган демократик тамойилларни кишилар онгига чуқурроқ сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги вақтда ислоҳотларни кузатиб туриб, уларга нисбатан хайриҳоҳлик билдиришнинг ўзи камлик қилади. Ҳар бир фуқаро кунда ҳақиқий ватанпарварликни намойиш этиб, ислоҳотларнинг фаол қатнашчиси, демократик ўзгаришларнинг бевосита ижрочиси бўлмоғи зарур.

Қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорларининг моҳиятини чуқур англаб этиш, барча ҳаракатни ҳалқнинг янги хуқуқий онгини шакллантиришга қаратиш шу жиҳатдан аҳамиятлики, унинг воситасида жамиятнинг хуқуқий маданиятини кўтаришга эришилади. Адолатли демократик жамият фақаттина инсон, жамият ва давлат манфаатларининг бирлиги ва мутаносиблиги негизида барпо этилиши мумкин. Улар ўртасидаги муносабатларнинг асосини қонунийлик ташкил этмоғи лозим.

Ўзбекистон Конституцияси инсонни олий қадрият сифатида баҳолар экан, фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг демократик хуқуқий йўл билан ҳал этилишини юридиқ жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйган.

Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаётни демократиялаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида кўп ишлар амалга оширилмоқда. Демократик принциплар, қадриятлар ва

институтлар ҳаётимизнинг барча соҳаларига борган сари чуқурроқ кириб бормоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1993 йилда Венада ўтказган Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи умумжаҳон анжуманинг қарорларини бажариш борасида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди. Бу тизимга инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (омбудсмен), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази ва бошқа ўқув-маърифий ва нодавлат ташкилотлар киради. Бу ўринда Ички ишлар вазирлиги Академиясининг инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти кафедраси, Тошкент юридик институти қошидаги Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази, Адвокатлар ва судьялар уюшмаларини кўрсатиш мумкин.

Мазкур демократик институтлар демократлаштириш жараёнларига барқарорлик тусини бериш ва ислоҳотларнинг бир зум ҳам тўхтаб туришига йўл қўймаслик мақсадида барпо этилган. Жамиятда сиёсий плюрализм ва кўппартиявилик қарор топди. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистоннинг ҳеч бир давлатдан қолишмаслиги учун барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

Ўзбекистон ўз сиёсатини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш - демократиянинг асоси эканлигидан келиб чиққан ҳолда амалга оширмоқда. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф эттан принциплари ва нормалари, умуминсоний ҳуқуқий қадриялар ва демократияга суюнган ҳолда жамиятни демократлаштиришни халқ менталитети, миллий руҳият ва тафаккурнинг ўзига хос эканлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширмоқда.

Аҳолининг қонуnlар, фармонлар ва ҳукумат қарорларидан ўз вақтида хабардор бўлиб туриши, юридик ҳужжатларнинг, айниқса, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш масалаларига оид ҳужжатларнинг мазмуни ва маъносини аниқ англаб етиши катта аҳамиятта эга. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билиши, уларнинг ўз ҳаётларидағи ўрнини ҳис эта олишлари шарт. Ўзи ва ўзгаларнинг ҳуқуқларини аниқ билиш ва ҳурмат қилиш шахснинг юқори ҳуқуқий маданият соҳиби бўлишининг зарурий шартидир.

"Совет империяси" даврида давлат доимо ўз ҳуқуқ ва ма-  
нфаатларини инсон ва жамият манфаатларидан устун қўярди.  
Инсон бор - йўги маъмурий-бошқарув тизимининг бир  
"мурвати" эди, холос. Эски ҳуқуқий мафкурадан озод бўлиш  
зарур. Бу гап ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходим-  
ларига ҳам тааллукдидир. Чунки уларнинг маълум қисми ўша  
давр юридик ўқув юртларида таълим олганлар ва совет  
ҳуқуқий мафкураси шароитида тарбия топганлар. Албатта,  
маълум маънода бу билан уларни айблаб бўлмайди, бироқ ула-  
рнинг янги ҳуқуқий тафаккур ва дунёқарашни шаклланишида-  
ги сусткашлика йўл қўйиб бўлмайди.

Шу боисдан мамлакатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари  
ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётнинг  
барча соҳаларини демократлаштириш учун шарт-шароитлар  
яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш зарури-  
ятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-  
лисининг IX сессияси "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксал-  
тириш миллий дастури"ни қабул қилди. У ҳуқуқий маданиятни  
юксалтириш механизмининг, аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва  
таълими тизимини такомиллаштириш орқали кишилар ҳуқуқий  
онгини юксалтиришнинг асосий жиҳатларини назарда тутади.

Дастурда ҳозирги замон руҳига мос келувчи малакали мұ-  
тахассис юристларни, юридик фанлар бўйича янги дарслик,  
ўқув қўлланмалари ва дастурларини тайёрлаш ишларига катта  
аҳамият берилди.

Ушбу Дастурни ва Ўзбекистон Президентининг тубдан  
янги ўқув ва оммавий ҳуқуқий адабиётлар тайёрлаш зарурлиги  
ҳақидаги даъватига жавобан Ўзбекистон Республикаси Ички  
ишлар вазирлиги Академияси томонидан Конституция, Маъму-  
рий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексига  
шарҳлар нашр этилди, кўп жилдик Жаҳон конституциялари  
тўпламининг икки жилди чоп этилди, маъмурий ҳуқуқ, жиноят  
ҳуқуқи, криминология, криминалистика, ички ишлар идоралари-  
рининг маъмурий фаолияти бўйича дарсликлар нашр этилди.  
Барча юридик фанлар бўйича ўқув дастурлари янгиланди. Дав-  
лат ва ҳуқуқ, назарияси, ҳуқуқий маданият назарияси, консти-  
туциявий ҳуқуқ, мусулмон ҳуқуқи, жиноят процесси, ҳуқуқни  
муҳофаза қилиш органлари ходимларининг қасбий этикаси ва  
эстетикаси бўйича дарсликлар нашрга тайёрланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" туркумида 12 та китоб чиқарди, улардан "Конституция. Лугат-маълумотнома", "Конституция ва инсон ҳуқуқлари", "Инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий маданият", "Ўз ҳуқук ва бурчларингизни биласизми", "Инсон ҳуқуқлари ҳақида нималарни билиш лозим", "Тил ва қонун", "Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириш", "Демократия ва инсон ҳуқуқлари" кабиларни алоҳида эслатиб ўтиш лозим.

Халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги тадбирларни давлат сиёсати даражасига кўтариш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича "Ижтимоий фикр" нодавлат маркази, ҳуқуқий билимларни таргигбот қилиш маркази, ҳуқуқшунос мутахассисларни қайта тайёрлаш маркази, Адлия вазирлиги қошида аҳолининг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича маҳсус бўлинма ташкил этилди.

Истиқдол йиллари ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий маданиятга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат фаолиятининг асосий йўналишига айланди. У давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш стратегиясида, демократик институтлар тизимини барпо қилишда ва янги ҳуқуқий мафкурани яратишда ўзининг муносаби ўрнини эгаллади.

Президент И.А.Каримовнинг аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий тарбияни яхшилашга қаратилган ишларни давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида тан олиш зарурлиги ҳақидағи гояси унинг 1997 йил 25 июнда эълон қилинган "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги фармонида амалга оширилган. Унда "аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар - давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилансин"<sup>1</sup>, - дейилган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. № 7. 179-модда.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш давлат сиёсати инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бирламчи аҳамиятта эга эканлиги, Конституция ва қонунларнинг устуналиги, демократлашув, ижтимоий адолат, ҳуқуқий тарбиянинг илмийлиги, изчиллиги ва умунийлиги, ҳуқуқий маълумотларнинг очиқлиги, ҳуқуқий тарбия ва саводхонликка ўзига хос муносабатда бўлиш каби асосий қоидаларига таянади.

"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" давлат сиёсатининг янги ҳуқуқий маънавиятни ва мамлакатдаги ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасидаги стратегик йўналишларини белгилаб берди. Бундан ташқари Президент Фармони асосида Вазирлар Маҳкамасининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга қаратилган бир қатор қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 1997 йил 10 июлда "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармасини тузиш тўгрисида", 1997 йил 21 июлда "Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўгрисида", 1997 йил 22 июлда "Ҳуқуқий маърифат тарбиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўгрисида" қарорлар қабул қилинди.

Шундай қилиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини кўтариш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойdevor яратилди.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсатининг устун йўналиши бўлганлиги учун бир қатор амалий ишлар қилинди. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази, Адлия вазирлиги қошидаги Фуқароларнинг қонунийликнинг бузилиши ҳақидаги шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бўйича бошқармаси, Юристлар малакасини ошириш маркази, Тошкент давлат юридик институти қошидаги ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш маркази ўз фаолиятларини бошлаб юборганлар. Қабул қилинган давлат қарорлари ва янги демократик институтлар фаолиятининг натижасидан ҳар бир инсоннинг баҳраманд бўлиши, ҳар бир фуқаро уларнинг ишини ҳис қилиши амалий аҳамиятта моликдир.

Тошкентда ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида чет эллиқ етакчи ҳуқуқшунос олимлар иштирокида қатор анжуманлар, симпозиумлар ва семинарлар ўтказилди. Бу анжуманларда демократик ҳуқуқий давлат қуришга асос бўладиган қонунчлиликни мустаҳкамлашнинг ҳозирги муаммолари муҳокама этилди ва аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги ишларни яхшилашнинг қулай ва самарали усулларини ишлаб чиқиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. К.Аденауэр номли фонд иштирокида "Ҳуқуқий давлат ва демократия" мавзуи бўйича Андикон, Бухоро, Жиззах, Навоий вилоятларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун бир неча семинарлар, Ички ишлар вазирлиги Академиясида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ва инсон ҳуқуқлари Миллий мәркази билан ҳамкорликда "Конституция" ва "Инсон манфаатлари", "Бурхониддин Маргиноний ижодий мероси мисолида Инсон ҳуқуқларининг умумий тамойиллари", "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш", "Конституция ва ёшлилар ҳуқуқи" каби мавзулардаги конференциялар, "Ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши" мавзууда минтақавий семинар ўтказилди ва ҳ.к.

Бошқа бир қатор тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Оммавий аҳборот воситаларида ҳам бу муаммога кўпроқ аҳамият берилмоқда. Ҳусусан, ҳуқуқий билимларни оммага етказишининг анъанавий бўлмаган шаклларига оид изланишлар олиб борилмоқда.

Аҳолининг кенг қатламларига мўлжалланган "Ҳуқуқ - право", "Ижтимоий фикр", "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" каби янги юридик газета ва журнallар пайдо бўлди. Маҳаллаларда, меҳнат жамоалари ва корхоналарда, ташкилот ва муассасаларда ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш тизими томомила янги ва сифатли даражада қайта тикланмоқда. Бу ишга ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи ходимлар кенгроқ жалб қилинмоқда, чунки ҳуқуқшуносликнинг нозик томонларини тушуниш ҳуқуқий билимларнинг асосини билмайдиган оддий одамлар учун анча мураккаб.

Буларнинг ҳаммаси, мамлакатда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги ишлар кенг миқёсда олиб борилаётганидан далолат беради. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир оиласининг ва ҳар бир жамоанинг маданиятидан ташкил топади. Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун юридик ўқув юртлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг малакасини ошириш марказлари, фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, юридик адабиётлар, дарсликлар ва қўлланмаларни нашр этиш ва тарқатиш муассасаларининг кенг тармоги хизмат қилмоқда.

## 2. Ҳуқуқий саводхонлик - ҳуқуқий маданият асоси

Жамият ҳаёти ва фаолиятида Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий билимларнинг асосларини яратиш зарур.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлиги, авваламбор, Конституция ва қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлайди. Бу - ҳуқуқий нормаларга юзаки муносабатда бўлиш фикрининг ўзи бўлмаслиги кераклигини ифодалайди. Қонунга ҳурмат ҳар бир инсоннинг қалбидағи чуқур эътиқоди бўлмоги лозим. У инсоннинг ёшлигидан бошлилаб онгига сингиб, мустаҳкамланиб бориши керак. Бу - отоналар, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, барча жамоат ўюшмалари ва давлат ташкилотлари, бутун жамиятнинг улкан, сермашақват ишидир. Нима мумкину, нима мумкин эмаслиги ҳақидаги ҳуқуқий нормалар барчага маълум. Қонуни бузиш мумкин эмаслигини тушуниш юридик дунёқарашнинг "қалб кўзи" бўлмоги даркор.

Совет давридаги ҳуқуқий нигилизм, яъни қонун ва ҳуқуқий нормаларга юзаки, беписандлик билан муносабатда бўлиш, кишилар онгига чуқур из қолдирган ва қисқа муддат ичида қонунга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришга эришиш жуда қийин. Эндилиқда ҳуқуқий тарбия борасида узоқ вақт, доимий ва тинимсиз ишлаш, фуқароларни қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлишга кўнкитириш юзасидан бетиним меҳнат қилиш зарурдир.

Қонун - нафақат мажбурий ҳуқуқий фармойиш, балки халқ иродасининг ифодаси ҳамдир. Уни халқ сайлаган парламент қабул қиласи. Давлат ҳокимияттининг ҳам, қонуннинг ҳам манбаи халқдир. Унинг замирида қонуннинг устунлиги гояси ётади. Халқ манфаатлари ва хоҳиш-иродасидан устун турувчи нарса бўлиши мумкин эмас. Қонунга итоаткор фуқаролар буни доимо ёдда сақладилар. Қонун ва қонунга итоаттўй фуқаролар ҳаракатларидағи ҳамжиҳатлик ҳуқуқий давлатта куч-күвват бағишилайди.

Қонунга итоат этиш ҳуқуқий маданиятнинг асосицир. Давлат аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласини қўйиб, қонунга кўр-кўронга итоаткор бўлишни эмас, балки фуқароларнинг унинг талабларини онгли равища бажаришларига эришмоқда. Фуқароларнинг қабул қилинаётган ҳар қандай қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг маъноси ва аҳамиятини англаб этишлари муҳимдир. Аммо янада муҳими шундаки, бу уларнинг эътиқодига айланиши керак, зеро ана шундагина фуқаро ўзининг ҳаётий фаолиятида қонун нормаларига жазоланишдан қўрқиб эмас, балки ихтиёрий равища амал қиласи. Мана шундагина ҳақиқий юксак ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгнинг муносиб даражаси ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни билишилик фуқаролар кундалик хулқ-атворларининг қонун ҳужжатларидағи талабларга мувофиқлашувига, ҳар хил ҳаётий вазиятларда ўзларини тўғри тутишларига имкон беради.

Биз демократик ҳуқуқий давлат курилаётган мамлакатда яшамоқдамиз. Бу адолатли фуқаролик жамияти сари бораёттанигимизни, унда тараққий эттан, адолатли қонун ҳукмрон бўлишини билдиради. Ўз навбатида, бу фуқароларга нисбатан талабларни оширади. Улар ўз давлатининг қонунларини билишлари ва уларга сўзсиз риоя этишлари керак. Қонунчилик ва ҳуқуқий маданиятни тараққий эттириш ва такомиллаштириш ҳуқуқий маданиятни шаклантиришнинг ягона йўлидир.

"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" доимий фаолият кўрсатувчи кенг қамровли тизимни барпо этишга қаратилган. У аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишни, фуқаро, давлат ва жамият ўргасидаги ўзаро муносабатларда ҳамжиҳатликни таъминлашни, фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини

такомиллаштиришни, давлат аппарати ходимлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишни, ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларнинг малакаларини оширишни, ҳуқуқий маданият соҳасида илмий изланишлар олиб боришни кўзда тутади.

Дастур барчани ва ҳар бир инсонни юридик тараққиётнинг истиқболи ҳақидаги билимлар билан қуролмандиришга даъват этади. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида"ги қарор аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги ишлар қисқа муддатли "кампания" эмас, балки давлатнинг маълум мақсад сари йўналтирилган стратегик курси, жамият фаолияти ва ҳаётида қонуннинг устунлигини таъминлаш борасидаги кундалик меҳнат эканлигидан гувоҳлик беради.

Маълумки, қонунда ижтимоий аҳамиятта эга бўлган саволларга жавоб бор. У ягона адолатли мезондир. Шунинг учун аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатишини, аҳолига оммавий-ҳуқуқий таълим беришини кенгайтириш давлатнинг бирламчи вазифасидир. Шу мақсадда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" мактабгача тарбия мусассасалари, олий ўқув юрглари ва умумтаълим мактабларида ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия борасида юридик билимларни тест синови ва давлат имтиҳонлари тарзида жорий этиш, педагогларнинг ҳуқуқий маданиятини кўтариш, илмий ноширликни, илмий-оммабоп юридик адабиётларни, маълумотномаларни кўпайтиришни тақозо этади.

Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия кампания тарзида эмас, балки маълум мақсадни кўзлаб, режали ва самарали тарзда, турли ижтимоий гурухларнинг хусусиятларини инобатта олган ҳолда олиб борилиши лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳали ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқий тарбия масалалари бўйича ўтказилаётган илмий изланишлар етарли эмас. Ҳуқуқий давлат, қонун ва Конституция талаби нуқтаи назаридан юридик ҳужжатлар, ҳукм ва суд ҳужжатларининг ҳаммаси ҳам талабга жавоб бермайди.

Ҳуқуқни кўллаш фаолиятини яхшилаш, аҳолига ҳуқуқий хизмат қилиш сифатини кўтариш, ҳуқуқий маълумотлар билан таъминлаш, ҳуқуқий тарбия воситалари ва усусларини такомиллаштириш бўйича катта ишларни амалга ошириш мумкин.

Бу ишда юристлар ва уларнинг уюшмалари ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқлари зарур. Юристларнинг касбий фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгига ижобий таъсир кўрсатишни назарда тутади. Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия узоқ давом этувчи, изчил, оғир ва кўп қиррали жараёндир. У ҳуқуққа оид ишлар савиясини кўтаришни, барча фуқаролар, мансабдор шахслар ва жамиятнинг Конституция ва қонунларга қатъий риоя қилишларини талаб қиласди.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда юридик аҳборот тизимининг пухта ишлаб чиқилган бўлиши катта аҳамиятта эга. Ҳозир Ўзбекистонда ўнлаб юридик журнал ва газеталар нашр этилмоқда, яқин ўттан йилларда бундай нашрлар умуман йўқ эди. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, мазкур нашрларнинг ҳаммаси ҳам уларнинг баланд нархларда эканлиги сабабли кенг китобхонлар оммасига, айниқса, ёшларга етиб бормаяпти. Шу боисдан мактаб ва бошиқа ўқув юртларини газета ва журнallар билан белул таъминлаш имкониятлари тизимини ишлаб чиқиш зарурияти туғилмоқдаки, бу нарса, шубҳасиз, ўзининг ижобий натижаларини беради, зеро бунда ўқувчилар учун мана шу нашрлардан кутубхоналар орқали фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Ҳуқуқий мавзуга радио ва телевидение ҳам кўпроқ эътибор қарата бошлади. Телевидениенинг қонунчилик ва ҳуқуқни тарғиб қилувчи, юридик саволларга жавоблар берувчи кўрсатувлари аҳоли орасида борган сари кўпроқ қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимиздаги демократиянинг даражасини, инсон ҳуқуқларининг аҳволини, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни акс эттирувчи кўзгудир. Халқаро эксперталар Конституциямизни юқори баҳолаб, унинг вақт синовидан ўтганигини, барқарорлигини, конституциявий демократик қонунчиликнинг намунаси, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолат эканлигини эътироф этмоқдалар. У мамлакатимиз фуқаролари томонидан демократик асослар ва принципларни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, умуминсоний қадриятларни мустаҳкамловчи ҳужжат сифатида қабул қилинди.

## V боб

### ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИННИ ЯРАТИШДА ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАНИ ВА ЮРИДИК ТАЪЛИМНИНГ АҲАМИЯТИ

- 
- \* Ҳуқуқшунослик фани - ҳуқуқий маданият назариясининг манбаи
  - \* Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришида юридик таълимнинг аҳамияти

#### 1. Ҳуқуқшунослик фани - ҳуқуқий маданият назариясининг манбаи

Ҳуқуқий маданият жамиятнинг дикқат марказида туради. Чунки мустақил Ўзбекистон Республикаси олдида талай муаммолар мавжудки, уларни давлат ва ҳуқуқ воситалари билангина ҳал қилиш мумкин. Бу эса ҳуқуқшунослар - илмий ходимлар, ўқитувчилар ва амалиётчилар олдига янги вазифаларни қўяди. Бугунги кунда ҳуқуқий тадқиқотлар ва ҳуқуқшунослик мутахассисликларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу эса ҳуқуқшуносларга нисбатан талабларни оширмоқда, уларнинг ўз билимларини чуқурлаштиришларини ва ишга нисбатан маъсуллиятни оширишларини шарт қилиб қўймоқда.

Республикамида ҳуқуқ фани ва таълими ривожида муайян муваффақиятларга эришилганлигига қарамасдан, бу соҳада ҳали муаммолар мавжудигини эътироф этиш керак. Бу ҳуқуқий тадқиқотлар мавзуларига, илмий ишларни мувофиқлаштиришга, ҳуқуқ фанининг амалиёт билан алоқасини кучайтиришга, иктидорли илмий ходимларни тайёрлашга ҳам таалуклидир.

Ҳуқуқшуносликнинг айrim тармоқлари ривожида нотекислик қайд этилади. Фуқаролик, процессуал, молия, меҳнат, оила, пенсия, савдо ва ҳалқаро ҳуқуқ соҳаларида муаммоларни тадқиқ қилишда сезиларли орқада қолиш кузатилмоқда. Ўзбекистоннинг 1917 йилгача бўлган давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳамда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар масалаларини тадқиқ этишда биринчи қадамлар қўйилмоқда, холос.

Умуман олганда, ҳуқук фани ҳозирча турли мулк тузилиши ва шаклларининг бир-бирига ўтиши, шу жумладан, хусусий мулкнинг қайта тикланиши ижтимоий ишлаб чиқаришнинг са-марасини оширишда устунликни, аҳоли айрим гурухларининг турли хилдаги имтиёзларини тутатиш ва ҳуқуқий тенглик при-нципларини қатъий таъминлашга ҳалал берадиган ижтимоий адолат принципларини бир ёқлама ва бузиб талқин этишларга барҳам беришда қонундан фойдаланиш каби ижтимоий та-раққиётнинг яқин ва келажак мақсадларини қабул қилиш ва англаб етиши зарур. Бозор иқтисодиётининг асосий ҳуқуқий тушунчалари: "товар ишлаб чиқарувчиларнинг бевосита мус-тақиалиги", "давлатнинг иқтисодиётта таъсирини иқтисодий назорат ва бошқариш усулларини қўллаш орқали чеклаш", "синиш", "тижорат-коммерция таваккалчилиги" каби тушунчалар ҳозирги замон ҳуқуқий ислоҳотининг туб вазифаларини бажарувчи воситалар эмас, балки ҳуқуқнинг шунчаки ялтироқ безак жиҳози сифатида қабул қилинмоқда.

Ҳуқуқшуносларнинг профессионал касбий онги кескин ижтимоий муаммоларга нисбатан ҳозиржавоб эмас, ўтмишда орттирилган қатор салбий иллатлар жуда секин йўқолмоқда. Булар орасида қонунга нисбатан воситавий-ашёвий ёндашув, ҳуқуқий ўзгаришлар имкониятини баҳолашда тор доирадан ке-либ чиқиши, айловни ўта бўрттириш, ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширишда маъмурий-буйруқбозлик усулла-рига зўр бериш охиригача бартараф этилмаган.

Ҳуқуқшунослик фанининг ушбу аҳволга тушиб қолишининг сабаблари нимада? Муайян объектив сабаблар мавжудми? Ҳа, мавжуд. Бу, энг аввало, кўп йиллар мобайнида ҳуқуқ фанлари тадқиқотларига иккинчи даражали йўналиш сифатида қараб келингани, юқори малакали ҳуқуқшунос олимлар тайёрлашга панжа орасидан қаралганидири. Ҳуқуқ-шунослар билан омма орасидаги ўзаро муносабат бир тарафлама бўлиб келди. Асосий тадқиқотлар рус тилида ёзилганлиги сабабли уларнинг мазмуни кенг ҳалқ оммасига, фуқароларнинг маънавий ва ҳуқуқий дунёсига муайян таъсир кўрсата олмади.

Кўп йиллар давомида республикамиз қонун ижодкорлиги билан шугулланувчи идораларнинг ҳуқуқшунос олимлар берган амалий таклифларига эътиборсизлиги ҳам илмий ходимларнинг фаоллигига салбий таъсир кўрсатди. Бу идоралар Москвада тайёрланган Иттифоқ қонунлари ёки Россия федерацияси ко-

дексларидан нусха кўчириш билан шугулландилар. Чунки ҳукуқшунослик фанидан бошқа ижтимоий фанлар каби маъмурӣ буйруқбозлиқ тизумининг қуроли сифатида фойдаланиб келинди.

Холбуки, жамият тараққиётнинг йўналишларини узок йилларга мўлжалланган илмий тахминларга асосланган гоялар белгилаб беради. Амалиётда эса илмий таклиф ва гоялар қозозда қолиб, етарли фойдаланилмади. Бу табиий равишда ҳукуқшунослик фанининг жамиятда туттан мавқеига ва ўрнига салбий таъсир кўрсатди. Бундай муносабат маъмурӣ-буйруқбозликка асосланган социализм талабларидан келиб чиқкан эди ва уларга тўла жавоб берарди. Ҳозир вазият тубдан ўзгармоқда.

Ҳуқуқий ижодкорлик соҳасида назарий илмий ечимлар билан қонун лойиҳаларини тайёрлаш ўртасида маълум яқинлашув кузатилмоқда. Суд-хуқуқий ислоҳотни тайёрлашда ҳукуқ фани ва жамоатчилиги билдирган кўп таклифлар бу ислоҳотни амалга оширишда бевосита ўз ифодасини топмоқда. Масалан, Тошкент Давлат юридик институти, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳукуқ институти олимлари мустақиллик йиллари 200 дан ортиқ қонун ва бошқа норматив ҳужжат лойиҳалари бўйича ўзларининг холоса ва таклифларини тегишли давлат идораларига, аввалимбор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бердилар.

Ҳуқуқшунослик фани ҳуқуқий давлат назариясини ишлаб чиқишида иқтисодий ва сиёсий қайта ташкил этишларни чукур таҳлил этиши ва ҳисобга олиши зарур. Шу муносабат билан биринчи навбатда, Президентлик бошқаруви шакли, демократик қонунчилик жараёни, қонуннинг устунлиги ва қонун қабул қилишининг самарадорлиги каби ҳуқуқий давлат тузилмалари фаолиятини илмий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятта эга.

Ҳуқуқий адабиётларни нашр этишда муайян силжишлар бор, аммо уларнинг тиражлари ҳаддан ташқари кам. Махсус даврий ҳуқуқий нашрларнинг чиқа бошилаши ҳуқуқшунослик фани ютуқлари ҳамда янги қонунларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва тушунтиришни кенг йўлга қўйишида муҳим роль ўйнамоқда. Аҳолининг турли қатламларини ҳуқуқий саводхон қилишга қаратилган пухта ўйланган, изчил тизимни ишлаб чиқиши долзарб вазифадир.

Хўқуқшунослик фанлари ва уларнинг амалиёт билан алоқаларини ташкил этиш соҳасида ҳуқуқшунос олимларнинг илмий тавсияларини жорий этиш ва амалга оширишинг барқарор механизми ҳанузгача йўқ. Бундай механизм ҳуқуқшунослик фанлари вакилларининг таклифларини янада тўлароқ ҳисобга олиш ва таҳдил қилишгагина эмас, балки уларнинг фойдалилигини баҳолашга, охир-оқибатда эса бутун ҳуқуқий тизимнинг самарадорлигини оширишга ёрдам берган бўлур эди. Бундай механизмнинг барпо этилиши ҳуқуқий тадқиқотларнинг сифатини янада оширишга, бунда қуруқ баёничилик ва шарҳлов услубларининг ҳукмронлигига барҳам беришга, ҳуқуқий муаммоларнинг бошқа турдош мутахассисликлар олимлари билан ҳамкорлиқда янада чуқурроқ татқиқ этилишига ёрдам берган бўлур эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш шакл ва усулларини кескин ўзгартиришни, шартнома-контракт тизимини жорий этишини тақозо қиласди. Илмий тадқиқотларни маблағ билан таъминлаш ҳар бир муаллиф кутадиган муайян натижани амалга оширишни тақозо этади.

Мустақиллик йўлидаги тараққиёт Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатидаги жиҳатларини атрофлича тадқиқ қилишни тақозо этади. Бунда мустақил давлат белгилари, унинг ички ва ташқи сиёсатни олиб боришидаги ваколатлари муҳим аҳамият касб этади. "Ўзбекистон - халқаро ҳуқуқ субъекти" мавзуи янги маъно ва аҳамиятта эга бўлмоқда.

Мустақил Ўзбекистонда демократик ҳууқий давлатни қарор топтириш иқтисодий маконда ҳуқуқий механизмнинг самарадорлигини оширишни талаб қилмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтишни таъминловчи янги қонунлар қабул қилинди. Булар жумласига ер, мулк, тадбиркорлик, банк ва банк фаолияти, корхоналар, ташқи иқтисодий алоқалар, чет эл инвестициялари, биржалар, кооперацияга доир қонунларни санаб ўтиш мумкин. Бу қонунларнинг қабул қилиниши шу борадаги улкан ижодкорлик фаолиятининг бошланиши, холос. Бозор иқтисодиёти хартияси бўлмиш янги Фуқаролик кодекси қабул қилинди. Бундан ташқари республикамиз тарихида биринчи маротаба Савдо кодексининг ишлаб чиқилиши ниҳоятда зарур. Биржа фаолияти, қимматли қоғозлар, якка ҳокимликка қарши ва эркин иқтисодий рақобат тўгрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши бу соҳадаги муҳим қадамдир. Албаттга, бошқа

қонунлар бозор иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини инобатта олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

Ўзбекистоннинг аксарият аҳолиси қишлоқ хўжалигида банд. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ҳақидаги қонунларни қабул қилиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир. Ер кодекси, Сув тўғрисидаги кодекс, дехқон хўжаликлари, ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳақидаги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтища аҳолини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш республикамиз бу соҳадаги олиб борилаёттан сиёсатнинг асосий мақсадларидандир. Шу боис ижтимоий қонунларни ривожлантирум озур. Бу борада иш билан таъминлаш, меҳнат, социал таъминот тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш, айни вақтда аҳолининг кам таъминланган қатламларига муайян имтиёзлар бериш лозим.

Кўп минг йиллик маданий меросимизга қизиқиш ниҳоятда кучайган бир даврда, бу борада ҳам ҳуқуқшуносларнинг ўз бурч ва мажбуриятлари бор. Маданий меросни қўриқлаш, табиат ёдгорликлари, музейлар, кутубхона ишлари, ҳужжатхоналар, авторлик, ақлий мулк ҳақидаги қонунлар халқимиз яратган бебаҳо бойлик ва ҳазиналарни келажак авлодга етказишида ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилмоги керак. Бундан ташқари, республикамиз ҳудудидан турли даврларда, турли сабаблар билан олиб кетилган тарихий-маданий мерос обидаларини халқаро-ҳуқуқий воситалар ёрдамида қайтариб олиш учун муайян ишларни олиб бориш ҳуқуқшуносларимизнинг маънавий бурчиdir.

Ҳозирги даврда жиноятчиликнинг ўсиб бориши, иқтисодий танглик, аҳоли айрим табақалари орасида маънавиятнинг инқирозга учраши ҳуқуқ фани олдига муҳим вазифаларни қўймоқда. Ҳаётимизда янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топиб бориши янги Жиноят кодексини ҳаётта татбиқ этишини тақозо этади.

Албатта, мустақил Ўзбекистон давлатида ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда, ўз миллий ҳуқуқий тизимимизни шакллантиришда ҳам тарихий, ҳам хорижий давлатларнинг давлат-ҳуқуқ тажрибасидан самарали фойдаланиш зарурдир. Бу борада, авваламбор, ўн икки аср давомида республикамиз ҳудудида амалда бўлган шариат, мусулмон ҳуқуқи нормалари-ни ўрганиш муҳимдир. Хорижий давлатлардан эса араб-

мусулмон давлатлари ҳамда ривожланган парламентар демократик мамлакатлар ҳуқуқий тажрибасидан фойдаланишимиз керак.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа илмий-амалий муаммоларни ҳал қилиш ҳуқуқшунос олимларни кўпайтиришни тақозо этади. Фанлар академияси тизимида алоҳида Давлат ва ҳуқуқ илмий-текшириш институтини ташкил этиш кечиктириб бўлмас вазифадир. Бундан ташқари, ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилинча иқтисодчилар, файласуфлар, социологлар, тарихчилар, шарқшунослар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш яхши самара бериши шубҳасиз.

Ҳуқуқшунослик фанининг муаммо ва ютуқлари тезлиқда ҳалқ оммасига етказиб берилиши керак. Бу борада ҳам ҳуқуқшунос олимлар, амалиёт ходимлари ҳуқуқий тарбияни кенг кўламда олиб боришлари керак.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи ҳамда Ўзбекистонда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи бўйича бор манбаларни тадқиқ қилиш назарий, тарихий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳалқлари ўзининг чуқур давлатчилик, гоявий ва маънавий негизлари билан жуда қадим замонларга бориб тақалувчи ўзига хос сиёсий-ҳуқуқий маданий бойлик соҳибиdir. Эрамиздан бир неча юз йиллар олдин, ҳозирги Ўзбекистон худудида давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги институтлар ва сиёсий-ҳуқуқий қарашлар пайдо бўлган ҳамда тараққий эттан. Марказий Осиё ҳалқлари маданияти жаҳон цивилизацияси ва умумжаҳон ҳуқуқий маданияти ривожланишига муносиб ҳисса қўшган.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши илгари Ўзбекистондаги сиёсий-ҳуқуқий қарашлар ва давлат ва ҳуқуқ тарихининг деярли тўлиқ ўрганилмаганлиги ҳозирги кунда республикадаги тарихий-ҳуқуқий фанлар олдида энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Турон давлати ва ҳуқуқи тарихи, Турк ҳоқонлиги, сомонийлар, қораҳонийлар, газнавийлар, хоразмшоҳлар, Чигатой улуслари, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, Бухоро амирлиги, Хива ва қўқон хонлиги давлати ва ҳуқуқи тарихи; имом ат-Термизий, имом Бухорий, Ал-Форобий, Ибн-Сино, Бурхониддин Маргиноний, Амир Темур, Улугбек, Самандар Тер-

мизий ва бошқа кўпгина алломаларнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинганидан кейин Ўзбекистонда шакланган ва ривожланган хуқуқий, сиёсий қарашлар тарихи бўйича анча кўзга ташланадиган илмий изла-нишлар бор. Бироқ бу тадқиқотлар Ўзбекистоннинг мустамлака ва совет давридаги сиёсий-хуқуқий маданияти тарихини тўлигича ёритиб бера олмайди. Бундан ташқари, тарих ва сиё-сий-хуқуқий институтлар ҳамда ғоялар тўгрисидаги бир қатор фикр ва хуносалар ҳозирги замон, яъни мустақиллик руҳида қайта фикрлашни ва баъзи бир аниқликлар киритишни талаб этади.

Ўзбекистондаги хуқуқий ҳамда сиёсий қарашлар тарихини ҳар томонлама ва чуқур ўрганилмаса, келгусида мустақил Ўзбекистоннинг давлат-хуқуқий институтларининг ривожла-нишининг асосий йўналишларини назарий асослаб бериш ва ҳозирги замон сиёсий-хуқуқий воқелигини тушуниш қийин бўлади ёки тушуниб бўлмайди. Ваҳоланки, ўтмишсиз, тарихсиз келажак бўлмайди.

Тарих барча авлодлар учун донишманд ҳакамдир. Ўзбекистон давлати ва хуқуқи тарихи, сиёсий-хуқуқий қарашлар тарихи ўзининг илгор фикрларга бойлиги, қизиқарлилиги билан ажralиб туради. Бу ғоялар, ўткир ва тे-ран фикрлар республика давлат-хуқуқий институтларининг ривожланишига ҳозир ва келгусида самарали хизмат кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистонда давлат ва хуқуқ тарихи ҳамда сиёсий-хуқуқий таълимот тарихини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш ҳам мураккаб, ҳам муҳим вазифадир. Бунинг сабаблари кўйидагича:

*Биринчидан*, давлат ва хуқуқ ҳамда сиёсий-хуқуқий қарашлар тарихи бўйича кўп манбалар, Ўзбекистон ва собиқ Иттифоқ архивларига, кутубхоналарга ҳамда чет давлатларга тарқалиб кеттан.

*Иккинчидан*, бу манбаларнинг деярли барчаси, араб, форс ва эски ўзбек тилида ёзилган. Бу эса ушбу тилларни биладиган мутахассис ҳуқуқшуносларнинг жуда озлиги сабабли, қўйилган вазифани ҳал этишда жиҳдий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

*Учинчидан*, яқин йилларгача Ўзбекистон ҳуқуқшунос олимларининг дикқат эътибори, Ўзбекистоннинг Россия томо-

нидан босиб олинганидан кейинги ва Совет давридаги давлат ва ҳуқуқ тарихига қаратилган эди. Мустамлака давригача ва Октябрь инқилобигача бўлган даврдаги Ўзбекистон давлати ҳуқуқи ҳамда сиёсий-ҳуқуқий қарашлар тарихи очилмаган кўриқ бўлиб қолмоқда, десак хато бўлмайди.

Тўртинчидан, ҳозирги кунда Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи ҳамда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихини ўрганувчи ҳуқуқшунос олимларни бирлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи илмий марказ йўқ. Республикада ҳуқуқшунослик тарихи соҳасида юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш ишлари яхши йўлга қўйилмаган.

Буларнинг ҳаммаси, ушбу соҳани ўрганиш ва юқорида қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун катта куч ва вақтни талаб этади. Лекин бу вазифа қанчалик мураккаб ва қийин бўлмасин, уни бажариш керак. Унинг учун эса қуйидаги ишларни жонлантириб юбориш зарур:

1) Фанлар академияси ҳузурида ушбу соҳани ўрганувчи олимларнинг фаолиятини бирлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи илмий марказ ташкил этиш;

2) ушбу соҳадаги илмий ходимларни мамлакатимиз, ҳамдўстлик ҳамда чет мамлакатлардаги давлат ва ҳуқуқ ҳамда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи соҳасини ўрганишга ихтинослашган йирик илмий марказлар докторантура ва аспирантураларида тайёрлаш;

3) сабиқ СССР ва чет давлатлар архив ва китоб фондларида сақланаётган Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи, сиёсий-ҳуқуқий қарашлари тарихи тўгрисидаги араб, форс, эски ўзбек тили ва бошқа тилларда ёзилган барча манбаларни тўплаш;

4) ушбу соҳага доир кўп томли хрестоматиялар тайёрлаш ва нашр этиш;

5) арабча-ўзбекча, форсча-ўзбекча, арабча-русча, форсча-русча юридик терминлар лугатини тузиш;

6) шу соҳага оид китобларни ўзбек тилида чоп этиш;

7) Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи, сиёсий-ҳуқуқий қарашлар тарихининг муҳим муаммолари ва даврлари бўйича чукур илмий тадқиқотлар ўтказиш, китоблар тайёрлаш ва чоп этиш;

8) Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихининг кўп жилди китобини ўзбек тилида тайёрлаш ва нашр этиш;

9) Ўзбекистонда мусулмон ва одат ҳуқуқи ривожланиши бўйича бир қатор ишларни тайёрлаш ва нашр этиш;

10) аҳоли ўртасида ҳуқуқий ва илмий тарғиботни ташкил қилишга эътиборни кучайтириш ва ҳ.к.

Бу тадбирларни амалга ошириш ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Худди шу маънода, ҳуқуқшунослик фани ҳуқуқий маданиятнинг назарий маънаидир.

## **2. Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда юридик таълимнинг аҳамияти**

Мамлакатимизда ҳар томонлама билимли, юқори малакали ходим бўла оладиган, демократик ҳуқуқий давлат қуриш вазифасини кўп жиҳатдан ҳал қилиб бера оладиган юрист кадрларга эҳтиёж жуда катта. Мустақил Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тизими тубдан ўзгариб, ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган инсон шахси унинг марказида бўлмоқда. Бугунги кунда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларини бирбиридан ажратиш, қонунга қатъий амал қилинишини таъминлаш борасида аниқ ҳаётий вазифа кўйилмоқда. Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва кенгайтириш вазифаси кун тартибида турибди.

Хўш, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда, унинг миллий давлатчилигини ривожлантириш ва бутун жамиятни ислоҳ қилишда юридик таълим нималарга қодир?

Таълим - ҳар қандай маданий жамиятда бўлганидек Ўзбекистоннинг порлоқ ва буюк келажагини таъминловчи сармоя, ислоҳотнинг қудратли қуроли. Давлатимиз учун таълим асосий аҳамиятта эга.

Барча тараққий эттан мамлакатлар таълим соҳасига алоҳида эътибор берадилар. Улар бу қадар равнақ топғанлигининг асосий сири ҳам шундай. Масалан, АҚШ да XXI аср бошига мўлжаллаб америкача турмуш тарзини такомиллаштириш вазифасига мос тушадиган Таълимни ривожлантириш миллий дастурининг устун йўналишларини ишлаб чиқиши ниҳоясига етказилмоқда. Бизнинг мустақил давлатимиз учун ҳам тараққиёт сари ийл таълим бериш сифатини юксак даражага кўтариш орқали ўтади. Бу соҳада умуман бўлажак мутахассис-

ларга, жумладан, юристлар тайёрлаш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг янгича мазмундаги, фаол, ижодий усуллари ишга солинмоғи лозим.

Яхлит таълим тизимида юридик таълимнинг тутган ўрни унинг вазифалари билан белгиланади. Бу вазифалар учта: 1) мутахассис юристларнинг маҳсус тайёргарлиги; 2) фуқароларнинг умуминсоний (туманинтар) тайёргарлигини, ҳуқуқий билим бериш орқали уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини, қонунга риоя этишини ўстириш; 3) жамиятда ҳуқуқий билимларни оммалаштириш, тарғиб қилиш.

Ҳуқуқий маърифат бўлмаган жамиятда маданият ҳам, ижтимоий маънавият ва сиёсий барқарорлик ҳам бўлмайди. Ҳозирги пайтда кўпгина мустақил мамлакатлар ҳуқуқий саводсизлик ва юридик нигилизм азобини тортмоқдалар. Ҳуқуқий, демократик фуқаролик жамиятида аҳамияти жиҳатдан юридик таълим ахлоқий категория даражасигача кўтарилади. Бу масалада юксак билим, маънавият, ватанпарварлик ва инсофиённатни ўзида уйгунаштирган зиёли юристлардан қиёс олиш тўғридидир.

Давлатимиз ва жамиятимиз юрист мутахассисларни тайёрлашга ниҳоятда юксак талаблар қўймоқда. Ҳозирги ўтиш даврида ҳал этилиши юристларни тайёрлаш сифатини яхшилашга имкон берадиган қандай муаммолар мавжуд?

Бу, **биринчидан**, янги ижтимоий муносабатларни шаклантириш, яъни Ўзбекистоннинг мустақил мақомига ва жамиятнинг ўзбек миллий давлатчилигини равнақ топшириш йўлига мувофиқ келадиган янги қонунларни вужудга келтириш.

Иккинчидан, қонунларни билишга, давлат ва жамиятнинг барча институтлари, фуқаролар, ажнабийлар ва бошқалар томонидан уларга сўзсиз риоя қилинишига асосланган қонунга итоаткорлик туйгусини тарбиялаш.

Учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, адлия муассасаллари, жазони ижро этиш тизимини ислоҳ қилиши.

Тўртинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш.

Бешинчидан, юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг хўжалик, иқтисодий ҳамда ижтимоий фаолиятида ҳуқуқий хизмат кўрсатиш.

**Олтинчидан, жиноятчиликка айниқса уюшган жиноятчикликка қарши кураш.**

**Еттингидан, Ўзбекистоннинг ҳалқаро манфаатларини ҳамда мамлакатимизнинг хориждаги фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.**

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда юридик таълим қўйидагича тузилишга эга: икки юридик олий ўқув юрти - Тошкент Давлат юридик институти ва Ички ишлар вазирлигининг Академияси; Тошкент, Нукус, Самарқанд, Фарғона давлат университетларининг юридик факультетлари ҳамда Иқтисодиёт, Техника, Аграр давлат университетларида. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида 5 та мустақил ҳуқуқ асослари кафедралари ишлаб турибди. Шунингдек, Аддия вазирлигининг юридик коллежи ҳамда Ижтимоий таъминот вазирлигининг юридик техникуми фаолият кўрсатмоқда. Афсуски, ҳозир мамлакатимиз қанча юрист кадрга эҳтиёж сезаётганинг кўрсатиб берувчи аниқ статистик ҳисоб-китоблар мавжуд эмас. Муайян юридик ихтисосликлар бўйича давлат буюртмаси сифатида ҳар томонлама ҳисоблаб чиқилган касб дастури ҳам амалда йўқ.

Бундай вазиятни ўзгартириш учун қўйидагиларни амалга ошириш зарур:

- асосий юридик ихтисосликлар бўйича мутахассисларни тайёрлаш давлат стандартини ишлаб чиқиш;
- маҳсус ва умумий таълим учун баробар бўлган ҳуқуқий таълим андозаси, яъни моделини яратиш;
- давлат тилида дарсликлар тайёрлаш;
- юридик таълимнинг барча йўналишларидан билим беришга қобил бўлишлари учун ўқитувчиларни қайта тайёрлаш;
- давлат ҳокимияти ва ҳалқ ҳўжалиги идораларида юристлар эгаллаци тавсия этиладиган лавозимлар рўйхатини тузиб чиқиш ва ҳ.к.

Шундай қилиб, Республика изда юридик таълимнинг сифат жиҳатидан янги андозаси (модели) вужудга келтирилмоғи зарур.

Юридик таълимнинг, ҳуқуқнинг турли соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

- қонун ва ҳалқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқ нормалари ва принциплари устунлигидан келиб чиқадиган мунтазамлик ва илмийлик;

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунарига асосланганлик;
    - таълимнинг миллий хусусияти, ўзбек давлатчилигининг илгор тарихий ҳуқуқий анъаналарига ҳамда ҳозирги ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқини ривожлантириш тажрибаларига таяниш;
    - жаҳон юридик таълими, ҳуқуқшунослиги илгор тажрибасига йўл очиш;
    - юридик таълим билан мутахассис юрист ҳуқуқий, ахлоқий, фуқаролик, ватанпарварлик тарбиясининг бирлиги;
    - юридик таълим барча соҳаларининг яхлитлиги, узлуксизлиги ва ўзаро узвий боғлиқлиги;
    - юридик таълим соҳасидаги ҳалқаро стандартларга яқин бўлиш.
- Ана шу санаб ўтилган принциплар Ўзбекистонда юридик таълимнинг юксак сифатли миллий тизимини барпо этишдан иборат бош вазифани бажаришга имкон беради. Мазкур вазифанинг асосий таркибий қисмлари бу ҳуқуқнинг янгича, новаторлик категорияси билан фикрловчи профессор-ўқитувчича кадрлар масаласидир.
- Мулкчилик, меҳнат ва ишбилармонлик фаолияти, инсон ҳаёти ва шаънини ҳимоя қилиш жабҳасида ҳуқуқий маърифатга алоҳида эътибор берилмоғи лозим. Болалар, болали аёллар, ногиронлар ва қарияларнинг ҳуқуқларини юридик жиҳатдан ҳимоя қилиш зарурияти тобора яққол намоён бўлмоқда.
- Бу ишларни амалга ошириш учун юридик билимга эга бўлган кадрлар зарур. Бошқача қилиб айтганда, юридик таълим яхлит бир тизим бўлишига эришмасдан туриб мамлакатнинг ҳуқуқий жиҳатдан маърифатли бўлишини тасаввур қилиш қийин. Шу боисдан истиқболда юридик таълим бошқа таълим соҳалари сингари муаммоли-мақсадли мазмунга эга бўлиши лозим. Умуман олганда ҳам, ихтисослар бўйича ҳам шундай бўлмоғи керак. Бу мамлакатимизни ҳуқуқий давлат сифатида ривожлантира боришга қаратилган замонавий концепцияга мос тушади. Ҳуқуқий муаммолар ранг-баранглиги ва қонунга асосан нормалаштириш суръати маълум маънода юридик муасасалар ва ҳуқуқий технологиялар барқарорлиги эвазига мўътадиллаштириб турлади. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳадаги янгиланиш шитоби юридик таълим мазмунига ҳам жадал суръат бағишлайди.

Ишлаб чиқилиши лозим бўлган маҳсус юридик таълим стандарти асосий ҳуқуқий тизимларни (рим, инглиз, мусулмон, хитой, ҳинд ҳуқуқини) яхлит бир тизим сифатида ўзида муҗассам этиши мумкин. Шунингдек, ўзимиздаги замонавий конституцияшуносликка, инсон ҳуқуқлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва аддия тизимлари ҳам унда ўз ифодасини топмоги лозим. Шу билан бирга юридик мактабни тутатаёттан киши олган билимини амалда қўллашга тайёр бўлиши зарур. Юридик таълим стандартига, шунингдек тарих, социология, психология, политология, ижтимоий педагогика, этика, статистика ва маданиятшуносликнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳам киради. Юрист ҳужжат билан бемалол ишлай оладиган мутахассис сифатида она тилини мукаммал эгаллаган бўлиши, чет тиллар, шу жумладан, рус тилини яхши билиши ҳам стандартнинг асосий талабларидан бири бўлмоги лозим.

Зеро, айни шу фанлар маҳсус юридик таълимни тўлдириб, унинг инсонпарварлик, маънавий ва фуқаролик имкониятларини бойитади. Бироқ шу гуманитар фанларнинг айни юридик соҳага мос тушадиган мазмунини ажратиб олиш билан боғлиқ методик муаммо келиб чиқади.

Юридик таълим ва тарбия стандартида талабанинг жисмоний тарбияси катта ўрин тутади. Бир қатор юридик ихтисос-ликларда у ҳатто устун аҳамиятта эгадир. Бу масалада Америка ёки Британиядаги олий юридик таълим муассасаларига хос бўлган саломатликни қадрлаш, жисмоний камолотта интилиш тажрибаси хусусида мулоҳаза қилиб кўриш фойдалидир.

Чет эллар тажрибаси олий юридик таълим мазмунини тे-ранлаштира бориш унинг икки хил даражаси шаклланишига олиб келишини кўрсатиб турибди. Бу - бакалаврлик ва магистрлик даражаларидир.

Ҳуқуқ бакалаври малакасини олиш даражасида ихтисослашув билан бирга табиий равишда амалий соҳа, юридик технология ва техника устун туради. Албатта, бу малака назарий негиз билан таъминланади, лекин маълум доирада чегараланган бўлади.

Ҳуқуқ магистри малакасини олиш даражасида ихтисослашув билан бирга ҳуқуқий жараёнга илмий ёндашув ўзлаштирилади. Технологик-техник юридик жиҳатлар бундай ёндашув негизи бўлиб хизмат қилса-да, мазкур вариантда улар ёрдамчи вазифани бажаради.

Бакалавриат юридик таълимнинг институту даражасига тўгри келса, магистратура университет юридик таълимдир. Улар орасида тўсиқ бўлмаслиги керак. Бакалаврлик дипломини олган киши юридик амалиётдан, ишдан ажралмаган ҳолда ҳукуқий таълимнинг янада юксакроқ даражасига эришиш борасида таҳсилни давом эттириши мумкин. Имтиёзли диплом олган ва танлов асосида муаммоли илмий ишини ҳимоя қила билган бакалаврлар магистратуранинг кундузги бўлимига ўқишга қабул қилинсалар, тўгри бўлади.

Махсус юридик таълим андозасини белгилаш йўлидан яна илгарилаб борилса, бундай таълим илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашга хизмат қилиши лозимлиги ҳам равшан бўлиб қолади.

Магистрлик дипломига эга бўлган юрист аспирантура ёки эркин тадқиқотчилик орқали номзодлик ишини, сўнгра эса ҳукуқ докторлиги ишини ҳам амалга ошириши мумкин.

Хусусий, хўжалик, меҳнат, халқаро, аграр, савдо-тижорат ҳукуқларига эътиборсизлик билан қаралгани шунга олиб келдики, ҳозир Ўзбекистонда юридик таълимнинг ушбу бўлимлари бўйича ҳукуқшунос олимлар ва ўқитувчилар жуда кам. Афтидан тадқиқотчилик соҳасидаги ихтисослашув ва илмий йўналишлар ҳам ўз йўлича, яъни стихияли шаклланаётган кўринади.

Бу жабҳада Фарбий Европа мамлакатларида, Японияда фол қўлланиб келаётган йўлдан бориш маъқул бўларди. У ерларда муаммонинг батафсил мақсад-моҳияти, яъни концепциясига маблаг ажратилади ва шундан кейин муаллиф ёки жамоа уни ишлашга киришади. Шу тарзда ўқитиш дастурини янгилаш ҳамда мукаммал ўқув қўлланмаларини тайёрлаш мумкин бўлади.

Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёқланадиган илмий иш учун давлат стандартини белгилаш айниқса муҳимдир. Фан доктори Ўзбекистонда ҳукуқий тизимни бойитишга салмоқли ҳисса қўша оладиган теран тадқиқотчи бўлмоги керак. У муайян бир илмий-юридик йўналишни бошқариб турмоги, ёш олимлар ва амалиётчи тадқиқотчиларни тарбиялашга қодир бўлмоги лозим. Ҳозирги пайтда маълум маънода мамлакатимиз учун янги бўлган юридик мугахассисликлар бўйича таълим олишнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Умумтаълим мактаблари тизими учун жамиятшунослик

ўқитувчилари тайёрлашга катта эҳтиёж мавжуд. Бу соҳада ҳозир юрист мутахассислар йўқ ҳисоби. Биринчи йўл - олий гуманитар маълумотта эга бўлиб, шу фандан дарс беришда ўзини синаб кўраётган ўқитувчиларни кечки ёки сиртқи бўлимларда бир-икки йил ўқитиш. Иккинчи йўл - маҳсус факультет очиш. Жойлардаги университетларда очиладиган бундай юридик факультетлар, энг аввало, педагогик-юридик мақомга эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон халқаро ва чет эл ҳуқуқи бўйича юрист мутахассислар тайёрлашга эҳтиёж сезмоқда. Бошқа ихтисосликлар бўйича олий юридик мактабнинг очиқлиги асосий принцип ҳисобланса, халқаро ва чет эл ҳуқуқга ихтисослашаётган юристларни тайёрлаш маҳсус таҳсилни талаб қиласди. Бунинг учун дунёнинг турли минтақаларидағи етакчи юридик олий ўқув юртлари билан талабалар, ўқитувчилар, олимлар алмасиши андозасини ишлаб чиқиш жуда муҳимdir.

Бу ишда бир ёқламалик фойда бермайди. Гап қандай бўлса ҳам чет элга бориб ўқишида эмас. Ўзбекистоннинг миллий-давлат эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жуда пухта шартнома сиёсатини юритиш зарур. Россиядаги етакчи юридик ўқув юртлари биз учун ўзлаштирилган, очилган йўл хизматини ўташи мўмкин. Чогроқ гуруҳлар учун ҳуқуқ ва юридик таълим бобида ажойиб тизимга эга бўлган АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германияни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир. Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё, Фарб мамлакатлари университетларининг энг илгор юридик факультетлари билан талаба ва ўқитувчи айирбошлиш учун катта имкониятлар очилмоқда. Ушбу мамлакатлардаги таъсирили доираларнинг таҳминларига қараганда, уларнинг вакиллари Ўзбекистонда юридик таълим олиши мамлакатимиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Чунки Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳуқуқини яхши биладиган хорижлик мутахассислар етишиб чиқади. Бу эса биз учун ҳам катта фойда.

Бироқ яна ўша юридик таълим соҳасидаги стандартларимизнинг қолоқлиги муаммоси ўртага тушади: қолоқлик ҳам маъзунда, ҳам дарс бериш услубларида, ҳам талабаларнинг мустақил ишида кўзга ташланиб турибди.

Таълим - ислоҳотлар равнақ топишининг қудратли воситаси. Давлат учун таълим устун аҳамиятта эга<sup>1</sup>. Шунга кўра янги мустақил мамлакатимиз тараққиётида таълим алоҳида ўрин тулади. Шу нуқтаи назардан қараганда, мутахассислар тайёрлашнинг фаол ижодий усулларини ишлаб чиқиш лозим.

Ҳуқуқий таълим маорифнинг яхлит тизимида муҳим ўрин тулади. Мазкур жараёнда у уч вазифани адо этади. Булар: 1) мутахассис ҳуқуқшуносларнинг маҳсус тайёргарлиги; 2) фуқароларнинг умумий ижтимоий тайёргарлиги, ҳуқуқий билимлар билан таъминланиши, ҳуқуқий оңг ва ҳуқуқий маданият, шунингдек, қонунга итоаткорликни ошириш; 3) жамиятда ҳуқуқий билимларни оммалаштиришдан иборат.

Ҳуқуқий, демократик фуқаролик жамиятида ҳуқуқий саводхонлик ахлоқ даражасидаги мавқега эга бўлади. Шунга кўра юксак саводхонлик, маънавийлик, ватанпарварлик, ҳалоллик каби хислатларни ўзида мужассамлаштирган кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Давлат ва жамият мутахассис ҳуқуқшуносларни тайёрлашга юксак талаблар қўймоқда. Ҳозирги ўтиш даврида жамият ҳуқуқий вазиятнинг мураккаб жараёнлари билан боғлиқ муаммоларини уddaлаш, ҳуқуқшунос мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда.

Ҳуқуқий таълимнинг принциплари том маънода турли соҳаларда ҳуқуқшунос мутахассислар тайёрлашнинг асосларини белгилайди. Уларга қўйидағилар таалуқли:

*биринчидан*, жаҳонда эътироф этилган инсон ҳуқуқлари, Конституция ва қонунларнинг устунлигидан келиб чиқиб, юридик таълимни маълум бир мақсадга йўналтириш, тартиблаштириш, илмийлаштириш;

*иккинчидан*, юридик таълимнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига асосланиши;

*учинчидан*, юридик таълим ўзбек давлатчилигининг илфор ҳуқуқий анъаналарига таяниши ва ҳозирги замон ўзбек давлати ва ҳуқуқи эҳтиёжларидан келиб чиқиши;

*тўртинчидан*, юридик таълимнинг жаҳондаги илфор тажрибалардан фойдалана олиши;

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т., 1995; Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т., 1995.

**бешинчидан**, юридик таълимнинг ахлоқ қоидалари, ватан-парварлик ҳислари билан муштараклиги;

**олтинчидан**, юридик таълимнинг яхлитлиги, узлуксизлиги ва ўзаро боғлиқлиги;

**еттинчидан**, юридик таълимни халқаро андозаларга яқинлаштириш;

**саккизинчидан**, маҳсус юридик таълимнинг давлат моҳиятига эгалиги кабилар.

Мазкур принципларга амал қилиш Ўзбекистонда юридик таълимнинг юқори сифатини таъминлади ва ҳозирги замон ҳуқуқий таълимининг асосий вазифаларини белгилайди. Унинг асосий таркибий қисмларига қуидагилар киради:

1) илмий тушунчалар ва ватанпарварлик туйгулари билан янгича фикрлайдиган профессор-ўқитувчилар;

2) ҳуқуқшуносликнинг юридик ва умумгуманитар мазмунда амалий йўналганлиги;

3) ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий фан ва услубиёт марказлари тизимининг босқичма-босқич шакллантирилиши;

4) ўқувчи, талабаларнинг касбий танловдан ўтказилиши ва ёш ҳуқуқшуносларнинг касбий йўналишлари;

5) юридик таълим ва юридик амалиётнинг доимий алоқадорлиги.

Асосий принциплар ва вазифалар узлуксиз юридик таълим ва саводхонликнинг қуидаги андозасини белгилаш имконини беради.

Ҳуқуқий саводхонликни болалар ва ўсмирларга (4-14) илк ҳуқуқий сабоқларни беришдан бошлаш зарур.

Ёшлар (15 дан 23 ёшгача) ўзларининг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини, қонунга итоаткорлик нормаларини, жамиятдаги ҳуқуқий тартиботни ва қонунийликни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг туттан ўрнини, жиноят учун жазонинг муқаррарлигини етарли даражада ўзлаштиришлари зарур.

Ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришда қонунга итоаткорлик ва аҳолининг ўз фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун кифоя қиласиган ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамиятта эга. Мазкур соҳада фуқароларнинг мулкчилик, меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти, ҳаёти ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Юқоридагиларни амалга ошириш учун етарли юридик маълумотта эга ходимлар керак. Бошқача айттанды, мамлакатнинг ҳуқуқий саводхонлиги юридик таълимнинг яхлит тизими сиз жорий этилмайди.

Юридик таълим аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши зарур. Бу мамлакатимиз конституциявий ҳуқуқининг ривожланишидаги ҳозирги замон йўналишига жуда мос келади.

Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳалардаги янгиланиш юридик таълим мазмунининг ҳам тубдан ўзгаришига олиб келади. Мазкур вазифа - ҳуқуқшунос мутахассисларнинг, қолаверса, олий маълумотли барча зиёлиларнинг тайёргарлиги мазмунини бойитиш ва янгилашдан иборат.

## VI боб

# ХОЗИРГИ ЗАМОН АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ

---

\* Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари ва юридик харита \* Юридик типология

### 1. Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари ва юридик харита

Жаҳон ҳуқуқий маданияти инсоният тарихида тўпланган ҳуқуқий қадрияларнинг мажмуудир. Ҳар бир мамлакат жаҳон ҳуқуқий маданиятига ҳисса қўшган. Жаҳон ҳуқуқий маданияти умуминсоний ва миллий ҳуқуқий гоялар, кечинмалар, таълимотларни ўзида мужассамлаштиради.

Ҳар бир миллий ҳуқуқий тизим жаҳон ҳуқуқий маданиятиning таркибий қисмидир. Шу боис жаҳон ҳуқуқий маданиятини ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари орқали таърифлаш мумкин. Аммо дунёдаги 200 га яқин миллий ҳуқуқий тизимларнинг барчасини кўриб чиқишинг имкони ҳам йўқ, керак ҳам эмас. Шунинг учун юридик типология масаласи муҳим аҳамият касб этади. XXI аср бўсагасида миллий ҳуқуқий тизимларнинг сони деярли уч баробарга кўпайди ва ҳозирда уларнинг сони 200 га яқинлашди. Албатта, гап миллий ҳуқуқий тизимларнинг сони ва уларнинг хилма-хиллигига эмас. Бунда юридик типология дунё ҳуқуқий харитасини кўп жиҳатдан ҳар томонлама таҳдил қилишнинг дастлабки зарурий шартидир.

Юридик типологияянинг асосий тушунчалари қўйидаги лардир: "дунё ҳуқуқий харитаси", "ҳуқуқнинг тарихий типи", "ҳуқуқий тизим оиласи", "миллий ҳуқуқий тизим".

Ҳуқуқий тизим деганда, тор маънода маълум давлатнинг "миллий ҳуқуқий тизим" деб аталадиган ҳуқуқи тушунилади. Бунда "ҳуқуқий тизим" тушунчаси "ҳуқуқ тизими" тушунчасининг синоними эмас, чунки кейингиси объектив ва субъектив омиллар билан белгиланадиган, ҳуқуқ соҳаларининг тузилиши, ўзаро алоқаси ва муносабатини очиб берадиган институциявий тушунчадир.

"Хуқуқий тизим". "хуқуқ тизими"га нисбатан кенг тушунча. У ҳуқуқ соҳаларининг мажмуи (хуқуқ тизими) билан бирга, жамият ҳуқуқий ҳаётининг бошқа соҳаларини ҳам ўз ичига олади. Уларни таҳдил қилиш ҳуқуқий ривожланишининг фақат бир институциявий тузилиш билан очиб бўлмайдиган томонларини ва жиҳатларини очиш имконини беради. "Хуқуқий тизим" тушунчасида "хуқуқ тизими"дан фарқли улароқ, ҳуқуқ соҳаларининг ички тузилишигина эмас, балки уларнинг мустақиллиги ҳам акс эттирилади.

Кенг маънода ишлатиладиган "хуқуқий тизим" тушунчаси қиёсий ҳуқуқшунослик билан узвий боғлиқ. Бу ердаги терминлар анча хилма-хилдир. Масалан, Р.Давид "хуқуқий тизимлар оиласи", К-О.Эберт ва М.Рейнстайн "хуқуқий доиралар", И.Сабо "хуқуқий тизимлар шакли", С.С.Алексеев "тузилмавий умумийлик" терминини ишлатади. Уларнинг ичида энг кўп тарқалгани эса "хуқуқий оила" терминидир.

"Хуқуқий оила" тушунчаси ўзаро ўхшашиб юридик белгиларга эга бўлган ҳуқуқ тизимларининг нисбий бирлигини англатиш учун хизмат қиласи ва айтиб ўтилган тизимларнинг муайян тарихий ривожланиш хусусиятларини, яъни тузилиши, ҳуқуқ манбалари, етакчи ҳуқуқ институтлари ва соҳалари, ҳуқуқий маданияти, анъанаси кабиларни акс эттиради. У, энг аввало, "ҳуқуқнинг тарихий типи" тушунчасига нисбатан иккимачи, ёрдамчи ҳисобланади, ҳуқуқ шаклининг нисбатан мустақиллигини, ҳуқуқнинг техник-юридик мазмунини, ўзига хослигини акс эттиради.

Шундай қилиб, ҳуқуқ оиласи деганда, бир ҳуқуқ чегарасида тарихий шаклланишининг ўхашлиги асосида бирлашган миллий ҳуқуқ тизимларининг озми-кўлми кенг мажмуи, ҳуқуқий манбалар тузилиши, етакчи ҳуқуқ соҳалари ва ҳуқуқ институтлари, ҳуқуқни қўллаш, юридик фаннинг умумий жиҳатлари тушунилади.

"Ҳуқуқий тизим" тушунчаси кенг маънода "ҳуқуқнинг тарихий типи" тушунчасига ўхшашиб тушунча сифатида қўлланилади. Бу тушунчаларнинг иккинчиси бир ижтимоий-иқтисодий формациядаги ҳуқуқий тизимларнинг барчасини қамраб олади ва, энг муҳими, шу тизимларга ҳам хослигини ифодалайди. Бироқ "ҳуқуқнинг тарихий типи" тушунчаси ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларининг барча кўринишларини қамраб ололмайди.

Юридик адабиётларда бутун Ер шаридағи миллий ҳуқуқий тизимларни эътиборга олиб, "дунё ҳуқуқий харитаси" (В.А.Туманов), "дунёнинг юридик жўгрофияси" (В.Кнапп) "ҳуқуқий тизимлар ҳамжамияти" (Ж.Сталев) ва бошқа атамалар ишлатилади.

Бу атамалар Ер шарида мавжуд бўлган миллий ҳуқуқий тизимларни уларнинг ўзига хос белгилари билан бирга қамраб олади.

## 2. Юридик типология

"Типология" ва "классификация" (таснифлаш) тушунчалари айнан ўхшаш эмас. Классификацияга нисбатан типология кенгрок тушунча. У барча бўгинлари умумий ривожланиш қонуниятларига зга бўлган сифатий ўхшашлик йигиндисини эътиборга олади. Моҳияттан типология билан классификациянинг алоқаси умумий ва маҳсус бирлик сифатида кўрсатилиши мумкин. Типология классификацияга таянади, мантиқан билиш жараёни ундан кейин келади, унинг камчиликларини босиб ўтади ва шу маънода унинг тўғридан-тўғри давоми ҳисобланади.

Дунё миқёсидаги типологияда ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари ҳуқуқнинг маълум тарихий типига тегишлилига қараб аниқланади. Унинг тузилиши учун ишлатиладиган мезон тегишли ижтимоий-иктисодий формациялар томонидан берилган ҳуқуқий тизимлар моҳиятини эътиборга олади. Шундай қилиб, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тузум типологик мезон деб ҳисобланиши ва у ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларининг дунё миқёсидаги типологияси, яъни ҳуқуқнинг тарихий типларини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларининг дунё миқёсидаги типологияси шу муҳим нарсани қайд қиласди, бусиз ҳуқуқнинг тарихий типи мавжуд бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. У ҳуқуқий тизимларни турли шакл ва кўринишларда бўладиган тегишли ижтимоий-иктисодий формацияларнинг таркибий қисми деб таърифлайди.

Юридик типология муаммоси умумий ва маҳсус муносабатлар билан ҳал этилмайди, шунингдек, оралиқ сифатидаги даража ҳам мавжуд, усиз эса ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларини ўрганиб бўлмайди. У ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари-

ни умумий ва хусусий ўрганишда ўзаро алоқадорлик сифатида фалсафий тушунчаларни кўллашни назарда тутади. Бу ерда гап уч томонлама алоқа, яъни ҳуқуқнинг тарихий типи - дунё миқёсидағи типология натижаси (хуқуқий оила) - классификация натижаси (муайян миллий ҳуқуқий тизим) ҳақида боради.

Ҳар бир миллий ҳуқуқий тизимда, биринчидан, барча ҳуқуқий тизимларга тегишли умумий ҳуқуқий белгилар; иккинчидан, уларнинг айримлари билан ҳуқуқнинг маълум бир тарихий доирасида бирлаштирувчи хусусиятлар (типологик белгилар); учинчидан, ҳуқуқ оиласи ва ҳуқуқ гурӯҳи доирасида бирлаштирувчи хусусиятлар ва, ниҳоят, фақат тегишли миллий ҳуқуқий тизимларгагина хос бўлган хусусиятлар намоён бўлади.

Юридик типология доирасида турли ҳуқуқий тизимларни муайян-тарихий, юридик-техникавий ва бошқа хусусиятлари жиҳатдан классификация қилиш анъанаси мавжуд.

Маълумки, ҳуқуқий типологиянинг иккала тури ҳам бирбирини ўзаро тўлдириб турса-да, улар бир-бирига карама-қарши қўйилмаслиги керак. Бунда умумий типология ўз ичидағи классификация учун методологик асос ролини бажаради, охиргиси эса конкретлаштирилади ва у ёки бошқа ҳуқуқнинг тарихий типи доирасида ҳуқуқий тизимларнинг энг муҳим умумий белгиларини маълум маънода шакллантиради.

Классификация умумий типологиянинг ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олмаслиги мумкин эмас ва аксинча. Умумий типология билан ҳуқуқий тизимларнинг классификациялаш бирлигидагина дунё ҳуқуқий харитаси ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш мумкин.

Классификация ҳуқуқий тизимлар даражасида ҳам, ҳуқуқнинг етакчи соҳалари даражасида ҳам бўлиши мумкин.

Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари таснифини ҳуқуқ оиласлари тизимини, ҳуқуқ гурӯҳлари ва алоҳида миллий ҳуқуқий тизимлар тузилиши бўйича мураккаб деб қарамоқ лозим. Ҳар бир ҳуқуқ оиласи таркибида яна кўп майдага классификацияларни кўриш мумкин ва, ўз наебатида, уларни ҳам бир нечта ҳуқуқ гурӯҳларига бўлиш мумкин. Масалан, роман-герман ҳуқуқ оиласида француз ҳуқуқи ва герман ҳуқуқи, умумий ҳуқуқ оиласида инглиз ҳуқуқи ва Америка ҳуқуқи ажратилиади.

Академик В.Кнапп қуйидаги таснифни келтиради. Масалан, роман-герман ҳуқуқ оиласида Француз ҳуқуқи, Австрия ҳуқуқи, Герман ҳуқуқи, Швейцария ҳуқуқи, Скандинавия мамлакаттарининг ҳуқуқи ҳуқуқнинг аралаш тизими, каноник ҳуқуқ<sup>1</sup> каби ҳуқуқ тизимларини фарқлайди.

Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимларини таснифлашда юрист "етти ўлчаф бир кес" қабилида иш тутиши керак ва, авваламбор, ҳуқуқий тизимларнинг унча кўп бўлмаган сони билан чекланиши лозим. Агар кимда-ким классификациялашда бутун ер юзидаги ҳуқуқий тизимларни ишлатмоқчи бўлса, у эмпирик материал юкини торта олмай қолади. Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларининг энг мукаммал рўйхати Қиёсий ҳуқуқнинг халқаро энциклопедиясида келтирилган. Бироқ, бу ерда ҳам дунёдаги барча ҳуқуқий тизимлар қамраб олинган эмас.

Шуниси қизиқки, юрист, авваламбор, ҳуқуқий тизимларнинг бош бўгинини аниқлаши, сўнгра уларнинг кейинги географик тарқалишини аниқламоги лозим. Агар дунё ҳуқуқий харитасига назар ташланса, шуни кўриш мумкинки, ер юзи аҳолисининг учдан икки қисми роман-герман ва инглиз умумий ҳуқуқидан келиб чиқадиган ҳуқуқий тизимлар асосида яшамоқда.

Классификация асоси бўлиб, биринчидан, анча кенг ёки, аксинча, жуда тор илк жўтрофий доира хизмат қилиши мумкин. Иккинчидан, мезонлар эмас, балки тарихий характерда ҳам бўлиши мумкин. Ва, ниҳоят, шу вазифани юридиқ институтлар ва ҳуқуқ соҳалари ҳам бажариши мумкин. Умуман, ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларини кенг доирада классификациялашда ишлатиладиган мезонлар турли хил омилларни, яъни этник, маданий, жуғрофий, диний омиллардан бошлаб "юридиқ техника", "ҳуқуқ услуби" гача ҳисобга олиши мумкин. Шу боис юрист олимлар қанча бўлса, классификациялар ҳам шунчалик кўп.

Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларини классификациялашни иккита асосий йўналишга бўлиш мумкин. Табиийки, шартли равишда улардан ҳар бири, ўз навбатида, муайян хусусиятларга эга бўлган бир қанча турларига эга.

<sup>1</sup> Қаранг: Кнапп В. Крупные системы права в современном мире// Сравнительное правоведение. -М., 1978. - 228-231-бетлар.

Биринчи йўналиш француз олими Р.Давиднинг асарларида ўз аксини топган. Унинг уч томлик асарида учта (роман-герман, англо-саксон, социалистик) "ҳуқуқ оиласи"ни ажратиб кўрсатади ва уларга дунё ҳаритасининг бешдан тўрт қисмини ўз ичига оладиган ҳамдә "диний ва анъанавий тизимлар" деб номланган бутун юридик дунё туташади<sup>1</sup>.

Бундай классификациялашга иккита мезон, яъни мафкуравий (бунга Р. Давид диний, фалсафий, иқтисадий ва ижтиёмий омилларини киритади) ва юридик техника мезони асос бўлади. Ўз навбатида, уларнинг иккаласини ажратган ҳолда эмас, балки умумлаштирган ҳолда фойдаланиш зарур. Замонавий юридик фанда Р.Давиднинг классификацияси машҳур. Масалан, француз университетларида "Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари" ўқув фанининг ўқитилиши худди шу классификация асосида олиб борилади.

Иккинчи йўналишнинг кўзга кўринган вакили немис юристи К. Цвайгерт ҳисобланади. У классификацияга беш омилини, яъни: 1) ҳуқуқий тизимнинг пайдо бўлиши ва тараққиётини; 2) юридик фикрлашнинг ўзига хослигини; 3) ўзига хос ҳуқуқий институтларни; 4) ҳуқуқ манбалари ва уларни шарҳлаш усулларини; 5) мафкуравий омилларни назарда тутувчи "ҳуқуқий услугуб" ("ҳуқуқ услуги")ни мезон қилиб олади.

Шу асосда К.Цвайгерт саккизта "ҳуқуқий доира"ни, яъни роман-герман, Скандинавия, инглиз-америкача, социалистик, ислом ҳуқуқи, ҳинд ҳуқуқини фарқлайди.

Асосий ҳуқуқий оилаларни ажратиш учун бир-бири билан ўзаро боғлиқ учта мезон - 1) ҳуқуқий тизимларнинг келиб чиқиши; 2) ҳуқуқ манбалари тизими; 3) ҳуқуқий тизимлар тузилиши, етакчи ҳуқуқий институтлар ва ҳуқуқ соҳалари муҳим ҳисобланади.

Ҳуқуқ асосларининг шакли, тизими ва иерархияси ҳуқуқий оиланинг ҳолатини тавсифлайди ва уларни таснифлашнинг муҳим мезонини ўзида ифодалайди. Агар роман-герман ҳуқуқ оиласи ёзма кодификациялашган ҳуқуқ, яъни қонунларда ўз ифодасини топган нормалар йигиндисидан иборат бўлса (бунда доимий ва кенг норма ижодкорлиги

<sup>1</sup> Давид Р. Основные правовые системы современности. -М., 1988. - 39-48-бетлар.

қонуларга биркитиладиган умумий тамойилларга йўл топади), инглиз-америка умумий ҳуқуқи континентал ҳуқуқ тизимидан шу маънода фарқланадики, унинг асосида суд прецеденти ётади: у ўзида мажмуалаштирилмаган ҳуқуқий тизимни ифода этади.

Ҳар бир ҳуқуқ оиласи манбалари тизими, авваламбор, тарихий ривожланишнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Шу муносабат билан скандинав ҳуқуқи асослари алоҳида қизиқиш уйғотади. Мана юз йилдан ортиқ вақт давомида кўпчилик қонунчилик актлари бу ерда Скандинавия давлатлари ҳамкорлиги натижасида қабул қилинади. Агар илгари бу қонунчилик ҳамкорлиги фақат хусусий ҳуқуққа тегишли бўлса, энди у бутун оммавий ҳуқуқ соҳасини ҳам қамраб олади.

Ҳуқуқ манбалари тизимининг тарихий ривожланиш хусусиятларини юридик фикрлаш тарзи деб аталадиган ҳолат ҳам белгилайди. Масалан, роман-герман юристи учун тушунарли ёндашиш, тушунарли тузилишга, ҳамма ҳуқуқ соҳаларини тўла системалаштиришга интилиш ва мантиқий алоқаларни мантиқан кўриб чиқиш хосдир. Инглиз юристи ўзини умумлаштириш ва мавҳумлаштириш билан овора қилиб ўтиrmайди.

Ҳуқуқий тизимларни классификациялашда умуман ҳуқуқ соҳалари ўрнини, айниқса, конституциявий, фуқаролик, савдо, жиноий, процессуал каби етакчи соҳаларини эътиборга олмоқ лозим. Бир хил ҳуқуқий тизим ҳуқуқнинг қайси соҳаси мезон сифатида олиннишига қараб, турли ҳуқуқ оиласига киритилган бўлиши мумкин. Масалан, хусусий ҳуқуқ асосида ишлаб чиқилган классификациялашда Лотин Америкаси давлатлари ҳуқуқий тизими баъзи бир жиҳатлари билан роман-герман ҳуқуқ оиласига мансублиги сезилади. Лекин конституциявий ҳуқуқ асосидаги классификациялашда бу мамлакатларнинг кўпчилиги умумий ҳуқуқ тизимидаи Америка ҳуқуқи гуруҳига киритилади.

Скандинавия ҳуқуқ тизими эса роман-герман ҳуқуқ тизимида мансуб. Бу ерда хусусий ҳуқуқ билан оммавий ҳуқуқ ўртасидаги чегара озроқ аниқликка эгалиги ҳисобга олинса, у ҳолда у "умумий ҳуқуқ" қа яқинроқдек туюлади.

Шундай қилиб, учта ўзаро боғлиқ мезонлар асосида қўйидаи саккизта асосий ҳуқуқ оиласини ажратиш мумкин: роман-герман ҳуқуқ оиласи, Лотин Америкаси ҳуқуқ оиласи, умумий ҳуқуқ оиласи, Скандинавия ҳуқуқ оиласи, мусулмон

хуқуқ оиласи, ҳинд хуқуқ оиласи, одат хуқуқи оиласи, Үзөк Шарқ хуқуқ оиласи.

**а) Роман-герман хуқуқ оиласи.** Роман-герман хуқуқ оиласи Европа қитъасида Рим каноник хуқуқи ва маҳаллий анъаналар асосида юзага келган хуқуқ тизимлари киритилди. У Рим хуқуқини италян, француз ва немис университетларида ўқитиш йўли билан XII-XVI асрларда Юстиниан қонунлари тўплами асосида шаклланган, кўпгина Европа давлатлари учун умумий бўлган юридик фан сифатида юзага келди. "Рим хуқуқи рецепцияси" номини олган жараён юз берди. Аввал бу рецепция назарий шаклда эди. Рим хуқуқи бевосита қўлланилмасдан, унинг моҳияти, ривожланган тизими, ички мантиги, юридик техникаси ўрганилар эди. Худди шу нарса Европа давлатларининг хуқуқий тизимларини маълум бир ўхшашликка олиб келди. Шу йўналишда каноник хуқуқнинг таъсири ҳам кўзга ташланади. Миллий кодификациялаш хуқуққа аниқлик ва равшанлик берди, унинг амалий ишлатилишини анча осонлаштириди ва континентал Европада вужудга келган хуқуқ нормаси ва, умуман, хуқуқни тушенишнинг мантиқан тутгалланиши бўлиб майдонга чиқди. Улар роман-герман хуқуқ оиласининг бир бутун ҳолат сифатида шаклланишини тутгаллади.

Роман-герман хуқуқ оиласи учун ёзма хуқуқнинг мавжудлиги, хуқуқ асосларининг бир бутун иерархик тизими, унинг оммавий ва хусусий хуқуқ соҳаларига бўлиниши, шунингдек, хуқуқ тизимларининг соҳаларга бўлиниши хосдир. Роман-герман хуқуқи оиласидаги барча мамлакатлар хукуки учун уни тизимлаштирувчи хусусияти озми-кўпми бир хил хуқуқ принципларининг якка тизими умумий саналади. Бу мамлакатларнинг барчасида ёзма конституциялар мавжуд бўлиб, улардаги нормалар орқали олий юридик нуфуз тан олинади. Кўпчилик давлатларда бу нуфуз одатдаги қонунларнинг конституцияга мослиги юзасидан суд назоратини ўрнатиш билан мустаҳкамланади. Конституциялар турли давлат органларининг қонунчилик ваколатларини белгилайди ва шу ваколатта мувофиқ турли хуқуқ манбаларини даражалаштириши ўтказади.

Роман-герман юридик назарияси ва қонунчилик амалиёти одатдаги қонуннинг уч турини фарқлайди: тўпламлар, маҳсус қонунлар (даврий қонунчилик) ва нормаларнинг тўпланган матнлари.

Кўпчилик континентал мамлакатларда фуқаролик (фуқаролик ёки савдо) жиноят, фуқаролик-процессуал, жиноят процессуал кодекслари ва бошқа баъзи бир қонунлар амал қилияпти.

Одатдаги қонунчиллик тизими ҳам анча кенгайтирилган. Қонунлар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тоҳасини тартибга солади. Ҳар бир мамлакатда уларнинг сони жуда кўп. Роман-герман ҳуқуқи манбалари орасида қонунга биноан қабул қилинган актларнинг регламентлар, маъмурӣ фармойишлар, вазирлар декретлари кабиларнинг роли катта ва янада ортиб бормоқда.

Роман-герман ҳуқуқи манбалари тизимида одат ҳуқуқи ўзига хосдир: у фақат қонунга қўшимча сифатида ҳаракат қилиб қолмасдан, балки "қонундан ташқари" ҳам амал қила олади. Шундай ҳолатлар бўладики, одатлар "қонунга қарши" бўлиб қолади. Масалан, Италия новигация ҳуқуқида денгиз одати фуқаролик кодекси нормасидан устун келиб қолади. Бунгунги кунда одат баъзи истисноларни эътиборга олмагандан, мустақил ҳуқуқ манбай хусусиятини йўқотди.

Суд амалиёти ҳолатининг анча қарама-қарши эканлигини кўриши мумкин. Лекин шунга қарамай, суд амалиётини ёрдамчи манбалар қаторига қўшиш мумкин эмас. Биринчи навбатда, бу "кассацион прецедент" билан бөглиқ. Чунки кассацион суд - бу олий погонадир, шунда "оддий" суд қарори, масалан, қиёслаш ёки умумий тамойилларга асосланган, кассацион босқичини ўтиб, шунга ўхшаш ишларни ҳал қилишда бошқа судлар томонидан фарқли прецедент деб қаралиши мумкин.

Роман-герман ҳуқуқи тизимида шу ҳуқуқ оиласи асосий принципларини ишлаб чиқсан доктрина алоҳида ўрин эгаллайди. Доктрина қонунни тайёрлаш фаолиятида анча муҳим роль ўйнайди. У ҳуқуқни қўллаш фаолиятида (қонунларни шарҳлашда) ҳам ишлатилади.

Халқаро алоқаларнинг ривожланиши билан миллий ҳуқуқий тизимлар учун халқаро ҳуқуқ катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Баъзи бир давлатларда халқаро шартномаларга ички қонунларга нисбатан катта юридик куч берилмоқда. ГФРнинг 1949 йилдаги Конституциясида "халқаро ҳуқуқнинг умумий принциплари" қонунга нисбатан устун эканлиги тўғридан-тўғри айтилади.

Шундай қилиб, иерархия тизимининг ягона схемаси доирасида ургуларнинг ўрни ўзгарса-да, роман-герман оиласига киравчи давлатлар учун ягона схемалар хосдир. Худди шундай фикрни ҳуқуқий тизим, яъни унинг соҳаларга бўлиниши ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Роман-герман оиласига киравчи барча давлатларда ҳуқуқни оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлиш тан олиниади. Бундай бўлиниш умумий характерга эга (кўпинча доктриналидир) ва охирги пайтларда ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотди. Энг умумий маънода шуни айтиш мумкинки, оммавий ҳуқуққа давлат органлари статуси ва фаолияти тартибини ҳамда индивид билан давлатнинг муносабатларини белгилайдиган соҳа ва институтлар, хусусийга эса шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган соҳа ва институтлар тегишли. Бу икки соҳанинг ҳар бирига турли давлатларда деярли бир хил соҳалар мос келади. Лекин, масалан, ГФРда оммавий ва хусусий ҳуқуқ ўртасидаги бўлиниши, Франциядагига нисбатан унчалик сезилмайди, умумий, маъмурий ва конституциявий аддия органларини ташкил қилиш ваколатида Франциядагига нисбатан бошқача аксини топган.

Европанинг турли давлатлари ҳуқуқининг роман-герман ҳуқуқ оиласига мансублиги миллий ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги маълум фарқларни истисно қилмайди. Шуни эслатиб ўтамизки, бир томондан, француз ҳуқуқи, иккинчи томондан герман ҳуқуқи шундай модель бўлиб хизмат қилдики, унинг асосида роман-герман ҳуқуқ оиласи ичida иккита ҳуқуқ гуруҳи ажратилади: роман гуруҳи - бунга Франция, Бельгия, Люксембург, Голландия, Италия, Португалия, Испания киради; герман ҳуқуқ гуруҳи - унга Австрия, Швейцария ва бошқа давлатлар тегишли. Роман-герман ҳуқуқи оиласида француз ҳуқуқида энг кучли деб топилган "рим (роман) ҳуқуқи" "герман ҳуқуқи" гуруҳидан фарқ қилади, "герман ҳуқуқи"га герман ҳуқуқи фани анча таъсир кўрсатган.

**б) Англия-Америка ҳуқуқий тизимлари (Умумий ҳуқуқ оиласи).** Роман-герман ҳуқуқий тизими давлатларида фарқ қилиб, инглиз-саксон ҳуқуқий оиласига киравчи давлатларда судьялар томонидан шакллантирилган ва суд прецедентларида ифодаланган норма ҳуқуқининг асосий манбай бўлиб хизмат қилади. Инглиз-Америка умумий ҳуқуқи, Рим ҳуқуқи каби "ҳимоя бор жойда ҳуқуқ бор" принципига асосан ривожланган

"адолат ҳуқуқи" низомлари билан түлдирилган ва такомиллаштирилган инглиз умумий ҳуқуқини кодификация қилишнинг барча уринишларига (И. Бентам) қарамасдан, у судлар томонидан тузилган прецедент ҳуқуқидир. Бу статут (қонунчиллик) ҳуқуқи ролининг ўсишини истисно қилмайди. Шундай қилиб, инглиз ҳуқуқи уч таркибий қисмдан иборат тузилишга эга бўлди: умумий ҳуқуқ - асосий манба; ушбу асосий манбани тузатувчи ва тўлдирувчи адолат ҳуқуқи; статут ҳуқуқи - парламент томонидан чиқарилган ёзма ҳуқуқ.

Инглиз-Америка ҳуқуқи оиласида Англия ҳуқуқи гурухини ва келиб чиқиши жиҳатидан у билан боғлиқ АҚШ ҳуқуқини фарқлаш керак. Англия ҳуқуқи давлатлари гурухига Англия билан бирга Британия империясининг собиқ мустамлакалари - Шимолий Ирландия, Канада, Австралия, Янги Зеландиядан иборат Британия Ҳамдўстлиги киради. Ҳозирги даврда 36 та давлат Ҳамдўстлик аъзоси ҳисобланади. Маълумки, Англия йирик мустамлакачи давлат бўлиб, инглиз умумий ҳуқуқи кўпгина мамлакатларда тарқалган эди. Бунинг натижасида буғунги кунда дунё ахолисининг учдан бир қисми инглиз ҳуқуқи нормалари асосида яшамоқда.

АҚШ ҳуқуқи инглиз умумий ҳуқуқига асосланган бўлиб, ҳозирги пайтда тўла мустақидир. Француз ҳуқуқи сезиларли роль ўйнайдиган Луизиана штати ва ҳудудида испан ҳуқуқи тарқалган жанубий штатлар эса бундан истисно.

Умумий ҳуқуқ ўзида тарихнинг чуқур таъсирини мужассамлаштирган тизимдир. Бу тарих эса то XVIII асртагача якка инглиз ҳуқуқи тарихи бўлиб, у уч йўл, яъни умумий ҳуқуқнинг шаклланиши, уни адолат ҳуқуқи билан тўлдириш, статутларини шарҳлаш билан ривожланди.

Бироқ агар континентал Европа юристлари ҳуқуқни ўрнатилган тартиблар мажмуи деб қарасалар, инглизлар учун эса у, асосан, суд келган қарордир. Континентда юристлар, авваламбор, бу ҳолат қандай тартибга солингланлиги билан қизиқсалар, Англияда эса иш бўйича тўғри қарор чиқарилиши учун суд уни қайси тартибда кўриши кераклиги билан қизиқадилар.

Францияда, Германияда, Италияда, роман-герман ҳуқуқ оиласига кирувчи барча давлатларда одил судлов доимо университетларнинг юристлик дипломига эга бўлган судьялар томонидан амалга оширилган. Англияда ҳатто XIX асртагача ҳам

"юқори судлар"да ишлаш учун юридик университет маълумотига эга бўлиш шарт эмас эди; улар адвокат бўлиб ишлаш, судлов ишлари амалиётини ўрганиш жараёнида мутахассисликни эгаллар эдилар. Фақат бизнинг давримизда адвокат ёки судья бўлиш учун университет дипломини олиш муҳим шарт бўлиб қолди. Юридик касб билан шугулланиш имконини берадиган профессионал имтиҳонлар (ҳозирги кундаги юридик дипломнинг эквиваленти деб қаралиши мумкин) муҳим бўлиб қолди. Лекин бугунги кунда ҳам инглизлар назарида ишларнинг судда вижданли кишилар томонидан кўрилиши асосий мезон бўлиб қолмоқда. Уларнинг фикрича, умумий ахлоқнинг бир қисмини ташкил қилувчи судлов ишларнинг асосий қоидаларга риоя қилиш "яхши судлаш" учун етарлидир.

Англия ҳуқуқи ҳозирда ҳам асосан муайян ҳолатларни кўриб чиқиши жараёнида судлар томонидан ишлаб чиқилган суд ҳуқуқи бўлиб қолмоқда. Прецедент қоидаси нуқтаи назаридан олиб қараганда, умумий ҳуқуқ нормалари роман-герман ҳуқуқий тизими нормаларига нисбатан ўзгарувчанроқ ва аниқроқ бўладиган вазиятни таъминлайди, лекин кўпроқ казуистик жиҳатлари билан ажралиб туради.

Англо-саксон ҳуқуқ оиласидаги ҳуқуқнинг тузилиши (ҳуқуқ соҳалари ва институтларига бўлиш), ҳуқуқ концепцияси, ҳуқуқ манбалари тизими, юридик тил - булар ҳаммаси роман-герман ҳуқуқ тизимига нисбатан бутунлай бошқача. Йинглиз ҳуқуқида ҳуқуқ оммавий ва хусусийга ҳуқуққа ҳам бўлинмайди, бу ерда уни умумий ҳуқуқ (Common law) ва адодлат ҳуқуқи (Egnitj law)га бўлиш алмаштиради.

Йинглиз ҳуқуқи соҳалари континентал ҳуқуқ тизимидағи-дек аниқ ифодаланмаган. Бу эса иккита омилини келтириб чиқаради. *Биринчидан*, ҳамма судлар умумий юрисдикцияга эга, яъни турли категориядаги, масалан, оммавий ва хусусий-ҳуқуқий, фуқаролик, савдо, жиноий ишларни кўриб чиқишилари мумкин. Бўлинган юрисдикция ҳуқуқ соҳаларини чегаралашга олиб келади, бирхиллаштирилгани эса, тескари йўналишда амал қиласди.

*Иккинчидан*, инглиз суд амалиёти ва айрим қонунларни ислоҳ қилиш йўли билан аста-секин ривожланди. Англияда европача типдаги кодекслар йўқ. Шунинг учун инглиз юристига ҳуқуқ бир хил (ўхшаш) кўринади. Инглиз доктринаси ҳуқуқнинг таркибий бўлиниши ҳақида мунозара қилмайди.

Ү, умуман олганда, назарий асослашдан натижани маъқулроқ кўради.

Америка революцияси биринчи ўринга ўзининг "инглизча ўтмишидан" воз кечувчи мустакил америкача ҳуқуқ гоясини илгари сурди. 1787 йилда ёзма федерал конституциянинг ва АҚШ таркибиага кирган штатлар конституцияларининг қабул қилиниши бу йўлда биринчи ва муҳим қадам бўлди. Инглиз ҳуқуқидан, шу билан бирга, прецедент принципидан ва умумий ҳуқуқнинг бошқа белгиларидан бутунлай воз кечиш кўзда тутилган эди. Лекин Америка ҳуқуқининг роман-герман оиласига ўтиши юз бермади. Фақат баъзи штатлар, яъни собиқ француз ва испан мустамлакалари бўлган Луизиана, Калифорния штатларида роман типидаги кодекслар қабул қилинди, аммо улар барibir кейинчалик аста-секин "умумий ҳуқуқ" томонидан қамраб олинди.

Умуман, АҚШда Англиядагига ўхшаш, яъни прецедент ҳуқуқи ва қонунлардан иборат дуалистик тизим вужудга келди. Англияда ҳам АҚШда ҳам ҳуқуқ ва унинг аҳамияти бир хил тушуниладиган концепция мавжуд.

Инглиз юристи сингари америкалик юрист учун ҳам ҳуқуқ, авваламбор, суд амалиётидир. Қонун чиқарувчи чиқарган нормалар кўп маротаба судлар томонидан қўлланган ва шарҳланганидан кейингина Америка ҳуқуқий тизимига киритилади. Бунда нормаларнинг ўзи эмас, балки уларни қўллаган суд қарорлари далил сифатида келтирилиши мумкин бўлади. Шундай қилиб, АҚШ ҳуқуқи умумий ҳуқуқ тизимига ўхшаш тузилишга эга. Бироқ умумий жиҳатдангина шундай. У ёки бу муаммони кўриб чиқишига киришилганда, Америка ва инглиз ҳуқуқи ўртасидаги муайян фарқлар юзага чиқади, уларнинг кўпчилиги ҳақиқатан ҳам муҳим ва уларни эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Шундай фарқлардан бири АҚШнинг федератив тузилиши билан bogлиқ. АҚШ таркибиага кирувчи штатлар анча кенг ва колатларга эга бўлиб, бу ваколатлар доирасида улар ўз қонунларини ва прецедент ҳуқуқи тизимини яратади. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, АҚШнинг 50 та штатида 50 ҳуқуқий тизим мавжуд ва, бундан ташқари, 1 та федерал ҳуқуқ тизими умумий равища иш кўради, ҳаммаси бўлиб 51 та ҳуқуқий тизим мавжуд. Ҳар бир штат судлари ўз юрисдикциясини мустакил равища амалга оширади. Шунинг учун, бир

штат судлари қабул қылган қарорга бошқа штатларнинг судлари амал қилиши шарт эмас.

Суд амалиётининг бир хиллигига интилиш кучли бўлишига қарамай, турли штат судларининг бир хил мазмундаги ишлар бўйича ҳар хил, баъзан эса бутунлай қарама-қарши қарорлар қабул қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Бу кўпгина ишларни кўриб чиқувчи штатлар судларининг қарорлари билан маълум категориядаги ишларни кўриб чиқиш ҳукуқига эга бўлган федерал судлар ўртасидаги тафовутларни чуқурлаштирадиган қарама-қаршиликларни вужудга келтиради.

Америка ҳукуки инглиз ҳукуқидан яна бир жиҳати билан, яъни прецедент таркибининг кўпроқ эркин амал қилиши билан фарқ қиласди. Штатларнинг юқори суд инстанциялари ва АҚШ Олий суди ҳеч қачон ўз прецедентлари билан боғланган эмаслар. Шундан уларнинг ҳукуқни ўзгараётган шарт-шароитта мослаштириш жараёнида анча эркинлиги намоён бўлади.

Прецедент билан кўпроқ эркин муносабат Америка судларининг қонунларнинг Конституцияга мос келишини назорат қилишида алоҳида аҳамият қасб этади. Штат Олий суди ёки АҚШ Олий суди шу тариқа конституциявий шарҳлаш прецедентидан воз кечиши мумкин. Олий суд томонидан айниқса фаол ишлатиладиган конституциявий назорат ҳукуки американча бошқарув тизимида суд ҳокимиятининг ўрнини яқзол кўрсатади.

Қонунчиликка суд орқали таъсир ўтказишнинг катта имкониятлари, қонунларнинг АҚШ ҳукуқий тизимида катта салмоқقا эгалиги ва Англиядаги статут ҳукуқидан муҳимроқлиги фактини бекор қилмайди. Бу, аввало, ёзилган конституциянинг, аниқроғи конституцияларнинг бутун тизими: икки юз йил амалда бўлиб келган федерал ва турли ёщдаги штатлар конституцияларининг борлиги билан боғлиқ. Бунинг устига, юқорида айтиб ўтилганидек, штатларга анча кенг қонунчилик ваколати берилган ва улар ундан фаол фойдаланишмоқда. Шу боис қонунларнинг катта қисмини штатлардаги қонунлар эгаллайди.

АҚШ статут ҳукуқида инглиз ҳукуқида бўлмаган кодекслар ҳам учрайди. Бир қанча штатларда фуқаролик кодекси амал қиласди, 25 тасида - фуқаролик процессуал, ҳамма штатларда - жиноят, айримларида жиноят-процессуал кодекслар бор.

АҚШда кодификациянинг маҳсус шакли, бир хил қонунлар ва кодекслар деб аталадиган тузилиши бор. Шундай қонунлар ва кодекслар лойиҳасини тайёрлашни барча штатлар вакилларининг умуммиллий комиссияси Америка ҳуқуқ институти ва Америка адвокатлар уюшмаси билан биргалиқда амалга оширади.

Лойиҳа қонунга айланиши учун у штатлар томонидан қабул қилиниши керак. Шундай кодекслар орасида биринчиси ва энг машҳури 1962 йилда расман маъқулланган Умумий савдо кодекси ҳисобланади.

АҚШда, Англиядаги каби, қонунни қўллаш уни судда талқин этиш прецедентига боғлиқ. Шу боис бир хил қонун ёки кодексларни ҳамма ердаги суд амалиёти бир хил талқин этишига кафолат йўқ.

Бир қатор сабабларга кўра (мустамлакачилик босқини, рецепция, мафкуравий таъсир ва бошқалар) бир қанча миллый ҳуқуқий тизимлар у ёки бу даражада роман-герман ҳуқуқ оиласига киритилиши мумкин бўлган Европа чегарасидан ташқарида қолган. Бу ўринда гап "Лотин Америкаси ҳуқуқи" ҳамда бевосита роман-герман оиласига кирмаса ҳам, ҳар холда унга яқин бўлган "Скандинавия ҳуқуқи" ҳақида бориши мумкин.

**в) Лотин Америкаси давлатларининг ҳуқуқий тизимлари.** Лотин Америкаси давлатларининг тарихий тақдиридаги умумийлик, уларнинг кўпида ижтимоий иқтисодий тузум ва сиёсий тузилишнинг ўхшашлиги ўхшашиб сиёсий-ҳуқуқий институтларни вужудга келтирди. Улардаги ҳуқуқий тизимларнинг ўхшашлиги ҳам шу билан боғлиқ бўлиб, бу уларни Лотин Америкаси ҳуқуқига бирлаштириш имконини беради.

Лотин Америкаси ҳуқуқи ўз асосига кўра кодификацияланган ҳуқуқдир, хусусан кодекслар Европача нусхада тузилган. Бу эса, биринчи навбатда, унинг роман-герман ҳуқуқ оиласига яқинлиги ҳақида гапириш имконини беради. Шу ва бошқа ўхшашиб белгилари - деярли ўхшашиб ҳуқуқ, ҳуқуқ нормасининг мавҳумлиги ҳам ана шундан.

Кодификациянинг айнан европача, авваламбор, французнача моделини қабул қилишга Лотин Америкаси давлатлари маълум даражада колониал ҳуқуқ, ўз тарихий ривожланиши бўйича француз ҳуқуқига яқин турадиган ва Америка қитъасига

босқинчилар томонидан олиб келинган испан ва португал ҳуқуқи туфайли тайёр бўлган.

Характерлиси шундаки, ҳатто АҚШ га жуғрофий жиҳатдан бошқаларга нисбатан яқин турган давлатлар ҳам европача континентал модель тарафдорлари бўлдилар. Бунга мисол тариқасида Мексикани кўрсатиш мумкин. Бу ерда сиёсий мустақиллик қўлга киритилганидан кейин, "ҳуқуқий тизим" ҳуқуқнинг континентал тизими роман-герман гуруҳига хос бўлган ҳуқуқий гоялар ва юридик техникани қабул қилди. Мексикадаги роман анъаналари унинг XIX асрда қабул қилган дастлабки кодекслари ва кўпгина қонунларидағи француз ва испан ҳуқуқининг тасирида ҳам сезилади.

Ўтган асрда қабул қилинган баъзи кодекслар бир қатор давлатларда янгиси билан алмаштирилди ёки сезиларли даражада замонавийлаштирилди (масалан, Мексикада 1917 йилдаги конституциянинг қабул қилинганидан кейин ҳам), лекин кўпчилик ҳолларда эски кодификация кучда қолди. Бу ҳолат Франция ва ГФР да ҳам кузатилган ва шу боис худди ўша муаммо ва оқибатларни келтириб чиқарди. Эски қонунлар кўп сонли қонунлар ва қонун ости актлари билан ўраб олинган бўлади. Лотин Америкаси ҳуқуқида ҳавола қилинган қонунчиликнинг роли айниқса катта.

Одат ҳуқуқининг Лотин Америкаси ҳуқуқининг манбаи сифатидаги роли давлатдан давлатта ўтган сайин ўзгариб боради. Аргентинада у анча кўп, Урутвайда эса, аксинча, оз. Лекин умуман, бу ёрдамчи ҳуқуқ манбаидир ва Европа қитъасида у қонунда кўрсатилган ҳолларда ишлатилади.

Лотин Америкасининг 4 давлати - Аргентина, Бразилия, Венесуэла ва Мексика федератив давлатлар ҳисобланади. Бу давлатлар ҳуқуқини таҳдил эттанди, федерация ва унинг аъзолари ваколатларининг тақсимланишини ҳисобга олмоқ лозим. Хусусан, қонунчилик ваколатининг асосий қисми федерацияга тегишилдирил.

Лотин Америкасининг ҳуқуқи роман-герман ҳуқуқидан, аввало, оммавий ҳуқуқ соҳасида фарқланади. Агар Лотин Америкаси давлатлари мустақилликни қўлга киритиб, хусусий ҳуқуқ шаклини қидиришда диққат эътиборларини Европага қараттан бўлсалар, конституциявий намунани улар АҚШдан топдилар. Бу давлатларнинг конституциялари Америкача

бошқарув шакли, Президентлик республикаси, бошқа конституциявий институларни ўзлаштирганлар.

Лотин Америкаси давлатларида танлаш имкони ҳам йўқ эди: АҚШ конституцияси ўша даврда бирдан-бир ёзилган амалдаги республика конституцияси эди. Айни пайтда, Америка конститутциявий намунасини қабул қилиш Лотин Америкаси-нинг "дуализми", унга европача ва америкача модель қўшилганлигини гапиришга асос беради.

Лекин шуну алоҳида қайд этиш керакки, АҚШдан фарқ қилиб, Лотин Америкаси давлатлари учун конституциявий барқарорлик хос эмас. Масалан, Венесуэлада 168 йил ичидаги (биринчи конституция қабул қилинган вақтдан бошлаб) 20 та, Боливияда эса 152 йил ичидаги 21 та конституция қабул қилинган.

Лотин Америкаси ҳукуқининг хусусиятларида бириншундаки, ушбу минтаقا мамлакатлари конституцияларида қонунларнинг конституцияга мос келишини суд орқали назорат қилиш тартибига алоҳида эътибор берилади. Бунда ҳаттоқи америкача суд конституциявий назоратида бўлмаган усуллардан ҳам фойдаланилади.

Лотин Америкаси мамлакатлари АҚШдан суд тизими тузилиши ва фаолияти принципларининг (айниқса, Олий судлар ташкилоти ва ваколатига тегишли қисмининг ҳаммасини) олган бўлсаларда, аммо бир қатор ҳолларда ўзларининг суд ҳокимиятини амалга ошириш миллий концепциясини ишлаб чиқиб, АҚШ моделининг шаклини ўзгартирдилар.

Масалан, уларнинг кўпчилигида, АҚШдагидан фарқли ўлароқ, суд амалиёти ҳукуқ манбаи ҳисобланмайди.

Эндилиқда Лотин Америкаси ҳукуқининг барча соҳаларида хорижий сиёсий-ҳукуқий моделларга кўр-кўронада тақлид қилишдек амалиётдан халос бўлмоқда. Келиб чиқиши бўйича маҳаллий ва миллий мавқега эга бўлган давлат-ҳукуқий ва ижтимоий-сиёсий институтларни таъсис этиш ва ривожлантириш тамоиллари кучаймоқда. Конституцияларнинг матнлари аниқроқ бўлиб бормоқда, жаҳондаги, хусусан Лотин Америкасидағи ўзгариб бораётган ижтимоий-иктисодий шароитлар ва сиёсий вазиятларни инобатта олмоқда.

**г) Скандинавия мамлакатларининг ҳукуқий тизимлари.** Скандинавия давлатлари - Швеция, Норвегия, Дания, Финландия жуғрофий жиҳатдан роман-герман ҳукуқ оиласи давлатла-

рига Лотин Америкаси ёки Японияга нисбатан анча яқин бўлишларига қарамай, Скандинавия ҳуқуқининг ўзига хослигини қайд этмоқ лозим. Рим ҳуқуқи, албатта, Скандинавия давлатлари ҳуқуқ тизимининг ривожланишида Франция ва Германиядагига нисбатан анча кам роль ўйнаган.

Скандинавия мамлакатларида Франциянинг Фуқаролик кодекси ёки Герман фуқаролик тузуклари каби кодекслар йўқ ва бўлмаган ҳам. Бу ерда суд амалиёти Европа қитъаси мамлакатларига нисбатан муҳим ўрин туттган.

Скандинавия ҳуқуқи ва англо-саксон ҳуқуқ тизимиға умумий ҳуқуқ деб қарамаслик керак. Шимолий мамлакатлар ҳуқуқий тизимининг тарихий ривожланиши инглиз ҳуқуқидан мутлақо мустақил тарзда тараққий этган. Шунингдек, скандинав ҳуқуқи умумий ҳуқуқининг прецедент қоидаси, фарқлаш техникаси, процессуал ҳуқуқининг маҳсус роли тавсифий белгиларига эга эмас.

Шимолий ҳуқуқий тизимларнинг ўзаро мустақил боғлиқлиги Скандинавия мамлакатлари ўртасидаги мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг доимий мавжудлигидаидир.

1683 йилда Данияда қабул қилинган "Қирол Христиан V кодекси" (у 1687 йилда Норвегияда "Норвегия ҳуқуқи" номи билан амал қилган) ва 1734 йилги "Швед давлати қонунлари кодекси" каби икки қонун ҳужжати, икки кодекс Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқининг шаклланишида бошлангич нуқта бўлган. Бу кодекслар Скандинавия ҳуқуқидаги иккала Дания ва швед тармоқларининг кейинги ривожланиши учун асос бўлди.

Кодификацияланган қонунчилик Скандинавия ҳуқуқининг катта қисми бўлмаган. Масалан, Норвегия ва Данияда суд амалиётининг ҳуқуқ манбай сифатидаги катта аҳамиятини кўрсатувчи аниқ ёндашув кузатилади. Швецияда ҳам суд амалиёти катта ўрин туттган. Бу эса Скандинавия ҳуқуқини роман-герман тизимидан фарқ килдириб, умумий ҳуқуқقا яқинлаштиради.

Скандинавия ҳуқуқи нафақат ҳуқуқ ривожланишининг тарихий йўлидаги ўхшашлик билан, балки қонунчиликдаги ўзига хос жиҳатлар, манбалар тизими билан ҳам ягона тизим шаклини олади. Бу ерда Скандинавия мамлакатларининг қонунчилик соҳасидаги мустаҳкам ҳамкорлиги алоҳида ўринга эга. XIX аср охирида бошланган бу жараён ҳамма иштирокчи

давлатларда тенг амалда бўлган унификацияланган актлар со-  
нининг анча кўп яратилишига олиб келди.

Скандинавия мамлакатларида ҳукуқ уйгунилигининг юқори  
даражага эришиши учун алоҳида мақбул шароитлар мавжуд  
бўлган. Уларнинг тарихий ривожланиши ва тиллари анча  
ўхшаш, маданий алоқалари жуда мустаҳкам, улар орасида  
жиҳдий сиёсий фарқланиш мавжуд эмас, уларнинг аҳолиси,  
жўғрофий ҳолати ва иқтисодий ривожланиш даражаси тахми-  
нан бир хил бўлган. Ушбу барча ҳолатлар, шунингдек, бу дав-  
латда ҳукуқнинг параллел йўналишида ривожланиши ҳукуқий  
ҳамкорликни анча осонлаштирган.

Умуман олганда, континентал моделга яқин бўлган Скан-  
динавия ҳукуқи моҳияттан ўзига хос жиҳатларга эга.

**Д) Мусулмон мамлакатларининг ҳукуқий тизимлари  
(ислом ҳукуқи).** Мусулмон ҳукуқи VIII-X асрларда Араб  
ҳалифалиги даврида пайдо бўлиб, мусулмон дини - ислом асо-  
сида диний шаклда ифода этилган, асосан диндор мусулмон за-  
дагонларининг иродасини ўзида акс этирувчи, у ёки бу дара-  
жада диний мусулмон давлатлари томонидан тасдиқланган ва  
қўллаб-қувватланган нормалар тизимидан иборат.

Ислом ҳукуқ Оллоҳ томонидан тарихий бир даврда инсо-  
ниятта Мұхаммад пайтамбар орқали нозил этилган, деб таълим  
беради. Жамият ўз ҳукуқини яратмасдан, балки Оллоҳ томо-  
нидан бир маротаба ва абадий берилган ушбу ҳукуқ орқали  
бошқарилиши лозим.

Албатта, мусулмон ҳукуқи назарияси оллои-таоло инояти-  
нинг шарҳлар ва изоҳларга муҳтоҗлигини тан олади, шунинг  
учун ҳам мусулмон ҳукуқшунослари асрлар давомида ма-  
шаққатли меҳнат сарфлаганлар.

Ушбу хатти-ҳаракатлар янги ҳукуқни яратишга  
йўналтирилмади, балки оллои-таоло томонидан берилган  
ҳукуқдан амалиётда фойдаланишга кўмаклашди.

Мусулмон ҳукуқи Оллоҳ иродасини ўзида қаинчалик акс  
эттирасин, фақат одатдаги ҳукуқий соҳага тегишли бўлмай,  
балки ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган.  
Шундай қилиб, мусулмон ҳукуқи мусулмон киши билиши шарт  
бўлган мақсадларни, амал қилиши талаб қилинган рўзани, бе-  
риши фарз бўлган хайр-эҳсонни, зиёрат қилиши керак бўлган  
ҳажни кенг маънода ёритиб беради. Белгиланган қоидаларга  
риоя қилиш учун мажбур қилиш мумкин эмас.

Бунда у юридик нормаларни, шунингдек, ҳуқуқий бўлмаган, биринчи навбатда, диний ва ахлоқий регуляторларни ҳамда одатларни ўз таркибига киритган ягона ижтимоий-норматив тартибига солувчи ислом тизими маъносида кўрилади.

Шариат икки қисмдан - диний, яъни эътиқод қоидалари (ақида)дан ва ҳуқуқ (фикх)дан иборат.

Фикх, яъни мусулмон ҳуқуқи икки қисмга бўлинади: биринчиси (муомала) мусулмонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибига солади, иккincinnи эса (ибодат) мусулмоннинг Оллоҳ олдидағи мажбуриятини белгилайди. Бу иккала қисм ҳуқуқий мактаблар томонидан қандай белгиланган ва ўрганилган бўлса, худди шундай кўринишда юридик фанлар предметини ташкил қиласди.

Фикхнинг асосий вазифаси мусулмон давлати қонунчилиги билан унинг бирламчи манбалари орасидаги узий боғлиқликни сақлаб қолишидир. Мусулмон юридик фанлари билан дунёвий юридик фанлар орасидаги фарқ шундаки, мусулмон ҳуқуқий тизими Куръондан бошланиб, ҳуқуқни инсоният ақл-идроки ва ижтимоий шарт-шароитнинг маҳсулни деб эмас, балки Оллоҳ томонидан берилган тухфа, деб ҳисоблайди.

Ислом учта жаҳон динлари ичида энг ёши бўлса-да, жуда кенг тарқалган. Турли ҳисоб-китобларга қараганда, дунёда 750 дан 1 миллиардгача киши Ислом динига эътиқод қилас экан. Улар 51 давлатда кўпчиликни ёки аҳолининг катта қисмини ташкил қиласди. Бироқ, мусулмон ҳуқуқининг амал қилиш доираси мусулмон аҳолиси бор мамлакатларнинг жўғрофий чегараларига мос тушмайди. Исломга дин сифатида эътиқод қилувчи, лекин мусулмон ҳуқуқини қабул қилмаган миллатлар ва этник гуруҳлар ҳам мавжуд.

Мусулмон юридик фанлари асосини казуистик услуб ташкил қиласди. У "ilm ал фуру" ёки ишларни ҳал қилиш (масаъиъ) номи билан танилган. Суннийлар ва шиалар ҳамма мактаблари тармоқларининг бошида таълимотлари тан олинган - Мадина мактаби ва Ироқ мактаблари туради. Ушбу қадимги мактаблар ўз назоратидаги ҳудудларда илдиз отиб, оддий ҳуқуқдан фойдаланиб, уни янги динлар эҳтиёжларига мослаштирганлар. Тарихий сабабларга кўра бутунга келиб мусулмон ҳуқуқининг тўртта суннийлар (ханафиyllар, моликийлар, шафиийлар, ханбалийлар) мактаби, шунингдек, учта шиалар (жафарийлар, исмоилийлар, зайдилар) мактаби бор. Ҳар бир

мактаб ўзининг юридик услуби ва қарашлар тизимига эга, шунинг учун уларнинг ҳар бири мусулмон ҳуқуқининг алоҳида тизими бўлиб ҳисобланиш учун дাъвогарлик қилади.

Мусулмон ҳуқуқи мустаҳкам тизимга эга бўлган, рад қилиш мумкин бўлмаган далилларга асосланади. Мусулмон ҳуқуқшунослари қай бир даражада тасодифий ёки ноаник бўлган ҳамма нарсаларни қоралайдилар. Мусулмон ҳуқуқшунослари томонидан шакллантирилган ҳуқуқий нормалар ўз тузилишларига кўра доимо ташки далилларга асосланади.

Шахснинг мақсад ва ниятлари ҳеч қачон эътиборга олинмайди. Руҳий элементларни кўриб чиқишга онгли равищда йўл қўйилмайди.

Назарий томондан фақат Оллоҳ қонун чиқариш ҳокимиятига эга. Ҳақиқатда эса мусулмон ҳуқуқининг ягона манбаи ҳуқуқшунос олимларнинг таълимотлариdir. Қозилар судлов ишини кўраётганда ҳеч қачон Қуръони Карим ёки Суннат, яъни пайгамбар ҳақидағи ривоятларга мурожаат этмайдилар. Бунинг ўрнига улар таникли фақих асарларига мурожаат қиласдилар.

Муайян нормалар йигиндиси бўлган мусулмон ҳуқуқи. Ислом пайдо бўлганидан кейинги дастлабки икки аср давомида ташкил топган. Кейинги асрларда амалда ҳеч бир янгилик киритилмаган. Бу тургунлик "Инсонлар хатти-ҳаракатида берк эшик" "ижтиҳод" номи билан ифодаланади. Аммо шиалар мактаби ушбу "берк эшик"ни ҳеч қачон тан олмаганлар. Шунинг учун ҳам шиалар ҳуқуқи суннийлар мактаби амал қилган ҳуқуққа нисбатан анча мослашувчан бўлган.

Шундай бўлишига қарамай, XIX асргача бўлган бутун давр мобайнида мусулмон ҳуқуқини англаш эволюцияси шариатнинг анъанавий қоидаларини ҳеч қачон одатий маъносини ўзгартирмай ҳамда тўғридан-тўгри юз ўтиргани янгича талқин қилган диний-юридик ва илоҳий мажмуналардан келиб чиқсан. Бунга жамият ривожланиш суръатининг нисбатан сустлиги, жамият онгида диний тасаввурлар ҳукмронлиги кўмаклашди. Шундай шароитларда мусулмон ҳуқуқи озми-кўпми даражада ўзининг ижтимоий вазифасига жавоб берди.

Мусулмон ҳуқуқининг тўртта асосий манбаи ҳақидағи таълимот яратилган. Биринчи манба, табиийки, Қуръони Каримдир. Иккинчи манба - Қуръони Карим қоидаларини изоҳлаб

ва тушунтириб бериш учун ўта муҳим бўлган - Суннат, яъни пайғамбарнинг ҳаёт фаолияти ҳақидағи ривоятлардан иборат. Учинчи манба - ижмо, яъни битим, бутун мусулмон аҳди томонидан муайян диний-ҳуқуқий муаммолар юзасидан келинган умумий фикр. Ниҳоят, тўртингчи манба - таққослаш (қиёс), яъни Куръони Карим, сунна ёки ижмо томонидан ўрнатилган қоидаларни янги ўхшаш ҳолатларда қўллаш.

Мусулмон ҳуқуқий манбалари тўғрисидаги таълимотни ривожлантиришнинг кейинги босқичларида унинг амалий гояларининг моҳиятини оширувчи фақат бир ўзгартиш - барча ёки фақат биргина мактаб ҳуқуқшунослари томонидан қабул қилинган таклиф ҳам тўғри ҳисобланган ижмо гояси киритилди.

Европача ҳуқуқ манбаларининг таъсири, умуман олганда, дастлаб барча ўзига хос манбалари бўйича мусулмон ҳуқуқи ҳукмронлик қилган ислом мамлакатларини ҳам четлаб ўтмайди. Ушбу мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимлари шундай ўзгаришларга юз тутдики, мусулмон ҳуқуқининг аҳамияти, амал қилиш доираси ва таъсири камайди, бу ҳуқуқининг ўзи эса ҳеч бўлмаганде ташки шаклига кўра, европача кодификациядан ниманидир қабул қилди.

Кўплаб мамлакатларнинг сиёсий ҳаётида исломнинг фаоллашаётганлигини кўрсатувчи бундай тамойилларнинг аҳамиятини бўрттириш керак эмас. Бундай фаоллик Фарб ҳуқуқий моделларидан воз кечишни, мусулмон ҳуқуқининг барча талаб ва нормаларни тўла тиклашни талаб этиш ҳоллари билан бирга кечмоқда.

Мусулмон ҳуқуқида ҳуқуқининг классик бўлинishi, яъни оммавий ва хусусий ҳуқуқларга бўлиш йўқ. Боблар хусусий ёки жиноий ҳуқуқقا тегишли бўлса-да, мантиқий чегараланманган тартибда кетма-кет келади. Мусулмон ҳуқуқининг асосий тармоқлари йигиндисига жиноят ҳуқуқи, судлов ҳуқуқи ва оила ҳуқуқи киради.

Мусулмон жиноят ҳуқуқи, авваламбор, қатъий белгиланган (худуд) ва обрўсизлантирадиган (таъзир) жазоларни фарқланишига асосланади.

Қатъий белгиланган ва ниҳоятда қаттиқ жазо чораларига қўйидағи жиноятларни содир эттанлар ҳукм қилинадилар: қотиллик, хиёнат, хиёнат қилган деб ёлғон айблаш, ўғрилик, спиртли ичимлик истеъмол қилиш, босқинчилик ва исён.

Юқорида санаб ўтилган жазолардан ташқари қози ўз нұқтаи-назарига күра, қонуннинг бошқа ҳамма бузилишларига ҳам жазо белгилаши мүмкін. Шундай қилиб, унга ишни күриб чиқышда катта эркинлик берилиб, қатор нормалар худди шу йўл билан яратилган.

Мусулмон суд тузилиши ўзининг оддийлиги билан ажраби туради. Қозининг якка ўзи ҳамма турдаги ишларни кўра олган. Судларда иерархия мавжуд бўлмаган.

Ҳозирги давр шароитларида баъзи мусулмон мамлакатлари (масалан, Миср)да мусулмон судидан бутунлай воз кечилди. Бироқ кўпчиллик араб мамлакатларида улар ҳукуқнинг ижтимоий ҳаракат механизмида муҳим ўрин тутмоқдалар.

Баъзи мамлакатлар (масалан, Судан)да мусулмон судлари кўп погонали тузилишга (бир қанча босқичларга) эга бўлсалар, баъзиларида - мусулмон судларининг турли йўналишларга мос келувчи параллел тизими мавжуд (масалан, Ироқ ва Ливаңдаги сунний ва жафарийлар судлари). Айрим мамлакатларда мусулмон судлари ўз ваколатлари доирасида асосан шахс мақомидаги ишларни, бошқа мамлакатлар (Араб ярим ороли ва Форс кўрфази мамлакатлари)да фуқаролик ва жиноий ишлар ҳам кўриб чиқлади. Қоидага кўра, судьяларга диний-ҳукуқий тайёргарлик нұқтаи-назаридан юқори малака талаблари қўйилган.

Араб мамлакатларининг оила қонунчилиги мусулмон ҳукуқи нормалари ва принципларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Мусулмон ҳукуқи бир қанча ҳорижий таъсирларга учраган бўлса-да, миллионлаб кишиларга таъсир кўрсатувчи мустақил ҳукуқий оила бўлиб қолмоқда.

е) Ҳинҷ ҳукуқи. Ташкил топиши қадимий бўлган ҳамда икки минг йиллик узоқ тарихий ривожланиши йўлини босиб ўтган ҳинҷ ҳукуқи, ҳинҷ жамияти юридик устқурмасининг асосий таркибий қисмидан бири бўлиб, ҳозирги давргача (чекланган доирада бўлса-да) ўзининг тартибга солувчи аҳамиятини сақлаб қолган.

Ҳинҷ ҳукуқи "барҳаётлик" сирининг асосий сабаби унинг қандайдир алоҳида ҳиссасида эмас, балки ўта барқарор, турли иқтисодий ва сиёсий шароитларга мосланувчан анъанавий ижтимоий институт нормалари (биринчи навбатда - жамоа ва ва-

рнавий-каставий тузилиши, билан мустаҳкам алоқада эканлигидадир.

Ҳинд ҳуқуқи айнан ана шу анъанавий ижтимоий институтларга боғлиқлиги туфайлигина кўп асрлар давомида нафақат ўзининг шаклини, балки мазмунини ҳам сақлаб қолган.

Ҳинд ҳуқуқининг асосий хусусияти дин билан узвий бирикиб кеттанилигидир. Ҳинд ҳуқуқи мустақилликка эга эмас, моҳияттан муайян ҳаёт тарзини муайян ижтимоий тартибни, муайян ижтимоий тузилиш ёки таркибни ифодаловчи ва умуман олганда, турли диний оқимлар ва урфларни, ахлоқий, фалсафий ва бошقا гоявий қадрияларни қамраб олувчи ўзига хос воқелик бўлган иудаизмнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Ҳинд ҳуқуқий тизими дунёдаги энг қадимгиларидан биридир. Эрамизгача бўлган икки минг йиллиқда ва ундан ҳам олдинги даврларда яратилган қадимий ведалар - ҳинд диний қўшиқлар тўплами, ибодатлар, гимилар ва маталларнинг матнларида, алоҳида мисраларида ахлоқ қоидлари ифодаланган. Ҳиндалар Ведаларни худонинг инояти, ўз динлари ва ҳуқуқининг манбаи деб ҳисобласалар-да, уларнинг ҳинд ҳалқи маънавий ҳаётига амалий таъсири жуда кам.

Қадимги Римда етарлича етук ҳуқуқий тизимларнинг пайдо бўлиши, яъни ҳуқуқнинг ривожланиши унинг диний шакллардан озод бўлиши билан кечган бўлса, Қадимги Ҳиндистонда ҳуқуқий институтлар ва нормалар мусулмон ҳуқуқидек диний қобиқда ташкил топди. Ҳинд ҳуқуқининг эволюцияси учун диний таъсирдан чиқиши эмас, балки диний шакллар билан алоқа хусусиятининг ўзгариши ҳуқуқий ва диний шакллар ўзаро муносабатлардаги ўрин алмашувига хосдир. Бунда ҳуқуқий ва диний жиҳатларни боғловчи бўгин бўлиб давлат ҳокимияти майдонга чиқади.

Мусулмон дунёсида бўлганидек, XI-XII асрларда астасекинлик билан шаклланган ҳинд ҳуқуқий мактаблари уч муҳим масала: мерос ҳуқуқи, ятона оиласидаги алоҳида аъзолар мулкининг ҳуқуқий режими, оила мулкини тақсимлашни ҳал қилишга турлича ёндашишлари билан фарқ қиласди.

Бенгалиядаги Даябаа мактаби ва кўп тармоқли Митакшара мактаби ҳинд ҳуқуқининг асосий мактабларидан бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари ҳинд ҳуқуқи айrim минтақа, каста, уруғ ёки оиласида қадимдан сақланиб келаётган одатлар

хукуқнинг манбай сифатида қаралиши лозимлигини доимо тан олган.

Британия мустамлакачилигигача бўлган даврдаги классик ҳинҷ ҳукуқи дунёвий бошқарувчилар томонидан ўрнатилган формал нормаларга ҳам, суд қарорларига ҳам асосланмаган эди. У аслида олимларнинг асарларига, шарҳларга ва уларнинг тўпламларига асосланган. Уларнинг барчаси, аслида одат ҳукуқининг тасвиrlаниши эди. Ҳиндистоннинг коҳин юристлари ҳукуқий тан олишга арзийдиган одатларни белгилашда шубҳасиз, муҳим ўрин туттганлар.

Британия мустамлакачилиги даврида ҳинҷ ҳукуқи жиддий ўзгаришларга учради. Мулк ҳукуқи ва мажбурият ҳукуқи соҳаларидаги анъанавий нормалар жуда тезлик билан умумий ҳукуқ нормаларига алмаштирилди. Оила ва мерос ҳукуқи соҳаларидаги ҳолат ўзгача бўлиб, мерос, никоҳ, каста ва бошқа одатлар ёки институтлардаги ҳамма мушкуллик ҳинҷ ҳукуқи нормаларига мувофиқ ҳал қилинар эди. Натижада "инглиз-ҳинҷ ҳукуқи" келиб чиқди. Аммо ҳинҷ ҳукуқини бутунлай сиқиб чиқариб бўлмади, унинг бир қатор анъанавий норма ҳамда институтлари амал қилишда давом этди.

Мустақиллик учун кураш кетаёттан даврда ҳинҷ ҳукуқини тўла кодификациялаш режаси муҳокама қилинди. 1947 йилда мустақилликка эришилганидан кейин, Ҳиндистон ҳукумати парламентта оила ва мерос ҳукуқини ўзида мужассамлаштириши керак бўлган "Ҳинҷ кодекси"нинг лойиҳасини кўриб чиқиш учун тақдим қилди. Бироқ консерватив кучларнинг қаршилиги ва жойлардаги норозиликлар туфайли лойиҳа кун тартибидан чиқариб ташланди, ҳукумат алоҳида қонун лойиҳаларини тайё-рлаш йўлидан борди. Бундай тактика самара берди.

Биринчи бўлиб 1955 йилда ҳинҷларнинг никоҳ ҳукуқини шаклантирган ва уни ҳозирги замон дунёқарашига мослаштирган Никоҳ тўғрисидаги қонун кучга кирди. 1956 йилда яна уч қонун: Вояга етмаганлар ва васийлик тўғрисидаги қонун, Мерос ҳақидаги қонун, Фарзандликка олиш ва оила аъзоларини боқсанлик учун тўловлар тўғрисидаги қонун кучга кирди. Шундай қилиб, ҳинҷ ҳукуқини кодификациялаштириш бўйича айни вақтгача анча ишлар қилинган бўлиб, судьялар, авваламбор, янги қонунлар ва прецедентларга амал қиласидилар.

Кейинчалик ҳинд ҳуқуқи институтларининг ўзгариши давом этади, натижада одатларнинг амал қилиш доираси кескин қисқарди.

Етимларни фарзандликка олишга рухсат берилди. Фарзандликка олинган бола мерос ҳуқуқида қонуний фарзандларга тенглаштирилди. Полигамия тақиқланиб, суд орқали ажрашиш қонунлаштирилди. Мерос ҳуқуқи аёллар мерос ҳуқуқининг кенгайтирилиши томон ислоҳ қилинди, натижада эркак ва аёллар ҳуқуқлари ўргасидаги фарқ камайди.

"Ҳинд ҳуқуқи" бўйича юридик маълумотномаларда, қоида тариқасида, "шахсий ҳуқуққа" таалуқли бўлмаганлиги учун табақаланиш масаласи ёритилмайди. Мамлакатда "табақа институтлари" ва "табақа автономияси" ҳақида гапириш қабул қилинган. Улар Ҳиндистон Конституциясининг 26-моддасида мустаҳкамланган: "ҳар қандай диний оқим, мазҳаб, агар у жамоат тартибига, ахлоққа, соғлиқни сақлашга хилоф бўлмаса: а) диний ёки хайр-эҳсон мақсадида муассасалар тузиш ва сақлаш, б) диний масалаларда бошқарувни амалга ошириш ҳуқуқига эга".

Бунда шундай маъно борки, каста диний ақидаларни бузган аъзоларига жазо белгилаши мумкин. Агар келишмовчилик диний хусусиятга эга бўлса, унда тартиббузар бўйсунишдан воз кечганлиги учун ҳайдалиши мумкин.

Бинобарин, каста ибодат қилиш, овқатланиш, никоҳ ва сигинишнинг бошқа масалаларига таалуқли ички тартибини сақлаши мумкин. Суд каста қоидаларини қайта кўриши мумкин эмас, у ушбу қоидаларга риоя қилиниши ва тўғри қўлланилишини кузатиш ҳуқуқигагина эга. Агар касталар қарори мазмунан миллий судлов тартибига қарши чиқса, суд уни белгиласа, бекор қилиши мумкин.

Шундай қилиб, "ҳинд ҳуқуқи" деганда, ҳиндларнинг қонунларида ва (ҳали, масалан, Бирмада, Малайзияда, Сингапурда амалда бўлган) одатларида шаклан, ўзгарган шахсий ҳуқуқлари тушунилади. Ҳинд ҳуқуқи ҳуқуқ тармоғи сифатида Ҳиндистонда, юқорида эслатиб ўтилган мамлакатларда, шунингдек, қонунларда ўзгарган шаклда Шарқий Африка мамлакатлари (Кения, Уганда)да ҳам бевосита ёки билвосита қўлланилмоқда.

**и) Африка мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари (Африка одат ҳуқуқи).** Мустамлакачилик тизимининг емирилиши нати-

жасида ўз мустақиллигини қўлга киритиган давлатларда, янги ҳуқуқ эски (мусулмон, ҳинд) диний ҳуқуқи, ҳали ижтимоий муносабатлар соҳасида нисбатан кенг қўлманаётган одат ҳуқуқи элементларини ўзида сақлаб қолган янги ҳуқуқни бирлаштиради. Ҳозирги даврга қадар Африка қитъаси ахолисининг кўпчилиги одат ҳуқуқи нормаларига риоя қиласи.

Одат ҳуқуқининг туттган ўрнига тўғри баҳо бериш Африка қитъаси ҳуқуқий харитасида юз берадайтан жараёнларнинг қонуниятини англашга, Африқадаги ёш давлатлар миллий ҳуқуқининг ривожланишдаги ўзига хос белги ва тамойилларни тушунишга ёрдам беради.

"Одат ҳуқуқи" атамаси кўпинча Африка халқарининг мустамлакачилик давригача мавжуд бўлган анъанавий ҳуқуқини ифодалаш учун фойдаланилади. "Қабила қонунчилиги"нинг анча кам сонли мисолларини ҳисобга олмагандা, анъанавий ҳуқуқ оғзаки равишда авлоддан авлодга ўтиб келган ёзилмаган қоидалар мажмуидан иборатдир. Анъанавий ҳуқуқда ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар мустаҳкам алоқада бўлади, низоларини ҳал этишда томонлар яраштириш ғояси йўриқларига амал қиласи.

Африка халқари орасидаги (авваламбор - этник ва лингвистик соҳадаги уругчилик тизимида), оила турмуш тарзида-ги), катта фарқларга, уларнинг одатлари ва одат ҳуқуқининг турли-туманлигига қарамай, Африка ҳуқуқини ягона бир ҳуқуқ сифатида қарашга етарли асослар бор. Африка одат ҳуқуқи индивидларнинг эмас, балки гуруҳ ёки уюшмаларнинг ҳуқуқи ҳисобланади.

Бундай белгилар деярли ҳар бир одат ҳуқуқи тармоқларида кўзга ташланади.

Одат ҳуқуқида никоҳ шартномаси ўзида икки шахснинг иттифоқини эмас, балки икки гуруҳнинг келишувини намоён қиласи ҳамда оилаларнинг розилиги билангина ажралиш мумкин. Ерга хусусий мулкчилик ҳуқуқи ижтимоий гуруҳдарга тегишилдири. Мерос ҳуқуқида мулк, қоидага кўра шахсга эмас, балки оила ёки гуруҳга ўтади.

Етказилган зарар бир шахс томонидан иккинчи шахсга тўланмай, бир оила ёки уруг томонидан бошқа оила ёки уругга тўланади. Ва ниҳоят, Африка жамоасидаги низолар ҳам қоидага кўра, уруг ва гуруҳлар орасидан келиб чиқсан.

Африка жамоаларида судларнинг ёки баҳсларни ечиш тизмининг икки асосий тури амалда бўлган. Баъзан улар бир жамоада бир вақтнинг ўзида амалда қўлланилган. Уларнинг юридик расмиятчиликка риоя этишини арбитраж ва суд сифатида тоифалаш мумкин.

Шу ўринда анъанавий ҳуқуқда гайритабиийликнинг ўрнини таъкидлаш лозим. Суд процедурасида бу ҳолат адолатни аниқлаш учун қасам ичишга мажбур қилиш ва "худо суди" томонидан синов ўтказишида намоён бўлган.

Одат ҳуқуқидаги яна бир ҳолат - кишилар гуруҳи ёки жамоаларнинг масъуллиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Бу икки ёқлама намоён бўлади:

а) оила ёки бир гуруҳ қариндошларнинг ўз аъзолари қилган ножӯя хатти-ҳаракат учун жавобгарлиги (ўзганинг айбини ювиш)да;

б) шахс содир эттан ҳуқуқбузарлик унинг гуруҳ аъзоси сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғланганда.

Бизнинг фикримизча, индивидуализм ва ундан келиб чиқадиган "субъектив ҳуқуқ" тушунчаси анъанавий одат ҳуқуқига мос келмайди. У шахснинг ҳуқуққа риоя қилишини ҳеч қанча таъминламай, унинг гуруҳ кишилари билан муносабатини тартибга солади.

Анъанавий ҳуқуқ институтлари орасида оила, ер мулки, мерос алоҳида ўрин тутади. Юқорида қайд этилганидек, одат ҳуқуқи бўйича, никоҳ шахслар иттифоқи эмас, балки, авваламбор, икки оила гуруҳларининг келишувидир. Улар никоҳнинг ҳар бир босқичида сезиларли роль йўнайди: куёв ва келинни тағлашади, келишишади ва сепи тўланади, эр ва хотин орасидаги келишмовчиликларни бартараф этишади, уларнинг фаол иштирокисиз ажралишнинг имкони йўқ.

Шу билан бирга, одат ҳуқуқи эркакларнинг бир нечта хотин олиш ҳуқуқи, яъни полигамияни тан олади, ҳамда "келин учун тўлов" ни белгилайди, уларнинг тасдиқлашича, одатта асосланадиган никоҳ хотинни сотиб олишдан бошқа нарса эмас.

Кенг тарқалган фикрларга кўра, никоҳни бекор қилиш, одат ҳуқуқида жуда ҳам кам учрайди, чунки ажралиш учун руҳсат олиш катта меҳнат эвазига бўлади. Оиласалар улар орасида амалда бўлган иттифоқнинг давом этишидан ўта манфаатдор бўлганлар, негаки никоҳнинг бекор қилиниши сўзсиз

тўловларнинг қайтарилишини англатар эди. Ажралиш оиласада уруг оқсоқолларини жалб қилган ҳолда ҳал қилинади.

Анъянавий жамиятларда ерга эгалик қилиш ҳуқуқи шахсга эмас, балки гурухларга берилган деб ҳисоблаш қабул қилинган. Шахс ердан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса-да, охир оқибатда у жамоа ёки гурухга тегишили бўлган.

Ерни тақсимлаш, ундан фойдаланиш ва, ниҳоят, уни ажратиб бериш бошқарувчилар (доҳийлар) ёхуд уруг ёки оила каби ижтимоий гурухлар назорати остида амалга оширилган.

Анъянавий жамиятларда мерос ҳуқуқи мулкнингтина эмас, балки мархумнинг ҳамма ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳам меросхўрга ўтишини назарда тутади.

Мероснинг жуда хилма-хил турлари мавжуд:

- 1) ота насли ёки она насли бўйича;
- 2) тўғридан-тўгри (меросхўр маълум) ёки сайловли меросхўр вафотидан сўнг сайланади;
- 3) универсал (фақат бир меросхўр) ёки ҳамкорлиқдаги (бир нечта меросхўр).

Маълумки, бутун Африка, баъзи истиснолар билан, Европа ҳукмдорлари томонидан мустамлака қилинган эди.

XIX асрда ҳукмдор мустамлакачилар инглизлар, французлар, португаллар, белгияликлар - метрополияларда амалда бўлган ўзларининг суд тизимини Африка мамлакатларига татбиқ этишга уриндилар.

Ҳар бир ҳукмдор мустамлакачи ўз ҳуқуқий андозасини кўйл остидагиларга ўтказади: француз ҳуқуқи француз Африкаси ва Мадагаскарга, Белгия ҳуқуқи - Конгога, португал ҳуқуқи Ангола ва Мозамбикка, умумийси инглиз мустамлакаларига, кейинчалик инглиз умумий ҳуқуқи таъсири остида ўзгарган роман-голланд ҳуқуқи - Жанубий Африкага киритилди. Либерияда Англия ва АҚШнинг баъзи суд одатлари ва умумий ҳуқуқи амалда бўлди.

Мустамлакачилар ўз ҳуқуқий институтларини татбиқ этиш билан бирга фикран ўз манфаатларига зид келмайдиган одат ҳуқуқи ва Африка судловининг айрим қисмларини сақлаб қолиш сиёсатини юргиздилар. Шундай қилиб, мустамлака бошқаруви натижасида ҳуқуқнинг аралаш тизими пайдо бўлди. У метрополитлар киритилган ҳуқуқ билан одат ҳуқуқини ўзида жамлади. Биринчиси имтиёзли равишда маъмурий ҳуқуқ, савдо, жиноят ҳуқуқини қамраб олди. Анъянавий соҳа - ерга эга-

лик, оила ва мерос ҳуқуқи (ҳаётлигига мулкни, баъзи фуқаролик мажбуриятларни тақсимлаш) - одат ҳуқуқининг ҳаракат доирасида қолдириди.

Мустамлака даврида одат ҳуқуқида юз берган тўртта асосий ўзгаришни қайд этиш мумкин: 1) низоларни тартибга солишнинг анъанавий усулларидан воз кечиш, яъни асталик билан суд тизимини татбиқ қилиб, қабилада ўрнатилган тартибдан суд қурилиши намунасига ўтиш; 2) маҳаллий судларда ишларни одат ҳуқуқи бўйича ҳал қилган судларнинг Европа нормаларини қабул қилиши; 3) одат ҳуқуқини бекор қилмай, африкаликларга ўз ҳуқуқий муносабатларини ҳуқуқ асосида тартибга солиш имкониятини берувчи қонунларнинг жорий этилиши; 4) варварлик деб тан олинган, масалан, қуллик ва жароҳат етказиш каби баъзи одатларнинг тўғридан-тўғри тақиқланиши.

Анъананвий Африка (ҳуқуқий) одат ҳуқуқи, шубҳасиз бошлангич аҳамиятини йўқотмоқда, баъзи ҳолларда кўп қисмини йўқоттан ҳам. У ўзининг сезиларли қисмида тизимлаштириш ва мажмаулаштириш объекти бўлди. Одат ҳуқуқи кенг мъянода давлат органлари, шунингдек, судлар томонидан ривожлантирилган ҳуқуқ сифатида қаралмоқда.

Арбитраж одат ҳуқуқига хос бўлса-да, амалиётда қулланмоқда ва ҳатто баъзи мамалакатлар томонидан бевосита тан олинмоқда, у ҳозирги замон расмий судлари амал қилаёттан ҳуқуқ ҳақидағи суд процедураси ғояларининг муқаррар таъсирини бошидан кечирмоқда.

Миллий мустақиллик шароитида ҳуқуқ ривожланишининг асосий анъаналари, бир томонидан, мустамлакачиликка барҳам бериш, иккинчи томондан эса, миллий қонунчилликни қамраб олган ижтимоий муносабатларнинг кенгайиб бориши натижасида, одат ҳуқуқини тартибга солиш аҳамиятининг чегараланиши билан тавсифланади.

Африка давлатларининг ҳуқуқий қурилиши тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, миллий қонунчиллик дастлаб тарихан вужудга келган одат ҳуқуқи нормалари билан биргаликда "мерос"лик алоқасини сақлаб қолган.

Африка мамлакатларида одат ҳуқуқи нормаларини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидан сиқиб чиқариш жуда қийин ва узоқ жараёндир.

Умуман олганда, ёш давлатларда одат ҳуқуқи ривожланинг асосий йўналиши ҳуқуқий одатни тартибга солиш аҳамиятининг чекланиши ҳамда миллий қонунчилик ҳаракатини қамраб олган ижтимоий муносабатлар доирасининг кенгайиши билан тавсифланади.

# **Иккинчи бўлим ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ АСОСЛАРИ**

---

## **VII боб**

### **ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАФКУРАСИ - ЖАМИЯТИМИЗ ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИНГ АСОСИ**

\* Миллий мафкура ва унинг таркибий тузилиши \* Миллий мафкура-  
нинг моҳияти \* Ўзбекларнинг миллат сифатида шаклланиши ва риво-  
жланиши \* Миллий маданият ва маънавий мерос \* Тил, маънавият ва  
ватанпарварликнинг маданият таркибида тутган ўрни

#### **1. Миллий мафкура ва унинг таркибий тузилиши**

Ўзбекистон диёрида Истиқлол шамоли эсмоқда. Бунинг шарофати-ла ижтимоий ҳаётнинг деярли барча жабхаларида илдам одимлар кўйилмоқда. Бу айниқса сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда намоён бўлмоқда. Салкам бир ярим аср-лик сиёсий кишандландикдан озод бўлган Ўзбекистонимиз-нинг овози жаҳон бўйлаб баралла янграмоқда.

Биринчидан, бу - сиёсий мустақиллик бўлиб, ички ва ташқи сиёсатда ҳеч кимнинг, собиқ "кatta оға"нинг ҳам кўрсатмаларисиз, миллий Истиқлол ва янгиланиш йўлидан буюк келажак сари бориш демақдир.

Иккинчидан, бу - иқтисодий мустақиллик бўлиб, юрти-мизнинг бебаҳо бойлигига чинакам эгалик хуқуқидан ўзбек халқи фаровонлиги йўлида фойдаланиш демақдир.

Учинчидан, бу - маънавий-маданий мустақиллик бўлиб, халқимизнинг Истиқлолга, ўз давлати ва хуқуқига эга бўлишга, адолатли жамият қуришдан иборат бўлган асрий орзу-умидларининг рўёбга чиқишидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек халқи сиёсий ва иқтисодий қарамлика тушган даврларда ҳам, у ҳеч қачон маънавият соҳасида ўз мафкуравий-маданий мустақиллигини йўқотган эмас. Ҳар қандай тайзиқларга қарамасдан, маънавиятимиз куртаклари доимо барқ уриб турган. Ҳа, чукур илдизларига эга бўлган бундай миллий маънавиятимиз сарчашмалари, халқимизнинг минглаб асл фарзандлари қурбон қилинишига қарамай, сақланиб қолган.

Сиёсий тутқунолик асоратлари натижаси ўлароқ биз Ватанга бўлган ҳурмат, ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳукуқидан фахрланиш, фуқаролик ҳис-туйғуларидан маҳрум бўлдик. Унинг ўрнига бокимандалик, текисчилик, ҳамма нарсани давлатдан кутиш, яъни "берсанг ейман, бермасанг ўламан" деган руҳиятни, кайфиятни орттиридик. Бу - албатта, иқтисодий қарамлиknинг энг мусибатли оқибатидир. Чунки ўзинг ишлаб чиқарган мoddий неъмат қаерга олиб кетилганлигини, қанчага сотилганлигини билмасанг, қишин-ёзин меҳнат қилиб, қора тер тўкиб яна сен "бокимандасан", "ўз-ўзингни боқолмайдиган халқсан" деган таъна-маломатларни эшитиш башарага шапалоқ уриш эмасмиди?!

Сиёсатда "акасининг қўлидан ушлаб юришга ўрганган бола" сингари бирор мустақил ҳаракат қилолмаган, қоғоздаги сталинча-брежневча конституциялардаги "суверен давлат", "тeng иттифоқдош республикалар иттифоқининг teng ҳукуқи аъзоси" ва "Шарқда халқлар дўстлигининг машъъали" бўлмиш Ўзбекистон, "энг илфор" марксизм-ленинизм мафкураси тошлиари билан кўмилди. Аммо, чукур илдизларга эга бўлган чинорсифат дараҳтта зарпекач сингари ўткинчи ўсимликни пайванд қилиб бўлмаганидек, Шўро даҳоларининг таълимоти бизнинг маънавий маконимизда ниш уролмади. Шунинг учун сароб бўлиб чиқкан бу даҳрийча таълимот устунлари қулади. Шунинг учун ҳам янги ўзбек миллий мафкурасини яратиш зарурати тутилди. Чунки, ривожланаётган жамиятда гоявий соҳада бўшлиқ бўлиши мумкин эмас.

Ҳар қандай жамиятнинг, давлатнинг ўз мафкураси бўлмоғи лозим. Мафкурасиз жамият бўлмайди. Расмий мафкурадан ташқари доимо миллат, халқ фалсафаси, мафкураси маъжуд бўлади.

Мустақил Ўзбекистон маънавий соҳада ҳам, худудий, сиёсий ва иқтисодий жабҳаларда бўлганидек, ўз мустақил йўлидан

бормоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "халқимизнинг маънавий пойдевори - бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам", "маънавий пойдеворимиз етарлидир"<sup>1</sup>. Бу - бизнинг маънавий-маданий мустақилигимизнинг пировард натижаси.

Шу аснода "мафкура" иборасининг қандай келиб чиққани ҳам эътиборга лойиқ.

Францияда XIX асрнинг бошларида амалий фаолиятта раҳбарликни яратиш эҳтиёжини қондириш ниятида иқтисодчи Дестют де Траси "Мафкура элементлари" китобини ёзган. У "Мафкура" атамаси ёрдамида сиёsat, одоб, иқтисод ва ҳуқуқ асослари учун мустаҳкам пойдевор қуриш йўлларини кўрсатиб беришни кўзлаган. Бироқ, мафкуравий маслаҳатлар барча учун бир хилда мақул бўлолмайди. Шу туфайли ҳам Франция императори Наполеон I китоб гояларининг амалга ошувига фаол қаршилик қилган. Бунинг сабаби шундаки, агар мафкура, эҳтиёждан ва ҳаёт имкониятларидан узилиб қолган бўлса, у ҳолда давлатга ҳам, жамиятта ҳам жиҳдий зарар келтириши мумкин. Қисқача айтганда мафкура тўғрисида жамиятнинг ўзи қайгуриши, ўз мафкураси учун ўзи фидокор бўлиши лозим. Мафкуруни хориждан келтириб, жамият ҳаётига зўрлаб тикиштириб бўлмайди.

Ҳар бир жамият ўз мақсадларини ҳимоя этувчи мазкур муддаони жорий этиш йўлида халқни уюштирувчи, сафарбар қилювчи гояларга эга бўлиши керак. Бундай ижтимоий гоялар маънавиятнинг маълум уйгунлашуви ва натижаси ўлароқ на-моён бўлади. Маънавият ривожи эса маълум фаолият тарихи билан боғлиқ бўлиб, шу жиҳатдан миллий хусусиятга эгадир.

Маълумки, гоялар мажмуининг муайян тизими мафкура-ни вужудга келтиради. Мафкура жамиятнинг турли соҳалари ҳақидаги янги илмий, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий, диний, бадиий, ахлоқий қарашларнинг йигиндисидан иборат-дир<sup>2</sup>. "Мафкура - бу дунёқарашни ташкил этувчи фикрлар ва гоялар мажмуасидир"<sup>3</sup>.

Мафкура янги маънавиятнинг ютуқларини ифодаловчи назарий билимлар, қарашлар, гоялар мажмуи сифатида жамият ривожи учун устувор режа аҳамиятига молиқдир. Мафкура -

<sup>1</sup> Каримов И.А. Буюк мақсадлар йўлидан оғишмайлик. -Т.: Ўзбекистон, 1993. - 8-бет.

<sup>2</sup> Хайруллаев М. Ижтимоий ҳаёт ва мафкура // Ўзбекистон овози. 1993. 26 май.

<sup>3</sup> Қирғизбоев М. Асрий армонлар ушалмоқда // Ўзбекистон овози. 1993. 2 июль.

маънавий ҳаётнинг таркибий қисмидир. Мафкура миллатнинг тараққиётини, амалий тажрибасини, хорижий мамлакатларда тўплантган ижобий сабоқларни ўрганиш ва умумлаштириш на-тижасида шаклланади. У миллат ва мамлакат истиқдоли муаммоларини биринчи ўринга қўйган мақсад ва умидлар, уларни амалга ошириш режалари ва усуллари ҳақидағи илмий хуласаларнинг муайян тизимиdir<sup>1</sup>. Мафкура жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, маънавий тараққиётига муайян йўналиш беради. Бемақсад меҳнат бўлмаганидек, мафкурасиз ҳаёт, тараққиёт ҳам бўлмайди. Фақат илмий мафкура билан боғланган маънавият улкан ижтимоий қудратга айланади. Маънавияти юксак даражада ривожланган миллаттина порлоқ Истиқдол учун курашга ўзида куч ва салоҳият топа олади.

Шундай қилиб, жамият тараққиётини юксак маданият, маънавият ва мафкурасиз тасаввур этиш қийин. Мафкура муваққат бўлолмайди, у миллатнинг узоқ тараққиёт истиқболларини белгилаб бериши, ҳатто унинг оқибат мақсадларини ҳам аниқлаб, қандай жамият қурамиз, деган саволга ҳам жавоб бериши керак<sup>2</sup>.

Мустақиллик ўзбек ҳалқи асрий орзусининг рўёбга чиқишидан иборат унинг буюк тарихий ютуғидир. Мазкур мустақиллик шарофатидан баҳраманд бўлолмаган, аммо бу йўлда жон фидо қилганларнинг руҳи-поклари ҳурмати ўлароқ, биз ҳоҳ дасттоҳ олдидағи ишчи, ҳоҳ даладаги деҳқон, ҳоҳ назарий муаммолар устида бош қотираётган олиму бадиий асарлар билан инсон руҳини тарбияловчи адаб, ҳоҳ Ватан истиқтолини қўлида куроли билан ҳимоя этадиган ҳарбий, ҳоҳ ҳуқуқ-тартибот муҳофазачиси - борингки ҳар бир Ўзбекистон фуқароси истиқдолимизни чуқур идрок этиб, буюк келажагимизга ишонч руҳида бирлашмоғимиз зарур. Бундай муштараклик фақат сўздагина бўлмаслиги лозим, албатта. Зоро, доно ҳалқимиз айттанидек, "ҳолва деган билан оғиз чучимас".

Жамиятимизнинг барча онгли вакиллари ўзларининг амалий фаолиятлари билан, яъни ҳар ким ўз жойида: ўқувчи ва талаба аъло ўқиши, олим буюк қашфиётлари, бободеҳқон шириншакар мева-чевалари, муҳандис замонавий асбоб-ускуналари билан ва бошқа санаб адо бўлмайдиган касб вакиллари мустақилликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиши зарур. Шу

<sup>1</sup> Юсупов Э. Маънавий камолот асоси// Ўзбекистон овози. 1993. 9 июнь.

<sup>2</sup> Усмонов М. Мафкура муваққат бўлмайди// Ўзбекистон овози. 1993. 12 июнь.

заминнинг барча фарзанди, ҳур Ўзбекистоннинг бугунига ва эртасига бефарқ бўлмасликлари даркор, барча ақлий ва амалий имкониятларимизни, салоҳиятимизни ишга солиб, Мустақиллик деб аталган маҳобатли биномиз пойдеворининг метиндек мустаҳкам, чинордек бокий бўлишига сафарбар этайлик. Бу бизнинг озод ва обод бўлаётган она Ватан олдидағи фарзандлик бурчимиздир. "Муқаддас ўзбек диёрида яшовчи ҳар бир киши ўзининг ана ёгу бурчини қалб кўри, ақл-идроқи ва истеъоди билан адо этиши ҳам қарз, ҳам фарзdir".

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни қарор топтиришнинг дастурий қоидлари жаҳон тажрибаси ва ўз миллий, тарихий амалиётимиздан олинган барча фойдалари тажрибалар асосида ишлаб чиқилган. Бу борадаги мустақилликни таъминлаш билан узвий боғлиқ вазифа - миллий мафкурани яратиш муаммоси олдимизда кўндаланг турибди.

Миллий мафкуранинг ўзи нима, унинг мазмунни қандай унсурлардан ташкил топган, деган савол тугилиши мумкин. Бундай саволга миллий мафкуранинг таркиби қисмларини таҳлил этиш билан жавоб бериш мумкин.

Миллий мафкура қўйидағи таркиби қисмлардан ташкил топади:

биринчидан, мустақиллик ҳисси ва уни идрок этиш;

иккинчидан, ватанпарварлик туйгуси;

учинчидан, кўп миллатли Ўзбекистон халқининг маданий-маънавий мероси.

**Миллий мафкура** - она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш, ардоқлаш ва унинг равнақи ҳақидаги гоялар мажмуидир.

Миллий мафкура - жамиятдаги руҳий ва маданий вазиятнинг кўрсаткичи, ундаги хоҳиш-ироданинг намоён бўлишидир, айни замонда у жамиятдаги барча кишиларни - миллат ва элат вакилларини, ижтимоий-сиёсий куч ва гуруҳларни бирлаштирувчи омил ҳамдир.

Миллий мафкура давлат тараққиётини белгилаб берувчи маънавий-маданий меъзонларни ҳам қамраб олади.

Бундан ташқари, миллий мафкура адолатли ҳуқуқий-демократик фуқаролик жамияти ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий гоялардан ҳам ташкил топади. Шу нутқтаи назардан ўзбек дав-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1993. - 169 бет.

латчилигининг буюк келажаги сари қўйилаёттан ва Президентимиз И.А.Каримов кўрсатиб берган ривожланишнинг асосий йўналишларини белгиловчи беш принцип давлат ҳуқуқий мафкурасининг негизини ташкил этади.

**Миллий мафкура** - бу мустақил миллий давлатчилик ва ҳуқуқий тизим қуриш учун амалга оширилаёттан ва узоқ муддатта мўлжалланган ислоҳотлар, буюк келажагатимиизга ишонч руҳида сугориладиган тақдириломон ғоялар ҳамда ҳаракатлар мажмуидир.

Миллий мафкурани шакллантириш назарий, амалий ва тарбиявий аҳамиятта молик. Чунки, маънавий соғлом инсонларгина баркамол жамият қуриш имкониятига эга бўладилар.

Миллий мафкура ўзининг уч муҳим жиҳати билан ажраби туради:

- мустақиллик;
- миллийлик;
- тараққиёт.

Булар жамият ҳаётининг муҳим хусусиятларини ўзида ифодалайди.

Ўзбек ҳалқи ўзининг асрлар мобайнида авайлаб сақланиб, сайқал топиб келган миллий урф-одатлари, расм-руsum, удум ва анъаналари, орияти, гурури, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, ҳуқуқий онги, зътиқоди, қисқача айтганда, маданий-маънавий дунёси билан ажраби туради.

Буюк аждодларимиз умумбашарий маърифатпарварликни бино қилишда бевосита иштирок эттанлар, бу билан улар жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшганлар. Ўтмишдошларимизнинг бой маданий меросидан ижобий фойдаланиш миллий мафкура шакл-шамойилларини яратиш учун беназир хизмат қилиши шубҳасизdir.

Миллий мафкурани ишлаб чиқишида Шарқда қадимдан мавжуд бўлган ҳамсачилик анъаналарига мурожаат этиш фойدادан ҳоли эмас. Маълумки, Шарқнинг энг буюк алломалари бир вақтнинг ўзида шеърият мулкида ҳам қатор-қатор "хамсалар" яратиб, ҳалқимиз маънавиятини бойитиб келганлар. Уларда нафақат қомусий билимлар ўзининг бадиий ифодасини топган, балки маънавий, ҳуқуқий, ахлоқий фазилатлар ҳам муҷассамлашган. Ана шу боисдан ҳам миллий мафкурани аждодларимиз маънавий қадриятларининг тикланиши ва бизнинг по-

кланишимииз орқали яратишимиз мумкин. Зероки, Ватан туйгусининг ришталари узоқ мозийгача бориб етади.

Шу боис, миллий мафкурада ватанпарварлик асосий ўринни эгаллаши табиийдир. Мазкур мафкура том маънода Ўзбекистон халқлари мафкураси, яъни Республикаизда истиқомат қилаёттан барчанинг: ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, руслар, украинлар, хуллас ўлқамизни ўзининг Ватани деб билган, бинобарин, ўзининг Ўзбекистон фуқароси эканлигидан ифтихор туйгуларини тудиган барча миллат вакилларининг мафкураси бўлиши лозим.

Айни пайтда миллий мафкурада оиласа алоҳида аҳамият берилиши бежиз эмас. Қадимдан Шарқда биринчи ўринга оила, унинг манфаатлари ва қадрияtlари кўйилган. Мазкур қадрияtlаримизни эъзозлаш, халқимизнинг маънавиятини яна-да бойитишига хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат қуришга азму қарор қилган экан, юксак ҳуқуқий маданият, қонунга ҳурмат, итоаткорлик каби халқимизнинг фаровонлиги учун зарур бўлган фазилатлар миллий мафкурада муҳим ўрин эгаллаши лозим.

Миллий мафкура ҳар қандай партиявий мафкуралардан устун туриши зарур. Зоро у ўзида халқимизнинг энг ардоқли фазилатлари - иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, уят ва яндиша, ор-номус, ўзаро ҳурмат, элига ва халқига садоқат қадрияtlари ва гояларини мужассамлаштириши керак.

Шундай қилиб, биринчидан, миллий мафкуруни шаклантириш мустақил йўлимизнинг, амалга ошираётган ислоҳотларимизнинг энг муҳим, ажралмас жиҳатларидан бири-дир.

Иккинчидан, ҳар қандай мафкура бир кунда ёки бир гурӯҳ олимлару сиёсатдоnlар томонидан "ҳайбаракаллачилик" тарзида яратилмайди. У маълум тарихий давр мобайнида, зиддиятли жараёнлар таъсирида шакланади. Ҳар қандай мафкурунинг негизида халқнинг туб манфаатлари ва истаклари ёттандагина, у халқ мафкураси бўлади. Бунда биринчи ўринни шу мамлакат асосий аҳолисининг, миллатининг мафкураси эгалламоги ке-рак. Шу боисдан ҳам ўзбек миллий маънавиятига асосий эъти-борни қаратмоқ лозим.

Үчинчидаң, маънавият ҳар қаңдай сиёсий, миллий, хуқуқий, тарихий мағкурадан ҳам кенг тушунчадир. Расмий мағкура ҳалқ, миллат маънавиятидан йироқ бўлса, ҳеч қаңдай наф бермайди. Зотан, маънавият - мағкурани озиқлантирувчи булоқ.

Тўртинчидаң, ватанпарварлик ҳар қаңдай мағкуранинг муҳим жиҳатидир. Чунки Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси мустақиллигимизни тўла ҳис этмоғи, мустақилликни эъзозлагоғи, мустақиллик учун жон фидо қилмоғи, миллатимиз, давлатимизнинг буюк келажаги учун ўзининг фикри-зикри, меҳнатини багишламоғи зарур.

## 2. Миллий мағкуранинг моҳияти

"Миллий мағкура" иборасини ишлатиш яқин-яқинларгача расмий мағкурага нисбатан адоват ҳисобланарди. Ўз миллатини севиши, унинг миллий ютуқлардан фаҳрланиш, миллат йўлидаги саъий-ҳаракатларга "миллатчилик" тамғаси босилиб, қораланаарди.

Наҳотки, инсоннинг ўз миллатига мансублигидан гуурланишини "миллатчилик" деб бўлса?! Бирорта ҳам ўз миллатини севмаган миллат вакили бўлмайди. Миллийлик, миллатта мансублик - умумжаҳон тараққиётининг қонуниятидир. "Миллатчилик", "миллатчи" дейдиганларни, ўз насл-насабини билмайдиганларни ачиниш билан буюк давлатчилик, империяча миллий сиёсат "манқуртлари" деб баҳолаш мумкин, холос. Бутунги кунда "Ўзбекман, миллатим, она юртим билан фаҳрланаман, ўзбек давлатининг фуқаросиман" деб айтиш баҳтидан завқу-шавққа тўлмаганлар ҳақида нима дейиш мумкин, ахир?! Миллий тилемиздан, динимиздан айрилиб қолаёздик, тарихий меросимизни, миллий урф-одатларимизу удумларимизни унугтаёздик, деган ибораларда жон бор, албатта. Алоҳида қайд этиш зарурки, авваламбор, шундай аюҳаннос солаёттганларнинг ўзлари, мана шу аҳволга тушиб қолганлар. Бинобарин, улар ҳаммадан кўра кўпроқ бақирадилар. Шукроналар бўлсинким, ўзбек ҳалқи истибодд, тазиику чеклашларга қарамай ҳеч қачон тили, дини, маданияти, мероси илдизларидан узилиб қолган эмас.

Миллатимизнинг мана шу чуқур ва теран, соғлом ва бой маънавият томирлари, инсон ҳукуқлари мустаҳкам пойдевори-нинг таянч нуқталарини ташкил этади.

Ўзбек миллий мафқурасининг негизини, биринчидан, миллий гуур; иккинчидан, ўзбек миллатининг асосий маънавий-ахлоқий фазилатлари; учинчидан, буюк миллий-маданий меросимиз ташкил этади.

Шундай қилиб, ўзбек миллий мафқураси "мустақиллигимизнинг демократик жамиятнинг, ҳуқуқий давлатчиликнинг, ижтимоий адолатта асосланган турмушимизнинг, уларга қайси йўл орқали боражагимизнинг гоявий ифодаси бўлмоги лозим"<sup>1</sup>.

Ўзбек миллий мафқурасининг асосий гоялари, пиравардида, қандай инсонни тарбиялаш ва қандай жамият қуришни мақсад қилиб қўйганига қараб белгиланиши даркор. Миллий мафқурамиз маънавий жиҳатдан, Форобий ибораси билан айтганда, "фозил жамиятда комил инсон"ни тарбиялашни ўз одига мақсад қилиб қўяди. Бунинг учун қуйидагиларни тарбиявий ишларнинг асосий гоялари сифатида илгари суриш мумкин: ватанпарварлик, эркинлик, инсонпарварлик, миллий ифтихор, меҳнатсеварлик, имон-эътиқодлилик, ҳалоллик, ахлоқий поклик, одиллик, биродарлик ва онглилик, тараққийпарварлик, ҳур фикрлилик, байналминаллик<sup>2</sup>.

### 3. Ўзбекларнинг миллат сифатида шаклланиши ва ривожланиши

Ўзбекистон кўп миллатли ёш мустақил давлат, айни вақтда кўхна маданият, бетакрор тарихий ёдгорликлар ўлкасиdir. Ўзбекларнинг миллат сифатида шаклланиши уч минг йиллик тарихга этадир. Ўзбекистоннинг жаҳонга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хева каби шаҳарлари Темур ва темурийлар замонигача ҳам Марказий Осиёда илм, маданият ва меъморчиликнинг Шарқ Уйгониш даврини ўзида мужассам этган. Буюк бобоқалонларимиз - ҳуқуқшунослар Термизий, Марғиноний, Насафий, қомусий олимлар Форобий, Ибн Сино, математик-астрономлар Хоразмий, Беруний, Фарғоний, Улутбек, Али

<sup>1</sup> Жалолов А. Мустақиллик фалсафаси ва фалсафа мустақиллиги //Ўзбекистон овози. 1993. 15 июнь.

<sup>2</sup> Усмонов М. Мафқура муваққат бўлмайди//Ўзбекистон овози. 1993. 12 июнь.

Күшчи, тилшунос-шоирлар Қошгари, Юсуф Хос Ҳожиб, Замахшарий, Юғнакий, Паҳлавон Маҳмуд; тарихчилар Шарофидин Али Яздий; Муҳаммад Солих; сўфийлик тариқатига мансуб шайх-мураббийлар Аҳмад Яссавий, Нақшбанд, Нажмиiddин Кубро каби мутафаккирларнинг хизматлари жаҳонда эътироф этилган.

Республикамизда ўзбек миллатига мансуб бўлганлар 18 миллион кишини ташкил этади. Яна қарийб 5 миллион ўзбеклар Ўзбекистондан ташқарида яшайдилар.

Ўзбекларнинг тарихий Ватани Амударё ва Сирдарё ораглиғида, ҳудудлари кўп жиҳатдан қадимги Сугдиёна чегараларига мос келувчи майдонда жойлашган. Бу ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади. Араблар мазкур ўлкани Мовароуннахр\* деб атаганлар ва бу ном Темур ва темурийлар давригача истеъмода бўлган. Чор Россияси истилосидан кейин эса мамлакат Туркистон, деб атала бошланган.

Мовароуннахрда ўзбек этносининг бошланиши ҳақидаги маълумотлар VI асрдаёқ маълум эди. XI асрда қорахонийлар давридаёқ мазкур этнос Хоразм ҳамда Тошкент воҳаларида, Фарғонада, қадимий Сугдиёна давлати ҳудудининг бир қисмида кўпчиликни ташкил этар эди. Ҳудди шу даврда Мовароуннахрда турк тилида сўзлашувчи халқлар келиб чиқишининг асосий босқичи бошланди, кейинчалик бу халқ ўзбеклар деб ном олди.

Ўзбекларнинг давлат қурилиши қоидалари, деҳқончилик тажрибалари ҳамда меҳнатдаги қашфиётлари, санъят ва маданий анъаналари эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади, аввал Эрон шоҳлари аҳмонийлар (эрамиздан аввалги VI аср), кейинчалик Искандар Зулқарнайн ва Салавкийлар, араблар (VII-VIII асрлар), Чингизхон ва унинг авлодлари - Чигатой улусининг бошлиқдари "Сугд" деб аталган "Минг шаҳар" ўлкасига ҳукмрон бўлиш ниятида тинчликсевар халқ билан жанг қилдилар. Яқин ва Узоқ Шарқ, Оврўпо ва Ҳиндистон мамлакатларини боғловчи Буюк ипак йўлида жойлашган ҳозирги ўзбекларнинг ота-боболари жаҳон тараққиётидаги барча эзгу ҳодисаларга нисбатан ўзларида таъсирчанлик ва хайриҳоҳлик ҳисларини ривожлантирдилар. Мовароуннахрнинг буюк фарзанди Амир Темур ўзбекларни бир

\* Мовароуннахр - арабча "дарё ортидаги мамлакат" дегани.

давлатта бирлаштириди. 1499 йилда насл-насаби билан Олтин Ўрда ҳокими Узбекхонга бориб тақалувчи Шайбонийхон бошлигидаги турк кўчманчиларининг ҳокимиятта келишлари билан ҳозирги замон ўзбекларининг шаклланиши амалда туталлади.

"Ўзбек" - деган атама анъанавий авлоддан-авлодга ўтиб келган ном бўлиб, XI аср манбаларида ёк учрайди. Айниқса Чигатой қабиласида жуда фаол ишлатилган, кейинчалик, XIX асрда эса умум тан олган номга айланди. Ўзбекистон Республикаси собиқ Иттифоқ таркибида Москванинг ярим мустамлака протекторатига айланганидан кейин (1924 й.) "ўзбек" этноманими тан олинган.

Оромий ёзуви негизида хоразм ва сугд ёзуви, улар асосида эса қадимги турк ёзуви вужудга келди. Кейинчалик ўзбекларнинг авлодлари араб ёзувини кўллай бошлидилар. XV асрнинг охири - XVI асрнинг бошлирида ўзбек тили буюк широр ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг хизматлари туфайли адабий тил сифатида таркиб топган. 1989 йилда эса ана шу тилга давлат тили мақоми берилди.

Ўзбекистон Оврўпо ва Осиё маърифатпарвар дунёсини, маданиятларини бирлаштирувчи халқаро йўллар кесишган, қадимги "Буюк ипак йўли" ўтган заминда жойлашган. Маънавиятимиз шакллана бошланганига камида уч минг йил бўлди. Ўзбеклар гоят кўхна ва тури халқлардан иборат, негизида саклар, массагетлар, сугдлар, салавкийлар ҳамда қабилали турклагача бўлган гоят қадимий ва чукур илдизли миллат ҳисобланади. Уларнинг авлод-аждодлари бундан минг йиллар муқаддам шу тупроқда ўтроқ бўла бошлидилар. Ўзбек элати шаклланишида ўтмишда араблар ва форс-тожик маданияти нағоёндалари, XIII-XVI асрдаги мўгуллар ҳамда XV-XVI асрлардаги Чингизхоннинг Чигатой улуси мўгуллари ўзларининг бевосита таъсирини кўрсатганилар. Масалага янада чуқурроқ қарайдиган бўлсак, ўзбекларнинг ота-боболарига аждоду-авлодларига ҳиндолар, хитойлар, греклар томонидан ҳам маънавий ва маданий таъсир бўлганини кўриш мумкин. Таъбир жоиз бўлса, элат тарзида шаклланган бу ўзига хос гиламда уйгурлар, арманлар, лўлилар ва ўнлаб нисбатан бошқа кам сонли миллий жамоаларга тааллуқли, дарҳол кўзга ташланмайдиган маданий нақшлар ҳам тўқилганлигини айтиш керак. Йигирма асрдан кўпроқ даврдан бери Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда

бизнинг авлод-аждодлар билан бирга яхудийлар яшаган ва яшаб келмоқда. X асрдан XV асрғача Мовароуннаҳр шаҳарларида талайгина насронийлар ҳам яшаганлар. Ислом қабул қилингунга қадар мұғул ҳукмдорлари уларга оммавий ҳомийлик қылғанлар.

XIX асрнинг икинчи яримидан бошлаб Туркистон халқлари орасыда руслар ва рус маданиятига мансуб кишилар келиб қўшилди. Буларнинг ҳаммаси аниқ тарихий ва миллий ўзига хослик шароити тарзида миллий давлатчиликнинг ва ҳуқуқий тизимнинг вужудга келиши ва ривожланишига бара-кали таъсир этади.

Ўзбекларнинг Марказий Осиё ҳудудидаги бошқа халқлар билан генетик (келиб чиқишига оид), этник, маданий ва диний яқинлиги уларни. Ўзбекистонда яшовчи, турли динларга эътиқод қилувчи бошқа миллат вакилларига нисбатан дўстона, самимий муносабатда бўлишини белгилаб берди.

Ўлка аҳолиси тарихан ва ҳозирги вақтда ҳам кўп динлайдир. Мазкур ҳудудда ҳамма вақт ҳам етакчи диний жамоа мавжуд бўлиб, унга аксарият аҳоли мансуб эди. VII асрғача "Авесто"ни ҳурматловчи зардуштийлар ва улар билан бирга насронийлар ана шундай жамоалардан ҳисобланганлар. Муни пайгамбарнинг издошлари бўлмиш буддачилар ҳам яшаганлар. VII асрнинг охири - VIII асрнинг бошларида Мовароуннаҳрга Ислом дини кириб кела бошлади. Ислом ўзининг амалий-ахлоқий жиҳатлари, маданий-маиший қоидаларининг мулоҳимлиги, маънавий қадрияларининг яқинлиги туфайли IX-X асрларда ўзбекларнинг ота-боболари томонидан қабул қилинди, бу эса уларнинг тарихий ривожланишида белгиловчи хусусият бўлиб хизмат қилди. XI-XII асрларда мамлакатда Исломнинг суннийлик оқими кенг ёйила бошлади. Мазкур тариқат ҳозирги кунда ҳам қўллаб-қувватланмоқда, миллионларнинг эътиқодига айланмоқда.

Дин эркинлиги мустақил Ўзбекистоннинг Конституциясида юридик жиҳатдан тан олинган ва мустаҳкамлаб қўйилган. Дунёвий давлатнинг конституциявий принципларини янгича тушуниш динни давлатдан, таълимдан ажратишни, шунингдек, диннинг маънавий янгиланиш, ахлоқий тарбиядаги катта, анъанавий аҳамиятини тан олишни назарда тутади.

Мачитлар фақат ўзига хос вазифаларни бажарибгина қолмасдан, маърифий, маданий ва таълим-тарбиявий марказ-

ларга айланмоқда. Ўзбекистонда мусулмонлар жамоаси ихтиёрида 5 минг жоме ва маҳалла мачити бор. Ваҳоланки 1989 йилгача уларнинг сони 100 дан ҳам ошмас эди. Аксарият ҳолда улар қаровсиз қоларди. Қайта тикланган кўпгина тарихий бинолар мачит ихтиёрига қайтариб берилди, ибодатчи халқ маблаглари ҳисобига мачит учун кўплаб янги бинолар курилди.

Деярли ҳар бир вилоят марказида диний ўқув юртлари - мадрасалар очилди. Улар қадимги замонлардаёқ аҳолини илму маърифатли қилишда сезиларли мавқега эга бўлган. Мадрасаларда ўқитиладиган фанларнинг ҳажми кенг, бериладиган билимлар анча чуқур бўлган. Мавжуд мадрасалар тизимига Имом ал-Бухорий номидаги Мирараб мадрасаси (Бухоро шаҳри) ва ана шу номдаги Тошкент Ислом маъҳади бошчилик қилмоқда. Улар Қоҳира шаҳридаги Ал-Азҳар дорилфунуни ва Иордания қироллигининг Ислом дорилфунуни каби йирик исломий илм марказлари билан ўзаро алоқа боғлаганлар.

Марказий Осиёдаги кўпчилик мусулмонлар сингари ўзбек мусулмонлари ҳам ҳанафий ҳуқуқ мазҳаби талабларига амал қиласидилар. Мазкур ҳуқуқий мазҳабнинг қоидалари Ислом ақидаларини оқилона шарҳлашга мўлжалланган. Жумладан, ана шундай қоидалардан бири тинчликсеварликни ва бошқа динларга ҳурмат билан қарашни талаб қиласиди.

Ўзбекистонда Ислом билан бир қаторда 10 дан ортиқ динлар мавжуд. Жумладан, насронийликни қабул қилишга даъват қилиш ҳақидаги энг қадимий ҳужжат эрамизнинг 196 йилида ёзилган. Асримизнинг бошидан бери Яҳудо динидаги кишилар жамоалари мавжуд. XVI асрдан бошлаб арман ҳаворийлари (григориян) черкови жамоалари амал қилиб қилмоқда. Мовароннаҳр - буддизм пайдо бўлган марказлардан бири. Археологик қазилмалар шулардан далолат бермоқда. XVI аср охирида старообрядчи - эски тақвочилар рус казаклари жамоаси, XIX асрнинг 40-йилларида эса меннонит - немислар жамоаси диний таъқиблардан қочиб, Хева хонлигига кўчиб келганлар. Кейинчалик кўчиб келган турли миллат вакиллари православ насронийлар, евангелистлар, католиклар жамоалари ва бошқа мазҳабдаги диний жамоаларни тузганлар.

Рус православ черковининг Туркистон архиепископати Тошкент шаҳрида жойлашган, шаҳарда епархиаль билим юрти, монастирлар очилган. Черков ўз газетасини чиқариб турибди. Католикларнинг ибодатхоналари ҳам тикланган. 1993 йилда

Тошкентда таъмирланган кирка (лютеран черкови) биноси лютеранларга берилди. Самарқандда илгари арман-григорианларга қарашли бўлган бино таъмирланиб, эгаларига топширилди. Евангелия насроний-баптистларга, насроний-пятидесятникларга, Еттинчи кун адвентистларига, насроний-пресвитеран черковига ва бошқаларга мансуб диндорлар ҳам ўз диний маросимларини бемалол бажармоқдалар, диний адабиётлар олмоқдалар, диний билимларга эга бўлмоқдалар. Ўрта Осиё ва Қозогистон Яхудо диний маркази ишлаб турибди.

Ўзбекистонда барча диний жамоалар республиканинг кўп миллатли аҳолиси орасида ўзаро ҳурматта эга, садоқат кўрсатиб Конституцияга ва қонунларга сўзсиз амал қилиш маҷбуриятини зиммаларига олганлар.

Ўзбекистонда яшовчи турли миллатларнинг аксарият на moyндайлари фақат диний жамоалар орқали эмас, балки ихтиёрий равишда тузилган миллий-маданий марказлар ва жамиятлар воситасида ҳам ўз миллий манфаатларини рӯёбга чиқариш, ўз она тилларини чуқур ўзлаштириб олиш, ўз ватандошлари билан маънавий мулоқотда бўлиш имконига эгадирлар. Бугунги кунда Ўзбекистондаги бундай марказ ва жамиятлар сони 100 тадан ошиб кетди. Булардан энг йириклари - Рус маданияти уюшмаси, турк, корейс, немис, поляк, яхудий, татар, бошқирд маданий марказлари, литваликлар жамоаси, Бухоро яхудийлари маркази ва бошқалардир.

Қозоқ маданий маркази ўз газетасини чиқармоқда. Давлат ёрдамида тожик, туркман ва татар тилларида рўзномалар чиқиб турибди. Рус тилида 20 дан ортиқ газеталар нашр этилмоқда. Миллий-маданий марказлар ва жамиятларга радио ва телевидение орқали ўз маънавиятларини тарғиб қилишга мўлжалланган чиқишлиарига имкон яратиб берилган. Уларнинг фестиваллари, тил ва маданият байрамлари, турли конференциялар ва танловлар ўтказишлари учун янги қурилган кўркам "Наврўз" биноси хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ягона партиянинг, ягона мафкуранинг якка ҳокимлигига барҳам берилди ва ҳозирги пайтда кўппартиявилик тартиби амал қилиб турибди. Фуқароларнинг сиёсий эркинликлари Конституция билан, "Жамоат уюшмалиари тўгрисида"ги ва "Сиёсий партиялар тўгрисида"ги қонунлар билан кафолатланган. Конституция кўппартиявиликни сайлов тизимининг ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг конституциявий

қоидаси сифатида мустаҳкамлайди. Республикада бир ярим мингта яқин жамоат уюшмалари ишлаб турибди.

Республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида оммавий жамоат уюшмалари, турли хил фондлар ва уюшмалар ҳам фаол қатнашмоқда. Масалан, республиканинг Экология ва саломатлик, Ижодкор ёшлар, Миллий-маданий мерос, Марказий Осиё ҳалқлари ҳамкорлиги фондлари ва уюшмалари ҳамда кўпгина бошқа ташкилот ва муассасалар ёш давлатни янгилаш ва тараққий эттиришдан иборат ижтимоий ва маданий вазифаларни ҳал қилишга кўмаклашмоқда.

Иқтисодий йўналишдаги жамоат бирлашмалари орасида Ўзбекистон Тадбиркорлар иттифоқи ва Деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари уюшмаси алоҳида ажralиб туради. Улар давлат ёрдамида кичик ва ўрта ишбилармонликтининг ривожланишига, хусусий тадбиркорларни ҳукуқий ҳимоялашга кўмаклашмоқдалар.

Ходимларнинг, алоҳида профессионал ва ижтимоий аҳоли гуруҳларининг меҳнатини муҳофаза қилиш, ҳукуқларини ҳимоялаш ва манфаатларини рўёбга чиқариш масалаларида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Хотин-қизлар қўмитаси, ижодкорлар - ёзувчилар, бастакорлар, рассомлар, меъморлар уюшмалари ва бошқалар катта аҳамиятга эгадир.

Умуминсоний қадриятларни ёйища, Инсон ҳукуқлари умумжакон декларациясини ва бошқа халқаро ҳукуқий ҳужжатларни амалга оширища Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази - БМТга кўмаклашувчи миллий уюшма, чет эллар билан маданий алоқалар ва дўстлик жамиятлари, бошқа жамоат тузилмалари салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

#### **4. Миллий маданият ва маънавий мерос**

Ўзбек миллий мероси кўхна, бой ва кўпқирралидир. Унинг таркиби тўрт қисмдан иборат:

· биринчидан, миллий давлатчилик ва сиёсий ҳукуқий мерос;

иккинчидан, маданий, илмий ва адабий мерос;  
учинчидан, исломий мерос;

тўртинчидан, умуминсоний қадриятлар<sup>1</sup>.

Миллий маънавиятимизнинг маданий меросимизнинг буюк куч эканлигига шак-шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам фақат маънавий тикланиш ва чинакам покланиш орқалигини биз ўз миллий мағкурамизни яратишими мумкин. Ўзга йўл йўқ. Буни қанча тез англасак, миллий Истиқолонинг яна бир муҳим истеҳкомини яратурмизким, бу яқинда гишглари қўйила бошланган мустақил ўзбек давлати қалъаси учун ҳақиқий маънавий замин бўлиб қолажак.

Ўзбек халқи ҳам, барча халқлар сингари асрлар мобайнида сақланиб-сайқалланиб келган миллий урф-одати, расм-русуми, удуми ва анъаналарига эга. Буларда ўзбек халқининг миллий хусусиятлари, юриш-туриши, гурури, ижтимоий-иқтисодий ҳёти, дини, ҳукуқий онги ва, умуман, маънавий-маданий дунёси акс этади. Ўзбек халқининг маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ифодаланиши билан бирга, бу маънавият оиласи ҳёёт учун, ҳар бир инсон учун муҳим тарбиявий аҳамиятта молиқдир. Чунки болаларимиз ана шу кўзга илинmas миллий ҳис-туйгу ва онг, аждодлар хотираси ва узвийлиги таъсирида, она суги, она алласи билан маънавий озуқа, тарбия оладилар. Ушбу туйгулар тил воситаси ила онгимизга кира боради. Буларнинг барчаси миллат маънавиятининг гултожи ҳисобланади.

Сир эмас, асрлар давомида аждодларимиз ҳётида таркиб ва равнақ топган миллий-маданий анъаналарни ва урф-одатларни қадрламаслик маънавий тубанлик, ўз тарихига, она заминига, тупрогига ҳурматсизлиқдир. Бой, қадимий ва навқирон маънавиятимиз дурдоналари миллий маънавий инқирознинг одини олища, миллий маънавият салтанатимизни тиклашда муҳим омил ва таянчdir.

Миллатимиз маънавият салатанатининг деворлари ўзбек маданиятининг янги босқичдаги Уйгониши, Ренессанси деса бўлади.

Кўп минг йиллик маданий меросимиз илдизлари униб, ниш бериб, куртак отмоқда. *Бу ўзбек миллий маънавиятимизнинг хусусиятлари нималардан иборат?*

Биринчидан, бизнинг юрг бармоқ билан санарли, беш-ўнта эмас, балки маданиятнинг барча соҳаларида юзлаб, минглаб

<sup>1</sup> Қаранг: Усмонов М. Мағкура муваққат бўлмайди// Ўзбекистон овози. 1993 йил. 12 июнь.

жаҳоншумул алломаларни, улуг зотлар, давлат арбобларини етиштириб берган. Буюк аждодларимиз башарият маданиятини яратишида бевосита иштирок этгандар, бу ишга улкан ҳисса қўшганлар. Шунинг учун ҳам ўзбек миллий маданий мероси жаҳон маданиятининг ажralmas таркибий қисмидир.

Иккинчидан, нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳон маънавияти салтанатида ўз ўринларига эга бўлган улуғларимизни қанча эъзозласак кам. Тўмарис ва Широқ, Спитамен ва Мангуберди, Темур Малик, буюк бобомиз Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Шоҳ Жаҳон ва бошқа улуғларимиз руҳини ҳамиша шод айламогимиз, Гўрўғли, Алпомиш, Ойбарчин, Равшан, Ҳасан, Кунтугмиш достонларини баралла куйламогимиз ва завқланиб эшитмоғимиз керак.

Учинчидан, Ўзбекистон ўзининг чуқур давлатчилик негизларига эга ўзига хос сиёсий, ҳуқуқий, маданий мерос соҳибиdir. Эрамиздан бир неча юз йиллар олдин, бизнинг ҳудудимизда давлат-ҳуқуқий институтлар ва қарашлар тараққий эттан. Мовароуннаҳрда Ислом маърифатига, ҳуқуқшунослиги - фикҳ, шариатта ва умуман, жаҳон ҳуқуқий маданиятига улкан ҳисса қўшган фақиҳлар - ҳуқуқшунослар яшаганлар.

Тўртинчидан, ўзбек миллий мафкурасининг узвий таркибий қисмини бой маданий меросимиз ташкил этади, бизнинг ҳудудимиздаги 9 мингдан зиёд тарихий, маданий, меъморчилик ёдгорликлари ўзбек халқи беқиёс маданий меросининг тирик гувоҳлариdir. Уларни таъмиrlаш, тиклаш, сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг маънавий, қолаверса, инсоний ватанпарварлик бурчимизdir. Шунинг учун Конституциямизнинг 49-модасида: "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар", дейилган.

Ўзбек халқнинг бой маданий мероси Истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга халқимиз орасидан етишиб чиққан алломаларимиз асос согланлар, жаҳон илм-фани ва маданияти деярли барча соҳаларининг шакланиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшганлар. Улар яратган илмий асарлар асрлар оша инсоният маънавияти равнақи йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Бизнинг она заминимиз жаҳонга буюк мутафаккирларни ва қомусий алломаларни етиштирган. Улар шу жиҳатлари билан алоҳида ажralиб турадиларки, хоҳ тиббиётчи ва доришу-

нос, хоҳ риёзатчи ва фалакшунос, хоҳ тарихчи ва фаҳих, хоҳ тиљшунос ва мунаққид, хоҳ адаб ва шоир, хоҳ тасаввуф илминг машхур намоёндасию давлат арбоби бўлмасинлар, бир вақтнинг ўзида фаннинг турли соҳаларини мукаммал билганлар, етук илмий асарлар яраттанлар.

Фикримизнинг далили сифатида улуғ бобокалонларимиздан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, Мирзо Улугбек, Маҳмуд ибн ул-Хусайн ибн Муҳаммад ал-Қошгари, Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар аз Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Шарафитдин Али Яздий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур кабиларнинг номларини тилга олиш кифоя.

## 5. Тил, маънавият ва ватанпарварликнинг маданият таркибида тутган ўрни

Тил. Халқимизнинг маънавий қадриялари тикланиб, асл тарихий илдизларимизни теран ҳис қила борганимиз сари, кечагина миллатимизнинг бебаҳо қадрияти бўлган она тилимизнинг ачинарли аҳволидан халос қилиш мақсадида собиқ Иттифоқ шароитидаёқ, халқимизнинг катта саъй-ҳаракатлари билан "Давлат тили тўғисида"ги қонунни қабул қилганимиз беихтиёр ёдга тушади. Ўзбек халқи тарихида биринчи бор ўзбек тили давлат тили мақомига эришди.

Мустақилликни қўлга киритишимиш она тилимиз равнақига катта турткি берди ва тилга бўлган муносабатни сифат жиҳатдан янги погонага кўтарди. Хўш, давлат тили нима, деган савол тугилиши табиий, албатта.

Давлат тили - бу давлатнинг умумистеъмолда бўлган мазкур давлат асосий аҳолисининг тили бўлиб, у жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётида тўлақонли ишлатилади. Шу тилда давлат ўз иродасини ифода этади, фаолиятини амалга оширади, халқ билан мулоқот қиласи. Давлат тили миллий давлат мустақиллигининг белгисидир. У давлат хоҳишининг ифодаловчиси даражасига кўтарилиган, амал қилиш барча учун мажбурий бўлган давлатчилик белгисидир. Мустақил давлатнинг белгиси даражасига кўтарила борган тил давлат фаолиятининг барча соҳаларида ишлатилишини ва амал

қилинишини талаб этади. Бу талабни бажармаслик эса фуқаролар ва ташкилотларга юридик жавобгарлик юклайди.

Она тилини давлат тили сифатида ўрнатиш давлатнинг суверен ҳукуқидир. Бу ҳукуқни рўёбга чиқариш давлатнинг хоҳиши ва заруратидан, мақсадга мувофиқлиқдан келиб чиқади. Жумладан, дунёнинг кўплаб мамлакатларида аҳолининг асосий қисми сўзлашадиган, миллатта ном берган тил давлат тили мақомини олган.

Республикамизда давлат тили тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишини она тилимизга нисбатан изчил давлат сиёсатининг биринчи босқичи деб ҳисобласак, лотин алифбосига ўтиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши бу сиёсатнинг узвий давомидир. Давлат тилини равнақ топтиришга қаратилган бу сиёсат республикамизда маънавий соглом жамият қурилаётганлигидан далолат беради. Зоро, миллатнинг асосий белгиларидан бири - унинг тили.

Дарҳақиқат, тилнинг ривожи, унинг ижтимоий ҳаётда ишлатилиш доирасининг кенгайиши миллий маданиятни ривожлантиради. Ҳар бир ҳалқ ўз ҳудудида ўз миллий она тилига эга бўлиш ҳукуқига эга. Она тили миллатни бирлаштиради, жиспаштиради, уни ҳар томонлама камолотта йўналтиради.

Инсон тили - нодир ҳодиса. Тил инсоният тараққиётининг маҳсули бўлиб, у жамиятнинг ривожи билан таркиб топа борган ва шаклланган. Тил миллатнинг маънавий ривожланиши ва мулоқотининг натижасидир, у ҳалқ тарихи ҳақида қимматли маълумотлар бериб, миллий маданиятнинг бебаҳо мероси ҳисобланади. Ҳалқнинг буюк маънавий мулки бўлмиш тилда миллатнинг урф-одатлари мужассамланади ва тараннум этилади.

Маънавиятнинг камол топиш учун тил ривожланиши лозим. Миллат мавжудлигининг асосий белгиларидан бири ҳудуд бўлса, иккинчиси, шубҳасиз, ягона тилнинг борлигиdir. Тил бизнинг тафаккуримиз билан боғлиқ, шу боисдан ҳам у бизнинг заковатимизни ифода этади. Унинг шарофати ила биз ўз тафаккуримизни шакллантирамиз, борлиқни ифодалаймиз, онгимизда ўз билимларимизни мустаҳкамлаймиз. Она тили билим олиш, меҳнат қилиш жараёнига хизмат қиласди, инсонга эстетик таъсир этиб, шу йўл билан инсон турмуш тарзи ва маданиятининг шаклланишига ёрдам беради. Ҳар қандай инсон болалиқдан она тили ёрдамида шаклланиб, атроф-муҳитни, бор-

лиқни, жамиятни она тили орқали қабул қиласи. Биз қанчалик она тилимизни нозик ҳис этсак, шунчалик миллий ўзига хос фазилатларимиз, расм-руsum ва одатларимизни аниқ идрок этамиз. Инсоннинг тилини билмасдан уни дилини билиб бўлмайди, деб бежиз айтилмайди, албатта. Қадим замонлардаёқ Пифагор: "Ҳар қандай ҳалқнинг маънавиятини билмоқчи бўлсанг, энг аввало унинг тилини ўрганишга интил", - деб айтган эди.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, унинг мавқеини ошириб, қўлланиш доираси ва ривожига ижобий сиљишлар берди. Бу борада бир қатор тадбирлар ўтказилди, қонунни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича ҳукумат комиссияси фолият кўрсатмоқда, бундан ташқари, талайгина амалий ишлар жорий этиш учун навбатда турибди. Хусусан, лотин ёзувига ўтиш тадбирлари амалга оширилмоқдаки, улар яқин келажақда ўз самараларини беришига, жумладан, бизни мутараққий мамлакатлар билан тенглаштиришига умид боғлаймиз.

Ўзбекистоннинг жаҳонга юз туттганлиги ўзбек тили ҳамда республикамида қўлланилаётган бошқа тилларни ривожлантириш билан бир қаторда, дунёда кенг истеъмолда бўлган инглиз, француз, немис ва бошқа тилларни ҳам пухта ўрганиш эҳтиёжини юзага чиқарди. Дунёнинг илгор мамлакатлари қаторига чиқишини кўзлаёттан республикамиз учун бу ўта муҳимдир. Замонавий ахборот алмашуви ва коммуникациялар даврида чет тилларни жуда пухта ўрганиш замон талабидир.

Тил миллатни тътифлайдиган маънавий асосдир, шунинг учун ҳам тил тўғрисида ғамхўрлик қилиш жамиятнинг маънавий соғлом бўлиши шартларидан биридир.

**Маънавият.** Маънавиятни мафкуравий якка ҳукмронликдан озод этиш мафкурани бутунлай инкор этишини англатмайди. Мафкурасиз маънавият йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар қандай мафкура муайян гурӯҳлар манфаатидан келиб чиқади. Мафкурада мақсад, унга эришиш йўллари, усулари, воситалари, таянч кучлари белгиланади.

Ўзбек миллый мафкурасининг мақсади Ўзбекистонда чинакам инсоний, адолатли жамият қуриш ва комил инсонни тарбиялашдир. Шу маънода фақат инсонпарварлик мафкураси ички ва ташқи сиёсатимизни шаклантирувчи ва амалга оширувчи гоявий қудрат бўлиши мумкин.Faқат инсонпарварлик мафкурасигина тинчлик, озодлик, тенглик, биродарлик, адолат,

бахт каби умуминсоний қадриятларни ўзининг пировард мақсади қилиб олиши мумкин.

Миллий мафкуранинг иқтисодий заминини мулк шакларининг кўп хиллиги, ҳуқуқий тенглиги ва ижтимоий жаҳатдан йўналтирилган бозор муносабатлари ташкил этади. Унинг ижтимоий асоси турли миллатлар ва ижтимоий гурӯхлар эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, маънавий таянчи эса ҳурфикрлик эътиқод даҳлсизлиги ва ошкоралиқдир. Унинг сиёсий замини фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат гояларини ҳаётта тадбиқ этиш, ҳуқуқий омили эса инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қонунларда мустаҳкамлаштириб.

Мафкура бутун маънавиятимиз салоҳияти тараққиётининг мустаҳкам заминига таянган ҳолдагина шакланиши мумкин. Мафкуранинг кучи унинг ҳар бир шахс қадриятлари миллат ва ҳалқ эҳтиёжлари билан уйғун бўлишидадир. Унинг қудрати кишиларнинг туб манфаатларини қай даражада ифода этганлиги билан белгиланади.

Ўзбек миллати маънавияти миллий маданиятимизнинг янги босқичидаги уйғониш даврини бошидан кечирмоқда. Узоқ тарихга эга маънавиятимиз илдизларидан куртаклар унмоқда. Шу муносабат билан миллий қадриятлармизни тиклашда икки муҳим нарсани унутмаслик лозим.

Биринчиси, миллий уйғониш миллий ўзлиқни англаш маънавий қадриятларни қамситиш, оёқ ости қилиш ҳисобига бўлмаслиги керак.

Иккинчиси, миллий анъаналарни умумбашарият удумлари ва қадриятларига қарама-қарши қўймай, ундаги муайян ижобий мазмунни аниқлаб, мустаҳкам белгилаб олмоқ керак. Ҳар бир миллатнинг тарихий, маданий ва маънавий меросида умуминсоний қадриятлар ҳам ўзига хос шакллар ва кўринишларда ифода этилган бўлади. Маънавият истиқдол заминини мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидаидир. Маънавиятни юксалтириш - истиқдолимизни мустаҳкамлашнинг муҳим шартлариданadir. Мустақилликнинг маънавий замини мустаҳкам бўлмаса, у барқарор бўлолмайди. Маънавият бўлмаса, мустақиллик ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди. Маънавий баркамоллик бўлган жойда тараққиёт бўлади, одамлар ўртасида тенглик, биродарлик, ҳамкорлик, адолатта асосланган муносабатлар қарор топади.

**Ватанпарварлик.** Миллий мафкура етук миллий онг, миллий бирдамлик туйгуси заминида шаклланган ватанпарварликни ҳам ўз ичига олади.

Кўхна ва навқирон ўзбек давлати азалдан Буюк ипак йўли, яъни савдо-сотик, маданият, турли динлар кесишган заминда жойлашган. Шунинг учун машҳур карвонсаройларда доимо турли миллат вакилларининг турли тиллардаги сұхбатини эшитиш мумкин бўлган. Бизнинг ўлкада аҳоли тарихан турли динларга эътиқод қиласган. Аммо уларнинг ўзаро тинч-тотув, осойишта турмуш кечиришининг энг муҳим омили шу яшаётган она заминга ҳурмат, садоқат, муҳаббат бўлган. Ватанпарварлик туйгуси барча-барчани жисплаштирган.

Биз чиндан ҳам буюк Ватанимиз билан фахрлансан арзиди. Бунинг негизида инсонпарварлик, фаровонлик, Ватанга муҳаббат, барча кишиларнинг эркинлиги ва тенглиги, ижтимоий адолат каби умумбашарий тушунчалар ётмоги керак.

Тавваллуд топган ерга ҳурмат тариқасида, улуг аждоддарамиз ўз номи охирига туғилиб ўсган шаҳар, жой номини қўшиб айтганлар. Масалан, Хоразмий, Бухорий, Термизий, Фарғоний, Марғилоний, Форобий, Яссавий, Қашқарий, Югнайи, Беруний ва бошқалар. Бу киндик қони тўкилган ерга - она Ватанга бўлган амалий садоқат тимсолидир. Улар шу йўл билан ўз Ватанини, юртини, маданиятини, фанини, санъатини бутун жаҳонга тарғиб қилганлар. Бу ноёб ватанпарварлик намунасидан келиб чиқиб, ҳар биримиз туғилган жойимизнинг, Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини амалда яқинлаштириш учун баҳоли қудрат меҳнат қилмогимиз керак.

Ҳар бир инсоннинг она Ватани унинг туғилиб ўсган хона-донидан, яшаш макони - қишлоғи, шаҳри, ўлкаси, юртидан бошланади. Ҳар бир инсоннинг ўз она юрти, ватани бор. У ана шу юрт ва Ватаннинг чинакам фуқароси ҳисобланади. Ҳар бир инсоннинг ижтимоий борлиги Ватанга бўлган муносабатида яққол намоён бўлади.

Ватан - борлигимизнинг, умримизнинг, инсонийлигимизнинг мазмуни ҳамда яшаш мақсадимиз гоясиdir. Ҳар бир инсон, ёш авлод эса ҳеч бўлмаганда етти авлодинг тарихини, она юрт диёрини яхши билиб олмоги ва унинг равнақи йўлида сидқидилдан, умрбод содик бўлиб, ҳалол хизмат қилмоги шарт. Ўзининг ҳақиқий тарихига, маънавий хислатларига тўла эга

бўлган Ватан ўглонигина эл олдидаги муҳим инсоний бурчини бир умрга адо эта олади.

Миллий мафкура мустақил ўзбек давлатининг барча фуқароларини улуг мақсадлар йўлида қалбан бирлаштиришга хизмат қилмоги керак. Миллий мафкура ҳар бир шахсда жамиятта нисбатан лоқайдликни йўқотадиган мафкура бўлиши лозим. Бундай мафкура онгига сингтан фуқаро Ўзбекистон деб аталмиш юрт учун керак бўлса жонини ҳам фидо қилиб, Ватан туйгусини юксаклика кўттармоги даркор. Зотан улуг бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ватандан йироқда туриб, ҳижрон-ла шундай ёзган эди:

*Самарқанду Хиротда  
Ўтмаган умр айшу ишратла,  
Ағсус Аграга вайронা  
бўлди жабру ситамла.*

Ёхуд Мир Алишер Навоийнинг қўйидаги сўзларини эслаш кифоя: "Мусоғир бўл, аммо Ватан ичра бўл, тила хилвату анжуман ичра бўл!"

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг бир олам мазмун-моҳиятта эга "Хуббул Ватан минал иймон" ("Ватанни севмоқ иймондандир") деган муборак ҳадислари мустақил Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи учун қатъий қоида бўлиб қолиши керак.

## VIII боб

### МАДАНИЯТ, МИЛЛИЙ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА ХУҚУҚИЙ ОНГ

---

\* Ҳуқуқий маданият - ҳуқуқий давлатнинг муҳим омили \* Миллий турмуш тарзи ва ҳуқуқий маданият \* Ҳуқуқий ва ахлоқий қадрияллар - ҳуқуқий маданият асослари

#### 1. Ҳуқуқий маданият - ҳуқуқий давлатнинг муҳим омили

Ўзбекистон ҳуқуқий давлат куриш ва демократияга боришининг ўзига хос йўлини танлади. "Биз мустақил ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг асосий мақсад ва вазифаларини белгилар эканмиз, - деб ёзади Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, - Ўзбекистоннинг цивилизация ва тараққиётнинг юксак, ёрқин чўққиларига эришишида маданий ва тарихий мероснинг, ҳалқнинг инсонпарварлик анъаналарининг юксак мэрраларини эгаллаган, умуминсоний қадрияллар ва меъёлларга содик бўлган озод ва ҳар томонлама уйгун камол топган шахс асосий таянч бўлишини қайта-қайта таъкидлаганимиз"<sup>1</sup>.

Демократик ҳуқуқий давлатни ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва инсонларни камол топтириш жараёни давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти ва вазифасига, кўпгина ҳуқуқий муаммоларга янгича ёндошувни талаб қилади.

Давлат органларининг иши доимо жамоатчиликнинг, ҳалқнинг диққат марказида туради. Бироқ, фикримизча, мустақиллик йилларида гина улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш томонига қатъий бурилиш ясалди. Булар қўйидагиларда намоён бўлмоқда.

Биринчидан, демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш - шунчаки жузъий ислоҳотлар ва такомиллаштиришлардангина иборат булмай, балки ялпи тоталитар тузумдан, маъмурий-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. - 183-бет.

буйруқбозлик тизимидан демократик фуқаролик жамиятига ўтишдан иборатдир. Давлат мустақиллиги мураккаб, қийин ва зиддиятли ўтиш даврини бошлаб берди. Бу борада муайян ижобий натижаларга эришилди.

Тоталитаризмдан демократик жамиятта ўтища, аввалом-бор, ривожланган ҳуқуқий тизим ва кучли ижроия ҳокимияти органларининг самарали фаолияти зарур.

Иккинчидан, истиқдол туфайли маънавий-ҳуқуқий уйғониш даври бошланди, умуминсоний қадриятлар, демократия, инсон ҳуқуқлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Учинчидан, марксча-ленинча таълимот том маънодаги ҳуқуқ билан сигиша олмайди. Ҳолбуки, айрим ҳуқуқшунос - олимлар ҳуқуққа қандайдир вақтингчалик ҳодиса, буржуазияга мажбурий ён бериш, "ёрқин коммунистик келажак" томон илгарилаб борилган сари муқаррар йўқ бўлиб кетиши керак бўлган нарса деб қарап эдилар. Лекин ҳаёт бундай "илмий башорат"ларнинг сохталигини тасдиқлади. Муҳими шундаки, истиқдол туфайли кишилар дунёқарашида умуминсоний қадриятларга ва инсонпарварлик гояларига нисбатан туб ўзгаришлар ясалди. Бутун демократик дунёда, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳуқуқнинг роли тобора ошиб бормоқда.

Тўртинчидан, инсониятнинг долзарб муаммолари, ижтимоий тафаккурнинг ривожланиш даражаси ҳуқуқий давлат концепцияси томонидан илгари сурилган умуминсоний қадриятларнинг устунлигини шубҳасиз қилиб қўйди. Давлат ва ҳуқуқ ҳақида турушунчаларни янгича талқин қилиш, ижтимоий воқеликларга замонавий ёндошувни талаб қилмоқда. Давлат органларининг самарали ишлаши муаммоси ҳам янгича ёндошувга муҳтож бўлган ижтимоий ҳодисадир.

Бешинчидан, адолатли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида шахс муаммоси муҳим аҳамиятта эга. У инсоннинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ва ҳуқуқий муносабатлар тизимидағи фаолияти ва хулқ-атвори билан боғлиқ турли масалаларни қамраб олади. Мазкур муаммоларни таҳлил қилиш инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларини ҳисобга олишни тақозо этади. Бу борада ин-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Таджиханов У. Правовая идеология и правовая культура в суверенном Узбекистане. - Т., 1995. - 15-бет.

сон қобилиягининг бутун хилма-хиллигини ўрганибина қолмасдан, уни мумкин қадар тўла-тўкис очищ, инсоннинг фикрлаш психологиясини ва хулқ-авторини қайта шакллантириш алоҳида аҳамиятга молиқдир.

Ижтимоий фанлар олдида инсон, шахс муаммоларини атрофлича ва чуқур ўрганиш вазифаси турибди.

Хозирги вақтда инсонни ўрганиш аллақачон у ҳақдаги маҳсус фанлар доирасидан чиқиб, бутун илмий билиш тизими-нинг муаммосига айланган.

**Инсоншунослик** - алоҳида соҳа бўлиб, уни барпо этишда жуда кенг маънода тушуниладиган фан, маданият, санъат ҳамда ижтимоий амалиёт иштирок этади. Инсоншунослик бизга инсонни ўрганиш, у билан муомалада бўлиш маданиятидан таълим бериши керак ҳамда маданий-маънавий ва ахлоқий-ҳукуқий йўналишга эга бўлиб, бу йўналишдан ташқарида инсон тўғрисидаги фан тўлиқ ривожлана олмайди.

Хозирги кунда маънавий-ахлоқий омилнинг роли бекиёс даражада ошиб бормоқда. "Юксак даражада ахлоқли фуқарони вояга етказиш - ҳар бир инсоннинг бурчиидир"<sup>1</sup>. Бунга фақат ҳукуқшуносларгина эмас, балки барча ижтимоий фанлар вакиллари ўзларининг дикқат эътиборини қаратмоқликлари зарур. Адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг гоят муҳим талабларидан бири жамиятни, умуминсоний ахлоқни бузилишлардан қатъият билан холос қилишдан, ижтимоий адолат принципларини изчил амалга оширишдан иборат: бу сўз билан иш бирлиги; ҳалол, юкори сифатли меҳнатни қадрлаш; унга ҳақ тўлашда "тengчилик" тамойилларига ҳамда боқимандалика барҳам беришдан иборат.

Демак, *фақат демократик ҳукуқий давлатни шакллантиришига ҳукуқнинг, ҳукуқий маданиятнинг юксак аҳамиятини таъминлаиди*.

Ҳукуқнинг демократик қадрият сифатида аҳамияти ижтимоий адолатнинг ахлоқий-инсонпарварлик моҳиятидан келиб чиқади. Демократик ҳукуқий давлатни шакллантириш шахс билан жамият ўртасидаги ўзаро зиддиятли ва демократик муносабатлар руҳини белгилаб берган аввалги тақиқлар тизими-дан холос бўлишга имкон тутдиради. Советлар давридаги тақиқлар тизими шахсни оммага қориштириб юборди, бу эса

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. - 187-бет.

қизил инқилоб гоялари йўлида миллий ўзлигидан кечиш, мутеълик ва "манқурт"лик руҳини вужудга келтириди. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланиши ижтимоий ташаббусни ва мустақилликни сўндириди. Маъмурий-буйруқбозлика асосланган бошқарув тизими ва унинг партиявий қонун ижодкорлиги жамиятимизнинг маънавий-ҳуқуқий муносабатларига катта зарар етказди.

Шу сабабли 80-йилларнинг охирларида бундай салбий ҳолатлар ҳуқуқий мағкурани анча қашшоқ қилиб кўйди, маънавиятнинг тубанлашувига, ахлоқий қадриятлар ўзгариб кетишига олиб келди. Ҳолбуки, ҳуқуқнинг ривожланиш даражаси жамиятнинг ахлоқий-маънавий ривожланишига бевосита боғлиқdir. Шу туфайли ахлоқ ва адолат меъёрларининг аҳамиятига етарли баҳо бермаслик мумкин эмас. Улар миллий ҳуқуқий тизимда қанча кўп акс этса, унинг демократик табиати шунча бой ва теран бўлади. Бинобарин, ҳар қандай қонунар тизимини шакллантирган вақтда унга умумисоний ахлоқ ва демократия талаблари ва андозалари асос қилиб олиномоги керак.

Фуқаролик жамиятининг маънавий-руҳий ҳолати асосида миллий ҳуқуқий тизимни ва демократик ҳуқуқ маъёрларини шакллантириш муаммоси мухим аҳамиятта эга. Бу борада қуидаги йўналишларни чукур таҳдил қилиш лозим:

биринчидан, ҳуқуқнинг демократик асосларини ва унинг изчил ахлоқий-инсонпарварлик йўналишини такомиллаштириш;

иккинчидан, қонун ҳужжатларини қайта ишлаб чиқиш йўли билан улардаги салбий унсурларни бартараф этиш; маъмурий-буйруқбозлик тизимининг тикланишига, ҳокимиятни эгаллаб олишга тўсқинлик қиласидиган ҳамда инсон ҳуқуқларини бузадиган идоравий ҳужжатларнинг йўқотилишини таъминлайдиган қонунларни яратиш;

учинчидан, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, фуқароларнинг ўз шахсий фикрларининг қарорлар ишлаб чиқишига таъсир кўрсатишини англаб этишларига эришиш. Бу эса амал қилиб турган ҳуқуқقا, янгидан яратилаётган ҳуқуқий нормаларга риоя этиш ёки риоя эт-маслик муносабатларини шакллантиради;

тўртинчидан, объектив ва субъектив ҳуқуқнинг ўзаро алоқаси, жамиятдаги ахлоқий муносабатларнинг, субъектлар

онгининг ҳуқуқ нормаларини шакллантиришга кўрсатадиган таъсири ҳамда шахснинг хулқ-атвор йўналишини танлашига оид муаммоларни ечиш.

Санаб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш учун ахлоқий қоида ва тамойиллар ҳуқуқнинг асоси бўлиши, қонун мазмунининг ва ҳуқуқни рўёбга чиқаришга қаратилган бутун юридик амалиётнинг асосий мезонини ташкил этмоғи керак. Чунки, ҳуқуқий норманинг мазмуни, авваламбор, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларидан, ҳалқнинг тарихидан, унинг миллий анъаналари, урф-одати ва турмуш тарзидан келиб чиқади.

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг зарур шартти фуқаролар, мансабдор шахслар, ижтимоий гурухлар ва бутун жамиятнинг ҳуқуқий маданияти юқори даражада бўлишини ҳар томонлама таъминлашдан иборатdir. Ҳуқуқий маданият амалдаги қонун ҳужжатларида доимо инсон омилини ҳисобга олишни, қонунчилик жараёнини демократиялашни, қонунийликка қаттиқ риоя этишни, шахсни ҳуқуқий ҳимоялашни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишнинг юридик кафолатлари тизимини мустаҳкамлашни алоҳида тақозо этади. Бу вазифаларни ҳал қилмай туриб, демократик ҳуқуқий давлат тўғрисида гапириш мумкин эмас.

"Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданияти ошириш мұхим иш ҳисобланади"<sup>1</sup>.

Демократик ҳуқуқий давлатда ҳуқуқ ҳукмрон бўлиб, у бутун давлат ва ижтимоий ҳаётнинг, давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг асосини ташкил этади. Хулқ-атвор ва юриш-туриш қоидалари тизими сифатида ҳуқуқ бирон-бир аниқ мақсадлар, интилишлар, ижтимоий шарт-шароитлардан қатъи назар давлат учун ҳам, фуқаро учун ҳам мажбурийдир. Ижтимоий ҳаётда ҳуқуқнинг устуворлиги гояси - ҳуқуқий давлатнинг мұхим жиҳати бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга жамият ҳуқуқий маданиятининг кўрсаткичи ҳамдир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 322-бет.

Қонунга итоаткорликни ва ҳуқуқни ҳурмат қилишни барча чоралар билан қарор топтириш - демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг гоят муҳим йўналишидир. "Одамларнинг тафаккурини ўзгартириш, уларнинг онгида демократик қадриятларни, қонунга бўйсунишни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигига эришиш зарурлигига кун сайин кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдамиз"<sup>1</sup>. Бунда айнан қонун, ҳуқуқ давлатнинг ҳуқуқий маданият орқали жамият қодир бўлган барча эзгу ишлар юзага чиқишини таъминлашига имкон беради.

Ҳуқуқий ислоҳот мақсадларига эришиш фақат давлат органларида ишлайдиган ходимларнингтина эмас, шу билан бирга бутун аҳолининг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни тақозо этади. Бунда ҳуқуқий нормаларни билиш ҳамда чуқур тушуниб олиш, уларнинг талабларига оғишмай амал қилиш алоҳида аҳамият қасб этади.

Ҳуқуқий тизим жамиятнинг умумий маданияти билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Ҳуқуқий ҳодисаларнинг моҳиятини англаб етиш, уларнинг ривожланиш қонуниятлари ва тамойилларини тушуниш жамиятнинг маданият даражсига боғлиқдир. Бу - бир томондан, жамиятнинг умумий маданият даражаси, унда ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларининг тўла акс этиши - ижтимоий муносабатларни тўғри ҳуқуқий тартибга солишнинг зарур шартидир.

Иккинчи томондан, ҳуқуқнинг ўзи, ҳуқуқий маданият жамият умумий маданиятининг зарур таркибий қисми бўлиб юзага чиқади. Кўпгина машҳур ҳуқуқий гоялар ва тамойиллар жамиятнинг ҳуқуқ соҳасидаги кўп асрлик тараққиёти, инсоният тарихий юридик тажрибасининг натижасидир.

Юридик адабиётда ҳуқуқий маданиятта турли таърифлар берилган. Бу таърифларнинг хилма-хиллиги шу билан изоҳланадики, ҳуқуқшунослар "ҳуқуқ" ва "маданият" деган тушунчаларга ҳар хил мазмун берадилар.

Жамият ва шахснинг ҳуқуқий маданиятини тушунишга бир неча илмий тан олинган ёндошувлар мавжуд.

Жамият ҳуқуқий маданиятининг моҳияти жамият тўплаган ҳуқуқий қадриятларни ўзлаштириш даражасидан, бу

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. - 190-бет.

қадриятлардан турли субъектларнинг ҳуқуқ соҳасида фойдаланишидан иборатdir.

Жамият ҳуқуқий маданиятининг ҳуқуқий қадриятларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш даражасидан иборат бўлган муҳим хусусияти уни бошқа жиҳатлардан маҳрум этмайди. Жамият ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий қадриятларсиз бўлиши мумкин эмас. Ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг гоят муҳим воситаси бўлган ҳуқуқнинг ўзи ҳам ҳуқуқий қадриятлар жумласига киради.

Ҳуқуқий қадриятлар - ҳуқуқий билимлар, қарашлар тизими, ҳуқуқий қонун-қоидалардир. Ҳуқуқий қадриятларда олдинги тажриба жамланган бўлиб, уни ўзлаштириб олиш тўгри қарорлар қабул қилиш, фуқароларга ўз ҳуқуқ ва бурчларини, жамият, давлатнинг қонуний манфаатлари билан мувофиқлаштирган ҳолда ҳаракат қилиш имконини беради.

Жамият ҳуқуқий маданиятининг моҳиятини ҳуқуқий қадриятларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш даражаси деб тушуниш уни ҳуқуқий онг ва хулқ-атворнинг муайян даражада ривожланиши билан боғлайди. Ҳуқуқий маданиятни ошириш шунчаки қонуний хулқ-атворнигина эмас, балки бу соҳада ижтимоий фаол хулқ-атворни ҳам таъминлашни тақозо этади. Қонунга хилоф хулқ-атворни, қонунга хилоф фаолиятни жамият ҳуқуқий маданияти тушунчасига киритиш асоссиздир. Бу жамият ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий талаблар мажмuinи ўз ичига олади, зарур хулқ-атвор намуналари ва идеалларини, қонуннинг обрўсини, қонунга итоаткорликни ва уни ҳурмат қилишни ўзида ифода этади ва бойитади, деган ҳамма томонидан эътироф этилган нуқтаи назарга ҳам зиддир.

Ҳуқуқий билимлар, эътиқод, қадриятлар ҳамда уларни рўёбга чиқариш соҳасидаги амалий фаолиятнинг бирлиги, умумий қоидага айланган хулқ-атвор нормаси мунтазам суратда такрор ҳосил қилиб турилиши таъминланганида жамият ҳуқуқий маданияти мавжуд бўлади. Ҳуқуқий маданиятни ҳуқуқий қадриятларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиши даражаси деб тушуниш жамият, ижтимоий гуруҳлар ва индивидулар ҳуқуқий ҳаётининг сифатини мазмунан баҳолаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу сифат энг аввало, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ҳуқуқий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Уни ҳуқуқий фаолият даражаси ва бу фаолият билан боғлиқ натижалар ифода этади. Шахснинг хулқ-атвор

эркинлиги давлат томонидан қай даражада кафолатланганлиги мазкур сифатнинг муҳим кўрсаткичи бўлиб, эркинлик жамият олдидағи жавобгарлик билан чамбарчас боғлангандир.

Жамият ҳуқуқий маданияти инсоннинг ажралмас ва табиий ҳуқуқлари кафолатланган бўлишини, ҳуқуқ яратиш ва ҳуқуқни рўёбга чиқариш жараёнини демократиялашни, ривожланган қонунчиликни, нуфузли одил судловни ва тартибни сақлашнинг юқори даражада бўлишини тақозо этади. У давлатнинг жамиятта, сиёсатнинг ҳуқуқ ва ахлокқа бўйсунишини, фуқаро билан давлат ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқ ва бурчларнинг ўзаро муносабати бўлишини таъминлаиди.

Умуминсоний қадриятларни кўзлайдиган жамиятнинг муҳим жиҳати, хусусияти бўлган жамият ҳуқуқий маданияти мамлакатимиз ва жаҳон цивилизациясининг ютуқларини қамраб олиб, юридик нигилизмга қарама-қарши туради. Жамият ҳуқуқий маданияти паст даражада бўлган жойда сиёсий эркинлик бебошликка айланиб кетади, шахснинг хавфсизлиги ва, бинобарин, фуқароларнинг ҳақиқий фаоллиги ҳам бўлмайди. Жамият ҳуқуқий маданияти ҳар бир кишига сиёсий эркинлиқдан маданий фойдаланиш имконини беради, давлат аппаратидаги мансабдор шахсларнинг ўзбошимчалигини, ҳокимиятнинг суистеъмол қилинишини ва қонунчилик соҳасида ўзбилармончиликни истисно этади. Сиёсий плюрализмни ҳамда барча ташкилотларнинг фақат Конституция талаблари доирасида фаолият кўрсатишини кафолатлади.

Жамият ҳуқуқий маданияти демократик ислоҳотлар жараёнини юридик жиҳатдан таъминлашга, жамият сифат жиҳатидан янги ҳолатта кўтарилишига ҳизмат қилади. Умумий, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятдаги камчиликлар кўп жиҳатдан шахсни ҳурмат қиласлик, тўрачилик, ҳокимиятни суистеъмол қилиш, қонунларга хўжакўрсинга итоат қилиш каби ижтимоий нуқсонларга сабаб бўлади. Жамият ҳуқуқий маданиятини шакллантириш янгича ҳуқуқий тафаккурнинг қарор топишига, эскириб қолган юридик ақидалар ва андозалардан воз кечишга, халқнинг онгини ҳуқуқий қадриятларга қаратишга, илфор юридик тафаккурнинг ривожланишига, қонунчилик ва ҳуқуқтартиботни сақлаш фаолиятида жамият ҳаётининг барча соҳаларини инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари нуқтаи назаридан баҳолашнинг устунлиги тамойилини таъминланишига ёрдам беради.

## **2. Миллий турмуш тарзи ва ҳуқуқий маданият**

Миллий турмуш тарзининг ажралмас хусусияти бўлган қонунга итоаткорлик шароитидагина фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш мумкин бўлади. Қонунларга ҳурмат қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳар бир фуқаронинг шахсий эътиқодига айланиши керак. Шу боис ҳуқуқни, қонунларни ҳурмат қилиш ҳиссини шаклантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишидир. Миллий турмуш тарзининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

**Миллий турмуш тарзи** - тарихан муайян ижтимоий муносабатлар учун хос бўлган ҳаёт ва фаолият шакллари тизими бўлиб, улар бевосита ҳаёт шароитларига боғлиқ ҳолда юзага келади ҳамда одамларнинг хулқ-атвори, юриш-туриши, муомаласи ва тафаккур тарзи орқали намоён бўлади. Миллий турмуш тарзи фаолият, хулқ-атвorum билан боғлиқ тушунча бўлганлиги учун ижтимоий-руҳий вазифани ҳам бажаради.

Миллий турмуш тарзи, *бир томондан*, инсон хулқ-атворидаги оммавий ва гайри-ихтиёрий тус олган жиҳатларнинг кўриниши бўлиб юзага чиқади, *иккинчи томондан* - инсоннинг ҳаёт кечириш усуllibаридаги ўзига хос тақорорланмас воқеликни акс эттиради.

Миллий турмуш тарзи тушунчаси жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий ривожланишини ҳам қамраб олади. Бу ривожланиш моддий омиллар каби, одамларнинг ҳаёт ва фаолиятини ҳамда шахс хулқ-атворининг ички жиҳатларини, шахс турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи қадриятларга муносабатларини юзага келтиради.

Миллий турмуш тарзи, унинг шакланиш ва ривожланиш қонуниятлари муайян иқтисодий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий ва сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими билан белгиланади. Миллий турмуш тарзига турли хил омиллар таъсир кўрсатади. Миллий турмуш тарзининг маданийлашуви қўйидаги йўналишларни қамраб олади:

1) одамлар онги ва маданиятигининг, шу жумладан турмуш, хулқ-атвorum маданиятигининг ўсиши;

2) ҳуқуқий тартибот, аҳолига юқори сифатли хизмат кўрсатиш;

3) бўш вақтдан ахлоқий-маънавий жиҳатдан тўла-тўкис фойдаланиш. Ана шуларнинг ҳаммаси жам бўлиб, маданийлашиш деб аталади.

Миллий турмуш тарзи қўйидаги ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради:

*биринчидан*, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кенгайиши;

*иккинчидан*, шахсий манфаатларнинг устувор даражада ривожланиши;

*учинчидан*, эҳтиёжлар даражаси ва характеристерининг уларни қондириши даражаси ва характеристига мос бўлиши;

*тўртинчидан*, жамият аъзоларининг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги ва бу фаолликдан фойдаланиш мумкинлиги.

Миллий турмуш тарзини тартибга солища ҳуқуқ муҳим роль ўйнайди. Ҳуқуқ миллий турмуш тарзига хос илгор ташаббусларни ҳаётимизга жорий этишга ҳамда ундан ётун сиқиб чиқаришга доир муносабатдан келиб чиқадиган асосий хусусиятларни мустаҳкамлайди. Шунингдек у инсон ҳаёти ва фаолиятининг қонунда мустаҳкамлаб қўйилган шаклларини муҳофаза қиласи, уларнинг ҳимояланишини кафолатлайди, ижтимоий муносабатларга батартиблик ва барқарорлик бахш этади.

Ҳуқуқ амал қилиши туфайли айни вақтда цивилизациянинг моҳияти, тамоиллари, талаблари, идеалларини кўрсатиб берадиган ҳамда ҳаёт ва фаолиятнинг турли шаклларида намоён бўладиган миллий турмуш тарзининг асосий хусусиятлари мустаҳкамланиб ва такомиллашиб боради. Чунончи, Ўзбекистон Конституциясида миллий турмуш тарзимизнинг муҳим жиҳатлари, яъни унинг дастлабки шарти ва муҳим хусусияти бўлган ҳалқ ҳокимиятчилиги; конституциявий тузумнинг демократизми; фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, уларни амалга ошириш кафолатлари; қонуннинг устуналиги, миллий турмуш тарзининг ана шу ва бошқа қонуниятларининг турли фаолият соҳаларида намоён бўлиши мустаҳкамлаб қўйилган<sup>1</sup>.

Миллий турмуш тарзи ҳуқуқшунослик фани учун жуда муҳим амалий муаммодир, чунки у давлат-ҳуқуқ

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидоийлик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. -Тошкент, 1994. - 21-бет.

ҳодисаларининг миллий турмуш тарзи тизимидағи ўрни ва аҳамиятини аниқлашга, уни такомиллаштиришда ҳуқуқий асосларнинг ролини очиб беришга имконият тугдиради.

Миллий турмуш тарзининг меъёрий моделини, шу жумладан ҳуқуқий моделини шахссиз амалга ошириб бўлмайди. Чунки, ҳуқуқий нуқтаи назардан миллий турмуш тарзи - ижтимоий ва шахсий хулқ-атворнинг ҳуқуқда мустаҳкамлаб қўйилган мувайян шаклидир. Миллий турмуш тарзининг ҳуқуқий асослари ни кўриб чиқища мухим хулқ-атвор тушунчаси миллий турмуш тарзининг мухим жиҳатини, ҳуқуқий маданиятни таҳдил этишини талаб қиласди. Ҳуқуқий маданият шахсга таъриф беришнинг мухим жиҳатларидан биридир.

Демократиялаштириш жараёнларини чукурлаштириш вазифалари муносабати билан шахс ва ҳуқуқий маданият муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Шахснинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш демократия ва инсон ҳуқуқларининг амал қилишида фуқароларнинг фаол қатнашишлари учун зарур. Демократия асосида шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчларини тўла-тўкис рўёбга чиқариш, унинг жамият олдидаги жавобгарлигини ошириш ётади.

"...демократия - фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга ҳалқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамdir... Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак... Ҳалқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди"<sup>1</sup>.

Шахснинг ҳуқуқий маданиятига таъриф берилганида эътибор шахснинг ҳуқуқ нормаларини билишига, қонунлар ва бошиқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва йўналишларини англаб етишига, уларга нисбатан ҳурмат ҳиссини, қонунийлик ва адолат ҳиссини шаклантиришга қаратилиши лозим.

Ҳуқуқ одамларнинг муносабатларини хулқ-атворнинг объектив зарур намуналарини мустаҳкамлаб қўядиган ҳақ-ҳуқуқ, эркинлик ва бурч тушунчалари орқали бевосита тартибга солинади, бу тушунчалар орқали шахс ўз ҳаракатлари ва

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. - 185-бет.

бошқа одамларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиради ҳамда баҳолайди.

**Шахснинг ҳуқуқий маданияти** - индивиддинг қонунга, ҳуқуқий муносабатларга, ҳуқуқ ва мажбуриятларга, қонунийликка, ҳуқуқий тартиботта муносабатидир. Бу муносабатнинг мазмуни шахснинг ҳуқуқ соҳасидаги хулқ-авторини белгилайди. Ҳуқуқий маданиятнинг энг муҳим жиҳати шахснинг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига муносабати бўлиб, бу нарса ҳуқуқий маданиятнинг шахс билан, унинг хулқ-автори билан боғлиқ жиҳатини очиб беради.

Шахснинг ҳуқуқий маданиятга эга бўлиши у ҳуқуқнинг табиатига, хусусиятларига, шу жумладан субъектнинг ҳуқуқда мустаҳкамлаб қўйилган, ҳуқуқий кафолатланадиган ва ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбуриятларига мувофиқ фаолият кўрсатишини англатади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти - унинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришининг, ўз мажбуриятларини бажаришининг зарур шартидир.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти унинг ўз ҳуқуқини билиши билан чамбарчас боғлангандир. Ҳуқуқни билиш ҳуқуқ, қонунийлик, ҳуқуқ-тартиботнинг моҳияти, тамойиллари тўғрисидаги қарашлар, эътиқодлар мажмуудир. Шахснинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқни англашни ва унинг қонунийлик, адолат, teng ҳуқуқлилик, шахс ҳуқуқларини хурматлаш, ҳуқуқий нормаларга риоя этишга юксак талабчанлик, ҳуқуқий кўрсатмаларга ҳурмат билан қарашдан иборат етакчи принципларни ўз ичига олади. Шахснинг турли объектив ва субъектив омиллар таъсирида ўз ҳуқуқини билиши зиддиятли, нотекис кечади, ҳам ижобий, ҳам салбий қарашларга, баҳоларга эга бўлади.

**Шахснинг ҳуқуқий маданияти** - ҳуқуқ соҳасида мавжуд бўлган, ҳамма қабул қилган ижтимоий қадриялар нуқтаи назаридан ижобий бўлган қарашлар, баҳолар, сабаблар, қоидалардир. Улар ҳуқуқ ва мажбуриятларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган қонуний ва ижтимоий фаол хулқ-авторга асос бўлади. **Шахснинг ҳуқуқий маданияти** - ҳуқуқни билишининг аниқ, мақсадли тарбиявий натижасидир, унинг юқори босқичидир.

Ҳуқуқ ва эркинликлар, мажбуриятларга бўлган шахс ҳуқуқий маданиятининг foят муҳим таркибий қисмидир. Инсон

хуқуқ ва эркинликлари маданиятнинг олий қадриятларидан бириди. Шахснинг хуқуқий маданиятини шакллантириш учун хуқуқ ва эркинликларнинг давлат томонидан эътироф этилиши, Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши ва маҳсус давлат усуllibарни билан ҳимоя қилиниши жуда катта роль ўйнайди. 1992 йилги Ўзбекистон Конституциясида хуқуқ ва эркинликларнинг кенг тизими эълон қилинганлиги ва мустаҳкамлаб қўйилганлигининг ўзиёқ жамиятда юксак хуқуқий маданият мавжудлигидан далолат беради.

"Ҳар бир киши ўз мамлакатининг фуқароси эканлигини ҳис қилиши, унинг ўзига бериб қўйилган хуқуқ ва эркинликларга онгли муносабатда бўлиши ва қадрлаши, машаққатли меҳнат билан кўлга киритилган демократик қадриятларни аср-авайлаш ва ҳимоя қилиши гоят муҳим"<sup>1</sup>.

Инсон хуқуқ ва эркинликлари - муайян неъматларга интилишдир, улар шундай имкониятки, шахс улар ёрдамида иқтисодий, сиёсий, маънавий, хуқуқий соҳаларда ўзининг нормал ҳаёти ва фаолиятини амалга оширади. Мажбурият - ижтимоий муносабатлар нормал амал қилишини таъминлаш учун жамият шахс олдига қўядиган талаблар мажмуудир. Хуқуқ, эркинликлар ва мажбуриятлар айни бир вақтнинг ўзида шахс эга бўлган турли хусусиятларнинг хуқуқий шаклидир.

Фуқаро, биринчидан, хуқуқ, эркинликлар ва мажбуриятларни билса, тушунса ва тўғри англаса, баҳоласа; иккинчидан, ўзининг амалий фаолиятида улардан фойдаланса, унда хуқуқий маданият мавжуд дейиш мумкин.

Шахс эркинлиги унинг хуқуқда мустаҳкамлаб қўйилган хулқ-атвор намуналарининг объектив аҳамиятини тушунишига ва ҳамма объектив ва субъектив омилларни ҳисобга олган ҳолда қарорлар қабул қилиш мумкинлигига асосланади. Хуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларни рўёбга чиқариш ҳамма вақт қарор қабул қилиш ҳамда ички эътиқод ва манфаатларгагина эмас, балки жамиятнинг манфаатлари ва талабларига ҳам жавоб берадиган хулқ-атворни танлаб олиш билан боғлиқдир. Тўғри қарор шахснинг юксак хуқуқий маданиятидан ажралмасдир. Юқори даражадаги хуқуқий маданият хуқуқ, эркинлик-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. - 225-226-бетлар.

лар ва мажбуриятлар тегишли суратда амалга оширилишининг муқаррар шарти бўлиб хизмат қилади.

Шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари масаласи билан унинг жамият олдидаги жавобгарлиги масаласи чамбарчас боғлиқдир. Жавобгарлик муаммоси ҳуқуқий адабиётда, қоида тариқасида, юридик жавобгарликдан, санкция қўллаш имкониятидан, муайян ҳолларда жазо ўташ зарурлигидан иборат қилиб қўйилади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти жавобгарликни анча кенг ижтимоий маънода англашни, унга фуқаролик, ахлоқий, юридик масъулиятни киритишни тақозо этади. Шахснинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги - унинг ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишининг шартидир.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти унинг ҳуқуқий фаолиятида иккита асосий вазифани бажаради: биринчидан, ҳуқуқий воқеликни акс эттириш ва иккинчидан, шахснинг ҳуқуқ, эркинликлар, мажбуриятлар соҳасидаги, улар орқали эса - бутун ҳуқуқ соҳасидаги хулқ-авторини тартибга солиши.

Шахс ҳуқуқий маданиятининг биринчи томони бир нечта ўзаро bogланган жиҳатларни - ҳуқуқий ҳаёт ҳодисаларини, шу жумладан шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини билишни; уларни англаш ва баҳолашни англатади.

Шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг дастлабки босқичи умуман, ҳуқуқ ҳақидаги, хусусан, ҳуқуқ субъектларининг муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги юридик билимларни тўплашдан иборатdir. Ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг навбатдаги босқичи шахснинг ҳуқуқий воқеликни, ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини англашидан иборатdir.

Ҳуқуқий ҳаёт дастлаб ижтимоий руҳият даражасида тушунилади. Бироқ ҳуқуқ ҳодисаларини тўла-тўқис акс эттириш ҳуқуқий мафкура даражасида юз беради. Бунда одамлар ва уларнинг амалий тажрибасини умумлаштиришдан келиб чиқадиган руҳий инъикос илмий, назарий, мунтазам англаш билан мустаҳкамланади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ҳуқуқий маданият билан боғлиқ ҳуқуқий мафкура ҳақида батафсилроқ маълумот олиш учун куйидагиларга қаранг: Таджиханов У. Правовая идеология и правовая культура в суверенном Узбекистане. - Ташкент, 1995. - 44-бет. Н.В.Ваҳобовнинг ҳуқуқий мафкура муаммоларига бағишлиланган номзодлик диссертацияси. Қаранг: Ваҳобов Н.В. Теоретические проблемы правовой идеологии в Узбекистане. Автореф. дисс. канд. юрид.наук. - Ташкент, 1997. - 23 бет.

Тушунтириш ҳуқуқий воқеликни ва унинг барча таркибий қисмларини ҳуқуқий маданиятнинг энг муҳим томони сифатида баҳолашни ўзаро боғлайди.

Агар жамиятнинг ҳуқуқий маданияти жамият аъзоларининг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ва кафолатланган мавжуд ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари билан ҳам, қонунийликнинг ҳолати билан ҳам белгиланса, шахснинг ҳуқуқий маданиятини биринчи навбатда, шахс ижтимоий фолиятда ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қандай рўёбга чиқараётганлиги кўрсатади.

Ҳуқуқ ва мажбуриятларни рўёбга чиқариш учун уларни Конституцияда ёзиб қўйишгина кифоя қилмайди (бундай ёзиб қўйиш - уларни амалга оширишнинг дастлабки шартшароитидир). Ҳуқуқ, эркинликлар ва мажбуриятларни рўёбга чиқаришнинг ўзи ва, айниқса, уларни рўёбга чиқаришдаги фоллик даражаси уларни шахс Конституция томонидан берилган муайян кафолатлар тизими билан таъминланадиган неъматлар сифатида қандай англашига ҳамда ҳуқуқий қадриятлар деб баҳолашига боғлиқ бўлади.

### **3. Ҳуқуқий ва ахлоқий қадриятлар - ҳуқуқий маданият асоси**

Шахснинг ҳуқуқий маданиятини шаклланитиришнинг муҳим босқичи унинг ҳуқуқ соҳасидаги қадриятлар ва нормаларни мўлжаллаб ишлатишдан иборатdir. Бундай иш тутиш ҳуқуқий маданиятнинг йўналтирувчи вазифасини амалга оширишга ёрдам беради.

Ҳуқуқий маданият - ҳуқуқий воқелик билан шахснинг ҳуқуқ доирасидаги хулқ-атвори ўртасидаги воситаchi бўгинидir. Одамларнинг ҳуқуқ соҳасидаги хулқ-атвори, пировардида, ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ бўлади. Ҳуқуқий нормалар тизимида ижтимоий руҳдаги, айrim шахснинг мақсадлари, манфаатлари, сабабларига боғлиқ бўлмаган мақсадлар, манфаатлар ифодаланган. Бу ижтимоий ва шахсий асосларнинг ҳуқуқ соҳасидаги ўзаро алоқаси кўп жиҳатдан шахснинг ҳуқуқий маданияти билан белгиланади.

Нормалар ва қадриятларни мўлжаллаб ишлатишда, шунингдек ҳуқуқий воқеликни акс эттиришда мафкура ҳам, психология ҳам қатнашади. Шахс ҳуқуқий маданиятининг мафку-

равий ва психологияк томонлари орқали ижтимоий муносабатлар тартибга солинади. Ҳукуқий кўрсатмалар, ҳукуқлар, эркинликлар, мажбуриятлар одамларнинг реал хулқ-авторига кўчади.

Ҳукуқий мафкура соҳасидаги қадриятларга таяниб иш тутиш шахснинг ҳукуқ соҳасидаги хулқ-авторига фаол таъсир кўрсатади. Шахснинг ўз ҳукуқ ва мажбуриятларини билиши, уларни баҳолаши ва фаол амалга оширишга тайёр бўлиши мафкура орқали шаклланиб, уни ижтимоий фойдали хулқ-авторга ундаиди. Хулқ-авторнинг қадри тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар, ўз навбатида, ҳукуқий муносабат субъектларининг ҳукуқ ва мажбуриятлари доирасини белгилашни зарур қилиб қўяди.

Шахс ҳукуқий маданиятининг таркибий қисмлари ҳам одамларнинг хулқ-авторини йўналтириб туради. Масалан, салбий ҳукуқий ҳиссиятлар, сезгиларнинг ривожланмаганлиги ҳукуқ ва мажбуриятларга нигилистик муносабатни келтириб чиқариши мумкин, Ва, аксинча, ижобий психологик ҳолатларга таянадиган ҳукуқий маданият ҳукуқий хулқ-авторнинг қонуний ва ижтимоий фаол бўлишига ёрдам беради.

Ҳукуқий маданиятни акс эттириш ва йўналтиришдан иборат вазифалар ўзаро боғланган бўлиб, асосини ҳукуқ, эркинликлар, мажбуриятларга ижобий муносабат ташкил этадиган анча юқори даражали ҳукуқий онгни шакллантиришга ёрдам беради.

Шахснинг ўз ҳукуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини ҳамда масъулиятини англаб етишининг ўзи ҳали жамиятнинг ҳукуқий ҳаётига муносабатни шакллантирмайди. Бу муносабат кўп даражада шахснинг эҳтиёжлари ва манфаатлари билан белгиланади; унинг ҳукуқлар, эркинликлар, мажбуриятлар ва жавобгарликни баҳолашига ҳам боғлиқ бўлади, чунки баҳолаш шахснинг ҳукуқий нормаларни ўз эҳтиёжлари, сабаблари, манфаатлари, мақсади ва ижтимоий қарашлари билан таққослашни талаб қиласди.

Шахс ўз эҳтиёжлари, манфаатлари, фикрларига мувофиқ ўз хулқ-авторини ҳукуқда белгилаб қўйилган намунага онгли суратда мослайди ёки зоҳирлан қонуний бўлган, ички ишончга ва сабабларга таянмайдиган ҳаракатлар қиласди. Унинг ўзига таклиф қилинаётган ҳукуқ ва мажбуриятлар шаклида ифодаланган намунавий хулқ-автордан фарқланадиган варианти ижобий баҳолаш қонуний ҳукуқдан самарали фойдаланишга ҳамда мажбуриятни бажаришга асос бўлади. Бошқача қилиб айтган-

да, қонуний хулқ-атворга асос бўлади. Ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни англаш шахснинг ҳуқуққа, қонунийликка ва ҳуқуқ-тартиботта ижтимоий фаол муносабатда бўлишини таъминлайди, қонунийликнинг, давлат ва жамият ҳаёти ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Шахснинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш зарурлиги ва бунда қонунга итоат этиш, ҳуқуқни, қонунни ҳурмат қилиш ҳар бир кишининг шахсий эътиқодига айланиши, жамият аъзоларининг хулқ-атвори зоҳирона қонуний бўлибгина қолмасдан, балки чуқур англанган, ҳаётнинг сиёсий ва маънавий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларида ижтимоий фаол иш олиб боришга ёрдам берадиган бўлишини талаб қилмоқда.

Кишиларнинг ижтимоий ҳуқуқий фаоллиги миллий турмуш тарзининг кўринишларидан бири сифатида шахснинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш билан чамбарчас боғлангандир. У ҳуқуқ ва мажбуриятларни рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқни ҳурмат қилишга асосланган энг самарали йўлларини талаб олишни, қонун талаблари ҳар бир фуқаронинг ички эҳтиёжига ва одатига айланиб қолишини аngлатади.

Ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга, фуқаролар хулқ-атворига қўйиладиган шундай талаб асос бўладики, бу талаб қонуларни шунчаки билишдан ёки ҳуқуқ ва мажбуриятларни расман бажарищдангина иборат эмас. Давлат-ҳуқуқ соҳаларида шахснинг ижтимоий фаолигини тўхтovсиз ошириб бориш, қонунийликнинг мустаҳкамланиши, ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларнинг, ўз фуқаролик бурчининг бажарилиши ҳақида гамхўрлик қилиш - булар ҳуқуқий маданиятни шакллантириш йўлида кишиларни ҳуқуқий тарбиялашнинг асосий вазифаларидир. Бу тарбиявий иш - кишиларни ҳуқуқий тарбиялаш соҳасидаги кўп қиррали фаолиятнинг ажралмас бўлагидир.

Маълумки, жамиятда ҳуқуқий қарашлар, гоялар ва фикрларнинг муайян йигиндиси бўлмас экан, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий воситалар билан бошқариш ҳақидаги талабни бажариб бўлмайди. Ижтимоий онгнинг ҳуқуқий шакли амал қилиши ва ривожланишини унинг ижтимоий борлиқка боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолдагина тушуниш мумкин. Ҳуқуқий онг одамларнинг моддий дунёни ўзgartiriшига қаратилган фаолиятининг зарур жиҳатидир.

Бажарадиган вазифаси жиҳатидан жамият ҳуқуқий маданиятини икки асосий кўринишда учратиш мумкин: биринчисини, ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисаларда, иккинчисини, ижтимоий онга (яъни, маданият шакли сифатида ва ҳуқуқий устқурма жиҳати сифатида). Ушбу таснифлаш жамият ҳуқуқий маданиятини тадқиқ қилишдаги иккита асосий жиҳатни ажратиб кўрсатиш имконини беради: бири - ҳуқуқий ҳодисаларга йўналтирилган жиҳат, иккинчиси - маънавий ҳодисаларга йўналтирилган жиҳат.

Ҳуқуқий маданиятта оид юридик адабиётни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кўпгина ҳуқуқшунос олимлар ўз эътиборларини кўпроқ ҳуқуқий маданиятнинг ҳуқуқий устқурма доирасида амал қилишини билишга, қонунийликни мустаҳкамлашда, давлат органларининг ҳуқуқий ижодкорлигини яратиш ва ҳуқуқни кўллаш фаолиятини такомиллаштиришдаги ролини ўрганишга қаратадилар.

Сўнгти йилларда ҳуқуқий маданиятнинг ҳуқуқий устқурмадаги ролини назарий жиҳатдан тадқиқ қилишга, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий онгини тадқиқ қилишга бағишиланган бир қатор қизиқарли ишлар қилинди<sup>1</sup>. Бироқ жамият маънавий ҳаётидаги ҳодиса сифатида ҳуқуқий маданиятта ва ҳуқуқий онга эътибор етарли эмас.

Маданиятнинг бошқа шакллари орасида ҳуқуқий маданият ўзига хослигининг муҳим асосларидан бири унинг функционал ролидир. Ҳуқуқий маданиятнинг функцияларини аниқлаш унинг моҳиятини ва мазмунини билишнинг мұқаррар шарти ва таркибий қисмидир. Ҳуқуқий маданиятнинг функциялари маданиятнинг нималарга ва фаолиятнинг қайси томонларига йўналтирилганлигини ифодалаб, ушбу маънавий маҳсулнинг намоён бўлиш шаклларини ва унинг ижтимоий қимматини кўрсатади.

Ҳуқуқий маданиятнинг функциялари ҳуқуқий маданиятни уч жиҳатдан таърифлайди: биринчидан, унинг келиб чиқиш ва мавжудлик манбани; иккинчидан, ҳуқуқий маданият намоён бўлишининг асосий, доимий шаклларини (бу шаклларда унинг

<sup>1</sup> Қаранг: Юнусов А.А. Законность - основа деятельности органов внутренних дел. Ташкент, 1996. 79-бет; Knapp B., Герлок А. Логика в правовом сознании. М., 1987. 312-бет; Методологические проблемы правосознания сотрудников внутренних дел. Л., 1986. 95-бет; Соколов Н.Я. Профессиональное сознание юристов. М., 1988. 233-бет.

ижтимоий моҳияти ва мазмуни, мақсади ва ҳал қиладиган вазифалари ифодаланади ва муайянлашади); учинчидан, ҳукуқий маданият ифодаланишининг ўзига хос усусларини (унинг ижтимоий ҳаётдаги амалий таъсир кўрсатиш усусларини).

Ҳукуқий маданиятта доир юридик аёабиётда ҳозирча маданиятнинг бу шакли функцияларини таҳдил қилишга оид ягона тизим ва таснифлаш ўз ифодасини топгани йўқ. Шунга қарамай, ҳукуқий маданиятнинг функцияларини таснифлаш масаласига иккита асосий ёндошувни умумий тарзда ифодалаш мумкин деб ўйлаймиз. Уларнинг бири фақат ҳукуқий маданиятта хос функцияларнинг таснифини ишлаб чиқишини тақозо этади; иккинчиси маданиятнинг ҳамма шакллари учун умумий бўлган функцияларни таснифлашдан келиб чиқади. Ана шу ёндошувларни рўёбга чиқариш жараёнида улар ўртасида муштарак жиҳатлар кўплиги маълум бўлади<sup>1</sup>.

Тадқиқот нуқтаи назаридан, иккала ёндошув ҳам мақбулдек туюлади, бироқ назаримизда, шулардан биринчиси нинг кучли томонлари ҳукуқий маданиятни ижтимоий-ҳукуқий ҳодиса сифатида ҳукуқий устқурманинг бир қисми каби таҳдил қилган вақтда намоён бўлиши мумкин. Чунки бунда ҳукуқий маданият билан ҳукуқнинг функцияларини, ҳукуқнинг ижтимоий вазифасини рўёбга чиқаришда ҳукуқий маданиятнинг ролини батафсил таҳдил қилиш керак бўлади.

Иккинчи ёндошувнинг катта ижобий томонлари ҳам бор. Унинг тарафдорлари ҳукуқий маданият функцияларининг рўйхатини кўплайтиришга ва ўзига хослигини умумий маданиятнинг бошқа шакларга хос бўлмаган алоҳида функцияларидан қидириб топишга ҳаракат қилмайдилар. Шу ўринда ҳукуқий маданиятнинг ўзига хослиги бутун умумий маданият учун муштарак бўлган функциялар ҳукуқий ҳодисалар билан, шу жумладан, ҳукуқий нормалар билан тартибга солинмаган, лекин шундай тартибга солишини талаб қиладиган ижтимоий

<sup>1</sup> Юридик аёабиётда ҳукуқий маданиятнинг функцияларини таҳдил қилишнинг муросага келтирадиган, ана шу икки ёндошув ўртасида турадиган варианти ҳам кўрсатилган. У маданиятнинг ҳамма шакллари учун муштарак бўлган функцияларни (билиш, баҳолаш, йўналтириш функцияларини) эътироф этишга асосланади, бироқ ҳукуқий маданият функционал ролининг хусусиятини тасвирлаш учун фақат унинг ўзига хос кичик функцияларини ахратиб кўрсатади. Масалан, қаранг: У.Тоғеъхонов. Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳукуқий-маънавий муаммолари. Тошкент, 1996. 125-бет.

ҳодисалар билан ўзаро алоқага киришиб, қандай намоён бўлишига боғлиқ деб ҳисобланади.

Иккинчи ёндошув қабул қилинган тақдирда ҳуқуқий маданият функцияларининг номланиши умумий маданиятнинг кенг тарқалган таснифланишига батамом мос тушади. Бунда маданиятнинг умумий хусусиятлари ҳам, ҳуқуқий маданиятнинг ижтимоий амалиётни ўзлаштириб олишнинг ўзига хос норматив-ҳуқуқий усуллари ва шакллари ҳам ҳисобга олинади.

Бундай усуллар орасида ўзига хос ҳуқуқий тушунчалар: ҳуқуқ, мажбурият, адолат, эркинлик, тенг ҳуқуқдиллик, қонун, қонунийлик, қонунга итоаткорлик ва шу кабилар алоҳида роль ўйнайди. Ушбу тушунчалар умуминсоний қадриятлар муаммосини ўзлаштириб олиш учун борган сари фаолроқ жалб этилаётганлигини айтиб ўтамиз. Ана шу тушунчалардан ташқарида ҳуқуқий маданият ўзининг узвий бирлиқда бўлган гносеологик ва йўналтирувчи вазифаларини бажара олмаган бўларди.

Кўпгина ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хослиги айнан йўналтирувчи вазифада яқъол намоён бўлади, деб ҳисоблаб, унга алоҳида эътибор берадилар. Ҳуқуқий маданиятнинг йўналтирувчи вазифаси амалга ошишига асос бўладиган жиҳатлар орасида эхтиёжлар, манфаатлар, сабаблар, мақсадлар, эътиқодлар, одатлар, ҳуқуқий кўрсатмалар ва ахборотларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Вазифалардан бири алоҳида одамлар билан бутун жамиятнинг манфаатларини уйғулаштиришдан иборатdir.

Ҳуқуқий маданиятнинг, шунингдек бошқа маънавий шаклларнинг мураккаб ва хилма-хиллиги унинг тузилишига бир хил қараш имкониятини истисно этади. Ҳуқуқий маданиятнинг тузилишини таҳдил қилиш жиҳатларининг бир-биридан фарқланишини, қоида тариқасида, унинг таркибий қисмлари ижтимоий ривожланишини акс эттириш даражаси ва чуқурлиги, бу акс эттириш субъектлари, унда у ёки бу жиҳатлар устунлик қилиши ва бошқа жиҳатлар билан боғлиқлигига кўриш мумкин.

Бунда ҳуқуқий онг тузилиши муаммосига мурожаат қилиш ўринлидир. Воқеликни чуқур, тўла ва ҳақиқий акс эттириш нуқтаи назаридан қаралганда ҳуқуқий онгнинг оддий ва назарий даражалари фарқланади. Назарий даражани мантиқий жиҳатдан тартибга келтирилган, ҳодисалар ва жараёнларнинг моҳиятини нисбатан яхлит тушунтириб берадиган билимлар ва

тасаввурлар тизими деб ҳисоблаш удум бўлган. Одатдаги даража кишиларнинг бевосита амалий фаолияти ва уларнинг кундалик тажрибаси билан боғлангандир. Шу муносабат билан айрим тадқиқотчилар бу даражага касбий (профессионал) ҳуқуқий онгни ҳам киритадилар.

Фикримизча, касбий ҳуқуқий онгнинг инъикосни чуқурлиги ва тўлалиги жиҳатидан мустақил деб ҳисоблаш учун мантикий асос йўқ. Касбий даража бутунлай бошқа асосга кўра - ифодаловчи-субъектта кўра ҳуқуқий онг тузилишининг мустақил таркибий қисми сифатида ажратилади. Шу сабабли, назаримизда, касбий ҳуқуқий онг бошқача тузилишда олиб қаралиши ва жамиятда кенг тарқалган касбий бўлмаган, оммавий ҳуқуқий онг билан боғланиши керак. Бу фикр ҳуқуқий онгни оддий ва назарий даражаларга бўлишнинг юридик адабиётда таклиф қилинаётган бошқа асосига - улар боғлик бўлган фаолият турлари: предметли - амалий фаолият ва айнан интеллектуал яъни ақлий фаолият бўйича ажратишга ҳам зид келмайди.

Оддий ҳуқуқий онгнинг ҳақиқийлиги ва эвристик қіммати ўзгаришини, хусусан, сўнгти йилларда мамлакатнинг ижтимоий ривожланишида юз берган ўзгаришларнинг умумий мантиқи, ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқ соҳаси демократлашуви талаб қилди.

Оддий ҳуқуқий онгнинг ижтимоий қіммати тўғрисидаги, унинг бой гносеологик, аксиологик, йўналтирувчи имкониятлари тўғрисидаги фикрларни мутлақ даражага кўтариш ҳамда амалда бу фикрлар фойдаланиш имкониятлари доирасидан четта чиқариш уларни мустақил соғлом ва асосли фикрдан бемаъни нарсага айлантириб қўйиши мумкин.

Оддий онг асосан эмпирик руҳда бўлади. Унинг вужудга келиш манбаи шахсларнинг бевосита турмуш тажрибасидан иборатdir. Шу сабабли онгнинг бу даражаси кўпинча тарқоқ ва зиддиятли ҳуқуқий қарашларга ва тасаввурларга эга бўлади. Ҳолбуки, бу қарашлар ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий бошқаришнинг етилган эҳтиёжларини тамомила акс эттириши мумкин. Бу ҳам ҳуқуқий онг даражалари ўртасидаги чегараларнинг ички ўзаро боғланишини, шартлигини ва ўзгарувчанлигини ҳам кўрсатади.

Касбий ва оммавий ҳуқуқий онгдан ташқари акс эттириш субъекти бўйича гурухий ва индивидуал ҳуқуқий онгни ҳам

фарқлайдилар. Уларни ҳам ўз ҳолиша на назарий ва на оддий даражаларга тенглаштириб бўлади. Улар ана шу даражалар нуқтаи назаридан турлича хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий онгнинг бутун мазмунига сингиб кетган соҳалар сифатида ҳуқуқий мафкура ва психология алоҳида кўрсатилади. Мафкура ва ижтимоий-хуқуқий психология ижтимоий борлиқни яхлит бузилмас ҳолда акс эттиради. Ҳуқуқий психология "соф" ҳолатда мавжуд бўлмасдан, мафкуравий ҳосилаларни ўз ичига олади, ҳуқуқий мафкура эса психологияк механизмлар орқали ифодаланади ва амал қиласди.

Ҳуқуқий мафкура ишлаб чиқариш муносабатларини ҳуқуқий муносабатлар сифатида ифодалашдан иборат объектив эҳтиёжнинг идеал интикоси бўлиб чиқади. Ҳуқуқий гояларнинг нафақат иқтисодий, балки сиёсий сабабий боғланишлари ҳам бор. Ҳуқуқий мафкурунинг моҳияти очиб берилар экан, ҳуқуқий мафкура ҳуқуқий гоялар ва қарашлар тизими сифатида гносеологик ва социологик жиҳатлардан кўриб чиқилиши мумкинлигини таъкидлаш керак.

Гносеологик жиҳатдан у ҳуқуқий фандир, социологик жиҳатдан эса ҳуқуқий тарғиботдир. Ҳуқуқий фан билан ҳуқуқий тарғибот биргалиқда ҳуқуқий мафкурунинг мазмунини ташкил этади<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий маданиятнинг етакчи гоялари қонунийлик, адолат, тенг ҳуқуқлилик, шахс ҳуқуқларига бўлган юксак талабчалик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бирлиги ва ишонтириш ҳамда мажбур қилишнинг ажralмаслиги билан узвий боғлиқдир.

Ҳозирги дунёning реал воқеликлари ҳуқуқий мафкуруни янги мазмун билан бойитмоқда. Унинг исбот талаб қилмайдиган қоидаларидан бири умуминсоний қадриятларнинг устунлигидир. Бу гоя нафақат назарий, балки соф амалий даражада ҳам "ишга тушди". Бир қанча тармоқларга доир қонунларни умумий қабул қилинган халқаро ҳуқуқий андозаларга мувофиқлаштириш соҳасида катта иш бошланди ва яна кўп иш қилиниши керак бўлади. Бу иш ҳуқуқий давлатлар жаҳон ҳамжамиятини барпо этиш сари олиб борадиган йўлнинг босқичларидан биридир.

<sup>1</sup> Қаранг: Таджиханов У. Правовая идеология и правовая культура в современном Узбекистане. Ташкент, 1995. 43-бет.

Ҳис-түйгулар, кайфиятлар, кечинмаларнинг мужассамидан иборат бўлган ҳуқуқий психологиянинг мавжудлиги ҳуқуқий ҳодисалар уларни идрок қилиш жараёнида шахслар томонидан англанибгина қолмасдан, шу билан бирга уларнинг бошдан ке-чирган ҳаёт тажрибалари туфайли келиб чиққандир. Бу ҳис-түйгулар ва кайфиятларнинг ўзига хослиги ижтимоий ҳуқуқий муносабатлар соҳасининг хусусиятлари билан ҳам bogлан-гандир. Ҳуқуқий ҳис-түйгулар ижтимоий аҳамиятли эмоционал ҳолатларнинг мавжуд бўлиш усулларидан биридир. Уларга хос бўлган миқдор кўрсаткивлари уларни бошдан кечириш интен-сивлигидан, тарқалиш даражасидан, кишиларнинг хулқ-авторларига нечоглиқ фаол таъсир кўрсатишидан иборатдир.

Ҳуқуқий маданиятнинг рационал ва эмоционал жиҳатларининг юзага чиқиши механизмлари хилма-хил бўлишига қарамай, уларни бирлаштириб турган нарса шуки, улар атроф дунёни билиб ва ўзлаштириб бораётган индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар фаолиятининг натижасидир. Тарихий жараён субъектлари амалий фаолиятлари ўз онгларини ижти-моий воқеликнинг гоят хилма-хил томонларига қаратадиларки, бу томонларни "ҳуқуқлар" ва "мажбуриятлар" тушунчалари орқали билиш уларга ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш учун зарурдир.

Агар ижтимоий субъект ўзи муносабатта киришадиган бирон-бир нарсани, бирон-бир ҳодисани қонунийлик (қонунга хилофлик) нуқтаи назаридан идрок этса ва баҳоласа, айтиши мумкинки, бунда умумий маданият ҳуқуқий маданият шаклида, умумий маданият субъектлари эса - ҳуқуқий маданият субъек-тлари шаклида юзага чиқади. Бинобарин, ҳуқуқий маданиятнинг юзага чиқиши қонуниятлари масаласини унинг субъектла-ри тўғрисидаги масаладан ажратилган ҳолда аниқлаб бўлмайди.

## ДАВЛАТ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ

### IX боб

#### ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРИХИЙ ТАЖРИБАСИ - ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ПОЙДЕВОРИ

\* Давлатчилик, ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият тарихидан \* Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва ҳуқуқий маданият \* Ўзбекистон миллӣ ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқий маданият \* Ўзбек давлат ҳуқуқий тажрибаси сабоқлари ва ҳуқуқий маданият.

#### 1. Давлатчилик, ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият тарихидан

Давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлиши билан ҳуқуқий маданият тўғрисида сўз юритиш мумкин. Чунки давлат ҳуқуқий маданиятсиз бўлмайди. Давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг ҳар бир босқичига муайян ҳуқуқий маданият тўғри келади. Шунинг учун ҳам давлатчилик ва ҳуқуқий тажриба ҳуқуқий маданиятнинг тарихий асосларини ташкил этади.

Ўзбекистонда давлатчилик ва ҳуқуқнинг ривожланиши ўзининг уч минг йиллик тарихига эга. Тарихий тараққиётнинг айрим босқичларида Ўзбекистон ҳудудида йирик давлатлар таркибига кирган бир неча мустақил давлатлар мавжуд бўлган.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларидаёқ Марказий Осиё ҳудудида 20 га яқин қабилалар бўлиб, улар бир неча қабилалар иттифоқига бирлашган эдилар. Булар орасида бир неча сак қабилаларини бирлаштирувчи массагетлар иттифоқи алоҳида мавқе билан бошқа қабилалар иттифоқидан ажralиб турган. Бинобарин, туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг илдизлари ана шу массагетларга бориб тақалади.

Қабилаларга бирлашган уруглар аъзолари умумий меҳнат билан шугулланғанлиги, мулқдан тенг фойдаланғанлиги, эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли бўлғанлиги, урушларда эркаклар билан бир қаторда хотин-қизлар ҳам иштирок этгандылыги, ҳар бир қабиланинг ўз бошлиқлари бўлғанлиги, айrim қабилаларнинг бошлиқлари аёллар бўлғанлиги, қабиланинг умумий манфаати билан боғлик бўлған масалалар қабила аъзолари йигилишида муҳокама қилиниб ҳал этилғандылыги, ҳар бир қабила, урганинг ўз урф-одатлари, қоидалари мавжуд бўлғанлиги ҳақида айrim маълумотлар бизгача етиб келган.

Эрамиздан аввалги VII-VI асрларда Ўрга Осиё ҳудуди Оссурия давлати таркибига кирган. Эрамиздан аввалги VI асрнинг ўрталарида Эронда кучли Аҳмонийлар давлати ташкил топади. Аҳмонийлар подшолари томонидан Марказий Осиё ерларига ўюштирилган кетма-кет ҳужумлар туфайли бу ерда аҳмонийларнинг ҳукмронлиги ўрнатилган. Бу ҳукмронлик икки асрдан ортиқроқ муддат давом этган. Аҳмонийлар давлати ягона маъмурий тизимга, кучли армияга, ягона пул бирлигига эга бўлган қудратли марказлашган давлат бўлиб, маъмурий ҳудудий жиҳатдан сатрапликлар (форсча "хшатрапа")га бўлинган. Сатрапликлар сони турли давларда турлича бўлган. Сутдиёна, Бақтрия ва Хоразм алоҳида сатрапликларни ташкил этган.

Аҳмонийлар давлати бошқариш шаклига кўра зўрликка асосланган мустабиқ давлат бўлган. Унинг давлат тузилиши марказлашган унитар (ягона) шаклда бўлган. Аҳмонийлар давлатида бутун ҳокимият подшоҳ қўлида тўпланган бўлиб, у давлатни кучли марказий давлат маҳкамасига таянган ҳолда бошқарган. Давлат маҳкамасида подшоҳдан кейин иккинчи ўринда хазарапат ("минг бошлиқ") турган. У барча давлат идоралари, мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилган, подшоҳнинг шахсий қўриқчиларига, марказий девонга бошчилик қилган, подшоҳга келган шикоят ва аризалар ҳақида маълумотлар берган. Марказий девонга котиблар, тафтишчилар, подшога маълумот йигиб келувчилар, робита (алоқа) хизмати ходимлари ва бошқалар бўйсунгандар.

Сатрапликларда бутун ҳокимият подшоҳ томонидан тайинланадиган ва вазифасидан бўшатиладиган сатраплар қўлида тўпланган. Сатрап маъмурий бошқарув ва суд ҳокимииятига бошчилик қилиб, хўжалик ишларини амалга ошириш, солиқ ва

йигинларни ўз вақтида ундириш, мансабдор шахслар фаолияти, ўз сатраплиги ҳудудидаги йўлларда хавфсизликни таъминлаш устидан назоратни амалга оширган. Сатраплар кумуш ва мис танталар чиқариш ҳуқуқига эга бўлганлар. Сатрап қошида бошқарув идораси ташкил этилган бўлиб, унда идора бошлиғи, ҳазиначи, солиқ, йигувчилар, жарчилар, суд терговчилари, котиблар хизмат қилган.

Аҳмонийлар давлатида асосий мансабларга эронлик аслзодалар тайинланганлар.

Аҳмонийлар давлатининг турли минтақаларида турли ҳуқуқ тизимлари ва муассасалари амал қилган. Жумладан, Доро даврида (эрамиздан аввалги IV аср) ягона ҳуқуқ тизимини ташкил қилиш мақсадида қонунлар қабул қилинган. Лекин Аҳмонийлар давлати қонунлари тўғрисидаги хабарлар бизгача етиб келмаган.

Марказий Осиё ҳалқларининг Аҳмонийлар ҳукмронлигига қарши олиб борган кураши туфайли эрамиздан аввалги IV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хоразмликлар, кейинчалик сакқабилалари мустақилликка эришганлар.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг охирги чорагида Марказий Осиёни эгаллаш учун македонияликлар билан Аҳмонийлар ўртасидаги кураш македонияликлар галабаси билан тутаган. Натижада ўз мустақиллигини сақлаб қолган Хоразм давлатидан ташқари бутун Марказий Осиё ҳудудида Македонияликлар ҳукмронлиги ўрнатилган. Улар бу ерда сатрапликларни сақлаб қолганлар. Сатраплар дастлаб эронликлардан тайинланган бўлса, кейинчалик македонияликлардан тайинланадиган бўлган. Сатраплар қошида харбий ва молиявий ишларни бошқарувчи мансаб жорий қилинган. Сатраплар танга чиқариш ва ёлланма қўшин сақлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар.

Александр Македонский вафотидан сўнг Ўрта Осиё ҳудуди Салавкийлар давлати таркибига кирган. Салавкийлар давлатида ҳокимиёт учун олиб борилган урушлар туфайли ҳозирги Туркманистон давлати ҳудудида Парфянлар подшолиги ташкил топган.

Эрамиздан олдинги III аср ўрталарига келиб мустақил Юнон-Бақтрия подшолиги ташкил топган. Унинг таркибига Маргиёна ва Парканна (Фаргона) кирган.

Эрамиздан аввалги II асрда Юнон-Бақтрия подшолигидан Сүгдиена ажралиб чиқсан. Маргиёна парфянлар томонидан босиб олинган. Кейинчалик Марказий Осиё худудида Хоразм давлати билан чегарадош бўлган Тоҳаристон давлати ташкил топган. Бу давлат ҳам кейинчалик кичик-кичик подшоликларга бўлинниб кеттан.

Милоддан аввалги III аср бошларида Сирдарёning шимолий ва шимолий-шарқий қисмида яшовчи қабилалар - сакарад-калар, яксартлар, абыллар, ассионларни ўз таркибига олган Канг (Кангуй) давлати ташкил топган. Милоддан олдинги II аср бошларида Марказий Осиё ва Жанубий Сибирда яшовчи қабилалардан бири хунлар подшоси Шаньюй Модэ мустаҳкам кучли давлат тузишга муваффақ бўлган. Кейинчалик хунлар Шимолий Хитойнинг кўпчилик вилоятларини, Мугилистонни, шимолда Олтой тоғларигача бўлган ерларни, жанубда Жунгрия ва Шарқий Туркистон худудларини, Марказий Осиё ва Жанубий Сибирни ишғол қилганлар.

Хунлар давлати тепасида шаньюй (улуг азим) турган. Шаньюй лавозимини хунлар қабиласига кирувчи 24 ургу бошлиқларидан энг улуғи эгаллаган. У кенг ҳукуқларга эга бўлса-да, унинг ҳокимияти мутлақ бўлмаган. Шаньюй ҳокимииятининг ваколати ҳар бири 2 мингдан 10 мингтacha отлиқ қўшинга эга бўлган улуг бошлиқлари томонидан чекланган. Дастребки даврларда шаньюй улуг бошлиқлари томонидан сайланган, кейинчалик эса сайлов ўрнини таҳтга ўтқазиш маросими эгаллаган. Хунлар давлатининг сўнгти даврига келиб давлат бошлигининг ҳокимияти васият асосида мерос тариқасида отадан ўғилга ўтадиган бўлган. Давлат бошлиғи - шаъюй ҳарбий, дипломатик ва диний соҳаларга бошчилик қилган. Қонунчилик ҳокимиияти ҳам унинг қўлида бўлган.

Хунлар қабиласидаги ургулар Хуянъ, Ланъ ва Сюйбу ургулари аслзода ургулар бўлиб, давлат идораларидағи юқори мансабларга уларнинг вакиллари тайинланган. Масалан, судья лавозимига Сюйбу уруги вакили тайинланган. Бошқа ургулар аслзода ургулар фойдаланган имтиёзлардан маҳрум этилган бўлсаларда, бироқ улар ўзларининг ички ишлари борасида мустақил бўлганлар. Уларнинг ўз ҳукмронлари бўлиб, уларнинг ҳокимиияти мерос тариқасида ўғилларига ўтган.

Хунлар давлатининг марказий бошқарув аппаратида асосий вазифалар шаҳзодалар, хизматчи аслзодалар ва уруг зода-гонлари ўртасида тақсимланган.

Эрамизнинг биринчи асри илк чорагига келиб турли подшоликлар орасида Кушон подшолиги алоҳида ўрин тута бошланган. Кейинчалик мазкур подшолик қарийб бутун Марказий Осиёни ўз ичига олиб йирик империяга айланган. Унинг пойтахти дастлаб хозирги Самарқанд вилоятининг Каттакўргон тумани ҳудудида бўлган, кейинчалик эса унинг пойтахти Ҳиндистонга кўчирилган.

Кушон подшолигида сугориладиган дехқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташки савдо, фан ва маданият, қўши мамлакатлар билан алоқалар ривожланган. Кушон давлатида кучли марказий давлат аппарати ташкил этилган, унинг тепасида подшо турган, маъмурий-худудий жиҳатдан вилоятларга бўлинган, пул ва дин соҳаларида ислоҳотлар ўтказилган.

IV асрнинг 70-80 йилларида Кушон подшолигининг гарбий қисми Сосонийлар томонидан босиб олинган ва Шимолий Ҳиндистондаги Кушон ерлари Гупта давлати таркибига қўшиб олинган.

Марказий Осиё ҳудудида кичик-кичик давлатлар ташкил топган. Булар Панжакентдан Карманагача бўлган ҳудуддаги Сүғ давлати, Зарафшон водийсининг гарбидағи Бухоро бошлигидаги шаҳар давлатлари иттифоқи, Самарқанд яқинидаги Маймург, Иштихон ва Кушания давлатлари, Фаргонадаги шаҳар-давлатлари иттифоқи бўлган.

Бу давлатларга бутун ҳокимиятни ўз қўлида тўплаган подшо бошчилик қилган. Подшоҳнинг шахси илоҳийлаштирилган бўлиб, ҳокимият унга худо томонидан ато этилган деган тасаввур кенг тарқалган. Подшоҳ ҳузурида оқсоқоллар кенгаши бўлган. Шаҳар-давлатлари бошлиқлари ўз танга пулини зарб этиш ҳуқуқига эга бўлган. Шаҳар-давлатларида отлиқ қўшинлар ва қуллардан ташкил топган қуролли отрядлар ҳам бўлган.

IV асрнинг охири V аср бошларида Орол бўйида истиқомат қилувчи кўчманчи массагетлар ўзларининг эфталитлар номи билан тарихга кирган давлатини ташкил қилган. V асрнинг ўрталарига келиб бутун Марказий Осиёда эфталитлар ҳукмронлиги ўрнатилган. Кейинчалик эфталитлар Марказий Осиёни, Шарқий Эрон вилоятларини, Ҳиндистоннинг шимолий

қисмини ва Шарқий Туркистонни бирлаштирувчи йирик давлат ташкил қилишга муваффақ бўлганлар.

Марказий Осиёда эфталитлар ҳукмронлиги даврида - V-VI асрларда ҳақиқий ҳокимият йирик ер згалари қўшинга эга бўлган. Йирик шаҳарлар ҳокимлар томонидан бошқарилган. Ҳокимлар ҳам ўз ҳарбий кучларига, ўз тангаларини зарб қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Шаҳар-давлатлари марказий ҳукуматдан бирмунча мустақил бўлган. Эфталитлар давлатида марказий ҳукумат унчалик кучли мавқега эга бўлмаган.

VI аср ўрталарига келиб Олтой, Еттисув ва Марказий Осиёдаги турли қабила ва халқларни бирлаштирувчи, катта кўчманчилар давлати - Турк ҳоқонлиги ташкил топган. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди Турк ҳоқонлиги томонидан босиб олинган. VI асрнинг охирги чорагида Турк ҳоқонлиги пойтахти Мўгулистанда бўлган Шарқий Турк ҳоқонлиги ва маркази Еттисувда бўлган Фарбий Турк ҳоқонлигига бўлинган. Ўзбекистон ҳудуди фарбий Турк ҳоқонлиги таркибида қолган.

Турк ҳоқонлигидаги ҳокимият тепасида ургу, қабила бошлиқлари қурултойида сайланадиган ҳоқон турган. Унинг ҳузурида қабила, ургу бошлиқларидан иборат кенгаш бўлиб, унда давлат аҳамиятига молик масалалар муҳокама қилиниб, тегиши қарорлар қабул қилинган. Бундан ташқари, давлат ҳаётида ҳоқон маслаҳатчилари, ўлкалар ҳокими, давлат арбобларининг мавқеи катта бўлган. Ўлкаларда ҳокимият ҳокимлар кўлида тўпландган. Ҳоқон ва алоҳида ўлкаларнинг ҳокимлари отлиқлар ва пиёдалардан иборат шахсий қўриқчиларга эга бўлганлар. Ўлкалар ҳоқонга хирож тўлаб турганлар.

Марказий Осиёда араблар ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар ҳуқуқнинг манбалари сифатида зардуштийлик динининг муқаддас китоби ("Ава") ва Суғд ҳужжатлари хизмат қилган. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлганидан то бу ерда араблар ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар булган давр қарийб минг йилни ташкил қилган.

Аҳмонийлар давлатининг дастлабки даврларида ягона ҳуқуқ тизими бўлмаган. Мамлакатнинг турли минтақаларида турли ҳуқуқ манбалари, соҳалари амалда бўлган. Масалан, Бобил, Миср ва Яхудияда маҳаллий ҳуқуқ, маҳаллий оғирлик ва узунлик ўлчовлари, ибодатхона ва коҳинларни солиқлардан озод қилиш ва бошқа имтиёзларни белгиловчи қоидалар сақланиб қолган.

Доро I ҳукмронлик қилган даврда (милоддан аввалги IV асрлар) пул, ҳарбий ишлар, алоқа соҳаларида ислоҳотлар ўтказилган. Бу ислоҳотлар подшоҳнинг алоҳида фармонлари асосида амалга оширилган. Аҳмонийлар давлатида подшоҳнинг ҳар бир чиқарган фармони қонун кучига эга бўлиб, унинг сўёзиз бажарилиши шарт бўлган. Бундан ташқари, подшоҳ алоҳида масалалар бўйича фармойишлар чиқарган, унинг алоҳида амалдорларга берган кўрсатмалари, буйруқлари маҳсус нома шаклида расмийлаштирилган. Унинг барча фармонлари ва маҳсус номалари алоҳида қайднома ва қундалик дафтарида оромий ёзувида ёзиб борилган.

Доро I ягона ҳуқуқ тизимини ташкил қилиш мақсадида қонунлар қабул қилган. Бу борада Доро I бундай ёзган: "Ахурамазда (яхшилик илоҳи)нинг иродасига кўра бу вилоятлар менинг қонунларимга итоат қила бошлади, мен ниманини буюрсан, шуларнинг (ҳаммасини) бажармоқдалар".

Аҳмонийлар давлатида подшоҳнинг берган кўрсатмаси, муайян бир масала бўйича чиқарган хulosаси, қарори қатъий бўлиб, уни бекор қилишга ҳеч кимнинг ҳақи бўлмаган. Лекин давлат бошлиги мамлакатни бошқаришда, қонунчилик фаолиятини амалга оширишда эронликларнинг урф-одатларига, анъаналярига риоя қилиши ва етти аслзода уругларнинг бошлиқлари билан маслаҳатлашиши лозим бўлган.

Аҳмонийлар давлатида подшоҳ ва унинг оила аъзолари ҳаётига, соғлиғига ва шахсига қарши қаратилган хатти ҳаракатлар энг оғир жиноятлар ҳисобланниб, бундай жиноятлар подшоҳ томонидан кўрилиб ҳукм чиқарилган. Мазкур жиноятларни содир қилган кишилар ўлим жазосига ҳукм этилган. Аксарият ҳолларда жиноят содир қилган кишининг оила аъзолари ҳам ўлимга ҳукм этилган.

Қадимги даврларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги давлатларда пораҳўрлик, адолатсиз ҳукм чиқариш, худони ва коҳинларни ҳақоратлаш, одам ўлдириш, тан жарохати етказиш, калтаклаш, заҳар тайёрлаш ва наша ўстириш, ўтирилик, давлатга ёки алоҳида шахсларга тегишили мулкларни ёқиб юбориш, чегара белгиларини йўқ қилиш каби хатти-ҳаракатлар оғир жиноят саналган. Жиноятчиларга ўлим, тан жазоси, мол-мулкини мусодара қилиш, пул жаримаси, қамоқ жазоси қўлланилган.

Жиноий ишлар подшоҳ тайинлайдиган қозилар томонидан кўрилиб, ҳукм чиқарилган. Судда айборнинг ўз айбини

бўйнига олиши, гувоҳларнинг кўрсатмалари, қасам ичиши далил сифатида тан олинган. Суд жараёнида қиздирилган темирни айбланувчининг танига босиши, танига эритилган қўргошин қўйиш, оловда синаб кўриш каби қийноқ усулларидан фойдаланилган.

Қадимги даврдаги энг муҳим ҳуқуқ манбаларидан бири "Авесто"дир. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, "Авесто" тахминан эрамиздан аввалги IX асрдан IV асргача бўлган даврда тузилган. "Авесто" 21 китобдан иборат бўлиб, унинг матни ўн икки минг ошланган мол терисига олтин ҳарфлар билан ёзилган. Исфаҳон шаҳрида сақланган "Авесто"нинг бу нусхаси шаҳар Искандар Зулқарнайн қўшиллари томонидан ишғол қилинганда йўқ қилиб ташланган.

"Авесто"нинг 21 китоби 348 бобга бўлинган бўлиб, уларда жами 345700 сўз бўлган. "Авесто"нинг "Вендиdat" ("Вий даево датем" - оромийча ёзува "девларга қарши қонун") номи билан аталган бобида сувдан фойдаланиш, жиноят ва жазо, оилас никоҳ, мулк билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қоидалар ўз аксини топган. Жумладан, "Вендиdat"нинг 13, 14-бобларида сувни тежаш, уни қадрлаш, ундан унумли фойдаланиш ҳақидаги қоидалар битилган. Унда ҳар куни экинни икки марта сугориш мумкинлиги, ҳар бир экин экувчи бир белкурак кенглик ва чуқурликдаги ариққа сиғадиган сув олишга ҳақли эканлиги, сувни тақсимлаш билан коҳинлар шугулланиши, сув ифлослантиришни тақиқловчи қоидалар битилган. Бу қоидаларни бузганларга нисбатан мажбурий меҳнатта жалб қилиш жазоси белгиланган.

"Вендиdat"да ердан унумли фойдаланиш, уни ифлосланишдан сақлаш ҳақидаги қоидалар, уларга риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатларига алоҳида ўрин ажратилган. Жумладан, одам ёки ит ўлигини ерга кўмиб уни олти ойгача қазиб олмаган киши минг дарра, агар бир йилгача қазиб олмаса, икки минг дарра уриш билан жазоланиши кўрсатилган. "Вендиdat"да мурдани ёққан кишига нисбатан ўлим жазоси белгиланган.

Умуман "Авесто"да, жумладан "Вендиdat"да оиласвий мунносабатларни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган: оила жамиятнинг муҳим бўгини эканлиги, оила мустаҳкамлигини таъминлаш жамият, давлатни мустаҳкамлаш йўлидаги дастлабки қадам эканлиги ҳақидаги гоя илгари сурилган. Эр хотиннинг бир-бирига хиёнат қилганлиги, никоҳсиз эр-

хотинлик муносабатида бўлганлик учун тан жазоси белгиланган.

Хуналар давлатида ҳуқуқнинг асосий манбай сифатида одат ҳуқуқи хизмат қилган. Хуналар одатига қўра қурол ўқталмоқ оғир жиноят ҳисобланиб, бундай жиноятни содир қилган киши ўлим жазосига ҳукм қилинган. Ўғирлик қилган кишининг фақат ўзига тегишли мулкларигина эмас, балки бутун оиласга тегишли бўлган мулклари мусодара қилинган.

Унчалик оғир бўлмаган жиноятларни содир эттан кишиларнинг юзи тилинган. Хуналар давлатида Модэ ҳукмронлик қилган даврда умуммажбурий ҳарбий хизмат, ҳарбий қисмларда қатъий тартиб интизом жорий қилиш ҳақида қонунлар қабул қилинган. Бу қонунларга биноан ҳарбий хизматдан бош тортганлик, ҳарбий интизомни бузганлик учун ўлим жазоси белгиланган.

Хуналар давлатида мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш билан боғлиқ муносабатлар одат ҳуқуқи қоидалари билан тартибга солинган. Бошқа кўчманчи қабилалардаги каби хуналар ҳам яйловлардан биргалиқда фойдалангандар, яйловлар бутун ургунинг мулки ҳисобланган. Қўриқ ва фойдаланиш учун яроқсиз ерлар хуналарнинг умумий мулки ҳисобланган.

Ўзбекистон ҳудудида араблар ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар амалда бўлган ҳуқуқ ҳақида маълумот берувчи муҳим манба - бу Панжикент яқинида Муг тоги тепасидаги қадимги қаср ҳаробасидан 1932-1933 йилларда топилган сүғд ҳужжатларидир. Улар Сүғд подшолигига бўйсунган Панж ҳокимлиги саройи, турли вилоят ҳокимлари ва мансабдор шахсларга алоқадор ҳужжатлар: ёзишмалар, дипломатик мазмундаги хабарномалар, алоҳида масалалар бўйича тузилган шартномалардир. Албатта, бу ҳужжатлар норматив ҳукукий ҳужжатлар бўлмай уларга ҳуқуқнинг манбай сифатида қаралиши мумкин эмас. Улар индивидуал мазмундаги ҳужжатлардир. Лекин шу ҳужжатларнинг мазмунидан келиб чиқиб, тузилган ўша давр ҳуқуқ манбаларидан, ҳукукий маданият ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиш ва фикр юритиш мумкин.

Сүғд ҳужжатларининг ҳукукий нуқтаи назардан энг аҳамиятлиси ерни харид қилиш, тегирмонни ижарага бериш, никоҳни қайд қилиш, куёвнинг келин томон олдидаги мажбу-

риятлари ҳақидаги шартномалардир. Ерни ҳариц қилиш ҳақидаги шартномада унинг тузилган вақти, ерни сотиб олувчи ва сотувчининг насл-насаби, номи, ернинг жойлашган ўрни, чегаралари, миқдори, шартномада иштирок этувчиларнинг ҳукуқ ва бурчлари, уларга риоя қилмаслиқдан келиб чиқадиган оқибатлар, шартномани тузищда иштирок этган гувоҳлар ва уни расмийлаштирган кишининг насл-насаби ва номи кўрсатилган. Тегирмон ижараси ҳақидаги ҳужжатда унинг тузилган вақти, ижарага берувчи ва олувчининг номлари, тегирмоннинг жойлашган ери, қувват манбалари, жиҳозлари, ижара муддати ва ҳақи, ижара шартларига риоя қилмаслик оқибатлари, ижарага олинган мулқдан фойдаланиш, ижара ҳақини тўлашнинг қонунга мувофиқ бўлиши, қонунсизлик - хиёнат ва адолатсизлик қандай оқибатларни келтириб чиқариши, ҳужжатни расмийлаштирувчи ва бу жараёнда иштирок этган гувоҳлар номлари кўрсатилган. Ҳужжат муҳр билан тасдиқланган.

Никоҳни қайд қилиш ҳақидаги ҳужжат лақаби Нидон бўлган Уттакин Навекат ҳукмдори Чер Вахзанак ўғлиниң ўз ҳомийлигида Вийуснинг қизини (номи Дугдунча, лақаби Чата) хотинликка олиши ҳақида тузилган. Унда Уттакин Чатани севикли хотин сифатида ҳурмат ва эҳтиром билан озиқ-овқат, кийим-кечак, безак-тақинчоқлар билан таъминлаши, эъзозлаб, муҳаббат билан ўз уйида подшоҳойим хотин сифатида сақлаши, Чата эса Уттакинни севикли эр сифатида ҳурмат ва эҳтиром билан асрashi, у эрининг баҳт-саодати ҳақида қайгуриши, унинг буйргуни ўзига қонун деб ҳисоблаши лозимлиги қайд қилинган. Ҳужжатда ёзилишича, агар келажакда Уттакин Чатани хотин қilmайман, деган қарорга келса, бу ҳолда уни қўйиб юбориши, биргалиқда яшаган вақтида олган шахсий нарсалари ва товон пулини бериб, ҳеч қандай шартларсиз жўнатиб юбориши, агар Чата Уттакинга бундан бўён хотин бўлмаслик қарорига келса, унда хотинлиқдан чиқиб кетиши, бу ҳолда Уттакинга кийишга яроқли кийимлар қолдириши, Уттакиндан олган безак тақинчоқларни ва бошқа нарсаларни ташлаб кетиши, лекин Чата ўзига тегишли ва биргалиқдаги кечган турмуши давомида ортирган мулкини олиб кетиши керак бўлади. Шунингдек, Чата, ҳужжатда қайд қилинишича, бошқа ҳеч нарса бўйича товоңдор бўлмайди, у ўзи хоҳлаган кишига турмушга чиқиши мумкин. Ажримдан сўнг Уттакин ва Чата

бир-бирларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари учун жавоб бермайди. Никоҳни қайд қилиш ҳақидаги ҳужжат "Қонунлар уйи"да, унинг бошлиги ҳузурда учта эркакнинг гувоҳлигига котиб томонидан тузилади.

Куёвнинг келин олдиғаги мажбуриятлари ҳақидаги ҳужжатда күёв Уттакиннинг келин Чатанинг уруг-аймоқлари олдиғаги бурчлари ўз аксини топган. Ҳужжатда кўрсатилишича, у тузилган кундан Чата тоабад Уттакинга хотин бўлиб келажақда, күёв келин томон олдида Чатани сотмаслик, қарз эвазига қулликка ҳам бермаслик, бирор кимсанинг ҳомийлигидаги ўз мулкига айланишига ҳам йўл қўймаслик; агар кимдир Чатани Уттакиндан бевосита ёки сиртдан тортиб олса, уни таҳқирласа, уни шу заҳотиёқ, ҳеч қандай зиён-заҳматсиз озод қилиш; агар Чата Уттакин билан қолишни хоҳламаса ёки Уттакин уни қўйиб юборса, бироқ келиннинг уруг-аймоқларига уни зиён-заҳматсиз етказиб бермаса, у ҳолда 100 дирҳам кумуш пул тўлаши тасдиқланган. Агар пулни вақтида тўламаса 10 дирҳамига 2 дирҳамдан устама тўлаш мажбуриятларини олган. Бу ҳужжат ҳам "Қонунлар уйида" ни-коҳни қайд қилиш битими тартибида тузилган.

Бу ҳужжатлар VII асрнинг охири VIII аср бошларида тузилган. Уларнинг мазмуни, тузиш тартиби, битим тарафларининг ҳуқуқ ва бурчлари, уларни бажармаслик оқибатларини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, биринчидан, Ўзбекистон худудида араблар ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар мулкий, оилас-никоҳ муносабатларини тартибга солувчи ўз даври учун мукаммал қонунлар бўлган. Иккинчидан, бу ерда ҳуқуқий маданият юқори бўлган. Учинчидан, худудда қонун нормаларини ҳаётга татбиқ қилиш, уларнинг ижросини таъминлашнинг мураккаб механизми мавжуд бўлган.

**а) Мовароуннаҳрда давлатчилик ва мусулмон ҳуқуқий маданияти.** VIII аср бошларида Ўзбекистон худуди Кутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб қўшиллари томонидан босиб олинган. Шаҳар ва қишлоқлар вайрон қилинган. Маданий ва моддий бойликлар таланганди. Минглаб кишилар қул қилиниб Араб халифалигининг марказига олиб кетилган. Маҳаллий аҳолидан кўплаб хирож ундирилган. Босиб олинган ерлар араб зодагонларига тақсимлаб берилган. Маҳаллий халқларга зўравонлик билан ислом дини қабул қилдирилган.

Ўзбекистон ҳудудида мусулмон ҳуқуқи, унинг тармоқлари ва муассасалари жорий қилинган. Маъмурый-ҳудудий жиҳатдан ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди Араб халифалиги таркибига киритилиб, бошқарув халифанинг Хурросон ва Мовароуннахр бўйича ноибига юклатилган. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларни бошқаришни ноиб томонидан тайинланадиган ва вазифасидан озод қилинадиган, аҳолидан соликлар йигишга раҳбарлик қилувчи ҳокимлар амалга оширган.

Кўп жойларда араб ҳарбий қисмлари жойлашган бўлиб, улар маҳаллий аҳолини итоатда сақлашда ҳал қилувчи мавқега эга бўлган. Араблар маъмурий бошқарув идоралари ва миришабларга ҳам эга бўлганлар. Давлатни бошқаришда араб зодағонлари - йирик ер эгалари, руҳонийлар алоҳида ўрин туттганлар.

Араблар ҳукмронлиги даврида маҳаллий аҳолининг асосий қисмини ташкил қилувчи - деҳқонлар, ҳунарманнадлар, чорвадорлар турмуши ниҳоятда оғир аҳволда бўлган.

Араблар билан босиб олинган ҳалқлар, ҳокимият учун курашувчи турли хил гуруҳлар ўртасидағи зиддиятларнинг кескинлашуви, кун сайин авж олиб бораёттан ижтимоий зулмнинг кучайиши туфайли Араб халифалиги бир неча мустакил давлатларга бўлиниб кетган. Ана шундай давлатлардан бири IX аср охири X аср бошларида ташкил топган, пойтахти ҳозирги Бухоро шаҳри ўрнида жойлашган Сомонийлар давлатидир.

Сомонийлар давлати кучли марказлашган давлат бўлиб, унинг тепасида амир турган. Исмоил Сомоний (874-907 йиллар) даврида давлат бошқарув тизимида ўтказилган ислоҳотлар туфайли кучли марказлашган давлат тузуми ташкил топган. Сомонийлар давлатида бошқарув идоралари иккига: даргоҳга (саройга) ва девонга бўлинган. Даргоҳга соҳиб ҳарос ёки амири ҳарос бошчиллик қилган. Унга девонбошилар, мирзабошилар, мирзалар ва бошқа мансабдор шахслар бўйсунгандар. Даргоҳнинг асосий вазифаси давлат бошлигининг ҳукмлари ижросини таъминлаш бўлган.

Марказий бошқарма 10 девондан иборат эди. Булар вазир девони ёки ҳожибулбузрук девони - давлатнинг бошқа бошқарув органларини бошқарган, мустафик ёки давлат даромадлари ва ҳаражатларини бошқарувчи девон, девони рисоил ёки девони иншо - давлатни барча расмий ҳужжатларини тузиш, бошқа давлатлар билан сиёсий муносабатлар олиб бори-

шни бошқарувчи девон, девони шурат ёки Сомонийлар қўриқчисини бошқарувчи девон, девони бариd ёки алоқа девони, девони мухтасиб - савдогарларнинг тош ва тарозиларини, ҳунармандлар тайёрлайдиган маҳсулотлар сифатини, нархнавони текшириш ишлари билан шугулланувчи девон, девони мушрифий - хазинадаги маблагларнинг сарфланишини кузатувчи девон, девони аззиё - давлат ер мулклари девони, қозихона девони, мачит ва мадрасаларга инъом қилинган мулк ва бошқа нарсаларни бошқариш билан шугулланувчи девонлар бўлган.

Вилоятларда ҳам марказий девонларга бўйсунувчи, бошқарув идоралари мавжуд бўлган. Маҳаллий ҳокимиятта ҳоким бошчилик қилган. Шаҳарни бошқариш раисга юклатилган. Сомонийлар давлатида ислом дини ва руҳонийларнинг таъсири кучли бўлган. Диний ишларга шайхулислом бошчилик қилган.

Сомонийлар даврида деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик, савдо-сотик, фан ва маданият гуркираб ривожланган.

Сомонийлар ўртасида тож-тахт учун курашнинг кучайиши, ҳарбий қўшин ичидаги таъминотнинг ёмонлиги туфайли келиб чиқсан норозиликлар, солиқларнинг ошиб боришига қарши меҳнатқашларнинг чиқишлари самонийлар давлати асосларига катта зарба берган. Сомонийлар давлати таркибиға кирмаган Етгисувда X асрнинг иккинчи ярмида ташкил топган қораҳонийлар давлати томонидан амалга оширилган босқинчилик юришлари туфайли Шош, Фарғона, Суғдиёна, Бухоро, Самарқанд каби вилоятлар устидан Қораҳонийлар хукмронлиги ўрнатилган.

Қораҳонийлар кучли марказлашган давлат аппаратини ташкил қилган. Олий ҳокимият қораҳонийлар давлатида хон кўлида бўлган. У бутун салтанатнинг, барча ерларнинг ва мулларнинг ҳукмдори ҳисобланган. Вилоятлар ва шаҳарлар хоннинг қариндош-уруглари, яқин кишилари томонидан унингномидан бошқарилган.

Қораҳонийлар давлатида ҳам ислом давлат даражасига кўтарилиган бўлиб, мусулмон руҳонийларининг мавқеи давлат ҳаётида кучли бўлган.

Марказий Осиёда қораҳонийларнинг ҳукмронлиги даврида ўлканинг шимолий ва жанубий ҳудудларида истиқомат қилувчи туркий қабилаларнинг бу ерга кўпроқ кўчиб келишига

имконият яратилган. Мазкур маконда туркий қабилаларнинг мавқеи тобора орта борган.

XI аср бошларида Шимолий Ҳиндистондан қарийб Каспий денгизининг жанубига қадар чўзилган ҳудудда ҳозирги Афғонистон ва шимолий-шарқий Эронни ўз ичига олган, пойтахти Фазна шаҳрида жойлашган Фазнавийлар давлати ташкил топди. Фазнавий сultonлари Марказий Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадида бу ерга бир неча бор юришлар қилганлар. Улар бу юришларда бир неча бор ғалабага эришган бўлишларига қарамасдан Марказий Осиё устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга эриша олмаганлар.

X асрнинг иккинчи ярмида Сирдарё атрофида истиқомат қилувчи кўчманчি туркманлар салжуқийлар ўз давлатини ташкил қилишган. Кейинчалик салжуқийлар Эронни, Ироқни, Мисрни, Озарбайжонни ва Арманистоннинг бир қисмини босиб Олиб "Буюқ Салжуқийлар" салтанатини ташкил қилганлар. 1072 йилдан бошлаб салжуқийлар Мовароуннаҳрга ҳужум бошлигандар. XI аср охири XII аср бошларида бу ерда салжуқийлар ҳукмронлиги ўрнатилган.

Улкан ҳудудни бирлаштирган салжуқийлар империяси тарқоқ давлат бўлган. Салжуқлар кўп ўлкаларни ўзига бўйсундиришга эришган бўлсаларда, кучли марказлашган давлат маҳкамасини ташкил қила олмаганлар. XII аср бошларидағи салжуқийлар давлати алоҳида бекликларни бирлаштирувчи иттифоқни (федерацияни) эслатади. Бу бекликлар сultonларнинг қариндошлари томонидан бошқарилган. Беклар амалда марказдан мустақил иш юритганлар.

Қиётлик қул Ануштагин (1072-1092 йиллар) Салжуқийлар ҳукмдори Маликшоҳ саройидағи хизматлари учун Хоразм ҳукмдори этиб тайинланган ва унга "Хоразмшоҳ" унвони берилган. Шу вақтдан эътиборан хоразмшоҳлар давлати тарихи бошланган.

Ануштагин меросхўрлари ҳукмронлик қилган даврларда хоразмшоҳлар давлати чегаралари кенгайтирилган. Такаш (1172-1200 йиллар) ҳукмронлиги даврида Олд ва Марказий Осиёда қудратли хоразмшоҳлар давлати ташкил топган.

Хоразмшоҳлар давлатида кучли марказлашган давлат идораси ташкил этилган бўлиб, унинг тепасида шоҳ турган. Давлатни бошқариш ишларида маҳкамама (канцелярия) идора ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Унга вазир бошчилик қилиб, у да-

влатнинг ташқи ва ички сиёсатини, раҳбарликни амалга оширган. У барча мансабдорларни тайинлаш ва вазифасидан четлашиб, уларнинг фаолиятини, жумладан, солиқларни йигиш, ҳаражатларни тақсимлаш кабиларни назорат қилган.

Бундан ташқари, шохнинг муҳим томшириқларини бажарувчи буюк ҳожиб, сарой ҳаражатларини кузатувчи устоз бўлиб, ҳукмдор номига келган илтимос ва шикоятларни қабул қилувчи қиссадор каби мансабдор шахслар давлат маҳкамасида муҳим ўрин туттандар.

Такашнинг ўғли Муҳаммад Хоразмшоҳ (1206-1220 йиллар) ҳуқмронлиги даврида қипчоқ аслзодаларининг ҳаётдаги таъсирининг кучайиши хоразм давлатининг парчаланиб кетишига олиб келган.

Мовароуннаҳрда ислом ҳуқуқи - шариат IX-XII асрларда Шарқ ёки мусулмон Ренесанси ("Уйгониши") даврида чинакам равнақ топган. Муқаддас Куръони карим сурга ва оятлари бевосита қўлланиладиган ҳуқуқ бўлган эмас ва бўла олмас эди. Шариат ҳуқуқий тамойиларнинг ифодаси каби тушунилмай, балки у кенгроқ, яъни асосан маънавий-ахлоқий ҳуқуқдек қабул қилинар эди. Шариат кўпдан-кўп ёзма ва оғзаки диний, маданий, аҳлоқий, ҳуқуқий ва маҳаллий анъаналар таъсири остида шакланган. Шариат янги изчил ҳуқуқий тизим сифатида тахминан IX асрда аш-Шарийада (арабча "тўғри йўл") барқарор шаклга кирган. Шариат - бу ислом алоқий қадриятлари ва мусулмон ҳуқуқи фалсафасидан иборат. "Шариат ўз тубида илоҳий ҳуқуқ дурдоналарини (фиқҳни) яшириб ётган океанга ўхшайдики, уларни юзага чиқармоқчи бўлган одам катта хавфхатарни бўйнига олиб, шариат донишмандлигининг тубсиз қаърига тушмоги лозим бўлади", - деб ёзган эди рус исломшуноси Н.П. Остроумов<sup>1</sup>.

Фиқҳ - мусулмон қонуншуносиги Шарқ халқлари ва ислом ҳуқуқий маданияти эришган буюк ютуқлардан ҳисобланади. У нафақат диний муаммоларни, балки мўмин мусулмонларнинг бутун турмуш тарзини ҳам ўз ичига қамраб олган. У Марказий Осиё халқлари, юонон ва румон, форс ва ҳинд маданияти намуналаридан келиб чиқсан ҳолда умуминсоний ахлоқий-ҳуқуқий қадриятларни ҳам ўзида мужассам қилган.

<sup>1</sup> Остроумов Н.П. Исламоведение. Ташкент, 1912. Т. 4. 8-6

Ҳар бир мамлакатнинг ҳуқуқи энг аввало мазкур жамият ижтимоий муносабатларининг инъикоси ўлароқ унинг миллий мероси ва маънавий бойлигининг узвий ажралмас қисми бўлиб, шу маънода миллий ҳуқуқий анъаналар, қарашлар, гоялар мажмуидан иборатдир. Мовароуннаҳр ҳуқуқини шариатсиз, мусулмон ҳуқуқисиз тасаввур этиб бўлмайди. VIII асрнинг охири IX асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда шариатнинг тўрт мазҳабларидан бири - ҳанафий мазҳаби кенг тарқалган. Шу таълимот арконлари асосида Мовароуннаҳрда ўзига хос фикҳ (мусулмон ҳуқуқшунослиги) анъаналари шакланган. Мовароуннаҳр фақихлари мактаби бутун мусулмон дунёсида шуҳрат қозонган.

Мовароуннаҳр фақихлари ўзларининг чукур билимлари, машҳур асарлари билан Шарқ алломалари ичида обруй топганлар. Уларнинг нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун мусулмон дунёсининг маънавий-диний-ҳуқуқий ҳаёти ва маданиятига таъсири улкан бўлган. Мовароуннаҳрлик фикҳ намоёндалари шу ўлка халқлари ҳуқуқий анъаналари, урф-одатлари, расм-русларини умумислом нуқтаи назаридан таҳдил қилганлар. Уларнинг шундай тарихий хизматлари натижаси ўлароқ Мовароуннаҳр халқларининг маънавий-аҳлоқий, ҳуқуқий анъаналари ислом маданиятида, шариатда ўз аксини топган. Бу эса ўз навбатида исломнинг муайян аниқ бир тарихий миллий шароитларда ўзига хос шаклининг қарор топишига олиб келган. Худди шунинг учун ҳам ислом Мовароуннаҳр халқларининг нафақат динига, балки у шу ўлка халқларининг турмуш тарзига ҳам айланган, маҳаллий муҳитта сингиб кеттан.

Мовароуннаҳрлик фикҳ намоёнлари бой ёзма мерос қолдирганлар. Фикҳ бўйича қўлланмалар, фатво тўпламлари, машҳур фотиҳ алломаларининг таржимаи ҳолларига багишланган рисолалар, ҳуқуқий масалалар бўйича турли ҳужжатлар тайёрланган.

Мовароуннаҳрда фақихлар баркамол, зўр иззат-хурматта сазовор, чукур ақл-заковатга ва зарур маънавий фазилатларга эга бўлишлари керак бўлган.Faқат шундагина фақихлар шариат мазҳабларининг бир-бирига ўхшамайдиган ва кўпинчча бир-бирига зид кўпдан-кўп муҳокамалари ва қоидаларидан низоли ишга мос келадиган ечими топа олганлар.

Мовароуннаҳрлик таниқли фикҳ алломаларининг хulosса ва фикрлари маҳаллий ҳаёт ҳақиқатларига таяниши билан аж-

ралиб турган. Шунинг учун ҳам Мовароуннахр ҳанафий мазҳабининг марказларидан бўлган. Мовароуннахрлик фақиҳлар шариат қоидаларини муайян изчил тизимга солища, умумлаштиришда фаол иштирок этганлар. Бутун мусулмон дунёсида танилган 6 та ҳадислар тўпламидан 2 таси ватандошларимиз имом И smoил ал-Бухорий ва имом ат-Термизий қаламларига мансубдир.

Бу буюк фақиҳчи-муҳаддислардан ташқари мусулмон ҳуқуқида машҳур бўлган қуйидаги Мовароуннахр фақиҳларини кўрсатиш мумкин: Абу Ҳафс ал-Бухорий, Абу-мансур ал-Мотурийдий, Абу-л-Лайс ас Самарқандий, Абу-Бакр ал Бухорий, Шамс ул-а' имма ал-Ҳавоний, Шамс ул-а' имма ас-Саражий, Фаҳр ул-ислом ал-Паздавий, Ифтихор уд-дин ал-Бухорий, Фаҳр уд-дин Қозихон, Шамс ул-а'имма ал Кардарий ва бошқалар. Булар орасида Али ибн Абу-Бакр ибн Абдул Ҷалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний мухим ўрин тулади.

Бутун мусулмон дунёси фақиҳлари тан олган "Ҳидоя"асарини Бурҳониддин Марғиноний 1178 йили Самарқандда ёзган. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавийнинг 676 та таниқли фақиҳ ва мутассавуф олимлар таржима ҳолини ўз ичига олган "Кото"аълом ал-ахйор мин фуқаҳо" мазҳаб ан-Нуъмон ал-Мухтор" ("Ан"-Нуъмон ал-муҳтор) яъни "Абу Ҳанифа мазҳаби фиқҳларидан энг маълум кишиларининг та-бақалари" номли асарида "Ҳидоя"нинг яратилиши ва Бурҳониддин Марғиноний ҳақида қуйидаги сўzlari келтирган: "Абу-л-Ҳасан Али ибн Бакр ибн Абд ул-Ҷалил бир куни фиқҳ масалаларига багишлиган ҳажми унча катта бўлмаган, лекин мазмуни тўлиқ бўлган бир яхлит китоб зарур эканлиги ҳақида фикр билдириди. Ироққа сафар қилганимда у ерда "ал-Мұхтасар ал-Қудурий" ("Қудурий қисқармаси") ни кўрдим. У фиқҳ бобида ажойиб асар эди. Бу пайтгача каттаю-кичик барча "Жомеъ ус-Сагир" ("Кичик тўплам") дан фойданалар эди. Шунда фиқҳга оид барча асарларни жамлаб улардан энг зарур масалаларни олдим ва бу асарга "Бидоят ал-мунтаҳий" ("Бошловчилар учун тугал таълим") деб ном бердим. Кейинчалик бу асарга шарҳ ёзиб уни "Кифоят ул-мунтаҳий" ("Якунловчилар учун тугал таълимот") деб номладим".

Кейинчалик бу асарларнинг ҳам ҳажми катта бўлгани учун Бурҳониддин Марғиноний янада мўъжазроқ шариатда

ҳанафий мазҳабининг фикҳ масалаларида асосий қўлланмага айланган "ал-Ҳидоя" асарини ёзган.

Бурҳониддин Марғиноний "Ҳидоя" асарини яратища Куръони карим, ҳадислар, дастлабки тўрт ҳалифа саҳобаларнинг ривоятларига, суннийлар шариати асосий мазҳаблари, ҳанафийлар, моликийлар, шофейилар, ҳанбалийлар - асосчилари Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит, Абу Адуллоҳ Молик ибн Анас, Мұхаммад ибн Идрис аш-Шофеий, Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн-Ҳанбалларнинг иирик асарларига, уларнинг шогирд ва издошлари имом Ёкуб ибн Иброрҳим ал-Куффий, ал-Ансорий Абу Юсуф имом Абу Абдуллоҳ ибн Ҳусайн аш-шайбаний (имом Мұхаммад) имом Абу-л Ҳазл, Зуфар ибн Ҳазл (имом Зуфар)ларнинг асарларига таянган, Исо Мұхаммад ибн Исо ат-Термизийнинг "Жомеъ ул Кабир" ("Катта тўплам"), Абу-л Ҳасан Ал-Қудурийнинг "Мухтасар ал-Қудурий" ("Қудурий қисқартмаси"), Абу-л-Ҳазл Али ибн Мұхаммад Баздавийнинг "Мабсут" асарларига шариатнинг тури масаларини шарҳи ва ечимини берища ҳавола қилинади.

"Ҳидоя" (арабча тўла номи "Ҳидоя фи фуруъ ал-Фиқҳ" - "фиқҳ соҳалари бўйича қўлланма") - тўгри йўлни яъни бу ўринда ҳуқуқий маънодаги тўгри йўлни кўрсатиш деган маънони англатади. Ислом дунёсида шу номда турли илмий ҳуқуқий тизимлар бўйича бир қанча қўлланма китоблар ёзилган. Булардан энг машҳури шариатта багишиланган икки тўпламдир. Бири Абу-л-Ҳасан ал-Қудурий томонидан ёзилган бўлса, иккинчиси Бурҳониддин Марғинонийницидир.

Бурҳониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя" асари ёзилиш услуби бўйича ҳам ажралиб туради. Унда ҳуқуқий муаммоларнинг фикр-хуносаларини баён қилиш ва унга бошқа фикҳ олимларининг эътирозлари ва қўшилишларини изҳор қилиш йўли билан берилган. Худди шундай умум эътироф эттан баобру фақиҳлар нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда муайян ҳуқуқий муаммонинг энг маъқул ечимини танлаб олиш мумкин бўлган. "Ҳидоя"да шариат қоидаларининг айнан ўзигина эмас, балки уларнинг мукаммал шарҳлари ҳам асосли равища берилган.

"Ҳидоя"да шариат масалаларида муаллифнинг фикр ва хуносалари билан бирга, ҳанафийлар мазҳабининг барча имомлари, шунингдек мазҳаб вакилларининг мулоҳазалари ҳам баён

этилган. Исломнинг асосий маросим талаблари, ҳукуқий ва аҳлоқий қоидалари, хусусан, таҳорат намоз, закот, рўза, ҳаж, қурбонлик; оила никоҳ масалалари билан боғлиқ бўлган қоидалар батафсил ёритилган, ҳукуқий қоидаларни бажарманлик учун жазо чоралари белгиланган. "Ҳидоя"да мулкий ва молиявий муносабатларга, жиноят ва жазо, фуқаролик ҳукуқи, суд ва процессуал масалаларга кенг ўрин берилган. Бундан ташқари, унда урушлар, ўлжа олиш ва уни тақсимлаш, турмуш ва иш фаолиятидаги тақиқлашлар, ижозатлар ҳақида ҳам батафсил сўз юритилади. Ҳидоя 4 жиҳддан иборат бўлиб, рус тилидаги нусха 1646 саҳифадан иборат.

"Ҳидоя" ҳанафийлар мазҳаби тарқалган бир қатор араб давлатларида, Африканинг айрим мамлакатларида, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Афғонистон, Хитой мусулмонлари орасида кенг тарқалган. "Ҳидоя" Октябрь тўнтаришидан илгари Марказий Осиё, Шимолий Кавказ ва Волга бўйи мусулмонлари орасида асосий қўлланма сифатида хизмат қилган. Хорижий Шарқда шариат (хусусан, ҳанафийлар мазҳаби) ўз таъсирини сақлаб келаётган мамлакатларда ҳозир ҳам "Ҳидоя" га муҳим қўлланма сифатида амал қилинади ва ундаги асосий тамоиллар, мусулмон мадрасалари ва дорилфуннунларида ўрганилади. "Ҳидоя" мусулмон ҳукуқий маданияти дараражасини яққол кўрсатувчи асосдир.

б) Мўгуллар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрнинг давлат тузуми, Чингизхон юсунлари ва ҳукуқий маданият. 1219 йилнинг сентябрь ойида Ўтрор, 1220 йилнинг февралида-Бухоро, мартада Самарқанд Чингизхон кўшиналари томонидан ишғол қилинган. 1220 йилнинг ёзига келиб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг шарқий ва марказий қисмлари мўгуллар қўлига ўтган. 1221 йилда бутун Марказий Осиёда мўгуллар ҳукмронлиги ўрнатилган. Кейинчалик мўгуллар Марказий Осиё сарҳадларида ташқарида ҳам босқинчилик юришларини давом эттирганлар.

Чингизхон ҳаётлик чоғидаёқ босиб олинган ерларни ўғилларига тақсимлаб берган. Марказий Осиёни Олмалиқдан то Амударёга қадар ҳудуди Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойга теккан.

Мўгуллар улкан ҳудудларни кучли қўшин ёрдамида босиб олган бўлсаларда марказлашган кучли давлат ашпаратини ташкил эта олмаганлар. Уларнинг асосий мақсади бўйсундирилган

халқларнинг бойликларини талаш улардан катта миқдорда ўлпон ундиришга қаратилган бўлган. Мўгуллар давлатида вакти-вакти билан чакирилиб туриладиган қурултой мухим аҳамият касб этган. Курултойда давлат аҳамиятига молик масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Мўгуллар давлатида олий ҳукмдор хон бўлган. Чингизхоннинг ўтилари ўзларига тегишли маконлар - улусларда кенг ҳуқуқларга эга бўлганлар. Улар вилоятларнинг бекларини ўзлари тайинлар ва вазифасидан озод қилар, олий суд ҳокимиятини амалга оширас, низоли масалаларни ўзлари ҳал қилар эдилар. Мўгуллар давлатида ҳарбий қўшин алоҳида ўрин туттган. У ўнликлар, юзликлар тарзида ташкил этилган.

Марказий Осиёда мўгуллар ҳукмронлиги даврида ҳуқуқнинг мабалари сифатида Чингизхон юсунлари билан бир қаторда, ўтроқ аҳоли учун шариат қонуналари, кўчманчилар яшайдиган ҳудудларда эса одат ҳуқуқи нормалари ҳам амал қилган.

Ўзбекистон ҳудудида мўгуллар ҳукмронлик қилган уч юз йил мобайнида ҳуқуқнинг мухим манбалари сифатида 1205 йилда бўлиб ўтган мўгуллар қурултойида қабул қилинган "Чингизхон юсунлари" номи билан аталган ҳуқуқий қоидалар тўғлами машҳур бўлган. Чингизхон юсунлари 33 қисмдан иборат бўлиб, унда жиноят ва жазо, ҳарбий қисмларни бошқариш ва уларда қатъий тартиб-интизомни жорий қилиш, оила ва нижоҳ, мулк масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Юсунларга биноан сув ва оловни ҳақоратлаш, сутни ерга тўкиш, асир олинганларга ёрдам кўрсатиш, қулни эгасига қайтармаслик, қўриқлаш учун топширилган маконни қаровсиз қолдириш, ёлғон гапириш ва гувоҳлик бериш хоинлик, катта ёшдаги кишиларни ҳурмат қиласлик, ҳарбий интизомни бузиш кабилар оғир жиноят ҳисобланган. Бундай хатти-ҳаракатларни содир эттанлар учун ўлим жазоси белгиланган. Мол ўтилари ўтиранган молни тўққиз баробар қилиб эгасига қайтариш, агар маблағи бўлмаса, болаларини қул сифатида бериши керак эди. Агар болалари ҳам бўлмаса, у ўлим жазосига ҳукм этилган.

Чингизхон юсунларида ҳарбий қўшиннинг ташкилий та-мойиллари ва вазифалари, унга қўймондонлик қилиш, ҳарбий интизом, уни бузганлик учун жавобгарлик ҳақидаги қоидалар мухим ўрин туттган. Юсунларда мўгуллар онгига уруш олиб бо-

ришнинг ялпи қирғин усулларини сингдиришга ҳаракат қилинганд. Юсунларга биноан ўнта жангчи ўнбошига, ўнта ўнбоши юзбошига, ўнта юзбоши мингбошига, бир неча туманбошилар нўйонга, иккита ёки учта нўйон эса бош қўмондонга бўйсунган. Барча жангчилар бир-бирига кафил бўлиб, бир жангчи ёки бир неча жангчининг қилган айби учун бутун ўнлик аъзолари жавобгарликка тортилган. Бу борада асосий жазо - ўлим жазоси бўлган.

Юсунларда барча динларга эркинлик берилиши, улардаги раҳнамоларнинг эркинлиги ва мустақиллигининг таъминланиши, руҳонийлар ва диний ташкилотларнинг турли солиқлардан озод қилиниши, уруш вактида аёллар гунохини кечириш, мўгул аслзодаларига бериладиган имтиёзлар, ов қилиш тартиби ва усуллари билан боғлиқ қоидаларга ҳам алоҳида ўрин берилган.

Мовароуннаҳрда мўгуллар ҳукмронлиги давридаги ҳуқуқ манбаларидан бири - бу Чигатой хони Кебек (1318-1326 йиллар) даврида пул ва маъмурий ислоҳотлар ўтказилиши ҳақидаги фармонлардир. Пул ислоҳоти ўтказиш ҳақидаги фармонга биноан пул муомаласидаги тартибсизликларга чек қўйиш мақсадида Эрон ва Олгин Ўрдада бўлгани каби кумуш динорлар ва дирҳамлар жорий қилинганд, бир динорнинг оғирлиги икки мисқол (бир мисқол - 4,64 гр.), дирҳамнинг оғирлиги 1/3 мисқол қилиб белгиланган. Маъмурий ислоҳотлар ҳақидаги фармонга биноан икки томонлама идора тизимиға: бир томондан мамлакат ҳокими ва иккичи томондан шаҳар ҳокимлари тарафидан бошқарилишига барҳам берилган. Бошқарувнинг ягона тизими жорий қилинганд. Мамлакатдаги майда хонлик ва бекликлар сақланиб қолиниб, улар туманларга бўлинган. Шаҳар ҳокимлари туман бошлиқларининг ноибларига айлантирилган.

**в) Амир Темур ва Темурийлар даврида давлатчилик ва ҳуқуқий маданият.** Мамлакатнинг ҳукмрон доиралари ўртасидаги ички низолар, ижтимоий зулмнинг кундан-кунга кучайишига қарши галаёнлар, давлат ишларининг издан чиқиши Мовароуннаҳрда мўгуллар ҳукмронлигига путур етказган. 1365-1366 йилларда Самарқандда бўлиб ўттан сарбадорлар қўзғолонининг галаба билан яқунланиши Мовароуннаҳрда мўгуллар ҳукмронлигига барҳам беришда дастлабки қадам бўлган.

Бутун Марказий Осиёда мүгуллар ҳукмронлигига барҳам берилишида Амир Темур ҳал қилювчи ўринни эгаллаган. 1366 йилда Самарқандда ҳокимиятни кўлга олган Амир Темур 1370 йилда Балхга, 1372, 1373-1374 йилларда Хоразмга, 1381 йилда Ҳиротта, 1385-1386, 1397 йилларда Озарбайжонга, 1386-1389, 1392-1397, 1399-1405 йилларда Эронга, 1392-1393 йилларда Гуржистон ва Арманистонга, 1400-1402 йилларда Туркияга ва Ироққа, 1393-1399 йилларда Ҳиндистонга ҳарбий юришлар қилган.

Бу юришлар натижасида забт этилган улкан ҳудудда Амир Темур кучли марказлашган давлатни вужудга келтирган. Бунинг оқибати ўлароқ ўзаро маҳаллий урушларга барҳам берилишига, катта ҳудудда бирмунча вақт тинчлик-осойишталик ўрнатилишига, фан, маданиятнинг, хунарманҷчилик, дәхқончилик, савдо-сотиқнинг ривожланишига имкон берилган.

Амир Темур давлати марказлашган давлат бўлиб, бутун ҳокимият давлат бошлиги қўлида тўпланган. Амир Темур давлатни бошқарища ҳозирги кундаги парламентни эслатадиган кенгацлар алоҳида ўрин туттан. Вақти-вақти билан муҳим ижтимоий муаммоларни ечишда катта ва кичик кенгацлар чақириб турилган.

Катта кенгацлар тинчлик вақтида амир саройида Самарқандда чақирилган. Унда Амир Темурнинг қариндошуруглари, олий руҳонийлар табақасининг вакиллари, вазирлар, бош амирлар, бекларбеги, амирлар, улус, туман бошлиқлари, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар, баҳодир унвонини олган аскарлар ва бошқалар қатнашган. Кенгацда мамлакат ҳаёти билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама қилинган.

Кичик кенгацда Амир Темур, унинг ўғиллари, неваралари ва қариндошлари, қўшин бошлиқлари иштирок этган. Унда узоқ мамлакатларга юришлар қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган.

Давлатни бошқарища девонбеги бошчилигидаги буюк де-вон асосий мавқега эга бўлган. Алоҳида соҳаларни бошқариш вазирликларга юклатилган эди. Амир Темур давлатида фуқаролар ишлари, ҳарбий ишлар, омонат ишлари, сарой ишлари, давлат корхоналари ишлари, ташқи алоқалар вазирликлари қарор топган. Барча вазирларни тайинлаш, вазифасидан

озод қилиш, тақдирлаш, мұкофотлаш бевосита Амир Темур томонидан амалға оширилган.

Амир Темур давлатида жойларда ҳокимият вилюяттарда - валилар, бекликларда - беклар, шаҳарларда эса ҳокимлар қўлида бўлган. Улар Амир Темур томонидан вазифага тайинланганлар ва озод қилинганлар. Мазкур амалдорлар давлат бошлигига ва буюк девонга бўйсунганлар. Қишлоқларда ҳокимият маҳаллий аслзодалар қўлида бўлиб, улар вилюят бошлиқлари томонидан тайинланган ва вазифасидан озод қилинган. Кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли яшайдиган ҳудудларда ҳокимият туман ва улус бошлиқлари қўлида бўлган.

Амир Темур давлатида ҳарбий қўшин, суд ва миршаблик алоҳида ўрин тутган. Ҳарбий қўшин ўнликлар асосида тузилган бўлиб, ўнликлар, юзликлар, мингликлар, ўн мингликлар (туманлар) га бўлинган. Уларга ўнбоши, юзбоши, мингбоши, амиrlар кўмондонлик қилганлар.

Амир Темур давлатида судлов ишлари қозилар томонидан амалға оширилган бўлиб, улар фуқаролар, ҳарбийлар, рӯҳонийлар ва хизматчилар ишларини кўрадиган қозилағра бўлинган. Аслзодалар билан боғлиқ ишларни кўрувчи маҳсус суд-Иҳом қозиси бўлган.

Амир Темур "Тузуклари"га кўра қозилар асосланган ҳукм ва қарор чиқариши зарур бўлган. Агар томонлардан бири қозининг чиқарган қарори ёки ҳукмидан норози бўлса, давлат бошлигига шикоят қилишга ҳақли бўлган. Бутун мамлакат бўйича қозилар фаолиятини назорат қилиш қозикалонга юклатилган.

Амир Темур давлатида алоҳида муассаса - адолат девони бўлган. У асосан давлатта қарши жиноятлар, бошқариш тартибига қарши жиноятлар ва мансабдорлик жиноятларини кўриб, тегиши жазо тайинлаган.

Амир Темур давлатида маҳсус жиноят қидиув миршаблиги бўлган. У савдо карвонлари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, босқинчилар ва ўтилар тўдаларини топиш ва қўлга олиш, шариат қоидаларини бузганларга, дарбадарларга, тиламчиларга қарши чоралар кўриш билан шугулланган.

Амир Темур давлатида воқенависларнинг мавқеи катта бўлган. Улар ҳар бир мамлакат, вилюят, шаҳар, қишлоқларда бўлиб, у ерда бўлаёттан воқеалар ҳақида давлат бошлигини ҳабардор қилиб турган.

Юқорида баён қилингандардан шундай хуросага келиш мүмкінки, Амир Темур йирик салтанатның бошқариш учун кучли марказлашған давлат маңкамасини ташкил қылған. Шу нарсани таъқидаш лозимки, Амир Темур давлатида қаттық тартиб интизом жорий этилған. Тартибни бузған шахс ҳеч жазосиз қолмаган, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳуқуқ ва бурчлар қатъий, аниқ белгилаб қўйилған. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилювчилар, ўғрилар, қароқчилар, шафқатсиз жазоланған. Бундай тартибнинг жорий қилиниши оқибат-натижада бутун мамлакатда тинчлик-осойишталиктнинг қарор топишига, иқтисод ва маданият, шунингдек савдо-сотиқнинг ривожланишига имкон берган.

Амир Темур вафотидан кейин унинг ворислари ўртасида авж олган тож-такт учун талашишлар, ўзаро урушлар улкан салтанатнинг парчаланиб кетишига сабаб бўлған. Амир Темур томонидан забт этилған мамлакат ва ўлкаларнинг бир қисми темурийлар ҳокимлигидан чиқиб кетган. Темурийлар Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ (1409-1447 йиллар) фойдасига хотима топиб, Шоҳруҳ уларнинг бош раҳнамоси сифатида тан олинган. Лекин Темурийлар кучли яхлит давлат ташкил этишга муваффақ бўла олмаганлар. Мамлакатда парокандаликнинг бошланиши, зулмнинг кучайиши, иқтисодий таназзулга олиб келган.

г) Кўчманчи ўзбеклар давлати ва хонликлари даврида давлатчилик ва ҳуқуқий маданият. XVI аср бошларида Олтин Ўрдалик кўчманчи ўзбек қабилалари Шайбонийхон бошчилигида Мовароуннахрга ҳужум бошлаган. Улар бирин-кетин Бухоро, Самарқанд, Хисор, Фарғона, Тошкентни босиб олиб, сўнгра ҳужум бошлаганлар. Шайбонийхон босиб олинган улкан ҳудудда катта салтанатни ташкил қылған. У темурийлардан бўлған ҳукмдорларнинг деярли ҳаммасини қириб ташлаган.

Мовароуннахр Шайбонийхон бошчилигидаги кўчманчи ўзбеклар томонидан босиб олингандан сўнг бу ерда бошқариш тизими ҳам ўзгарған. Умуман кўчманчи ўзбеклар давлати тепасида қабила ва уруг бошлиқлари, руҳонийлар ва шаҳзодалар томонидан сайланадиган хон турган. Унинг ҳуқуқлари ҳеч нарса билан чекланмаган. Давлат аҳамиятига эга бўлған масалалар хон томонидан чақириладиган кенгацда муҳокама қилинган. Кенгаш қарори ҳал қилювчи аҳамиятта эга бўлиб, хон учун маҷбурий кучга эга ҳисобланған.

Кўчманчи ўзбекларнинг давлат идоралари қаторида оталиклар - шаҳзодаларнинг мураббийлари ва уларнинг мулкўлкаларини идора қилувчилар, эшик оғабошилар - хонлар ва сultonлар ҳузурида доимо ҳозир турувчилар, бош қози - дин ва адлия ишларини бошқарувчи, иноқ - хон маслаҳатчиси, ноиб - вазирларнинг муовини, амири шикор - хон овини ташкил қилувчи, ясовуллар - солиқ йигувчи, хон улуши бўлган ўлжани ҳисобга олувчилар, мубоширлар - хон ёрлиқларини жойларга етказувчилар, доругалар - забт этилган ўлжаларни бошқарувчилар бўлганлар.

Кўчманчи ўзбеклар давлатида Чингизхон, Ботухон ва Темур даврида кўшинда жорий қилинган ҳарбий тартиб-қоидалар сақланиб қолинган.

Шайбонийхон ҳокимиятни мустаҳкамлаб олгандан сўнг мамлакат ичида хўжалик ишларини тартибга солишга қаратилган бир қатор ислоҳотлар ўtkazган. Булардан энг муҳими ер-сув ислоҳоти бўлган. Шайбонийхон йирик қонуншунослар кенгашини чакирган, унда бундан аввалги ўн йил ичида солиқларнинг оғирлигидан ва амалдорларнинг зулмидан ер-сувларини ташлаб кетган кишиларнинг мулклари тақдирни масаласи муҳокама қилинган. Кенгаш эгасиз ер-сувлар подшоҳ тасаруфига ўtkazилиб, уларнинг эгалари қайтиб келгач давлат хазинаси мол-мулкларини эгаларига қайтариб берсин ва ердан фойдалангани учун тегишли ҳақ тўлансин деган қарор қабул қилган. 1507 йилда ўtkazилган пул ислоҳотига биноан мамлакатнинг ҳамма йирик шаҳарларида вазни бир хил бўлган янги кумуш тангалар муомалага киритилади, шунингдек янги мис чақа пуллар ҳам зарб этилган.

Бухоро хонлигига шайбонийлар ҳукмронлик қилган даврда, шариат ва одат нормалари билан бир қаторда, турли масалаларга багишиланиб хонлар томонидан чиқарилган ўнга яқин фармонлар муҳим ҳукуқий манба сифатида хизмат қилган. Булар Абул-ғози Абдуллаҳон томонидан 1572 йилда чиқарилган Хўжа Саъдга тегишли Марв вилоятидаги ерларни ва сувларни Шоҳжаҳонга мерос тариқасида ўтиши ва уларни солиқлардан озод қилиш, 1579 йилда - Вахш дарёсида Хўжа Саъд ерларига сув чиқариш мақсадида катта ариқ қазиш ва унинг атрофида дараҳтзор ҳамда гулзор ташкил қилиш учун бир қатор вилоятлар ҳокимларига 1000 тадан одам юбориш вазифасини юклаш, 1583 йилда - Хўжа Саъдга Тошкент яқинидаги Захариқдан

фойдаланиш ҳуқуқини бериш, 1585 йилда - Хўжа Саъдга тегишли ерларга сув чиқариш мақсадида Вахш дарёсидан бошланадиган ариқни қазиш учун Ҳисор вилоятидан мулла Мұхаммадбий ихтиёрига 10000 киши юбориш, 1588 йилда Хўжа Саъдга Язд ва Исфаҳон атрофидағи ерларни бериш, 1590 йилда - Хўжа Саъдга тегишли суюргал ерларини унинг ўғиллари орасида тақсимлаш ва уларни солиқлардан озод қилиш, Абулғози Нурмуҳаммадхон томонидан 1590 йилда чиқарилган Марв вилоятидаги хўжа Тожиддин Ҳасанга тегишли ерларни барча солиқлардан озод қилиш ҳақидаги фармонлар бўлган.

Мовароуннаҳрда шайбонийлар ҳукмронлиги даврида Бухоро иқтисодий ва маданий марказга айланган. Абдуллахон даврида (1557-1598 йиллар) Бухоро шайбонийлар давлатининг пойтахти бўлган. Шу даврдан эътиборан мамлакат Бухоро хонлиги деб аталган. Абдуллахон мамлакатнинг тарқоқлигига барҳам беришга, давлатни марказлаштиришга қўшни мамлакатларнинг ерларини босиб олишга ҳаракат қиласган. У бу борада бир қатор муваффақиятларга ҳам эришган. Унинг даврида мамлакатнинг иқтисодий, маданий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз берган.

Абдуллахон вафотидан сўнг унинг ворислари ўртасида авж олиб кеттан тож-тахт учун кураш хонликни инқизозга йўл тутишига олиб келган. Бундан фойдаланган Эрон шоҳи Аббос Ҳурросонни, қозоқ хони Тавақкил Тошкентни босиб олган. Хева Бухоро хонлигидан ажralиб, мустақимликка эришган.

XVI асрнинг охирида ўзбек уругларидан яна бири - Астraphan хонларининг авлодларида Аштархонийлар Бухорода хокимиятни кўлга олганлар. Улар бу ерда 1753 йилгача ҳукмронлик қиласланлар. Аштархонийлар давлатида ҳокимият бутун хон уруггининг мулки ҳисобланиб, уруғ аъзолари - сultonлар давлат бошлигини - хонни сайлаган. Мамлакат бир неча иирик бўлмоқдарга, улар ўз навбатида амлокларга бўлинган

Хонлик таркибиға кирган ўзбек қабилалари бирмунча мустақил бўлиб, уларнинг амир унвонига эга бўлган бошлиқларининг давлат ҳаётида нуфузи катта бўлган. Аштархонийлар сулоласидан бўлган баъзи бир хонларнинг (масалан, Имомқулихоннинг) давлатни марказлаштириш йўлида қиласган уринишлари ўз самарасини бермаган. XVIII асрнинг биринчи

ярмига келиб Аштархонийлар давлатида тарқоқлик авжига чиқиб, хон амирлар қўлидаги қўғирчоққа айланган.

Бухоро хонлигига ҳам, Аштархонийлар давлатида ҳам темурийлар ва шайбонийлардан мерос қолган, лекин бъази бир ўзгаришларга учраган давлат идоралари тизими мавжуд бўлган. Бу тизимда хондан кейин биринчи ўринда оталиқ (хоннинг амакиси ёки мураббийси) турган. У биринчи вазир вазифасини бажарган.

Оталиқдан кейинги мансаб девонбеги мансаби бўлиб, у ҳирож тўплаш, солик рўйхатларини тузиш, хорижий давлатлар элчиларининг ёрлиқдарини қабул қилиш ва уни хонга топшириш билан шугулланган.

Бундан ташқари, марказий бошқарув аппаратида парвоначи - инъом олган шахсларга ёрликлар топширувчи, доддо - хон номига ёзилган аризаларни қабул қилувчи ва аризалар бўйича қабул қилинган қарорни аризачига етказувчи, кўкаaldoш - сиёсий миршабликни бошқарувчи, катта иноқ - ўзбек қабилаларини бошқарувчи, қушбеги - хон қароргоҳининг бошлиги, дастурхончи, тўғчибоши - хон қўриқчиларининг бошлиги, шайхулислом - олий дин арбоби, қози, қози аскар кутубхоначи, ясовуллар - алоҳида топшириқларни бажарувчилар ва бошқалар бўлган.

Вилоят ва шаҳарлар хоннинг ҳарбий вассаллари томонидан бошқарилган. Бохоро шаҳрини бошқариш маҳсус ҳоким - доруғага топширилган. Бу ерда миршаблик лавозими ҳам бўлган.

Аштархонийлар давлатида ҳам ўтрок аҳоли яшаган ҳудудларда шариат қонунлари, кўчманчилар яшаган ҳудудларда эса одат нормалари ижтимоий муносабатларни тартибга соглан.

1740 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухоро хонлигига ҳужум қилиб, уни ўзига бўйсундирган. У хонлик таҳтига ўзининг тарафдорларидан Мұҳаммад Ҳаким оталиқни ўтказган. Отаси ўрнига тайинланган Мұҳаммад Раҳим оталиқ 1753 йилда ўзини Бухоро амири деб эълон қилган. Бу билан у мангитлар суоласига асос соглан. Мангитлар Бухорода 1920 йил сентябрь тўнтаришигача ҳукмронлик қилганлар.

Бухоро амирлигига бутун ҳокимият амир қўлида бўлиб, барча масалаларни ҳал этишда у ҳал қилувчи сўзни айттан.

Амир ҳузурида йирик ер эгалари, давлат хизматчилари ва руҳонийлар вакилларидан иборат маслаҳат кенгаши бўлган.

Амир саройида удайчилар - амирга ахборот бериб турувчиilar, шиговул - амирнинг шахсий ёрдамчиси, мирза - мунший - амирнинг шахсий котиби, амир қабулхонаси бошлиги, девонбени - кирим-чиқим ва хўжалик ишлари бошлиги, миршаббоши - миршаблик қисмининг бошлиги, юрчи - амирнинг мамлакат бўйлаб саёҳатларида олдинда йўл бошловчи, шарватдор - озиқовқат маҳсулотлари таъминоти бошлиги ва бошқа хизматчилари бўлган.

Мамлакатни идора этища асосий ўринни маъмурий-бошқарув маҳкамаси ўйнаган. Мазкур маҳкама қушбеги - молия ишларига раҳбарлик қилувчи, бошқарув идоралари фаолиятини назорат қилувчи, солиқларнинг тўпланишини кузатувчи олий мансабдор томонидан бошқарилган.

Ундан кейинги мансабдор девонбени бўлиб, у молия-солиқ ишларини бошқаришни бевосита амалга оширган.

Марказий давлат маҳкамасида қозикалон - судлов ва дин ишларини бошқарувчи, бош раис - назорат ва қидиув ишлари бошлиги ва бошқа мансабдорлар бўлган.

Юқори мансабдор шахслар ҳузурида алоҳида маҳкамалар ташкил этилган бўлиб, уларда кўп сонли давлат хизматчилари ишлаган.

Маъмурий-худудий жиҳатдан Бухоро амирлиги 29 вилоятга, вилоятлар амлоқдорликларга бўлинган бўлиб, улар қушбеги тақдимига биноан амир томонидан тайинланадиган беклар ва амлоқдорлар томонидан бошқарилган.

Илгари темурийлардан Султон Ҳусайнинг қарашли бўлган Хоразмни 1505 йилда Шайбонийхон қўшинлари босиб олган. Мазкур ҳудудда ҳокимият кейинчалик ўзбек сулоласининг Шайбонийларга қўшилмаган бошқа шаҳобчаси қўлига ўтган.

XVI аср бошларида Элбарсхон мустақил Хева хонлигини ташкил қилган. 1593 йилда Хевадаги ўзаро урушлардан фойдаланган Абдулаҳон II Хева хонлигини босиб олган. 1598 йилдан Хева хонлиги яна мустақилликка эришган. 1698 йилдан Хева хонлиги Бухоро хони Субҳонқулихон томонидан босиб олиниб, Шоҳниёз хон этиб тайинланган. 1740 йилда Хева хонлиги Эрон шоҳи Нодиршоҳ қўшинлари томонидан босиб олинган. 1747 йилда Хева хонлиги яна мустақилликка эришган. 1763 йилда Хевада ҳокимият ўзбек уругларидан булган қўнгирот қўлига

ўтган. Бу сулоланинг вакиллари Хоразмда 1920 йилгача ҳукмронлик қилганлар.

Хева хонлиги тарқоқ, унча кучли давлат бўлмаган асрда хонлик ҳудуди хоннинг хонадонига мансуб бўлган кишилар ўртасида тақсимланган бўлиб, улар ўзларига тегишли ерларни мустақил бошқарганлар.

Хонликнинг давлат органлари тизими унчалик мураккаб бўлмаган. Давлат расмий равишда хон уругининг мулки ҳисобланиб, хон томонидан бошқарилган. Хон томонидан тайинланадиган вазир (мехтар), қушбегилар Хевага келиб истиқомат қилган. Қабила бошлиқлари (5 киши) хоннинг маслаҳатчилари ҳисобланган. Хон ҳузурида икки ва ундан ортиқ оталиқ ҳамда иноқлар бўлиб, улар қабила бошлиқларидан тайинланган.

Хон саройида ясовуллар - хонларни кутиб олиш, уларга жой тайёрлаб бериш билан шугулланувчилар, хазиначилар, мингбошилар, юзбошилар ва бошқа амалдорлар бўлган.

Жойларда ҳокимият маҳаллий оқсоқоллар қўлида бўлган. Қишлоқ жойларида давлат ишларини бажариш ер эгалари зиммасига юклаб қўйилган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Хева хонлигига қушбегининг мавқеи ошган. У бевосита хоннинг ўзидан фармойиш олар, хонликнинг жанубий қисмидаги бутун ўтроқ аҳолини бошқарар эди. Қушбегидан кейинги мансабдор меҳтар бўлиб, унга хонликнинг шимолий қисмидаги ўтроқ аҳоли бўйсунган. Бу даврга келиб иноқ унвони ўз аҳамиятини йўқоттан.

Хонлик маҳаллий вилоятларга бўлинниб, уларни бошқариш ҳокимлар, баъзан эса қозиларга юклатиладиган бўлган. Шаҳарлар ҳокимлар ва уларнинг ёрдамчилари-юзбоши ва оқсоқоллар томонидан бошқарилган. Қишлоқларда ҳокимият оқсоқоллар қўлида бўлган.

Туркманлар, қозоқлар ва қорақалпоқлар ўз уруг ва қабилаларининг оқсоқоллари, яъни туркманларда бек ва вакил, қозоқларда ва қорақалпоқларда эса бийлар томонидан бошқарилган. Бир неча бийлар оталиққа бўйсунган. Оталиқлар эса беклар бегига бўйсунган.

1710 йилда Минглар сулоласи вакили Шоҳруҳбий Чодак (Чуст шаҳридан 40 км шарқда) хўжалар ҳокимиятини ағдариб ташлаб дастлаб Фаргона водийсида Бухоро амирлигидан мус-

тақи尔 кичик бир давлатта - Қўқон хонлигига асос солган. Кейинчалик бу давлатнинг худуди Хўжанд, Марғилон, Андижон, Тошкент, Чимкент, Сайрам, Туркистон шаҳарлари, Олой тогининг Жанубий этакларидағи Қоратегин, Дарвоз, Шутнон, Рўшон ва Вохон бекликларининг бўйсундирилиши эвазига кенгайтирилган.

Норбўтабой ўғли Олимхон ҳукмронлиги даврида (1800-1809 йиларда) маҳаллий тарқоқликка барҳам беришга қаратиаган тадбирлар ўтказилган, ҳарбий ислоҳотлар натижасида Қўқон хонлигининг құдрати бирмунча ошган. Лекин Қўқон хонлиги кучли марказлашган давлат даражасига күтарила олмаган. Бунинг сабаблари ички давлатларнинг хонликка қилиб турган тинимсиз ҳужумлари бўлган.

Қўқон хонлиги бошқариш шаклига кўра монархия (якка ҳокимлик) бўлиб, олий ҳокимиият хон қўлида тўпланган. Лекин унинг ҳокимиияти Қўқон шахри ва унинг атрофи доирасидагина куча эга бўлган. Хонликнинг қолган қисмлари (беклик ва шаҳарлар) мустақил бўлган қушбегилар ёки ҳокимлар томонидан бошқарилган. Хоннинг уларга таъсири унчалик кучли бўлмаган.

Хон саройига мингбоши - бош вазир, отабек - ҳарбий қўшин қўмандони, дастурхончи - ҳазина бошлиғи, рисолачи - бош котиб, қозикалон - олий судья ва бошқа лавозимдаги мансабдорлар бўлган.

Хева ва Бухоро хонликларидан фарқли равишда Қўқон хонлигининг доимий ҳарбий қўшини йўқ бўлиб, хоннинг шахсий қўриқчилари бўлган холос. Фақат уруш вақтларидағина хонлиқда ҳалқ лашкари тузилган. Ҳар бир қушбеги ёки ҳоким хоннинг фармойишига биноан маълум қўшин билан ягона қўмандонлик остида бошқалар билан бирлашиб жанг олиб борган. Суд ҳокимиияти бу ерда ҳам қозилар қўлида бўлган.

Қўқон хонлиги - маъмурий-ҳукуқий жиҳатдан 15 вилоятта бўлинган, вилоятлар хон томонидан тайинланадиган беклар, Тошкент шахри эса беклар begi унвонига эга бўлган ҳоким томонидан идора этилган. Хонликдаги кўчманччи аҳоли яшайдиган ҳудудлар бийлар томонидан бошқарилар эди.

Хонликнинг ўтроқ аҳоли истиқомат қиласидан ҳудудларида шариат қонунлари, кўчманчилар - қозоқлар ва қирғизлар яшайдиган жойларда одат ҳукуқи нормалари ҳукуқнинг манбалари сифатида амал қилган.

**А) Ўзбекистонда мустамлака давлат, қонунчилик ва ҳуқуқий маданият.** Чор Россиясининг Марказий Осиёни босиб олиши ва унинг сиёсий-ҳуқуқий оқибатлари XIX асрнинг 60-йилларидан эътиборан Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихида янги даврни бошлаб берди. Бу Марказий Осиёning жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг чор Россияси томонидан босиб олиниши билан боғлиқ юз берган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ. XIX асрнинг иккинчи ярми бошларида чор Россияси босқинчилик сиёсатини амалга оширувчи кучларининг дастлабки бўлинмалари Марказий Осиё сарҳадларига ҳам етиб келдилар. Чор қўшинлари бирин-кетин Оқмачит (ҳозирги Қизилурда), Тўтмоқ, Пишпек, Авлиёота (Жамбул), Туркистон ва Чимкентни босиб олди. Босиб олинган ҳудудларда 1865 йилда Туркистон вилояти ташкил қилинди. Кейинчалик вилоятнинг ҳудуди Тошкент, Ниёзбек, Хўжанд, Ўратепа, Жиззах қалъаларини босиб олиш эвазига кенгайтирилган. 1867 йилнинг 11 июлида бу ерда Туркистон генерал-губернаторлиги, 14 июлида эса Туркистон ҳарбий округи ташкил этилган. Губернаторликнинг маркази қилиб Тошкент шаҳри белгиланган. Дастроб губернаторлик маркази Тошкент шаҳри бўлган Сирдарё ва маркази Верний (Олмаота) шаҳрида жойлашган Еттисув вилоятларига бўлинган. Кейинчалик губернаторлик ҳудуди янада кенгайтирилган ва унинг таркибида янги вилоятлар ташкил этилган.

Босқинчилик ҳаракатларини давом эттирган чор қўшинлари 1868 йилнинг 1-2 майида Самарқандни, 18 майида Каттақўргонни, Зирабулоқни ишғол қилганлар. 1868 йилнинг 23 июнида Зарафшон округи ташкил этилди. 1868 йилнинг 23 июлида Бухоро амирлиги билан Россия империяси ўртасида сулҳ шартномаси имзоланган. Мазкур шартномада Бухоро амирлигининг Россия васаллигини тан олиши, унга 500 минг сўм уруш товонини тўлаши, Самарқанд ва Каттақўргон вилоятларини Россияга бериши, чет давлатлар билан мустақил сиёсий алоқа ўрнатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши кўрсатилган.

Чор қўшинлари 1870 йилнинг 13 августида Шаҳрисабз, 14 августида Китоб, 23 ноябрда Қизил Арвот 1873 йилнинг 23 майида Ҳазорасп, 29 майида Хева, 13 июлида Чандир қалъаларини эгаллаганлар. 1873 йилнинг 12 августида Россия империяси билан Хева хонлиги ўртасида тузилган сулҳ шарт-

номасига кўра Хева хонлиги Россиянинг вассалига айланган, у мустақил ташқи сиёсий алоқалар ўрнатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ва Россияга 2 миллион 200 минг сўм уруш товони тўлаш мажбуриятини олган. Амударёнинг ўнг қирғогида хонлик пойтахтига яқин жойда Петр-Александровский қўргони (ҳозирги Тўрткўй) ташкил этилиб, у Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилган.

Бунинг билан ҳам чор қўшинларининг босқинчилик хурружлари тутамаган, аксинча, яна давом эттирилган. 1875 йилнинг 29 августида Кўқон, 8 сентябрдида Марғилон, 1 октябрдида Андижон, 24 октябрдида Намангандан чор қўшинлари томонидан босиб олинган. 1876 йилнинг 19 февраляда Кўқон хонлиги туғатилиб, унинг ўринида Фарғона вилояти ташкил этилган ва у Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилган. Шундан сўнг чор қўшинлари 1881 йил 31 январда Марв, 1885 йил 18 марта Кушка, 1892 йилда Помирни босиб олганлар.

Шундай қилиб, чор қўшинлари томонидан 40 йил давомида олиб борилган босқинчилик юришлари туфайли Марказий Осиёда Россия салтанатининг ҳукмронлиги ўрнатилиб, бу ердаги Кўқон хонлиги умуман туғатилган. Бухоро амирлиги ва Хева хонлигининг давлат мустақиллигига эса барҳам берилган.

Чор Россиясининг Марказий Осиёда, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида олиб борган сиёсати узоқ йиллар давомида ҳар томонлама пухта ўйланган, режалаштирилган ўлканинг битмас-тутанмас моддий ва маданий заҳираларини шафқатсиз талаш, унинг меҳнати эвазига мустамлакачиларнинг бойишини таъминлашни мақсад қилиб қўйган босқинчилик сиёсати бўлган. Лекин бу сиёсатни амалга ошириш осонликча бўлмаган. Марказий Осиёда халқлари чор қўшинлари босқинчилик юришларини бошлаган дастлабки дақиқаларданоқ ўз юртини душмандан ҳимоя қилиш, унинг мустақиллигини сақлаб қолиш учун жон жаҳди билан курашганлар, ҳар бир қалъя, қишлоқ, ҳар бир қарич ер учун жон олиб жон берганлар. Шунга қарамасдан қуролланиш жиҳатидан устун бўлган чор қўшинлари Марказий Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларини ва уларнинг ҳимоячиларини ҳамда тинч аҳолини шафқатсиз қирғанлар, тарихий обидаларни бузиб ташлаганлар, маҳаллий халқларнинг асрлар давомида яратилган бебаҳо маданий меросини - қадимий камёб қўлёзма китобларни, қимматбаҳо буюмларни, хонликлар ҳужжатларини талон - торож қилганлар. Чор

хукумати Марказий Осиёда руслаштириш сиёсатини олиб борган. Ўлкадаги туб аҳолини абадий қулликда сақлаб қолиш мақсадида дәхқонларга тегишли серунум ерларни тортиб олиб күчириб келтирилгандарга бўлиб берган. Маҳаллий дәхқонлар эса сувсиз чўл, қир-адирларга кўчирилган. Уларнинг бир қисми чорикорлик ва мардикорлиқдек таҳқирга маҳкум этилган.

Чор хукуматининг пухта ўйланиб, аниқ режа асосида изчиллик билан олиб борган мустамлакачилик сиёсати туфайли Марказий Осиё Россиянинг хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланган. Мустамлакачилар дастлабки даврлардаёқ ўлкадаги олтин, нефть, кўмир ва бошқа ер ости қазимла бойликларини қидириб топиш ишларини қиздириб юборгандар. Марказий Осиё тилласи, пахтаси, қоракўли, пилласи, турли хил куруқ ва ҳўл мевалари Россия саноатининг хом ашёсига айланган. Бу ердан олиб чиқиб кетиладиган хом ашёнинг салмоги йилдан-йилга ошиб борган.

Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши ва бу ерда мустамлакачилик тартибларининг жорий қилиниши меҳнаткашларнинг nochор турмушини янада ёмонлашувига олиб келган.

Айниқса, аҳолидан олинадиган солиқларнинг йилдан-йилга ошиб бориши меҳнаткашлар аҳволини янада қийинлаштирган. Мустамлакачилар маҳаллий аҳолининг маънавиятини таҳқирлаш, тарихий, маданий, аҳлоқий анъаналарни менсимаслик, чеклаш, ўлкадаги миллий мактаблар ва мадрасаларни қисқартириш, хуллас, мусулмонларни маънавий қулликда тутиш учун бутун чораларни кўрганлар. Маҳаллий халқлар оддий инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилганлар. Жумладан, уларнинг миллий ва диний қадриятлари, ҳис-туйғулари, урф-одатлари таҳқирланган. Асрлар давомида урф бўлган закот олиш бекор қилинган, даромаддан маҳрум қилинган, Маккага ҳажга бориш тақиқланган.

Мустамлакачилик мақсадларидан келиб чиқиб чор хукумати Марказий Осиё халқларининг сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида ҳам катта ўзгаришларни амалга оширган. Лекин бу жараёнлар ўз мазмуни нуқтаи назаридан Марказий Осиёнинг уч минтақасида бир хилда бўлмаган. Чунончи, Туркистон ўлкасида том маънодаги мустамлакачилик тартиблари жорий қилинган бўлса, Бухоро амирлиги ва Хева хонлигига ярим мустамлакачилик тартиблари ўрнатилган. Шу боис уларнинг сиё-

сий-хуқуқий тузумида бир қатор фарқлар бўлган. Мана шу тафовутларнинг мавжудлигидан Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хева хонлигидаги давлат ва ҳуқуқ тузумининг ўзига хос хусусиятларини алоҳида қўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Туркистонда мустамлака ва бошқарув идоралари ва ҳуқуқ тизимининг шаклланиши босқичма-босқич амалга оширилган. Туркистон вилоятини бошқариш, ҳудудда чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш жараёнида шаклланган муносабатларни тартибга солишининг ҳуқуқий замини сифатида 1865 йилнинг 6 августида Россия императори томонидан тасдиқланган "Туркистон вилоятини бошқариш ҳақидаги Муваққат низом" хизмат қилган. "Муваққат низом"га биноан вилоядага ҳарбий-халқ бошқарувини амалга ошириш ваколати ҳарбий губернаторга берилган бўлиб, у ўз ваколатини ёрдамчилари ва девонга таянган ҳолда амалга оширган эди. Бу даврда чор маъмурларига ўлкани муҳофаза қилиш учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлаш; маҳаллий маъмурлар фаолиятини назорат қилиш вазифаси юклатилган. Вилоят таркибидағи Казалинский, Перовский, Туркестон, Чимкент, Авлиёта ва Тўқмоқ уездлари бошлиқлари жойлардаги ҳокимиятни амалга оширади. Улар вилоят ҳарбий-халқ бошқармасига бўйсунардилар. Маҳаллий маъмурларга ўзлари бошқараётган ҳудудлардан ўтадиган карвонлар хавфсизлигини таъминлаш; ўрмонларни муҳофаза қилиш чораларини кўриш; сугориш иншоотларини яроқли ҳолатда сақлаш, қирғизлар ва ўзбекларнинг сувдан фойдаланишларига боғлиқ бўлган низоларни бартараф қилиш; солиқлар йиғишни ташкил қилиш; юқори бошлиқлар кўрсатмаларининг ўз вақтида тўғри бажарилишини назорат этиш; солиқлар ва мажбуриятлар миқдори ва тақсимланиши билан боғлиқ аҳолининг норозиликлари ва шикоятларини юқори бошлиқларга етказиш; судда ишларнинг тўғри кўрилишини кузатиш каби ваколатлар берилган эди.

1867 йилдаги "Низом" лойиҳасида Туркистон ўлкасида суд ҳокимиятини амалга ошириш масаласи ҳам ўз аксини топган. Унда кўчманчи, ўтрок ва рус аҳоли учун алоҳида-алоҳида суд органлари ташкил қилиш кўзда тутилган. Лойиҳада кўчманчи аҳоли учун ҳар бир бўлисда 4-8 нафарча бийлар сайлаш кўзда тутилган бўлиб, бу лавозимга 25 ёшга тўлган, муққадам судланмаган, тергов қилинмаётган киши аҳоли томонидан З йил муд-

датта сайланиши мумкин бўлган. "Низом" лойҳасида бийлар З турга бўлинади: 1) 100 сўмгача (5 от ёки 50 қўй) қийматта эга бўлган ишларни кўрувчи, даъволашувчи тарафлар томонидан танланадиган битта ёки бир неча бийлар; 2) қиймати қанчалигидан қатъи назар барча ишларни кўрадиган, лекин 1000 сўмгача даъволарни кўриб узил-кесил ҳал қиласдиган вақти-вақти билан чақириладиган бўлис бийлари қурултойи; 3) бўлисдаги ёки бўлислараро барча ишларни уезд бошлиги иштирокида кўриб ҳал қиласдиган бийлар қурултойи.

"Низом" лойҳасига биноан ўтроқ аҳолига қозиларни сайлаш ҳуқуқи берилган. Ҳар бир ҳудуд қозиси якка ўзи қиймати 100 сўмгача бўлган ишларни кўриб ҳал қилган. Қиймати 100 сўмдан ортиқ бўлган ишлар уезд бошлиги назорати остида қозилар қурултойида кўрилиб ҳал қилинган.

Россия фуқаролигига таалуқи, руслар билан маҳаллий аҳоли вакиллари ўртасидаги, кўчманчи ва ўтроқ аҳоли вакиллари ўртасидаги (агар манфаатдор рус судига мурожаат қиласалар) ишларни салтанат қонунларига биноан кўриб ҳал қиласдиган рус судлари ташкил этилган. Уларнинг уч тури бўлган.

1. Уезд судлари. Уларга мансабдан четлатиш, хизмат юзасидан ҳуқуқ ва бурчларни амалга ошириш, мансабдорлардан жарима ундириш билан боғлиқ маъмурий ишларни кўриб ҳал қилиш; мулк ҳуқуқидан маҳрум этиш ёки уни чеклаш жазоси қўлланиши мумкин бўлган жиноий ишларни кўриб ҳукм чиқариш; қиймати 2000 сўмгача бўлган даъволар ва низоларни судда кўриш учун қабул қилиш, 100 сўмгача қийматта эга фуқаролик ишларини кўриб, узил-кесил ҳал этиш, суд терговини амалга ошириш ваколатлари берилган. Уезд судъялари генерал-губернатор томонидан лавозимга тайинланар ва ундан озод қилинарди. Судъяларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, зарур бўлганда уларни интизомий жавобгарликка тортиш ваколатлари вилоят бошқармаларига берилган.

2. Ҳарбий-суд комиссиялари. Улар ҳарбий-жиноят тузугида кўрсатилган Ватанга хиёнат қилиш, кишиларда ҳукуматта қаршилик кўрсатиш ҳиссини ўйготиш, давлат транспортига ҳужум қилиш, телеграфни бузиш, христианларни, христианликни қабул қилишни истовчи кишиларни ва мансабдор шахсларни ўлдириш каби жиноий ишларни кўриб ҳукм чиқарган.

3. Вилоят бошқармалари. Улар уезд судлари ваколатига та-аллуқыл бўлмаган фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш; 1864 йилдаги "Суд тузуклари" га биноан уезд судъялари қарорлари бўйича ариза ва хусусий шикоятларни кўриб тегишли қарор чиқариш; умумий қарорлар ва 1865 йил 11 октябрда император томонидан тасдиқланган "Қоидалар" асосида ҳарбий ҳалқ бошқаруви мансабдор шахсларнинг жиноий ишларини, талончилик, босқинчлилк, бирорларнинг ерларига ҳужум қилиш, ўт қўйиш йўли билан мулкка зарар етказиш, ҳокимиятта очиқданочик қаршилик кўрсатиш, сохта пул ясаш ва уни муомалага киритиш, давлат мулкини ўғирлаш, давлат бошқаруви тузуги қоидаларини бузиш, туб аҳолидан чиқсан мансабдорларнинг жиноятларини кўриб ҳукм чиқаргандар.

Туркистон ўлкасида Россия салтанати фуқаролари нуфузининг тобора ўсиб бориши уларнинг манфаатлари билан боғлиқ ишларни кўрадиган суд идораларида айрим ўзгаришлар қилишини тақозо этган. Жумладан, айрим туманларда судда иш кўриш ва тергов ишларини бир кишига юклатиш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилиб, бу ишлар алоҳида шахсларга юклатилган. Айрим уездларда (масалан, Вернийда - ҳозирги Олмаотада) рус фуқаролари ишини кўрадиган судъялар сони кўпайтирилган.

Туркистон ўлкасида савдо-сотиқнинг ривожланиши билан боғлиқ тузилган шартномалар нотариал гувоҳлантириш эҳтиёжини ҳисобга олиб, генерал-губернатор Кауфманнинг 1880 йил 1 майдан эътиборан "Нотариал қисм ҳақидаги Низом" и кучга киритилди. "Низомга" биноан Тошкент ва Верний шаҳарларида нотариал идоралар ташкил этилган. Бошқа шаҳарларда эса нотариуслик вазифаси туман судъяларига, катта нотариуслик вазифаси эса вилоят бошқармалари суд бўлими бошлиқлари заммасига юклатилган.

Шуни алоҳида қайд қилиш жоиздирки, Туркистон ўлкасида вилоятларни бошқариш, уларда суд ва полиция ҳокимиятини амалга оширишда ягона тартиб йўқ эди. Бунинг асосий сабаби ўлканинг турли минтақаларида ҳокимиятни амалга ошириш турли норматив-ҳукуқий ҳужжатларга асосланганлиги дадир. Сирдарё ва Еттисув вилоятлари бошқарув ҳақидаги 1867 йилги "Низом" лойиҳаси асосида, Зарафшон округи генерал-губернатор Кауфман томонидан 1868 йилда тасдиқланган "Вақтингчалик низом", Фарғона вилояти 1870 йилда Кауфман

томонидан таклиф этилган "Низом" лойиҳаси, Амударё бўлими 1870 йилда Туркистон генерал-губернатори тасдиқлаган "Муваққат қоидалар"га биноан бошқарилган.

Россия империяси томонидан Марказий Осиёнинг босиб олиниши, Туркистон ўлкасидағи том маънодаги мустамлакачилик тартиблари ҳукуқ тизимида ҳам бир қатор жиддий ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлган. Туркистон ўлкасида чор ҳукумати ва унинг ўлқадаги вакили генерал-губернатор томонидан тасдиқланган норматив-ҳукуқий ҳужжатлар жорий қилинган. Улар орасида энг муҳимлари "Туркистон вилоятини бошқариш ҳақидаги Муваққат низом" (1965й. 6 август) "Еттисув ва Сирдарё вилоятларидағи бошқарув ҳақидаги Низом" лойиҳаси (1867), "Зарафшон округини бошқариш ҳақидаги "Муваққат Низом" (1868), "Фарғона вилоятини бошқариш ҳақидаги Низом" лойиҳаси (1873), "Амударё бўлимини бошқариш ҳақидаги "Муваққат қоидалар" (1874), "Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом" (1886 й. 12 июнь) "Туркистон ўлкасининг қишлоқ мансабдор шахсларининг ҳукуқлари, бурчлари ва ваколат доиралари ҳақидаги йўриқнома" (1888 й. 17 сентябрь) "Туркистон ўлкасидағи суғориш ишларини бошқарувчи мансабдорлар, уезд бошлиқлари, ариқ оқсоқоллари ва миробларнинг ҳукуқ ва бурчлари ҳақидаги йўриқнома" (1888 й. 2 август), "Жиноявларни аниқлаш ва уларни содир қилганларни қидириб топиш бўйича Туркистон генерал-губернаторлигининг полиция хизматларига йўриқнома" (1892), "Халқ судъяларига йўриқнома" (1892 й. 1 декабрь) ва бошқалар бўлган.

Бу норматив ҳукуқий ҳужжатларда Туркистон ўлкасининг маъмурий-ҳукуқий тузилиши; мустамлака бошқарув идораларини ташкил қилиш тартиби ва уларнинг таркибий қисмлари; мансабдор шахсларни вазифасига тайинлаш ва ундан озод қилиш тартиби, уларнинг ваколатлари ва маҳаллий аҳоли билан ўзаро муносабатлари; аҳолидан ундириладиган солиқларнинг турлари ва миқдори, суд идораларини ташкил қилиш, судда иш юритиш тартиби, маъмурий ҳукуқбузарлик ва жиноий хатти-ҳаракатларни содир қилганлик учун жавобгарлик, жазо тайинлаш ва унинг ижросини таъминлаш; суднинг қарор ва ҳукмлари, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ва уни кўриб чиқиш тартиби; жойларда жамоат интизомини ва осойишталиктни таъми-

нлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятчиларни қидириб топиш; жиноий ишлар бўйича суриштирув, тергов ҳаракатларини амалга ошириш бўйича полиция хизматлари нинг вазифалари ва ваколатлари; ўлқадаги Россия империяси фуқароларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг мулклари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш; ўлқанинг табиий бойликларини қазиб олиш, уларни салтанат марказий шаҳарларига олиб кетиш, қайта ишлаш, рус товарларини бу ерда пуллаш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи қоидалар ўз аксини топган.

Туркистон ўлкасида чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга бевосита алоқадор бўлмаган маҳаллий аҳоли ўртасидаги мулқдан фойдаланиш, унга эгалик қилиш, уни тасарруф қилиш, олиш-сотиш, ижарага бериш, ҳадя этиш, оила ва никоҳ, васийлик ва хомийлик, мерос, мажбуриятлар ва ҳамкорлик билан боғлиқ муносабатларни шариат ва одат қоидаларига кўра тартибга киритишга ижозат берилган.

Россия империяси билан Бухоро амирлиги ўртасида имзоланган 1868 йилнинг 2 июлидаги "сулҳ" ва 1873 йилнинг 28 сентябридаги "дўстлик" ҳақидаги шартномаларга биноан Бухоро амирлигининг давлат мустақиллиги чекланган, у Россиянинг вассалига айланган, чет мамлакатлар билан тўғридан-тўғри сиёсий алоқалар ўрнатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Лекин, Бухоро амирлигининг давлат тузуми деярли ўзгаришсиз сақланиб қолган. Бундан чор ҳукуматининг кўзда туттан гаразли мақсади Бухоро ҳукуматига ички сиёсат соҳасида тўла мустақиллик бериш эмас, балки катта маблаг ёки меҳнат сарф қилмасдан унга тегишли таъсир этиш воситалари орқали мамлакатни бошқаришни амалга ошириш эди.

Дастлабки даврда бундай таъсир кўрсатиш вазифасини бевосита Туркистон генерал-губернатори бажарган бўлса, кейинчалик мазкур вазифа маҳсус идорага юклатиљи. 1886 йилда Бухорода Россия империясининг сиёсий маҳкамаси таъсис этилди. Сиёсий маҳкаманинг асосий вазифалари 1873 йил 18сентябрда имзоланган "дўстлик" ҳақидаги шартноманинг бандларига амал қилинишини кузатиш, кўшни давлатларга транзит тартибида жўнатиладиган рус молларидан солик олинишига йўл қўймаслик, маҳаллий маъмурний шартноманинг бандларига хилоф ҳолда бож олинган тақдирда нотўғри ундирилган пулларни эгаларига қайтариш чораларини кўриш; бек-

лар, амалдорлар ва закотчилар томонидан рус товарларидан ноқонуний равища турли йигимлар ундирилишига йўл қўймаслик, амирлик ҳудудига келтириладиган рус товарларига Бухоро маъмурлари ўз билганинича баҳо белгилашларига имкон бермаслик, савдо божларини рус савдогарлари ва фирмаларидан улар тақдим қилган ҳужжатларга биноан тўғри ундирилишини кузатиб бориш; Бухоро савдогарларининг рус фабрикаларидан ва улгуржи мол сотувчи савдогарлардан маълум муддатда пулни тўлаш шарти билан насияга сотиб олган моллари бадалига тўлайдиган пулларини ўз вақтида тўланишини назорат қилиш ва таъминлаш чораларини кўриш; бунинг учун рус фуқаролари қўлидаги векселлар юзасидан пулларнинг ундирилишини таъминламоқ учун амир хуккматини қўлидан келган ҳамма чораларни кўришга мажбур этиш, амирлик ҳудудида доимий яшаёттан ёки вақтинча истиқомат қилаёттан рус фуқаролари ўртасида келиб чиқсан жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш ва бошқалар эди.

Сиёсий маҳкамама амириқдаги рус фуқароларига нисбатан ҳам маъмурий ҳукуқларга эга бўлиб, у мазкур ваколатни Янги Бухоро (ҳозирги Когон) шаҳри бошлиги, Чоржўй, Термиз ва Карки шаҳарларидағи ҳарбий бошлиқлар орқали амалга оширади. Энг асосийси, сиёсий маҳкамама Бухоро амири ва унинг ҳукумати фаолияти устидан бевосита назоратни амалга ошириш ваколатига эга эди.

Бухоро амири расман давлат бошлиги бўлиб, у сиёсий маҳкамама томонидан берилган кўрсатмаларни кўп сонли амалдорлари орқали амалга оширади. Булар сарой хизматчилари ва маъмурий бошқарув маҳкамасидаги амалдорлардан иборат эди. Сарой хизматчилари: удайчилар (икки киши) - амирга ахборот берib турувчилар, Петербургдаги Бухоро элчихонасига ва Туркистон генерал-губернаторларига тааллуқли бўлган масалалар юзасидан амирнинг топшириқларини бажарувчилар: шиговул - амирнинг шахсий адъютанти; миরза-мунши- амирнинг шахсий котиби, мириза-мушрифлар - иккинчи даражали шахсий котиблар, амир қабулхонаси бошлиги, девонбеги-сарой кишим-чиқим ва хўжалик ишлари бошлиги; мираббоши - полиция бошлиги; рус тили таржимонлари ва бошқалар эди. Мазкур мансабдорлар бевосита амир томонидан вазифасига тайланар ва ундан озод қилинарди.

Бухоро амирлигининг маъмурий-бошқарув маҳкамаси тўрт марказий бошқармага тақсимланган эди. Булар маъмурий ижро, молия-солик, дин-суд ишлари, назорат-қидиров бошқармалари эди.

Маъмурий-ижро бошқармасига қушбеги бошчилик қиларди. Қушбекига кенг ваколатлар берилган бўлиб, у молия ишларига умумий раҳбарлик қилар, бу соҳа хизматчилари фаолияти устидан назоратни амалга оширап, Бухоро шаҳрини бошқарар, беклар ва амалдорларга раҳбарлик ва улар фаолиятини назорат қиласади. Қушбекига ҳузурида маҳсус девон бўлиб, унда Россиянинг Бухородаги сиёсий муносими билан алоқа қилувчи таржимон; иш юритувчи мирзалар, қушбекининг биринчи ва иккинчи ёрдамчилари; миршаббоши - Бухоро шаҳри полициясининг бошлиги: девонбеки-хўжалик ишлари бошлиги; фаррошбоши - ошхона бошлиги; тўпчибоши - турма бошлиги; аминоначилар-бозорларда чорва моллари ва озиқ-овқат сотишиндан ундириладиган бозор ҳақини йигувчилар; амалгирлар - бозорларда савдо-сотиқни назорат қиласади; қушбекининг шахсий хизматчилари, 500 нафаргача навкарлар ва бошқалар хизмат қиласади. Бу амалдорлар ва хизматчиларни мансабга тайинлаш ва ундан озод қилиш қушбекига томонидан амалга оширилар эди.

Молия-солик бошқармасига амир томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод қилинадиган девонбеки бошчилик қиларди. У солик йигиши ва хазинани бошқаришга раҳбарлик қилар эди. Девонбеки мирзалар - иш юритувчилар; закотчилар-чорва моллари ва бошқа мулклардан олинган даромадларнинг кирқдан бири миқдорида солик ундирувчилар; девонбекининг шахсий хизматчилари, 333 нафаргача навкарлар ва бошқалар бўйсунарди. Улар девонбеки томонидан лавозимга тайинланар ва ундан озод қилинарди.

Дин ва суд ишлари бошқармасига амир томонидан лавозимга тайинланадиган ва ундан озод қилинадиган қозикалон бошчилик қиларди. Қозикалонга суд ва нотариал ишлари, руҳонийларни ва ўкув юртларини бошқариш вазифаси юклатилган бўлиб, мирзалар, иш юритувчилар, қозилар, мулла азимлар тергов ишлари бўйича қозиларнинг вакиллари, мирохўрбоши сарой отбоқарлари бошлиги, маҳрамлар, шахсий хизматчилар ва бошқалар бўйсунарди. Бу мансабдорлар қозикалон томонидан вазифасига тайинланарди ва ундан озод қилинарди.

Назорат-қидирув бошқармасига қозикалонга бўсунувчи бош раис бошчилик қиласарди. У қонунларнинг бажарилишини, ахлоқий софликнинг таъминланишини, динни муҳофаза қилиш ишларини, бозорларда тарозилар ва бошқа ўлчов воситаларини назорат қилиш билан шугулланарди. Бош раис ҳузурида мирзалар, иш юритувчилар, раислар, маҳрамлар, шахсий хизматчилар ва бошқалардан иборат маҳкама бўлиб, ундаги барча мансабдорлар бош раис томонидан вазифага тийинланар ва озод қилинарди. Кейин бош раис бу ҳақда қозокалонни ва аминни хабардор қиласарди.

Бухоро амиргири маъмурий-худудий жиҳатдан 28 беклика, бекликлар амлоқдорликларга бўлинган эди. Уларни қушбеги тақдимига биноан амир томонидан вазифасига тайинланадиган беклар ва амлоқдорлар бошқарарди. Беклар ва амлоқдорлар ўз маъмурий худудий бўлинмаларини бошқарар, солиқлар йигишга раҳбарлик қиласар, жиноятчиларни қидириш, жойларда тартиб-интизом ва осойшталиқни сақлаш ишларига раҳбарлик қиласарди. Уларнинг ҳузурида кўп сонли амалдор ва хизматчилар бор бер эди.

Амлоқликлар қишлоқларга тақсимланган бўлиб, улар бек ёки амлоқдор томонидан вазифасига тайинланадиган ва ундан озод қилинадиган оқсоқоллар томонидан бошқариларди.

Бухоро амиргирида олий суд ҳокимияти амирнинг қўлида тўплангандан бўлиб, у ҳар қандай иш бўйича узил-кесил қарор чиқаради. Амир ўлим жазоси тайинланадиган, ўғрилик, босқинчлиқ билан шугулланувчи гуруҳлар бошлиқлари, қушбеги, девонбеки, закотчикалон, беклар, доимий қўшин бошлиқлари томонидан содир қилинган жиноят ишларини кўриб ҳукм чиқаради. Судлов соҳасида амидран кейин иккинчи ўринда қозикалон турарди. У қозиларга тегишили бўлмаган жиноятлар ва фуқаролик ишларини, Туркистон ўлкаси ва амирилик аҳолиси ўртасида мерос тақсимлаш, даъвони қондиришга доир ишларни, Бухоро шаҳрида содир этилган жиноят ишларини кўриб ҳал қиласарди. Қозикалон қошида катта муфтий ва 12 нафар муфтийдан иборат девон бўлиб, у алоҳида масалалар бўйича шариат қонунларига асосланиб фатволар чиқариш билан шугулланарди.

Жойларда суд ҳокимиятини амалга ошириш қозиларга юклатилган бўлиб, амириқда қозиларнинг уч тури: оддий қозилар, бош ёки катта қозилар ва қози-асқар ёки ҳарбий

қозилар бор эди. Қозилар асосан 500 тилмадан юқори бўлмаган фуқаролик ишларини кўриб ҳал қиласардилар, ер ва мерос масалали билан боғлиқ хужжатларни расмийлаштиришда нотариуслик вазифасини бажаардилар, текшириш ўтказиш ёки мулкнинг қийматини аниқлаш мақсадида жойларга ўз вакили мулла-азимни юборардилар. Улар беклар ёки амлоқдорлар томонидан олиб борилаётган тергов ишларида ўз вакили орқали иштирок этардилар, алоҳида мураккаб ишларда, бек ёки амлоқдор томонидан кўрилаётган жиноят ишларида бевосита ўзлари қатнашар эдилар. Бош ёки катта қози ҳар вилоятда бўлиб оддий қозилар томонидан кўрилган ишлар бўйича шикоятларга биноан ишни қайта кўриб чиқиши, дастлабки қарорни кучда қолдириш ёки уни ўзгартириб янги қарор қабул қилиши мумкин эди. Қози-аскар ҳарбий хизматчилар томонидан содир қилинган жиноятлар ва уларга алоқадор бўлган фуқаролик ишларини кўриб ҳал қиласарди. Бундан ташқари, Бухоро амирлигида руҳонийлар табақаси вакиллари - сайдлар, хўжалар, эшонлар, уламолар билан боғлиқ бўлган ишлар шайхулислом томонидан кўрилиб, ҳал қилинарди.

Бухоро амирлигида суд ҳокмиятини амалга оширишда маҳаллий ҳокимият бошлиқлари - беклар, амлоқдорлар ва бошқа раислар иштирок этар эдилар. Беклар ўғирлик, талончилик, босқинчилик, оғир тан жароҳати етказиш, одам ўлдириш, ҳокимиятта қаршилик кўрсатиш каби жиноятлар бўйича ишларни кўриб ҳукм чиқарар эдилар. Ўғрилиқдан бошқа оғир жиноятлар ҳақида беклар албатта амирни хабардор қилишлари шарт эди. Гувоҳларни судга келтириш даъвогарнинг зиммасига юклатилган. Гувоҳ сифатида ақлирасо, 15 ёшга тўлган эркак, 9 ёшга тўлган хотин-қиз мусулмонлар қатнашиши мумкин эди. Судда ишни кўришда гувоҳларнинг кўрсатувлари, қасам ичиш далил сифатида тан олинарди.

Бухоро амирлигида жиноятчиларга нисбатан пул жаримаси ундириш, тан жазоси бериш (таёқ билан уриш), маълум муддатта озодликдан маҳрум қилиш, умрбод турмада қамаш, қарзи учун асоратта солиш, ўлим жазолари қўлланиларди.

Бухоро шаҳрида жамоат тартибини кўриқлаш, осойиталикни таъминлаш, қамоқ жойларида тартиб-интизомни ўрнатиш маҳкумларни итоатда сақлаш вазифаси миршабларга юклатилган бўлиб, шаҳар икки қисмга, уларнинг ҳар бири олтитадан миршаблик ҳудудларига бўлингган эди. Ҳар бир ҳудудга ўнбоши

бошчилик қиласы. Ҳар бир ўнбошига юзтаса шабгард бўйсунарди. Бекликларда ва амдоқдорликларда миршаблик вазифаси ясовулбошига юклатилган бўлиб, унга бир неча ёрдамчилар ва 10-20 навкарлар бўйсунарди.

Бухоро амирлиги Россия салтанатининг вассалига айланганидан сўнг унинг ҳуқуқ тизимида кескин ўзгаришлар юз бермади. Аввалги даврларда бўлгани каби амирликнинг ўтрок аҳоли яшайдиган ҳудудларида ижтимоий муносабатларни асосий тартибга солувчи восита сифатида шариат қонунлари амал қилди. Кўчманчи аҳоли кўплаб истиқомат қиласидиган Хева хонлигининг давлат мустақиллиги чекланди. Ўлканинг чет қисмида эса одат ҳуқуқи қоидалари ўзгаришсиз сақданиб қолинди. Шу билан бир қаторда амирликнинг Россия империяси вассалига айланиши билан вужудга келган янги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу Бухоро амирлиги билан Россия империяси ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи 1868 йил 23 июлдаги "Сулҳ", 1873 йил 28 сентябрiddаги "Дўстлик" ҳақидаги шартномалар, амирлик ҳудудида вино ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи "Бухоро хонлигида вино ишлаб чиқариш ҳақида қоидалар" (1893 йил 15 декабрь), олтин қазиб олиш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи "Бухоро хонлигида олтин саноати ҳақидаги қарор" (1896 йил 26 феврал), спиртли ичимликлар билан савдосотик қилиш тартибини белгиловчи "Бухоро хонлигида қуввати ўтқир ичимликларни сотиш қоидалари" (1889 йил 25 июль), "Бухоро хонлигида қуввати ўтқир ичимликлар сотиш жойларини, уларнинг турлари ва миқдори ҳамда янги савдо жойларини ташкил қилиш тартибини белгилаш ҳақидаги қоидалар" ва бошқалар эди. Мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатлар амирликда чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини қонуний мустаҳкамлашга, бу ерда Россия капиталининг кириб келишига кенг йўл очишга, рус фуқароларининг, биринчи навбатда, сармоядрорларининг ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган эди.

Россия империяси билан Хева хонлиги ўртасида 1873 йил 12 августда тузилган "Сулҳ" шартномасига биноан Хева хонлиги чет давлатлар билан тўтиридан-тўгри сиёсий алоқалардан маҳрум этилди, Россиянинг вассалига айланди. Шартномага кўра, хонлик ва Россия ўртасидаги муносабатларни амалга

ошириш ва хон ҳукумати фаолиятини назорат қилиш учун 7 кишидан иборат кенгаш ташкил этилди. Кенгаш аъзолариңинг 4 нафари чор ҳукумати вакилларидан ва 3 нафари хеваликлар (хон, меҳтар ва девонбеги)дан иборат бўлиб, унинг раиси расман хон бўлсада, қабул қилган қарорлари албатта Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланиши шарт эди. Шунингдек, у кенгаш аъзоларини тайинлаш ва вазифаларидан четлатиц ваколатига ҳам эга эди.

1874 йилда Амударё округининг Амударё бўлимига айлантирилиши муносабати билан Кенгашга барҳам берилди. Амударё бўлимига Туркистон генерал-губернатори тавсиясига биноан император томонидан тайинланган ҳарбий киши бошчилик қиласидаги бўлди. Унга Россия билан Хева хонлиги ўргасидаги муносабатларни тартибга солиш ваколати берилди.

1887 йилда "Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом" кучга киритилиши муносабати билан Амударё бўлими Сирдарё вилоятининг таркибига киритилди. Бўлим бошлиги вилоят ҳарбий губернаторига бўйсунса-да, бошқа уезд бошликларига нисбатан кенгроқ ваколардан фойдаланаарди. У Амударё бўлимидағи чор қўшинларига қўмондоңлик қиласар, Россия империяси билан Хева хонлиги ўргасидаги муносабатларни бошқарар, хон ва унинг ҳукумати фаолияти устидан назоратни амалга ошираси эди.

Хева хонлигидаги давлат бошлиги расман хон бўлиб, у мамлакатни кўп сонли амалдорларга таянган ҳолда бошқарарди. Марказий бошқарув идораларидағи у ёки бу шахсни бирор мансабга тайинлаш ёки ундан озод қилиш Туркистон генерал-губернатори розилиги билан хон ёрлигига биноан амалга ошириларди. Хонлиқда хондан сўнг юқори мансабдор меҳтар бўлиб, у давлат хазинасига бошчилик қиласар, давлатнинг даромад ва ҳаражтларини ҳисобга олиш бўйича умумий раҳбарликни амалга ошираси, мамлакатнинг шимолий қисмидаги аҳолини бошқарар эди. Меҳтар бош вазир ҳисобланиб, хон пойтахтда бўлмаган вақтларида бутун мамлакатни бошқарар эди. Бошқа барча мансабдор шахслар меҳтарга бўйсунарди.

Иккинчи вазир ҳисобланувчи күшбеги мансаби жиҳатидан меҳтарга тенглаштирилсада, у пойтахтда бўлмаган вақтларда давлатни бошқариш ваколатига эга эмас эди. Күшбеги мамлакатнинг жанубий қисмидаги ўтрок аҳолини

бошқаарди, ўлпон йигишга умумий раҳбарликни амалга оширади, сугориш иншоотларини қазиш ишларига жалб этилгандарга раҳбарлик қиласы.

Хонликда учинчи юқори мансаб эгаси девонбеги бўлиб, у хон девонини бошқарар, гумрукхона (божхона) ва пул зарб қилиш ишларига раҳбарлик қиласы.

Мехтар, қушбеги ва девонбегиларнинг ҳар бири ўз маҳкамасига эга бўлиб, унда 3-4 киши хизмат қилган.

Бундан ташқари, хонликнинг марказий давлат аппаратида фуқароларнинг даъволари ва низолари билан шугулланувчи-қозикалон, ҳарбий хизматчиларнинг жиноятларини кўриб ҳал қилувчи-қозил урду ёки қозил аскар; фатволарда келтирилган шариатта тааллуқли ривоятларни текширувчи ва уларнинг аслига тўғрилигини тасдиқловчи муфтилар бошлиги-аъзам; шариат қонунлари, диний маросимларнинг аниқ бажрилишини назорат қилувчи, савдо-сотиқ қоидаларига амал қилинишини, шаҳарнинг тозалиги ва хавфсизлигини кузатувчи-раис; қамоқхоналарда назоратни амалга ошириш, хонни қўриқлаш, бутун мамлакатда тартиб-интизомни таъминлаш ишларига, кўчманчи аҳолидан тузилган ҳарбий қисмларга бошчилик қилувчи - ясовубоши; сувдан фойдаланиш ишлари бошқармаси бошлиги; руҳонийлар бошлиги, диний ишларни бошқарувчи шайхулислом каби мансабдор шахслар бор эди.

Хонликнинг ўтроқ аҳоли яшайдиган ҳудуди маътумурй жиҳатдан 20 вилоят ва 2 ноибликка бўлинган. Улар ҳам тайинландиган ҳокимлар ва ноиблар томонидан бошқарилган. Хева шаҳри ва унга туташ жойлар бевосита хон томонидан идора қилинарди. Вилоятлар қишлоқларга, шаҳарлар эса мачитларга тақсимланган бўлиб, улар оқсоқоллар томонидан бошқарилар эди.

Хонликнинг кўчманчи аҳолиси хон томонидан вазифасига тайинланадиган ва ундан озод қилинадиган иноқлар-қабила бошлиқлари, оталиклар-уруг бошлиқлари томонидан бошқариларди.

Хонликда олий суд ҳокимиияти хон қўлда бўлиб, узил-кесил қарор чиқарар эди. Хондан сўнг судлов соҳасида қозикалонга кенг ваколатлар берилган бўлиб, у ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноий ишлардан бошқа барча ишларни кўриб ҳал қиласы.

Ҳарбий хизматчиларга тааллуқли барча ишлар қози аскар томонидан кўриб ҳал қилинган.

Жойларда суд ҳокимияти хон томонидан вазифага тайинланадиган ва ундан озод қилинадиган қозилар қўлида бўлиб, улар ўз ваколати доирасида шариат қонунларига биноан жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб ҳукм ёки қарор чиқарар, битимлар ва қарз ҳақидағи тилхатларни тасдиқлар, васийлар ва ҳомийларни тайинлар, васиятларнинг бажаримишини ва меросларнинг тақсимланишини, вақфларни назорат қиласар, қарорлар ижросини таъминлаш чораларини кўрар эди. Шаҳарларда шариат қоидаларини бузиш билан боғлик ишлар раислар томонидан кўриб ҳал қилинарди. Кўчманчи халқлартуркманлар, қозоқлар ва қорақалпоклар яшайдиган ҳудудларда суд ҳокимияти оғалар ёки оғалар кенгаши томонидан одат қоидалари асосида амалга оширилар эди. 1873 йилнинг 12 августида қабул қилинган "Сулҳ" шартномасига биноан хонлик ҳудудида яшовчи Россия фуқаролари томонидан содир этилган жиноятлар, улар ўртасидаги низолар, Хева фуқароларининг русларга нисбатан иддао ва талаблари рус судлари томонидан империя қонунлари бўйича кўрилиб ҳал қилинган.

Хонликнинг шаҳарларда тартиб-интизомни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, қамоқ жойларидағи маҳбусларни назорат қилиш вазифаси ясовулбоши раҳбарлигидаги миршабларга юклатилган эди.

Хева хонлигининг ҳарбий қўшини 2000 га яқин навкарлардан ташкил топган мунтазам армиядан, уруш вақтида тўпланадиган отлиқлар ва пиёдалардан, шунингдек халқ лашкаларидан, чегарачилардан иборат эди.

Хева хонлиги Россия империясининг вассалига айланганидан сўнг унинг ҳуқуқ тизимида ўзгаришлар деярли юз бермади. Бухоро амирлигида бўлганидек, ўтроқ аҳоли яшайдиган ҳудудларда шариат қонун-қоидаларининг амал қилиши давом этди. Мазкур ҳолат чор Россияси манфаатларига тўла мувофиқ келиб, ўлқадаги вазиятни бошқаришга ёрдам берарди.

1917 йил октябрь ойида Петербургдаги тўнтаришнинг амалга оширилиши ва Советлар ҳокимиятининг ўрнатилиши чекка ўлкалардаги норозиликларнинг янада кучайишига сабаб бўлган.

1917 йилнинг 1 (14) ноябрьда Тошкентда рус ишчилари ва солдатлари ҳокимиятни қўлга олганлар ва Совет ҳокимиятининг ўрнатилганлитини эълон қилганлар. 1917 йил 15-22 ноябрь кунлари бўлиб ўтган ишчи, солдат ва дехқон

депутатларининг III ўлка қурултой 15 кишидан иборат Туркистон Халқ комиссарлари советини сайлаган.

Совет аъзолигига большевиклар ва эсер-максималистлар фирмаларининг аъзолари сайланиб, уларнинг сафида бирорта ҳам маҳаллий халқларнинг вакили бўлмаган. Кейичалик бутун ҳокимиятни ўз қўлига олган большевиклар фирмаси Қизил Армия қўшинларига таянган ҳолда бутун Туркистон ўлкасида зўравонлик билан советлар ҳокимиятини ўрнатишга киришган.

1918 йилнинг баҳорига келиб бутун ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилган. Давлатни бошқариш шакли ўзгарган бўлсада, унинг моҳиятида туб силжишлар юз бермаган. Эски мустамлака тартиблари ўрнига янги большевикларча мустамлақачилик тартиблари жорий қилинган. Бу сиёsat ўта усталик билан 74 йил давомида амалга оширилди.

1918 йилнинг 30 апрелида Бутун Туркистон Советларининг V қурултойи РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ташкил этилганлигини эълон қилди.

1920 йилнинг 24 сентябрида Советларнинг IX қурултойида Туркистон АССРнинг Конституцияси қабул қилинган. Конституцияга биноан Бутун Туркистон Советларининг қурултойи, Марказий Ижроия Қўмита ва унинг Президиуми Туркистон АССРнинг олий давлат ҳокимияти идоралари, Халқ комиссарлар совети ва Халқ комиссарларлари давлат марказий идора органлари, вилоят, уезд, шаҳар, волоят ва қишлоқ ишчи, дехқон ва қизил аскар депутатлари Советлари ва уларнинг Ижроия Қўмиталари маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари этиб белгилаган.

Туркистон АССРда ҳукуқнинг асосий манбалари сифатида унинг конституцияси, Бутунrossия Советлари қурултойи, унинг Марказий Ижроия Қўмитаси, РСФСР Халқ комиссарлари совети, Туркистон Советлари қурултойи, унинг Марказий Ижроия Қўмитаси, Туркистон Халқ комиссарлар советининг қарорлари, декретлари ва бошқа ҳужжатлари хизмат қилган.

Туркистон АССРда айрим ўзгартириш ва қўшимчалар билан РСФСРнинг гражданлик ҳолати, никоҳ, оила ва васийлик ҳукуки ҳақидаги кодекси (1918), Мехнат ҳақидаги қонунлар кодекси (1922), Жиноят кодекси (1922), Жиноят-процессуал кодекси (1922) ва бошқалар кучга киритилган.

1920 йилнинг февраляда Хевада, 1920 йилнинг сентяброда Бухорода бўлиб ўтган тўнтаришлар натижасида хон ва амир ҳокимияти ағдариб ташланган. Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари эълон қилингандан.

1920 йилнинг 30 апрелида Бутунхоразм Советларининг I таъсис қурултойи Хоразм Халқ Совет Республикасининг Конституциясини қабул қилингандан. Конституцияда давлат ҳокимиятининг Олий органи Бутунхоразм Советларининг қурултойи эканлиги кўрсатилган. 1921 йилнинг майида бўлиб ўтган XXСР Советларининг II қурултойида Конституцияга киритилган қўйшимчага биноан Советлар қурултойлари даврида унга сайланадиган Марказий Ижроия Кўмита Олий қонун чиқарувчи, ижроия ва назорат вазифаларини амалга оширувчи идора этиб белгиланган. Конституцияга биноан Олий ижроия - фармойиш берувчи идора қилиб XXСР Халқ Нозирлар Кенгаши белгиланган.

1923 йилнинг 20 октябринида Бутунхоразм Советларининг IV қурултойи республиканинг янги Конституцияси Хоразм Халқ Совет Республикаси номини ўзгартириб, Хоразм Совет Социалистик Республикаси деб эълон қилди. У меҳнаткашларниң мавжуд ҳукуқ ва эркинликларини янада кенгайтирган, хусусий мулк ҳуқуқини бекор қилган, мулқдорларни, руҳонийларни, бу ҳокимиятга қарши кучларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилган.

Янги Конституцияда биринчи Конституциядаги давлат органлари тизими сақланиб қолиниб, фақат уларнинг ваколатлари кенгайтирилган ва янада муайянлаштирилган.

1921 йилнинг 23 сентябринида Бутунбухоро Советларининг II қурултойи Бухоро Халқ Совет Республикасининг Конституциясини қабул қилингандан. Конституцияда БХСРнинг яхлит, бўлинмас ва мустақил давлат эканлиги, унинг Олий давлат ҳокимият ва бошқарув органи Бутунбухоро Халқ депутатлари қурултойи, қурултойлар ўртасидаги даврда Советларининг Марказий Ижроия Кўмитаси эканлиги, МИҚ ўзининг аъзолари вазирликларда, маҳаллий давлат органларида хизмат қилиши ёки МИҚнинг алоҳида топшириқларини бажариши қайд этилган.

Конституцияда БХСРнинг Олий Ижроия фармойиш берувчи идораси қилиб Халқ Нозирлар Кенгаши (Совети), жойларда давлат ҳокимият ва бошқарув органлари қилиб вилоят, волост,

уезд, шаҳар ҳалқ депутатлари Советлари ва уларнинг ижроия қўмиталари белгиланган.

Хоразм ва Бухоро ҳалқ Совет Республикаларида ҳуқуқнинг асосий манбалари сифатида уларнинг Конституциялари, советлар марказий ижроия қўмиталари қарорлари ва буйруқлари, Марказий инқилобий қўмиталарнинг декрет (қонун ва фармойиш)лари, Ҳалқ Нозирлари Кенгашлари қарорлари ва буйруқлари, нозирликларнинг буйруқлари ва йўриқномалари, маҳаллий шароитдан келиб чиқиб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган РСФСР ва Туркистон АССР қонунлари, мерос, никоҳ ва оила ҳуқуқи соҳаларида меҳнаткашлар манфаатларига зид келмайдиган мусулмон ҳуқуқи шариат ва одат нормалари амал қилган.

РКП(б) Марказий қўмитаси ва Совет ҳукумати 1922 йилга келиб Ўрта Осиёда большевикларча мустамлакачиликни янада мустаҳкамлашнинг янги усулини қўллаган. Бу ерда 1920 йилда В.И.Ленин томонидан илгари сурилган Туркистонни миллий республикаларга бўлиб юбориш ҳақидаги гоя амалга оширилди. Натижада 1924 йилда Ўрта Осиёда Ўзбекистон ССР ва унинг таркибида Тожикистон АССР, Туркманистон ССР, РСФСР таркибида кирувчи Қорақыргиз (Қирғизистон) Автоном вилояти, Қозогистон АССР таркибида кирувчи Қорақалпогистон Автоном вилояти ташкил этилган.

1925 йилнинг май ойида бўлиб ўтган СССР Советларининг III қурултойида Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР "ихтиёрий-мажбурий" тарзда СССР таркибига қабул қилинган.

1927 йилнинг 30 марта Советларининг II қурултойи Ўзбекистон ССРнинг Конституциясини қабул қилган. Конституция бўйича Ўзбекистон Советлар қурултойи, қурултойлар ўртасидаги даврда Советлар Марказий Ижроия Қўмитаси, унинг сессиялари орасида эса Марказий Ижроия Қўмита Президиуми, Олий бошқарув органи республика Ҳалқ комиссарлари совети, маҳалий давлат ҳокимият идоралари округ ва туманлarda Советлар қурултойи, қурултойлар ўртасидаги даврда Советларнинг Ижроия қўмиталари, шаҳар ва қўргонларда Советлар, сессиялар ўртасидаги даврда уларнинг ижроя қўмиталари, қишлоқларда қишлоқ Советлари этиб белгиланган.

Ўзбекистон ССРнинг 1927 йилдаги Конституцияси асосида ҳуқуқнинг турли соҳалари бўйича қатор норматив ҳуқуқий актлар қабул қилинган. Булар Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодекси (1927 й.), Гражданлик-процессуал кодекси (1927 й.), Никоҳ, оила, васийлик ва гражданлик ҳолатларини қайд қилиш ҳақидаги кодекси (1928 й.), Ер-сув кодекси (1929 й.), Жиноят процессуал кодекси (1929 й.) ва бошқалар.

1937 йилнинг 14 февралидаги Ўзбекистан Советлари Фавқулодда VI қурултойи Ўзбекистон ССРнинг навбатдаги Конституциясини қабул қиласди. Янги Конституция Ўзбекистон ССРнинг Олий давлат ҳокимият органи этиб Ўзбекистон ССР Олий Советини белгиланган ва унга республикада қонун чиқарувчи идора ваколатини берган. Олий Совет сессиялари ўргасидаги даврда унинг қонун билан белгиланган ваколатларини амалга оширувчи Олий Совет Президиумини ташкил қилиш Конституцияда белгилаб қўйилган.

1937 йилги Конституция Ўзбекистон ССРнинг Олий давлат бошқарув идораси қилиб Ҳалқ комиссарлари совети (1946 йилдан Министлар Совети)ни белгилаган.

Конституцияда давлат ҳокимиятининг маҳаллий идоралари қилиб, вилоят, туман, шаҳар, қўргон ва қишлоқ меҳнаткашлари депутатлари Советлари, маҳаллий давлат бошқарув идоралари қилиб Советларнинг Ижроия Қўмиталари белгиланган.

Конституция Суд ва прокуратура идоралари тизими, уларнинг ваколатлари ва фаолиятининг асосий йўналишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ва бошقا муҳим давлат аҳамиятига молик масалалар ўз аксини топган.

1937 йилги Конституция асосида Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси (1959 й.), Жиноят-процессуал кодекси (1959 й.), Гражданлик кодекси (1963 й.), Гражданлик-процессуал кодекси (1963 й.), Никоҳ ва оила кодекси (1969 й.), Ер кодекси (1970 й.), Меҳнат қонунлари кодекси (1971 й.), Сув кодекси (1972 й.) ва бошقا бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. 1977 йилнинг 7 октябрида СССР нинг янги Конституцияси қабул қилинди. СССР Конституцияси асосида иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституциялари ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Ўзбекистон ССРнинг навбатдаги Конституцияси 1978 йил 19 апрелда республика Олий Советининг навбатдан ташқари тўққизинчи чақириқ олтинчи сессиясида қабул қилинган. Кон-

ституцияда давлат ҳокимияти, бошқарув, суд ва прокуратура идоралари тизими асосан сақлаб қолинганди. Уларнинг ваколатлари ва фаолиятларининг асосий йўналишларида давр талабини ҳисобга олган ҳолда ўзгаришлар қилинган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркиниклари маълум даражада кенгайтирилган.

Конституция мазмунидан келиб чиқиб, "Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар ҳақида" (1978), "Ўзбекистон ССР Министлар Совети ҳақида" (1978), "Ўзбекистон ССР Халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар ҳақида" (1979), "Ўзбекистон ССР Халқ депутатлари область Совети ҳақида" (1980), "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳақида" қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар қабул қилинган.

Совет ҳокимияти йиларида Ўзбекистон ССР бошқа иттифоқдош республикалар каби мустақил деб эълон қилинган бўлсада, у амалда том маънодаги мустақил давлат эмас эди. Унинг конституцияси ва бошқа қонунлари, давлат органлари тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ва бошқа қонун-қоидалар СССРда амалда бўлган сиёсий-ҳуқуқий қурилмаларга албатта мос бўлиш керак эди. Ўзбекистон хорижий давлатлар билан бевосита сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатиш имкониятига эга эмас эди. Ўзбекистоннинг тақдири марказнинг қўлида эди.

1985 йилдан эътиборан СССРдаги қайта куриш, демократия ва ошкоралик учун бошланган сатый-ҳаракат натижасида собиқ СССРнинг тарқалиб кетиши ва иттифоқдош республикаларнинг мустақилликка эришувига замин яратилди.

1991 йил 31 августга "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари ҳақида" конституциявий қонун қабул қилинди. 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг "Мустақиллик куни" деб эълон қилинди. Халқимизнинг асрлар оша қилиб келган орзуси амалга ошди.

1992 йилнинг 8 декабрида Республика Олий Кенгаши мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиди. Конституцияда республикада Олий қонун чиқарувчи ҳокимият - Олий Мажлис, давлат ва ҳукумат бошлиги - Президент, олий ижро ва фармон берувчи ҳокимият - Президент бошчилигидағи Вазирлар Маҳкамаси, жойларда давлат ҳокимиятини ва бошқарувни амалга оширувчилар - вилоят,

шаҳар ва туман халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимлар, суд ҳокимиятини амалга оширувчилар - республика конституцияйи суди, Олий суд, Олий хўжалик суди, вилоят, шаҳар, туманларнинг судлари ва вилоят хўжалик судлари эканлиги ўз акси-ни топди.

Конституция Республика Бош прокурори раҳбарлигига вилоят, шаҳар, туман прокурорларига қонунларнинг бажари-лиши устидан назоратни амалга ошириш вазифасини юклади.

Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белги-лаб берди, уларни амалга ошириш кафолатларини, ижтимоий ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомини, давлат билан шахс ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий принципларини, оила ва унинг давлат билан алоқаси ва бошқа муҳим сиёсий - ҳуқуқий муносабатларни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлади. Конститу-ция қабул қилингандан сўнг ўттан вақт ичида 300 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Бу мустақил - Ўзбекистон Респуб-ликасининг қонунларини яратиш йўлидаги дастлабки қадамлардир.

Истиқдол шарофати ўлароқ маъмурӣ-буйруқбозликка асосланган тоталитар тузумдан ва унинг давлат бошқарув уст-лубларидан батамом воз кечилди. Ўзбекистонда жаҳон тажри-басига жавоб берадиган, миллий-тариҳий хусусиятларимиз ва дунёқарашимизга мос давлат-ҳуқуқий тизими қарор топмоқда.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий ва фуқаролик жамияти асослари вужудга келтирилмоқда. Аввалин яккаҳоқимликка асосланган давлат тизимининг иллатлари қатъяни тутатил-моқда. Кўп partiyaийлик, гоялар ва фикрларнинг хилма-жиллиги реал воқеликка айланмоқда. Давлат бошлиғи - Прези-дент (1991 йил, декабр) ва парламентта - Олий Мажлисга ҳамда маҳаллий Кенгашларга (1994 йил, декабр) эркин ва муқобиллик асосида умумхалқ сайловлари ўтказилди. Ҳокимият ваколатла-ри давлат идоралари ўртасида аниқ ажратиб қўйилган. Давлат бошқарувининг янги, замонавий тизими шаклланмоқда. Прези-дентлик бошқарув усули - шу тизимнинг ўзагидир. Вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳудудида милллий онгимиз ва анъаларимиз-га мос ҳокимлик институти барпо этилди. Айни вақтда, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришга, яъни маҳаллага катта эрк ва ҳуқуқлар берилди.

Суд ҳокимиюти органлари қонун устунлигини, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш борасида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигини мустаҳкамлайдиган ташкилий тузималарни шаклантириш жараёни давом этмоқда. Республикаизда биринчи марта Мудофаа ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш, Қимматбаҳо металлар, Фан ва техника давлат қўумитлари, Оллий Аттестация Комиссияси ташкил этилди.

Марказий иқтисодий органларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари тубдан ўзгартирилди. Кўпгина тармоқ вазирликлари ва идоралари тутатилди. Мустақил миллий ва бошқа умумдавлат хизматлари тузилди.

Банк тизими қайта ташкил этилди. Республикаининг Марказий банки бошқарув органларидан мустақил бўлиб қолди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва тижорат банклари тармоги вужудга келтирилди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тенг хуқуқли аъзоси бўлди. Уни дунёдаги 160 га яқин давлат тан олди. 120 тадан ортиқ давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди ва улар орасида дипломатия ва колатхоналари айрибошланмоқда.

Тарихда илк бор 1992 йилнинг 2 марта да Ўзбекистон давлати халқаро ҳуқуқнинг тенг хуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Ўзбекистон Оврупода хавсизлик ва ҳамкорлик Кенгашининг якунловчи актини ва Париж хартиясини имзолаб, Хельсинки жараёнига кўшилди. Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлди.

Ўзбекистон 20 га яқин етакчи халқаро иқтисодий ва молијавий бирлашмаларнинг - Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Оврупо тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқаларнинг аъзосидир.

Ўзбекистон давлатининг рамзлари - унинг байроби, герби, маддияси, миллий пули Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, гурури, тарихий қадриятлари бўлиб, бу унинг орзу-интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроби (1991 йил 18 ноябр), Давлат герби (1992 йил 28 ноябр) ва Давлат маддияси (1992 йил 10 де-

кабр) тасдиқланди. 1994 ийл 1 июлда Ўзбекистоннинг миллий пули "сўм" муомалага киритилди. Миллий валюта - бу миллий гурур, давлат мустақиллигининг рамзи ҳамда давлат белгисидир.

Истиқдол йиллари ўзбек миллий давлатчилиги тизимини барпо этиш даври бўлиб, бу узоқ давом этадиган жараёндир. Ўзбекистон мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий демократик йўлини танлаб олди. Мазкур тамойиллар:

биринчидан, иқтисодиётнинг мафкура ақидаларидан холислиги;

иккинчидан, бош ислоҳотчи - давлат эканлиги;

учинчидан, ҳаётнинг барча жабҳаларида қонуннинг устуналиги;

тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсатни юритиш;

бешинчидан, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишдан иборатдир.

Чиндан ҳам мустақил ўзбек давлати - халқимизнинг тарихий ютуғидир<sup>1</sup>. Уни ҳуқуқий давлат сифатида барпо этиш событқадамлик билан давом этмоқда.

## 2. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва ҳуқуқий маданият

Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси янги ўзбек жамиятининг ишончли ҳуқуқий кафолатларини ўзида мустаҳкамлади. Конституция инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмууни ифодалайдиган ҳуқуқий демократик ва адолатли давлатни қуриш йўлларининг истиқболларини белгилаб берди.

Ҳар қандай давлатнинг қиёфаси, обрў-эътибори унинг конституцияси ҳисобланади. Зотан, конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусдир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Кон-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура.  
-Т.: Ўзбекистон, 1993. 47-бет

ституциямиз том маънода ҳалқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулийдир<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясини АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби нуфузли давлат ва ҳалқаро ташкилотларнинг олимлари юқори баҳоладилар. Чунки Асосий қонунни яратишда ҳам бой миллий тарихий-хуқуқий меросимизга таяндиқ ҳамда ҳалқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган қоидаларига ва илғор демократик давлатларнинг конституциявий тажрибасига асосланилган. Ўзбекистон Конституцияси жаҳон сиёсий харитасида янги суверен давлат - Ўзбекистон давлати дунёга келиб, фаол яшаётганини кўрсатувчи муҳим ҳуқуқий ва ҳалқаро аҳамиятта молик ҳужжатдир.

Ўзбекистон Конституциясининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Биринчидан, Конституция истиқдолга эришган янги жамиятнинг Асосий Қомусидир. У ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, мағкураси, гоясига кўра янги ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, яккапартиявийлик ҳукмронлиги иллатлари йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи ва муқаддаси - инсон деган гоя мустаҳкамланган. Шу асосда "фуқаро-жамият-давлат" ўргасидаги муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечими берилган.

Иккинчидан, Конституцияда фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишида мустаҳкамланган ва кафолатланган. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажralmas ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир. "Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар", - дейилган Конституциянинг 2-моддасида.

Учинчидан, Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насласаби, ирқи, миллати, диний эътиқодидан ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар тенг ҳуқуқقا эгадир. Конституция Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча шахсларни, уларнинг миллати, элатларининг тиллари, урф-одатлари ва миллий

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. - Т.: Ўзбекистон, 1993, 6-б.

аңъаналаридан қатыи назар, ҳурмат қилинишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди.

Тўртинчидан, фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдир. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким суднинг қарорисиз улардан маҳрум этиши ёки уларни чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги керак.

Бешинчидан, Асосий қонунда ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси бўлмиш Конституция ва қонуннинг устунлигини таъминлаш мустаҳкамланган. Бу биринчидан, барча жорий қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши, иккинчидан, қонун олдидан ҳамманинг баробарлигини англатади. Бирон бир фуқаро давлат органи, жамоат ташкилоти, мансабдор шахс қонунга бўйсуниш мажбуриятидан холи бўлиши мумкин эмас.

Олтинчидан, Конституцияда ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётида мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглиги таъминлаган ҳолда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган тадбирларга таяниш хусусий мулкнинг химоя қилиниши таъкидланади. Чунки мақсад ўз мулкига ўзи хўжайин бўлган тадбиркорлар ва шахслар учун иқтисодий фаолият эркинлиги бериш, ишбилармонлик ташаббусига ва эркин бозор муносабатларига кенг йўл очишидир.

Еттинчидан, Конституцияга мувофиқ давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий шароитлар яратиб беради. Кўп partiyaviyilik ва фикрлар хилма-хиллигининг қонуний асосларини яратади.

Саккизинчидан, ҳурфикрлилик, виждан ва диний эътиқоднинг ҳуқуқий мезонлари берилган. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динига амал қилиш ёки бирон - бир динга эътиқод қиласлик ҳуқуқига эга. Диний ташкилотлар, давлатдан ажратилган ҳолда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

Тўққизинчидан, Конституцияда давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби, ваколатларнинг тақсимланиш принципи асосида амалга оширилиши мус-

таҳкамланган. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти - давлатнинг учта асосий таянчидир.

Асосий қонунда шу учта ҳокимият органларининг ўзаро уйғун фаолияти воситалари, шунингдек мазкур органларнинг бир-бирини тийиб ва мувозанатни сақлаб туриш тизимини вужудга келтирувчи қоидалар мустаҳкамланган.

*Ўнинчидан, Ўзбекистоннинг таркибига киравчи Қорақалпогистон Республикасига алоҳида боб багишланган. Ўзбекистон Қорақалпогистон Республикасининг суверенитеттеглигини тан олади ва уни муҳофаза қиласди. Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари Қорақалпогистон ҳудудида ҳам мажбурийдир. Қорақалпогистон Республикаси ўзининг Конституциясини 1993 йилда қабул қиласди.*

*Ўн биринчидан, Ўзбекистоннинг ўз миллий манфаатларига мос келадиган фаол ташқи сиёсат юритиши, унинг халқаро ҳукуқнинг тенг ҳукуқли субъекти сифатида ҳаракат қилиши Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг даҳсизлиги, низоларни тинч сиёсий воситалар билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик тамойилларига, шунингдек, халқаро ҳукуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига амал қилиш заминида қурилган.*

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси ҳақиқий мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдевори ва буюк келажагимизнинг ҳукуқий кафолатидир. Шунинг учун Конституция қабул қилинган кун - 8 декабрь умумхалқ байрами деб белгиланган.

### **3. Ўзбекистон миллий ҳукуқий тизими ва ҳукуқий маданият**

Истиқололга эришган Ўзбекистон ўзининг миллий ҳукуқий тизимини вужудга келтирмоқда. Республика парламенти қонун яратувчилик фаолияти билан фаол шугуулланмоқда. Бундан мақсад ёш мустақил давлатнинг шаклланишини ҳукуқий жиҳатдан ҳар томонлама таъминлашдир.

Мустақиллик йиллари 300 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Улар янгилangan жамиятнинг сиёсий ва давлат тузи-

лиши, унинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва халқаро муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган.

Биринчидан, сиёсий соҳага авваламбор, давлат мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар киради. Булар жумласига: 1990 йил 20 июнда қабул қилинган "Мустақиллик декларацияси", 1991 йил 31 августдага қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари ҳақида"ти конституциявий қонун ва 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган истиқдолимиз қомуси бўлмиш - Конституция киради.

Жамиятнинг янги сиёсий тизимини, давлат органларининг тузилмасини такомиллаштириш, республика ҳокимияти билан маҳалий ҳокимият органларнинг вазифаларини аниқ белгилаб қўйишга қаратилган қонунлар қабул қилинди. Булар Президентлик сайлови тўғрисидаги (1991), Олий Кенгаш ва маҳалий Кенгашларга сайловлар ҳақида (1993 ва 1994), Олий Мажлис (1994), Вазирлар Маҳкамаси (1993), Конституциявий суд (1993), Судлар тўғрисида (1993), Олий хўжалик суди (1993), маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги (1993) ва бошқа бир қатор қонунлардир.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари тўғрисида муайян қонунчилик тизими шаклланмоқда. Бу борада фуқаролик тўғрисидаги (1992) қонун алоҳида ўрин тутади. Чунки фуқаролик ҳар бир шахсга Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий турмушида мумкин қадар тўлароқ иштирок имконини беради. Бундан ташқари, Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги (1992 йил), Матбуот ҳақида (1992 йил), Сайловлар тўғрисидаги (1993, 1994 йил) Жамоат бирлашмалари ҳақида (1992 йил), Касаба уюшмалари тўғрисидаги (1993 йил), ёшлар давлат сиёсати ҳақида (1993 йил) ва бошқа қонунлар Конституциямизнинг иккинчи бўлимида кўрсатилган фуқароларнинг асосий шахсий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини амалга оширишнинг аниқ механизмини яратишга қаратилгандир.

Учинчидан, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг амал қилиши учун ҳуқуқий негиз яратувчи қонунлар қабул қилинган. Чунки ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор муносабатларини тегишли равища ҳуқуқий жиҳатдан таъминламасдан туриб бозор хўжалигини шакллантириб бўлмайди. Бу қонунлар жумласига мулкчилик (1990 йил), хусу-

сийлаштириш (1991 йил), корхоналар (1990 йил), тадбиркорлик (1991 йил), банклар ва банк фаолияти (1991 йил), корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар (1991 йил), ташқи иқтисодий алоқалар (1992 йил), чет эл инвестициялари (1992 йил) ва уларнинг ҳуқуқий кафолатлари (1994 йил), валютани тартибга солиш (1993 йил), биржалар (1993 йил), аудиторлик фаолияти (1993 йил), антимонополистик фаолиятта қарши (1992 йил), ва бошқа қонунлар киради. Мазкур қонунларда мулкчилик барча шакларининг тенг ҳуқуқилиги, мулк эгаси ҳуқуқининг кафолати ва ҳимояланганлиги, турли ташкилий-ҳуқуқий шаклда хўжалик юритувчи субъектларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизми, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тамойиллари ва тизими каби қоидалар ўз аксини топган. Бу қонунларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва миллий-тарихий хусусиятлари ҳисобга олинган.

Бозор ҳуқуқи ва қонунчилиги негизини ташкил этувчи фуқаролик процессуал кодекслари тайёрланди.

Тўртинчидан, ижтимоий ва маънавий соҳада таълим (1992 йил), пенсиялар (1993 йил), ногиронлар (1992 йил), меҳнат қоидаларига ўзгартиришлар (1993 йил)га доир ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинди.

Бешинчидан, давлат рамзлари тўғрисидаги қонунлар, яъни Байроқ (1991 йил), Герб (1992 йил), Маддия (1992 йил), миллий валюта "сўм"ни муомалага киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Миллий валюта, байроқ, герб, маддия, Конституция каби давлат ва халқнинг рамзлари, мустақиликнинг муқаддас белгилари дидир.

Олтинчидан, ташқи сиёсан соҳасида илк бор қонунлар қабул қилинди. Бу - Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби (1992 йил), Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш (1992 йил) тўғрисидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳақидаги Низом (1994 йил), Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхоналари ходимларининг дипломатик даражалари ҳақидаги Низом (1994 йил) кабилар бир қатор кўп томонлама ва икки томонлама шартномаларни ратификация қилиш ҳақидаги парламентнинг қарорлари

Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил этади.

Шундай қилиб, қабул қилинган бундай мухим қонунлар юртимизда миллий давлатчилик ва ҳуқуқий тизимни барпо этишга, эркин бозор иқтисодиётини ривожлантиришга, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилишига қаратилгандир.

#### 4. Ўзбек давлат-ҳуқуқий тажрибаси сабоқлари ва ҳуқуқий маданият

Ҳар бир ватанпарвар ва миллатпарвар Ўзбекистон фуқароси миллий давлатчилигимиз, унинг ҳуқуқи, тарихи тўгрисидаги ҳақиқатни ўрганиши лозим."Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини қунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзdir"<sup>1</sup>.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи ўзининг бой, кўп асрлик тарихий тажрибасига эгадир. Бу тарих миллатимизнинг бутун улугвўрлигини, маҳобатини яққол кўрсатади. Биз келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишга киришган эканмиз, ўлкамизнинг шу улуғ ўтмиши бизга катта ишонч, интилиш, қатъият ва куч-кувват баҳш этади. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганиш ва таҳдил қилиш ҳозирги кунда ҳам ўз аҳа миятини йўқотмаган хуласалар чиқариш имконини беради. Буларни давлат-ҳуқуқий тажрибамиз сабоқлари деб атаси-миз мумкин.

Мамлакатимиз худудидаги давлатчилик ва ҳуқуқий тажрибани ўрганиш ўтмишда мазкур соҳада фақат салбий сабоқлар эмас, балки бой ижобий тажриба ҳам тўпланган. Шунинг учун ҳар бир тарихий даврдаги давлатчилик ва ҳуқуқий тизимга, давлат арбобига, тажрибага, аниқ ва холисона ёндошиши миз зарур. Тарихий тараққиётнинг айрим даврларида Ўзбекистон йирик давлатлар худудига кирган, айрим босқичларда бу ерда мустақил давлатлар ҳам мавжуд бўлган. Шу билан бирга ўлкамиз бойлиги, унинг ажойиб табиати - иқлим шароити, унинг Осиё марказида эгаллаб турган қулагий жуғрофий жойлашиши қадим-қадим замонлардан ўзга юртлар-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан обод ва озод Ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон, 1994.  
185-б.

даги босқинчилар эътиборини ўзига жалб қилиб қелган. Лекин бизнинг меҳнаткаш, тинчликсевар халқимиз айрим тарихий босқичларда ҳар доим ҳам у босқинчиларга қарши мувваффақиятли кураша олмаган, ҳар қандай тажовузни даф қила олмаган. Натижада Ватанимиз заминида чет эл мустабидлари ҳукмронлиги ўрнатилган, давлат мустақиллигига барҳам берилган.

Мазкур ходисанинг энг муҳим сабаблари нималардан иборат? Уларнинг биринчиси, бу ерда истиқомат қилган турли қабилалар, халқлар, мавжуд давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, уларнинг ўзаро келишмовчиликлари ва урушлари бўлган. Бу иллатлар оқибат-натижада республикамиз ҳудудидаги сиёсий барқарорликка, давлатларнинг мудофаа қудратига путур етказган, бу ерда чет эл босқинчилари ҳукмронлигининг ўрнатилишига қулай шарт-шароит яраттан. Бунга яққол мисол сифатида XIX асрда Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган учта мустақил давлатлар-Бухоро амирилиги, Хева ва Қўқон хонликлари ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар ва урушларни келтириш мумкин. Бу уларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий таназзулга олиб келди. Бунинг натижасида мазкур давлатларнинг мудофаа қудрати заифлашди. Улар чет эл босқинчиларига қақшатқич зарба бера олмади.

Чет эл босқинчилари ҳукмронлигининг она заминимизда ўрнатилишини осонлаштирган сабаблардан иккинчиси -бу айрим шахсларнинг ўз манфаатлари, мулки, имтиёзларини сақлаб қолиш мақсадида ўз Ватани, халқи, миллатига хоинлик қилиш йўлидир. Айрим сотқинларнинг шахсий манфаатларидан келиб чиқиб мўгул-татарлар ва рус чоризми қўшиналарининг ўлкамизга қилган ҳужумлари даврида чет эл босқинчиларига содик қулларча хизмат қилганлиги маълум.

Учинчиси, халқ қўзголонлари. Ўз халқига нисбатан адолатсизликнинг, жабр-зулмнинг кучайиши, солиқларниң муттасил ошиб бориши, давлат тизимидағи қонунсизлик, тўрачилик, по-рахўлик, ўзбошимчалик, ҳокимиятни сунистеъмол қилиш каби иллатлар халқ норозилигининг кескин ошишига сабаб бўлган ва халқ қўзголонларини келтириб чиқарган. Қўзголонлар ўз навбатида йирик давлатларнинг қудратига, асосларига путур етказган. Буни сомонийлар, қораҳонийлар, шайбонийлар давлатларининг инқирозида куриш мумкин.

Тўртинчиси, мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга тинчлик даврларида етарлича эътибор бермаслик: ҳарбий қўшинни моддий жиҳатдан етарлича таъминламаслик, замонавий куроллар билан қуроллантириш чораларини кўрмаслик, ҳарбий мутахассислар тайёrlаш билан шугулланмаслик, армияда қатъий тартиб-интизом ўрнатмаслик кабилар чет эл босқинчиларининг кучсиз қўшин устидан осонликча ғалаба қозонишига сабаб бўлган. Жумладан, Бухоро амирлиги, Хива ва Кўқон хонликларининг ҳарбий қўшинлари устидан чор Россияси қўшинларининг нисбатан осонликча ғалабага эришганлигининг асосий сабабларидан бири шудир. Ўзбекистон худудидаги йирик марказлашган кучли давлатларнинг инқирозга учрашининг сабабларидан бешинчиси - бу мамлакат ичкарисидаги турли гуруҳлар, уруғлар, сулолалар, ҳалқлар ўргасидаги уруг-аймоқчилик ва хокимият учун олиб борилган кураш, маҳаллий хукмдорларнинг фисқ-фасодлари ва иғво-жанжалларидир. Шундай курашлар натижасида Турк хоқонлиги, Сомонийлар давлати, Темур давлати, Шайбонийлар давлати парчаланиб кетди. Уларнинг ўрнида ташкил топган кичик давлатлар устидан чет эл босқинчиларининг ҳукмронлиги ўрнатилди.

Юқорида зикр этилган ва айрим бошқа сабабларга кўра муайян тарихий босқичларда юртимиз ўз мустақиллиги ва ўзлигини йўқотиб, сўнги даврда гоят катта бир империянинг чекка ўлкасига айланиб, тоталитар марказнинг хом-ашё етказиб берадиган мустамлакасига айланиб қолган эди. Халқимиз доимо мағрур яшаган, меҳнат қилган, хуррият ва эрк сари интилган, қуладай шарт-шароитлар етилиб, озодликка чиқиш онлари келгач халқимиз қаддини тик тутиб ҳокимиятни ўз қўлига олди, она-Ватанинг суверенитетини тиклади. Кўп асрлик мустақил давлатчилик ва ҳукуқий тизим ҳукм сурган даврларда, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бой тажриба тўпланган. Буларни ўзбек давлатчилиги ва ҳукуқий тажрибасининг ижобий сабоқлари деб қабул қилиш мумкин. Булар орасида энг асосийлари қўйидағилар.

Биринчидан, Ўзбекистон худудидаги мустақил давлатларда мамлакат ичкарисида тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлаш энг асосий вазифа деб қаралган ва барча чоралар кўрилган. Шунинг натижасида иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда улкан ютуқларга эришилган. Жумладан, Кушон под-

шолиги. Сомонийлар давлати, Темур салтанатида ижтимоий ҳётнинг турли соҳаларида эришилган ютуқлар заминини мамлакатдаги тинч-тотувлик, осойишталик ва барқарорлик ташкил қилган эди. Бунга давлат бошлиги, мансабдор шахсларнингadolatli, xalqparvar siёsatи natiжasida эришилган. Бундай siёsat туфайли халқ билан давлат ўртасида ўзаро ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб қувватлаш юзага келган, давлат бутун чоралар билан ўз фуқаролари ҳақида ғамхўрлик қилган. Аҳолига жабр-зулм ўтказгандарни, ўгри-талончиларни, босқинчиларни қаттиқ жазоланган, халқ эса бунга жавобан ўз ҳукмдорларининг олиб борган siёsatини қўллаб-куватлаган, ўрнатилган қонун-қоидаларига риоя этган. Шундай ҳуқуқий муҳит, siёsat Темур давлатида вужудга келтирилган эди.

*Иккинчидан*, мамлакатимиз ҳудудида турли даврларда вужудга келган йирик кучли Кушон подшолиги, Сомонийлар ва Темур давлатларида дехқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташки савдони ривожлантиришга катта эътибор берганлар.

Айни пайтда, бу давлатларнинг бошлиқлари мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, харбий қўшиннинг моддий таъминоти, уни қуроллантириш, харбий интизом масалаларига алоҳида эътибор берганлар. Мазкур давлатларда фан ва маданият равнақи йўлида катта маблаг ва меҳнат сарфланган. Улар фан ва маданият турли соҳаларининг ривожланишига катта имкониятлар яраттнлар, олимлар, санъаткорлар, меъморчилар, ёзувчилар, шоирларга алоҳида ғамхўрлик кўрсаттнлар. Бундай siёsat туфайли мазкур давлатларда фан ва маданиятнинг турли соҳаларида улкан ютуқларга эришилган.

Учинчидан, ўтмишдаги буюк давлат бошлиқлари бўлмиш И smoil Сомоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва бошқалар мамлакатдаги, унинг турли минтақалари, вилоятлари, туманлари ва қишлоқларидағи ҳақиқий аҳвол, маҳаллий амалдорларнинг халқа бўлган муносабати, бозорлардаги нарх-наво, жойлардаги тартиб-интизом ҳақида аниқ, тўғри маълумотта эга бўлишга алоҳида эътибор берганлар. Улар тегишли маълумотларга эга бўлиш учун алоҳида ахборот тўпловчилардан, алоқа хизматларидан, жойларга маҳсус топшириқ билан юборила-диган ишончли вакиллардан фойдаланганлар. Ҳуқмдорларнинг ўзлари бевосита халқ билан учрашганлар, халқнинг ариза ва шикоятларини бевосита кўриб ҳал қилганлар. Улар

халқка нисбатан жабр-зулм ўтказғанларни, зўравонларни, адолатсиз амалдорларни, ўз мансабини суистеъмол қилғанларни, ўгриларни, талончиларни қаттиққўллик билан жазолаганлар.

Тўртингидан, тарихда ўттан буюк давлат бошлиқлари мансабдор шахсларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, фаолиятини назорат қилиш масаласига катта эътибор берганлар. Улар бирор кишини у ёки бу мансабга тайинлашда унинг насленасабини, билимини, қобилиягини, ҳаётий тажрибасини, ахлоқий хислатларини, ўз касбига, ватанига халқига садоқатини ҳисобга олганлар. Мансабдорларнинг фаолиятига баҳо беришда улар ҳақида халқнинг фикри, адолат ва инсоф билан иш кўриши, масалаларни қонуний ҳал қилиши асосий норма сифатида хизмат қилган. Шунингдек, буюк давлат бошлиқлари мансабдорлар фаолиятини назорат қилишда турли хил усуллардан ва йўллардан фойдаланганлар. Булар вақти-вақти билан тафтиш ўтказиш, у ёки бу мансабдор ҳақида маълумотлар тўплаш, бевосита халқ фикрини сўраш ва бошқалар.

Бешинчидан, Хуналар, Қорахонийлар, Темур ва темурийлар давлатларида давлат аҳамиятига молик масалалар маслаҳатлашиб кенгашларда ҳал этилган. Темур, Улугбек, Бобур каби ҳукмдорлар ўз атрофларига олиму фузалоларни тўплаганлар, давлатни бошқариш ишларида улар билан маслаҳатлашганлар, уларнинг фикрлари билан ҳисоблашганлар. Тарихий адабиётларда Шарқда, жумладан, Марказий Осиёда ўтмишда давлатни бошқариш фақат зўравонликка асосланиб амалга оширилган деган гайрийлмий фикр яқин вақтларгача ҳукмронлик қилиб келди. Тарихий манбалар билан чуқурроқ танишиш, ўтмишдаги Шарқ давлатлари ва ҳукуқи тарихини атрофлича ўрганиш мазкур фикрнинг асоссиз эканлигидан гувоҳлик беради. Марказий Осиё ҳудудида араблар ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг мавжуд давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-ҳукуқий ва маънавий ҳаётида ислом дини ва шариат қонунлари ҳаракат қилган. Шунга кўра, давлат бошлиқларининг жамият ҳаётининг турли соҳаларига оид олиб борган сиёсати ислом дини ақидаларига, мусулмон ҳукуқи қоидаларига зид бўлиши мумкин эмас эди. Маълумки, ислом дини ва шариат қонунлари зўравонликни, жабр-зулмни қоралайди, бундай хатти-ҳаракатларни содир эттанлар муносиб, қонуний жазоланиши қатъий талаб қилинади. Шунинг

учун Шарқ ҳукмдорлари ҳуқуқи умуман чекланмаган, зўравонликка асосланган эди деган фикрлар ҳақиқатдан ийроқдир.

Олтинчидан, Марказий Осиё ҳалқари, жумладан, ўзбек ҳалқи қадим ўтмишга дахлдор давлатчилик тарихи билан бир қаторда ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий маърифат тарихига ҳам эгадир. Жаҳонининг кўпчиллик ҳалқлари ҳали давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги тушунчага эга бўлмаган давларда ҳам мамлакатимиз ҳудудида муҳим ижтимоий муносабатлар маҳсус қонунлар билан тартибга солинган. Бунга яққол мисол сифатида қадимги даврга мансуб бўлган машҳур "Авесто"нинг Вендиdat (девларга қарши қонун) номли китоби, V асрларда урф бўлган "Қобуснома"ни кўрсатиш мумкин.

Бизнинг аждодларимиз қадим замонлардаёк атроф мухитни, тупроқни, сувни муҳофаза қилиш, ердан ва сувдан унумли фойдаланиш, олди-сотди, ижарага бериш, оила-никоҳ, мулк, жиноят ва жазо билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, умуман, жамиятда ҳуқуқ қоидаларига асосланган тартибни жорий қилишга ҳаракат қилгандар.

Қадимги даврнинг ҳуқуқий хужжатларида ғаразгўйлик, адолатсизлик, ҳақсизлик, алдамчилик, ҳасадгўйликни кескин қоралаш, эзгулик, адолат, ҳақиқат, тотувлик, қонунга асосланган тартиботни ҳимоя қилиш руҳи билан сугорилганлик эътиборга молиқдир. Жумладан, "Авесто"нинг иккинчи китоби "Есин"нинг 14-башоратида худо номидан: "Мен эзгу фикр (ният)ларни, эзгу сўзларни ва эзгу амалларни ёқтираман. Мен маздаёсин қонунларига асосланган тартиботларни улуглайман". Худди шундай "Берган сўзнинг устидан чиқиш, унга содик қолиш, савдо-сотикда шартномаларга катъий амал қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан ҳоли бўлиш иймонлилик аломатидир", дейилади.

Еттингчидан, мамлакатимиз ҳудудида минг йилдан ортиқ давр мобайнинда ижтимоий муносабатларни тартибга солища асосий мавқени эгаллаб келган шариат қонунларида мулкни тасарруф қилиш, унга эгалик қилиш, сотиш, сотиб олиш, ижарага ва қарзга бериш, ҳадя қилиш, солиқ ундириш ва йигилган маблағларни тақсимлаш, никоҳни қайд ва бекор қилиш, эр билан хотин, ота-оналар билан болалар, васиийлар ва ҳомийлар билан васиийларка ва ҳомийликка олинганлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, мерос қолдириш ва уни тақсимлаш, ме-

росхўрларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий муносабатларда вакиллик ва вакилнинг ҳуқуқ ва бурчлари, судда даъво қўзгатиш ва уни қондириш, мажбуриятлар ва уларнинг ижросини таъминлаш кафолатлари, ташландик ерлар ва мулкларни ўзлаштиришнинг ҳуқуқий оқибатлари, эгасиз мулкнинг ҳуқуқий мақоми, вақтинча сақлаш учун қоддириш, ҳамкорликдаги фаолият ва унинг иштирокчилари эга бўлган ҳуқуқ ва бурчлари, жиноят ва жазо билан боғлиқ муносабатларнинг барчасига оид қоидалар ҳар томонлама, мукаммал тартибга солинган.

Юқорида санаб ўтилган муносабатларни тартибга солувчи шариатнинг ҳуқуқий қоидалари ва улар асосида тузилган ҳужжатлар инсоф, диёнат, ҳалоллик, бироннинг ҳақига хиёнат қиласлик, шартноманинг бандларига қатъий риоя қилиш, етим-есирлар, ногиронлар, кексалар, факир-мискинлар ҳақида ғамхўрлик қилиш, адолатлилик, қонунийлик, инсонпарварлилк, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби гоялар билан сугорилганлиги алоҳида дикқат сазовордир.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг эътиборга молик томони шундаки, улarda гаразгўйлик ҳасадгўйлик, ҳақсизлик, алдамчилик, фирибгарлик, фоҳишабозлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, поражўрлик, шуҳратпастлик, бироннинг ҳақидан ўриб қолиш, тарозида кам тортиш ва кам ўлчаш кабилар қескин қоралангандан ва бундай хатти-ҳаракатларни содир қилган шахсларга нисбатан қаттиқ жазо чораларини қўллаш белгиланган. Бундан ташкари, ҳужжатларда фақат гайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир қилишда айбдор бўлиб, айби исботланган шахсларнигина жавобгар қилиш, жиноий жазо тайинлашда жиноятнинг ижтимоий хавфилик даржасини ҳисобга олиш, қасдан оғир жиноятни содир қилганларга нисбатан жамоат таъсири чораларини қўллаш, жиноятчиликка қарши курашда жамоатчилик ўрнининг мақомини ошириш, жазонинг ижросини ҳалқ кўзи олдида амалга ошириш каби қоидалар ўз аксини топган.

*Саккизинчидан*, Мовароуннаҳр фиқҳ мактабида, мамлакатимиз ҳудудидаги мадрасаларда ҳуқуқий билимларни эгаллаш, ҳуқуқий ҳужжатларни тузиш техникасини такомиллаштириш, ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва бурчларини уларга тушунтириш, ҳуқуқбузарликнинг оддини олиш мақсадида аҳоли ўртасида кенг тарғибот ва таш-

виқот ишларини олиб бориш, ҳуқуқ масалалари бўйича китоблар ва турли қўлланмалар ёзиш, уларни чоп этиш ва тарқатиш масалаларига катта эътибор берилган.

Мактабларда шариат асослари, мадрасаларда эса мусулмон ҳуқуқининг умумий назарияси, унинг манбалари, алоҳида ҳуқуқ тармоқлари ва тузилмалари, мумтоз ҳуқуқ мактабларининг таълимотлари алоҳида дастур асосида ўргатилган. Шунингдек, муллалар, қозилар, муфтилар, уламолар саводсиз аҳоли ўртасида шариат қоидаларини оғзаки тарғибот қилиш ишлари билан ҳам шугулланганлар. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарларнинг хулқ-атвори маҳаллаларда, масжидларда турли йигинларда муҳокама қилинган, ўтилар, харидорларнинг ҳақидан, торозидан уриб қолувчилар, сифатсиз маҳсулотни бозорга олиб келгандар жамоатчилик кўзи олдида жазоланган, жиноятчиларнинг қилмиши ва уларга қўлланилган жазо ҳақида аҳоли хабардор қилинган. Бу оқибат-натижада, аҳолининг ҳуқуқий қоидалардан хабардорлик даражасини оширишда, ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашда кишиларни қонун-қоидаларга ҳурмат руҳида тарбиялашда, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ўрин туттган.

Тўққизинчидан, мамлакатимиз ҳудудида шариат қонунлари амал қилган даврда ибратли, ижобий жиҳатлар, тадбирлар билан бир қаторда иллатлар, қонунбузарликлар, камситишлар, ҳақсизликлар, адолатсизликлар, ҳатто ёвузиликлар ҳам бўлган. Булардан кўз юмиш мумкин эмас. Умуман, шариат қонунлари ўлкамиизда амал қилган тарихимизни ўрганишда масалага ҳар томонлама чуқурроқ, илмий, умуминсоний, демократик, инсон-парварлик, нуқтаи назаридан ёндашиш ва баҳо бериш керак. Бу ерда шуни алоҳида таъкидаш лозимки, айрим мутахассисларнинг ҳуқуқ соҳасида шариат қонунларига қайтиш керак деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки шариат қонунларида ижобий жиҳатлар билан бир қаторда салбий, бизнинг ҳозирги давримиз талабларига, турмуш тарзимизга, дунёқарашибимизга тўғри келмайдиган қоидалар ҳам мавжуд.

Ўнинчидан, мамлакатимиз ҳудудида давлат, ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият тарихини ўрганишда бу ўринда сўнги 130 йил давомида амалда бўлган ҳуқуқий ҳужжатларга алоҳида эътиборни жалб қилишимиз лозим. Зотан, бу давр ҳалқимиз ўтмишида тарихий ва сиёсий воқеаларга, қарама-қаршиликлар, зиддиятларга энг бой, энг аянчли жабр-зулем, ҳақсизлик, адола-

тсизлик, милий ва диний қадриятлар, урф-одатлар, аңъаналарни таҳқирлаш, мустақилликка эришиш йўлида қилинган ҳар қандай уринишларни шафқатсизлик билан бостириш, сиёсий маккорлик авжига чиққан мозийдир. Мазкур даврда мамлакатимиз ҳудудида чор Россияси ва қизил салтанат ҳукмронлигини, мустамлакачилик тартибларини жорий қилиш, ва мустаҳкамлаш, ўлқамизниң табиий бойликларини меҳнатсевар ҳалқимиз томонидан етиштирилган маҳсулотларни сув текинга марказга ташиб кетиш, тарихий ёдгорликлар, ноёб қўлёзмалар, мачитлар ва мадрасаларни йўқ қилиш, миллатнинг энг етуқ шоирлари, ёзувчилари, олимлари, жамоат ва давлат арбобларини қатагон этишда асос бўлиб хизмат қилган ҳуқуқий ҳужжатларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларнинг туб моҳиятини очиб ташлаш, бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифаларидан биридир. Чунки, мустақилликни мустаҳкамлашда баҳоли қудрат ўзининг ҳиссасини қўшаётган Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси мустамлакачилик даврининг барча даҳшатлари, ёвузликлари, ва уларнинг "қонуний асослари" ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоғи шарт. Шундагина у мустақилликнинг ҳақиқий фидойиси бўла олади.

Ўн биринчидан, кейинги йилларда эълон қилинган айрим рисолаларда кўтарилаётган масалаларда Совет даври деб атальмиш тарихимизни ёритища бир томонламаликка-бу даврининг фақат салбий жиҳатларини кўрсатишга ҳаракат қилиш ҳоллари кўпроқ кўзга ташланмоқда. Бу адолатдан эмас, албатта. Совет даврида камчиликлар, хатоликлар, зўравонликлар, қонунсизликлар, таҳқирлашлар, қирғинлар билан бир қаторда анчагина ижобий ишлар ҳам амалга оширилган. Бундан кўз юммаслик керак. Хусусан, давлатни бошқаришда яккаҳокимликка барҳам берилиб, республикада бошқарув шаклининг жорий қилиниши, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчлари қонун билан белгиланиши, аҳолининг кўпчилигига сайлов ҳуқуқининг берилиши, хотин-қизлар ҳуқуқларининг эркаклар билан тенглаштирилиши, кўпхотинликка барҳам берилиши, умуммажбурий ўрта таълимнинг жорий этилиши, ногиронлар, кексалар, вақтингча меҳнатта яроқсиз бўлган кишиларни пенсия ва нафақа билан таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатланиши, аёллар ва ёшлар меҳнатининг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши суда ҳимоячининг иштирок этиши кабилалар давлат ҳуқуқи тарихимизда олдинга кўйилган муҳим қадамдир. Бундай демократик мазмундаги дав-

лат-хуқуқий тузилмалари ва қоидаларини чуқурроқ таҳлил қилиш, уларнинг мохиятини ҳар томонлама очиб бериш, тарихда ўйнаган ижобий мавқеини кўрсатиш адолатдан бўлур эди. Бу борада ана шу демократик мазмундаги тузилмалар ва қоидларни ҳаётта тадбиқ қилишда йўл қўйилган хато ва камчилликлар ҳам холисона баҳоланиши лозим.

Ва ниҳоят, ўн иккинчидан, ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳар бир мустақил давлат ўзининг миллий мафкурасига, унинг узвий таркибий қисми бўлган сиёсий-ҳуқуқий мафкурасига эга бўлиши шарт. Бусиз том маънодаги мустақил давлатнинг бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун миллий давлат сиёсий-ҳуқуқий мафкурасини шаклантириш долзарб вазифадир.

Миллий истиқлолнинг ҳуқуқий маданияти ўзбек давлатчилиги, ҳуқуқий тажрибаси тараққиёти сабоқларига, мустақиллик, озодлик, хурфикрлилик, тенглик, дўстлик, тинчлик, адолатлилик, қонунийлик, ҳалқчиллик, ватанпарварлик, инсон-парварлик, қонун устуворлиги, фуқаро билан давлатнинг ўзаро тенг жавобгарлиги, жазонинг айборлик даражасига мутаносиблиги каби умуминсоний ва миллий гояларни ўзида мужассамлантирмоғи керак. Шундагина биз ўз ҳуқуқий дунёқарашимиз, руҳиятимиз, турмуш тарзимиз, хулқ-атворимиз, диний ва миллий хусусиятларимизни ўзида акс эттирувчи ўзбек ҳуқуқий маданиятига эга бўламиз.

## Х боб

# ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

- 
- \* Ўзбекистон истиқдолол ва тараққиёт тамойиллари - ҳуқуқий маданиятнинг асоси
  - \* Ҳуқуқий маданият тараққиётининг юридик асослари \*
  - \* Қонунийлик - ҳуқуқий маданиятнинг негизи \*
  - \* Ўзбекистон фуқаролиги - ҳуқуқий маданият белгисидир \*
  - \* Давлат ва ҳуқуқ рамзларини хурмат қилиш - ҳуқуқий маданият юқори эканлигининг кўрсаткичи

### 1. Ўзбекистон истиқдолол ва тараққиёт тамойиллари - ҳуқуқий маданиятнинг асоси

Ўзбекистон ҳудудида милий давлатчиликнинг вужудга келиши ҳуқуқий давлатга хос бўлган тамойилларнинг ҳаёта изчил татбиқ этилишини тақозо қиласди. Мазкур тамойиллар демократик ўзгаришларнинг, инсонпарварлик ғоялари ва ижтимоий адолатни ўрнатиш, фуқароларнинг юксак даражадаги сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чинакам ҳимоялаш ва амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов асарларида чуқур асослаб берилган. Ҳақиқатан ҳам, “Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар хурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди”.

Мустақил Ўзбекистон ўзининг 23 миллионлик нуфуси билан Марказий Осиё ҳудудининг ўзагини ташкил этади. Ҳудди шу ҳудудда дунёning энг қадимий цивилизацияси пайдо бўлган. Ана шу заминда Шарқ ва Фарб азалдан юзма-юз бўлган. Асрлар давомида Осиё билан Оврупони боғлайдиган карvon йўллари ҳам ҳудди ана шу ўзбек диёри ҳудудидан ўтган. Ушбу масканлардан “Буюк Ипак йўли” ўтиб, яқин даврларгача у ўзининг бетакрор аҳамиятини сақлаб қолган ва ҳозирги кунда ҳам оламшумул мавзеини йўқотгани йўқ.

Ўзбек ҳалқининг миллий давлатчилиги ҳам қадимий бўлиб, у мазкур тарихнинг уч минг йиллик қаърига бориб этади. “Мазкур

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқдолол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992. 17-б.

худудда қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон давлатларининг гуллаб-яшнаши жаҳон маданияти ривожига ёрқин из қолдириди”<sup>1</sup>.

Ўзбекларнинг аждодларига ҳалқ қисматининг суронли, баъзан фожеали силсилаларни босиб ўтишга тўғри келган. Моддий ва маънавий салоҳиятга бой ана шу ўлқани ўзаро бўлиб олиш ва унга эгалик қилиш учун тарихда кучли давлатлар ўртасида аёвсиз курашлар, қирғинбарот жанглар бўлиб турган. “Шунга қарамай, ўзбек ҳалқи улуғ алломаларни, мутафаккирларни, саркардаларни тарбиялаб, мислсиз маънавий бойлик яратди, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшди”<sup>2</sup>

Ҳақиқатан ҳам ўзбек ҳалқи асрлар давомида ўз маънавияти ва қадриятларини сақлаб, авайлаб мағрур яшади, истиқдоли ва эрки учун меҳнат қилди<sup>3</sup>. Айни замонда ана шу миллий онг ва миллий ифтихор истиқлолимизнинг ҳам бебаҳо тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур пойдеворни ҳалқ қаҳрамонлари Широқ ва Тўмарис, буюк алломалар ва давлат арбоблари ал-Хоразмий ва ал-Форобий, ал-Беруний ва Абу Али ибн Сино, Амир Темур ва Мирзо Улугбек, Алишер Навоий ва Бобур, Шайбонийхон ва Абдуллахон каби ҳалқимизнинг юзлаб асл фарзандлари яратганлар.

Бутун ҳалқимиз имом ал-Бухорий ва ат-Термизий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд ва Сулаймон Боқирғонийнинг кутлуг номларини чуқур эҳтиром билан тилга олади. Уларнинг диний ва ҳуқуқий таълимотлари юртимизда қайтадан тикланиб, инсон шахсининг маънавий камолоти учун хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга совет империяси даврида гуноҳсиз қатағонга учраган ҳамда зўравонликлар курбони бўлганлар ҳам мустақиллигимиз маънавиятига бебаҳо ҳисса қўшдилар. Ҳозирги қунда ўзбек ўғлонларининг бир вақтлар ноҳақ қораланган ва унтуилаёзган эзгу номлари тикланиб, муносиб баҳоланмоқда. Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Усмон Носир каби кўплаб зиёллиларнинг асарлари ҳалқ бойлигига айланди. “... Мустақиллик, ҳуррият ҳалқимизга ниҳоятда қимматга тушган. Ҳурриятнинг баҳоси доимо авлодлар тақдири, ҳаёти, иймони, виждони билан ўлчанади”<sup>4</sup>.

Яқин ўтмишда совет оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий ривожланишидаги ютуқлари

<sup>1</sup> Каримов И.А. БМТнинг Бош Ассамблеяси 48-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқи. Т.: Ўзбекистон, 1993. 6-б.

<sup>2</sup> Ирмуҳамедов Б.А., Ҳасанов Б.В. Происхождение и формирование узбекского народа. Т., 1992. С.19.

<sup>3</sup> Ўзбегим. Т., 1992. 110-135 бетлар.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ҳалқимизнинг оташқалб фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 75-йиллигига бағишланган йигилишида сўзланган нутқ. Тошкент, 1992. 5-6-б.

тўғрисида кўплаб ваъзхонликлар қилинарди. Саводсизликни тутатиш, завод ва фабрикалар қурилиши, янги ўкув юртларининг очилганлиги, миллий кадрларни тайёрлаш, хотин-қизларни озодликка чиқариш шулар жумласига киради. Албатта, буларнинг аксарияти ҳақиқатан ҳам бўлгани билан бироқ маданиятимизда нимаики ислом дини, урф-одатлари, халқнинг чинакам маънавий қадриятлари, анъаналари билан узвий боғланган бўлса, мазкур қадриятлардан воз кечилган эди. Бундай сиёсат туфайли “Туркистон халқи бошига тушган кулфатнинг асосий сабабларидан яна бири иқтисодиётнинг жамиятни ўзаро қарама-қарши табақаларга бўлиб ташлайдиган, меҳнатни раббатлантирувчи омилларни йўққа чиқарадиган коммунистик мағкурага бўйсундиришдан иборат эди”<sup>1</sup>.

1991 йилда коммунистлар салтанатининг қулаши ўзбек халқининг мағкуравий исканжадан халос бўлиб, тинч парламент йўли билан мустақилликка эришишига, ўзининг истиқолол йўлига чиқиб олишига қулай шароит яратди.

Ўзбек халқи ютуқларининг гарови нимада, деган савол туғилиши табиий. Мазкур саволга бир сўз билан “Тинчликда”, деб жавоб бериш лозим. Аксарият кишилар жамиятдаги демократик жараёнларни ҳаракатимизнинг ягона йўналиши деб баҳолайдилар. Аслала бундай жараёнларни демократиядан эмас, балки иқтисоддан бошлаш лозим, деб мулоҳаза юритиш ҳам мумкиндир. Лекин, ҳудди мана шу муносабатларда Ўзбекистоннинг собиқ совет республикала-рига нисбатан ҳам ривожланиш йўлидаги тафовутлар кўзга ташланади. Европа жамиятларидан фарқли ўлароқ маънавий ўзига хослигига эга бўлган жамиятимизнинг энг қулай ривожланиш йўлини танлашда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жамият ва давлатни ислоҳ қилишининг нисбатан оғриқсиз “фалажсиз даволаш” йўлларини топа олди.

Ўзбекистонинг истиқололга эришуви унинг иқтисодий ва ижти-моий тараққиёти, маданий ва маънавий янгиланиши учун улкан им-кониятлар яратди. Эркка эришган ҳар бир мамлакат ўз ривожланиш йўлига эга ва у янги жамият қуриш учун ўз андозасини излашга ҳаракат қиласди. Ўзбекистон Республикаси давлат қурилишининг асо-сий тамойили мамлакатимизнинг ўз хусусиятларини, кишиларнинг анъаналари ва урф-одатларини, ҳаёт тарзини инобатга олган ҳолда ўз хукукий йўлини топа олишидир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида истиқололнинг илк дамлариданоқ мамлака-

<sup>1</sup> Орифжонов Э.К. Туркистон шўролар даврида Ушалмаган орзулар. Т., 1994. 40-б, Ўзбеким. Тошкент, 1992. 41-89-бетлар.

тимизнинг янги шароитларда бозор иқтисодиётига ўтишнинг мезони, ўзига хос демократик Конституцияси ишлаб чиқилди<sup>1</sup>.

Танлаб олинган тараққиёт дастуримиз жамиятнинг объектив ривожланиш қонунларига асосланади. Истиқлол шароитида босиб ўтилган йўлнинг тўғрилиги амалиётдаги ўзгаришлар билан тасдиқланмоқда. Бу йўл Узбекистонни миллий-давлатчилик, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камолатга элтадиган йўллар.

Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамияти ва демократик хукуқий давлат куриш жамиятимиз сиёсий-ижтимоий ривожланиши нинг аниқ мақсади қилиб қўйилган. Мазкур давлат ташки сиёсатга очиқ бўлиб, маърифий ва барқарор бозор муносабатларига асослангандир. Фақат Ўзбекистонда яшайдиган замондошларимизнинг эмас, балки келажак авлоднинг ҳам тақдири биз қурмоқчи бўлган давлат билан узвий боғлиқдир. Ушбу жамият Ўзбекистон халқига муносиб ҳаётни кафолатлаши, унинг хукуқ ва эркинликларини таъминлаши, миллий қадрияtlар ва маданиятни равнақ топтириши, инсон ахлоқий камолотига хизмат қилмоғи лозим.

Ўзбекистон барпо этилган демократик давлатнинг янги ижтимоий тузумга ўтишда беш асосий тамойилга амал қилишини Президентимиз И.А.Каримов чуқур илмий ишлаб чиқдан<sup>2</sup>. Айни вақтда жорий қилинаётган беш асосий тамойил жумхуриятимизда мустақил давлат куришнинг дастури бўлиб узоқ йилларга мўлжалланган. Мазкур хукуқий давлат куриш хукуқий тамойиллари Ўзбекистон янгилашини ва тараққиётининг ўзига хослигини ифодалайди. Улар қўйидагилардан иборатдир<sup>3</sup>.

*Биринчи тамойил:* иқтисодий ислоҳотларнинг сиёсатдан устуникини ва бу жараёнда иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги. Мазкур тамойил иқтисоднинг ҳамиша сиёсатдан устун бўлиши лозимлигини кўрсатади. Чиндан ҳам иқтисодни мафкура билан боғлаб қўймаслик зарур. Маълумки, собиқ советлар тузуми давридаги иқтисод ҳаддан ташқари сиёсийлашганди. Узоқ йиллар давомида илмий ҳақиқатларнинг сўнги намунаси каби кўз-кўз қилинган соҳта социалистик назарияларнинг қотиб қолганлиги малакатимиз тафаккури тараққиётiga катта путур етказиб, уни бир қадар қашшоқлаштириди. Шу

<sup>1</sup> Орифжонов Э. Туркистон шўролар даврида. Ушалмаган орзулар. Т., 1994. 40-б; Ўзбегим. Тошкент, 1992. 41-89-бетлар.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Янги уй курмай туриб, эсқисини бузманг. -Т.: Ўзбекистон, 1993.

<sup>3</sup> Мазкур тамойиллар илмий адабиётларда, оммавий ахборот воситаларида кенг мухокама қилинмоқда. Бу борада хукуқшунос олимларимизнинг қўйидаги ишларини кўрсатиш мумкин. -Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат. Т., Адолат, 1995. 3-10-б; Таджиханов У. Правовая идеология и правовая культура в суверенном Узбекистане. Т., 1995, с.4-11; Саидов А., Тожихонов У., Тошқулов Ж. Мустақиллик ва хукуқий мафкура. Т., 1995. 44-48-б.

боис бугунги кунда мазкур тафаккур билан қуролланган барча бошқарув идоралари ходимлари амалда бозор иқтисоди шароитида ишлазгач тайёр эмасликларини намойиш этмоқдалар.

*Иккинчи тамойил:* иқтисодни башқарища, хусусан, бозор муносабатларига ўтища, янги жамият қурища давлатнинг бошқариш жиловини қўлдан чиқармаслиги. “Фақат давлат, қонуний йўл билан сайланган ҳокимиятгина ислоҳотчи бўлса, хаётда ижобий ўзгаришлар юз бериши мумкин”<sup>1</sup>. Бунинг устига, фақат қонун устуворлигига таянган давлатгина ўз таркибий тузилмалари воситасида бюрократизми, буйруқбозликни, шаклланган ночор психологиясини тугатиши, чинакам бозор муносабатларини жорий қилиши мумкин. Худди ана шу давлатгина жамият ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаши, ижтимоий парокандаликка олиб бормайдиган оқилона, мезонли, изчил сиёсатни амалга ошириши лозим. Шундагина ҳалқнинг ҳәтида ижобий силжишлар юз бериши, ислоҳотлар ва янгилашиб йулидан боришига эришиш мумкин бўлади<sup>2</sup>.

Мустақил ривожланиш йўлига кирган аксарият мамлакатларнинг тажрибаси давлатнинг жамиятдаги туб ўзгаришларда ташаббускор бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бир томондан, давлат мамлакат ва ундаги аҳоли манфаатларини ҳимоя қиласа, иккинчи томондан эса, у кишилар ва уюшган тузilmаларни ислоҳотларга тайёрлайди. У гүё одамларни янгича яшашга мажбур этади ва шу билан бирга уларни рагбатлантиради ҳам.

Ёш мустақил давлат тарихидаги бундай мураккаб даврда - эски тизим қулаган, лекин янги тизимнинг қурилиши ҳали тутатилмаган бир шароитда бошбошдоқлик ва парокандаликка йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ҳодисалар ҳокимият кучсиз ва лаёқатсиз бўлган ерларда содир бўлади, холос.

Якка ҳукмронликка асосланган андозадан чинакам истиқололга ўтиш даврида бош ислоҳотчилик мавқенини ҳатто ақлии ва иқтидорли академиклар ва амалиётчилар гурухи эмас, балки бу ишни фақат қонун билан иш кўрадиган давлатгина эгаллайди. Шу боисдан ҳам мараккаб ўтиш даврида эски жамиятнинг ўрнига янгисини қурища давлат бошқарув жиловини ўз қўлидан чиқармаслиги даркор.

Маълумки, Марказий Осиё ҳудудида Ўзбекистон ўзининг муҳим географик ўрнига кўра алоҳида мавқега эга. Шу боис ҳам мазкур ҳудудда қонун йўли билан сайланган ҳокимиятнинг барқарорликнинг кафолати бўлиши жуда муҳимдир. Акс ҳолда, ўлкада муайян сиёсий тартибсизликлар юз бериши ҳақиқатдан йироқ эмас.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т., 1993. 150-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Правовое государство - независимость, нация, экономика, идеология, политика. Том I. Т.: Адолат, 1994. -С. 53-60.

Дарҳақиқат, кўп миллатли Ўзбекистон халқи ишонадиган кучли давлат ҳокимиятигина тинчликни сақдаши, республикани равнақ йўлига чиқариши лозимлигини мустақиллик шароитида кечган тўрт йиллик ҳаёт тўлиқ тасдиқлаб турибди<sup>1</sup>.

Осоишталикни, барқарорликни таъминлаш мамлакатдаги фуқаролар ва миллатларнинг муросаси давлат қурилишини ва икти-содиётни такомиллаштиришнинг муҳим омили бўлмоқда. Ана шу мурракаб вазифаларни ечиш учун юртимизда кучли ижроия ҳокимияти зарур эди. Барча қўйинчиликларга қарамай, мазкур муаммолар ечилди. Бугунги кунда Ўзбекистон собиқ иттифоқчи республикалар орасида энг барқарор ривожланәтган давлат ҳисобланади<sup>2</sup>.

*Учинчи тамойил* : қонунга итоаткорлик - демократик ҳукуқий давлат қуришнинг зарурий шартидир.

1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Конституция мустақил Ўзбекистоннинг Асосий қонуни, истиқолол Қомусидир. Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар мутахассислари ва экспер-тлари Конституциямизнинг жаҳондаги энг илғор конституциялар қаторига киришини тасдиқладилар<sup>3</sup>.

Ҳар бир ёш мустақил давлатда унинг пойдевори мустаҳкам бўлиши учун чинакам демократик қонунларнинг бўлишигина кифоя эмас. Бизни ўтмишда аксарият қонунларнинг мавжудлигини эътироф этиш баробарида, уларга риоя қилишнинг зарур эмаслиги руҳида тарбияладилар. Ўша йилларда бизларда қонунга оддийгина ҳурмат туйғуси ҳам шаклланмади. Бугунги кунда эса аҳолининг кенг қатлами онгига ҳукуқий маданиятга оид билимларни сингдириш, қонун та-лаблари ва руҳига ҳурмат билан ёндашувни тарбиялаш зарур бўлиб қолди. Қонунларга бундай муносабатсиз демократик ҳукуқий давлатни куриб бўлмайди. Жумладан, қонун ҳимоясидан ташқаридаги хусусий мулкчилик фермер (дехқон) хонадонларининг алланга ичидаги қолишига олиб келиши мумкин. Пировардида, оғиздагина демократия деб аталган жамият миллатлароро ва ижтимоий руҳдаги доимий тўқнашувлар майдонига айланиши ҳеч гап эмас. Шу боис бугунги жараёнларнинг бош талаби қонунийликни ҳурмат қилиш, қонунга итоаткорликдан иборат бўлиши зарур.

Чинакам демократик жамиядга Президент ҳам, оддий фуқаро ҳам нисбатан кам таъминланган камбағал ҳам, бойиб бораётган иш-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995. 27-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.; Ўзбекистон, 1995. 34-35-бетлар.

<sup>3</sup> Каримов И.А Буюк келажатимизнинг ҳукуқий кафолати. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йигилишда сўзланган нутқ. Т., 1994. 5-6-6.

билармон ҳам қонунга баб-баравар риоя қилиши шарт. Қону́ннинг ҳаётниңг барча жабхаларида устуворлигига интилиш мақсадга муво-фиқдир. Ишонч кафолати эса - бу қонунларга қатъий риоя қилиш қадриятидир<sup>1</sup>.

Қонунчиликни ва ҳуқуқий кафолатни жорий қилишнинг ўзгача йўли ҳам мавжуд. Бу йўл Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотларнинг барқарор ҳуқуқий заминини яратишидир. Иқтисодий ўзгаришлар ҳаётда синалган, амалий кучга эга бўлган қонунларга асослангандағина сезиларли ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Бугунги кунда республикада фақатгина иқтисодий соҳага оид 50 дан ортиқ қонунлар қабул қилиниб, улар якка тартибдаги тадбиркорлик ва корхоналар фаолияти негизини белгилайдиган мулкий муносабатларни, ташки иқтисодий алоқаларни, банк, ишбилармонлик, биржа фаолиятларини, чет эл сармояларини ҳуқуқий тартибга солиб турибди. Республикада амалга оширилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хиссадорлик корхонлари фаолиятига зарурый ҳуқуқий замин яратилган<sup>2</sup>.

Шунга кўра, Ўзбекистонда бозор иқтисодига ўтиш учун хизмат қиласидиган қатор ҳуқуқий идоралар пайдо бўлмоқда, маърифий шаклдаги бозорга ўтишни таъминладиган қонунлар мажмуаси тайёрланмоқда. Улар соҳта бозор муносабатларига ўтишга мўлжалланган жинонӣ тузилмаларга қарши курашда қонунчилик учун самара бермоқда.

Бу ўринда кўзланган асосий мақсад нафақат ҳалқаро нормаларга мос келадиган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, балки уларни ҳаётга жорий этишни таъминлашдан ҳам иборат.

Чунончи, ишбилармонлик фаолиятини ривожлантиришни қонуний йўлга кўйиш, ишбилармонлар шаън-шарафи тўғрисидаги қонунлар мажмуасини ишлаб чиқишининг фурсати етди. Шундай қилиш лозимки, ишбилармон сўз бердими, унинг ана шу ҳалол вайласи давлат органлари томонидан чиқариладиган юзлаб кўрсатмалар ва йўл-йўриқлардан кўра баландроқ обрў-эътиборга эга бўлсин.

*Тўртингчи тамоийл* : кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишидир. Бозор муносабатларини жорий этиш аҳолини ижтимоий химоялаш билан бирга қадам-бақадам бориши даркор. Мазкур та-

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсилоқ қаранг: *Сайдов А.Х Қонунийлик - Ўзбекистон давлатчилигининг пойдеворидир/ Ўзбекистон Республикаси - мустақил давлат. Т.: Адолат, 1995. 66-73-бетлар. Таджиханов У. Правовая идеология и правовая культура в суверенном Узбекистане. Т., 1995.- С.29-32.*

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1994. 50-64-бетлар.*

мойил бозор иқтисоди йўлида энг долзарб вазифа бўлиб келган ва шундай бўлиб ҳам қолади<sup>1</sup>.

Демократик ва иқтисодий ислоҳотлар йўлида эришилган ижобий силжишлар Ўзбекистонда мустақиллик йилларида давлатнинг олиб борган иқтисодий сиёсати, шунингдек ахолининг энг кам таъминланган қатламлари ҳимоя қилинганини туфайли ҳам содир бўлмоқда<sup>2</sup>.

Бозорга ўтишнинг у ёки бу йўли тўғрисида гап борганда аниқ шарт-шароитларни у ёки бу худуднинг ўзига хослигини, ахолисини ва унинг хусусияларини инобатга олмай баҳс юритиб бўлмайди. Чунончи, Ўзбекистон Мустақил Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида барқарор аҳоли ўсишига эга бўлган ўлқадир. Унда ҳар йилги ахолининг ўсиши қарийб олти юз минг кишига етади. Ҳолбуки, бошқа Ҳамдўстлик мамлакатлари - Россияда, Украинада, Беларусида туғилишнинг шиддатли пасайиши кузатилмоқда. Мазкур вазият собық иттифоқ худудида бўлган Болтиқбўй мамлакатларида ҳам муҳим бўлиб қолмоқда.

Ҳолбуки, Ўзбекистонда бир оиласга тушадиган энг юқори демографик вазият мавжуд, яъни ундаги ахолининг қарийб ярми 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлардан иборат. Уларни жисмонан бақувват ва баркамол бўлишлари учун, ижтимоий ҳимоялаш ва маънавий қадриятлар руҳида тарбиялаш даркор. Зеро республикада бир кишининг оладиган маошига олти-етти кишидан иборат оила кун кечиришини унугтаслик лозим.

Шу туфали ҳам Ўзбекистонда авлодларнинг соғлигини таъминлашдек улуғвор вазифа олдимиизга пировард мақсад қилиб қўйилган. Шу боис, жаҳон мамлакатлари ичida Ўзбекистонда биринчи бўлиб “Софлом авлод учун” ордени ва шу номли халқaro жамғарма ва журнал таъсис этилди. Чиндан ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом авлодсиз ривожланган мамлакатлар қаторига кириб бўлмайди.

Ахолининг етим-есирлар, кексалар, ногиронлар, кўп болали оналардан иборат яна бир қатлами мавжудки, улар давлат ҳимоясига ўта муҳтоҷидирлар. Шу боис ҳам давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ана шундай қатламнинг ҳам очлик ва муҳтоҷликка учрамаслигини таъминлашдир. Ҳақиқатан ҳам давлат ўз мамлакати ахолисини ҳимоя қила олгандагина инсоний, демократик мақомга эга бўлади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Каранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1994. 64-79-бетлар.

<sup>2</sup> Каранг: Правовое государство - независимость, нация, экономика, идеология, политика. Том I. Т., Адолат, 1994, с.135-154.

<sup>3</sup> Ислоҳотимиз тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Президенти *И.А.Каримовнинг “Российская газета”* мухбири Вахтанг Шелия билан сұхбати// Халқ сўзи, 1995 йил, 12 июль.

Ва аксинча, ижтимоий ҳимоясизликнинг олди олинмаса, биз доимо ҳар лаҳзада юз бериб туриши мумкин бўлган кўр-кўёна, стихияли қўпорувчилик ва ижтимоий портлашлар муҳитида фафлатда яшайверамиз.

Шу боис фақат кучли фаол ижтимоий ҳимоя тадбири ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган холда бозорга ўтишнинг бир маромли ҳаракатини таъминлаши, таркибий қайта қуришини амалга ошириши, ижтимоий муносабатларни тубдан ислоҳ қилиши мумкин.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари кечикириб бўлмайдиган долзарб вазифадир. Мазкур тадбирлар доимо ўзгариб турувчи вазиятга, нарх-наволарнинг ошиши ва пулнинг қадрсизланишига мос равишда амалга ошиши лозим. Улар, турли хилдаги иқтисодий ва ижтимоий бўхронларга қарамай, ҳаётнинг мунособи даражасини таъминлашни кафолатлаши керак.

*Бешинчи тамоийл:* бозор иқтисодига ўтиш шошқалоқлик билан эмас, балки тадрижий равишда қадам-бақадам амалга ошиши зарур. Ўзбекистонинг ўз истиқбол ва тараққиёт йўли босқичма-босқич бозор иқтисодига ўтишдир<sup>1</sup>.

Чинакам маърифий ривожланишига тадрижий йўл таъланганлигини ва бунда фожеали оқибатлар ва кучли ижтимоий бўхронларни келтириб чиқарадиган сохта инқилобий сакрашларнинг бўлмаслиги ҳолатини алоҳида қайд этиш зарур.

Юртимизда мазкур ўтиш даврининг мавжудлиги мукаррардир, бу замон талаби, бинобарин, объектив заруриятдир. Бироқ, бозорга “юз” ёки “беш юз” кунларни чамалаб ёндошиб бўлмайди. Бозорга ўтишни тезлаштиришнинг ҳар қандай йўли - муайян тайёргарлик кўрилмасдан “фалажли даволаш” услуби билан амалга оширилса, у холда умидларнинг сўнишини, бозорга ўтиш тояларига лоқайдликни туғдиради, ҳалқ ҳўжалигига эса бўхроний ҳодисаларнинг кучайишига, шаклланган барча тузилмаларнинг, ҳўжалик алоқаларининг издан чиқишига олиб келади. Бошқача айтганда бундай йўл мамлакатни батамом парокандаликка, ҳалокат ёқасига етаклайди, мустақилликка раҳна солади. Илгаридан (яқин юз йилдан бери) аҳолисининг аксарияти нисбатан паст ҳаёт тарзидан иборат бўлган Ўзбекистонда “фалажли даволаш” услубини кўллаш ўта ҳалокатли кечиши мумкин эди. Чиндан ҳам бозор иқтисодига ўтишда ҳали янгисини курмай турриб ўз яшаб турган уйимизни бузиб ташлашимиз маъносиздир.

Бозорга ўтиш босқичма-босқич амалга ошиши лозим. Бунинг учун олдимизга қўйилган мақсад сари собитқадамлик билан ҳаракат қилмоқ зарур. Ўнлаб йиллар давомида ҳаётимизга зўрлаб

<sup>1</sup> Каранг: Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1993. 55-59-бетлар.

тиқиширилган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни бир ижтимоий гуруҳ ёки синфнинг иккинчи гуруҳ ёки синф манфаатлари билан тўқнашувисиз қисқа муддатда ўзгартириб бўлмайди. Шу боис ташкилий, иқтисодий, молия-кредит ижобий тадбирларини ўзгартириш учун ҳукуқий заминни, бозор инфраструктурасини барпо этиш, ходимларни тайёрлаш учун ҳам муайян муҳлат зарур.

Кишиларни жамиятни янгилаш ва ўзгартиришнинг зарурлиги-га ишонтиrmай, ҳаракатлантирувчи кучларни ва қадриятларни, муаммолар йўналишини ўзгартиrmай ислоҳотлар йўлига кириш, янги жамиятни барпо этиш, жиддий муносабатларни жорий этиш амри маҳолдир<sup>1</sup>.

Шарқий Европа мамлакатлари ва собиқ Иттифоқнинг аччиқ тажрибаси шошқалоқлик, қандай йўл билан бўлса-да, “олдинга ўтиб олиш”, муайян аниқ муддатларни кўр-кўрана белгилаш бирор-бир дурустроқ яшаш тарзига келтирмайди, балки ҳётни издан чиқаради. Давлат монополизми шароитида ривожланган корхоналар ишлаб чиқарадиган товарларнинг баҳоларига эркинлик бериш қарийб ҳётининг таназзулига айланиб қолди. Демак, агар истеъмолчиларнинг манфаатларини инобатга олишга асосланган соғлом рақобат вужудга келмаса, мазкур ҳодиса давлат томонидан амалга оширилган баҳоларнинг яна бир “осмонга сакраши” бўлади, холос.

Янги шарт-шароитларни барпо этмай, аҳоли психологиясини ҳётдаги ўзгаришларга тайёрламай бозор муносабатларини жорий қилишни тезлаштириш зид натижаларга олиб келиши, бозор иқтисодиёти гоясининг ўзини, унинг моҳиятини обрўсизлаштириши мумкин.

Ўзбекистон тадрижий йўл билан ривожланиш тарафдори бўлган Шарқ мамлакатидир. Шу боисдан у бозор иқтисодиётига “буюк сакраш”лар ва “инқилобий ўзгаришлар” билан эмас, балки изчил равишда босқичма-босқич ўтиши жоиз. Яъни унинг фақат бир босқични босиб ўтгач, шарт-шароитлар яратиб қўйиб янгисига ўтиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек ҳар бир босқичнинг ўз долзарб муаммоларини амалга оширишнинг муайян усуллари ишлаб чиқлади. Бунинг учун одамларнинг эскича андозали ўй-ҳадсларини ўзгаришиш фавқулодда муҳимдир. Ҳар бир босқичда ана шу босқичга мувофиқ равишда кишиларнинг тафаккурини тайёрлаш, янги тизимнинг афзаллигига уларни амалий тадбирлар билан ишонтириб, ривожланган мамлакатларда юз йиллар давомида барпо этилган муносабатларни тиклашимиз даркор.

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон, 1995., 10-11-б.*

Бозор иқтисодиётига сакраб ўтиб бўлмайди. Шу боис чукур муҳокама қилиб олинган белгиланган босқичма-босқич ўтиш йўли - энг оқилона йўлдир. Мазкур йўлнинг енгил эмаслигига, балки унинг мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён эканлигига иймонимиз комил бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида” номли китобида юртимизда озодлик шабадаси эсгандан бўён амалга оширилган ижтимоий-сиёсий силжишлар, иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг натижалари таҳдил қилинган. Бундан ташқари бозор иқтисодиётига ўтишнинг иккинчи босқичида мамлакат олдида турган вазифалар баён қилинган<sup>1</sup>.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шунчаки мақсад бўлмай, айни пайтда у биринчи галда халқнинг муносаби ва фаровон ҳаётини таъминлаш қуроли ҳамдир. Мазкур ўринда Шарқнинг ҳаёт тарзини, руҳияти ва фалсафасини, шунингдек, исломий қадриятларни ҳам инобатга олмоқ жоиз. Бозор - бу муайян психология бўлиб, уни эътибордан соқит этиб бўлмайди. Шу боисдан асосий вазифа ижтимоий зарбаларсиз, очлик ва қашшоқликсиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига чиқишидир<sup>2</sup>. Худди ана шу маънода Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўли мавжуд деб айтамиз.

Ўзбекистон тараққиётининг хозирги босқичида икки асосий вазифа долзарб бўлиб турибди. Буларнинг *бирақчилиси*, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатига асосланган янги демократик ҳуқуқий давлат қолипини (моделини) барпо этишини ниҳоясига етказиш<sup>3</sup>; *иккинчилиси*, бозорга ўтишни ташкилий жиҳатдан таъминлашнинг янги ходимлар жамоасини шакллантиришни тақозо қилиш<sup>4</sup>.

Ислоҳотлар билан алоқадор кишиларнинг, энг аввало, масъул ходимларнинг ўзгаришларнинг ҳаётий моҳиятини тушуниб етишлари, пировардида уларнинг чинакам ватанпарвар бўлиб, республикамиз ва халқимиз манфаатлари тўғрисида қайгуришлари, уларнинг ҳаётий янгиланишларнинг ким учун ва нима учун амалга оширилаётганлигини тушуниб етишлари жуда муҳимдир. Улар вазифаларимиз ва мақсадларимизни аниқ англаб олишлари ва берилган топшириқларни оғишмай амалга ошира биладиган ходимлар бўлишлари лозим. Шу

<sup>1</sup> Каранг: *Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида*. Т.: Ўзбекистон, 1995.

<sup>2</sup> Каранг: *Шарифхўжаев М. Тараққиёт дастури*. -Ўзбекистон овози, 1995. 13 июль.

<sup>3</sup> Каранг: *Аззамходжаев А.А. Правовые основы государственной независимости республики Узбекистан*. Т., 1993.С.3-4.

<sup>4</sup> Каранг: *Правовое государство - независимость. нация, экономика. идеология, политика*. Том 11. Т.: Адолат, 1994. -С.68-93.

боисдан ҳам бизнингча, давлат хизматчилари тўғрисидаги қонуғни қабул қилиш ҳозирги энг долзарб вазифалардан биридир<sup>1</sup>.

Биз тамойил моҳиятига кўра янги ижтимоий сиёсий тузум ва давлатни барпо этаямиз. Ўзбекистонинг келажаги буюк. Ўзбек давлати бундай буюк келажак учун табиий бойликларга, ҳосилдор заминга, улуғ дарёларга эгадирлар. Энг асосийси - бу муқаддас заминда меҳнаткаш ва истеъодли ҳалқ истиқомат қиласи. Ўз ишини пухта биладиган ташаббускор, тиниб-тинчимас, иш учун куйиб-пишувчи, ҳалққа содиқлик билан хизмат қиласиган кишилар янги ижтимоий-сиёсий ва давлатчилик андозаларимизга ҳаёт бағишлишлари жуда зарур.

Ходимларга оид сиёсатда бугунги ўтиш даври муаммоларини ҳал қила оладиган ёш авлоднинг куч-ғайратига суюниб ишлаш лозим. Уларнинг фаол ҳаракатлари учун барча имкониятларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишининг мазкур беш тамойили Узбекистонда вертикал ва горизонтал ўзаро боғланган ва бир-бирига бўйсунадиган мустаҳкам ижроия ҳокимиятни сақлаб қолишининг имконини берди. Бунинг натижасида эса ижтимоий барқарорлик ва қонунга итоаткорлик вужудга келди.

Мазкур тамойиллар ҳаётта тадбиқ этилганда гина алоҳида қудрат ва моҳият касб этади, самара беради. Ўзбекистон Президентининг мазкур тамойиллари республика Конституциясидан мустаҳкам ўрин олиб, миллионларнинг онгига кириб борди. Ҳудди ана шу ҳодиса муваффақиятларнинг гарови, барқарорлик кафолати, Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт сари ҳаракатининг сирасоридир<sup>2</sup>. Мазкур тамойиллар жамиятимиз тараққиётининг ҳуқуқий негизларини белгилаб берди.

## 2. Ҳуқуқий маданият тараққиётининг юридик асослари

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилингандан бўён чуқур ўзгаришлар содир бўлди. Мазкур ўзгаришлар иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, илмий, маориф, мағкуравий, ташқи сиёсат соҳаларини қамраб олди. Мустақилликнинг бетакрор жараёни жамият ва давлатнинг, ижтимоий ташкилотларнинг барча қатламларига, ҳар бир инсон ҳаётигача етиб бормоқда, уларга баракали таъсир кўрсатмоқда.

<sup>1</sup> Қаранг: Тожиҳонов У. Давлат хизмати тўғрисида қонунлар мажмуи даркор// Ҳалқ сўзи. 1995. 23 август.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. Т.; Адолат, 1995. 42-б.

Мустақиллик барча мавжуд кучларни сафарбар қилишни, ижтимоий йўналган бозор иқтисодиётига ўтишда ўз йўлини топиш сари событқадамлик ва муайян мақсад билан ҳаракат қилишни талаб этади. Табиийки, бундай туб ўзгаришлар давлат -хуқуқий муносабатларни ҳам четлаб ўтмайди.

Давлат мустақиллигини хуқуқий жиҳатдан таъминлаш, сифат жиҳатдан янги қонунчилик тизимини барпо этиш, хукуқ ва қонунларга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш миллий мустақиллик мағкурасининг, қолаверса, фуқароларнинг дунёқараши, оламни тушуниши, маданияти ва онглилик даражасининг таркибий қисмидир. Зеро “аслида янги хуқуқий тизимни ишлаб чиқишга тўғри келади. Унинг ўзагини Асосий қонун - республика Конституцияси ташкил этади”<sup>1</sup>.

Демократик хуқуқий давлат барпо этиш конституциявий вазифадир. Хуқуқий давлатнинг асосий тамоили - қонун устуворлигидир. Қонун устуворлиги - қонуннинг ҳаётнинг барча жабҳаларида юқори мавқега эга бўлишини тақозо қиласди. Бирор-бир давлат идораси, хўжалик ва ижтимоий сиёсий ташкилот, мансабдор шахс ёки оддий фуқаро қонунга итоат қилишдан озод этилмайди. Қонун олдида барча тенгдир.

“Конунчилик фақат бозор муносабатлари қатнашчилари таркибини аниқлабгина қолмай, балки уларни қарорлар қабул қилишга ва натижалар учун, белгиланган қоидаларга риоя этилиши учун жавоб беришга хуқуқий жиҳатдан мажбур этади”<sup>2</sup>.

Бир ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузумдан бошқасига ўтиш, бунинг устига казарма (хонақи) социализмининг маъмурий буйруқбозлик тизимидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ва демократик хуқуқий давлатга ўтиш иқтисодий боғланишларнинг парокандалиги, ижтимоий турмуш таомилининг издан чиқиши билан тавсифланади.

Мазкур шароитларда давлат-хуқуқий соҳада зиддиятлар намоён бўлади: **биринчидан**, бундай ҳодиса қонун ости ҳужжатлари; **иккинчидан**, хуқуқни жорий этиш, яъни хуқуқни муҳофаза этиш органлари; **учинчидан**, аҳолини хуқуқий тарбиялаш, унинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданияти даражасида шундай зиддиятлар вужудга келиши мумкин.

Бугунги кунда иқтисодиётни хуқуқий мувофиқлаштириш асосий аҳамият касб этади. Мазкур ўринда бозор муносабатларига ўтиш учун давлат аралашувининг мезонлари аниқлаб берилиши зарур. Чиндан

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли// Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: 1994. 45-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. -Ўша асар, 46-б.

ҳам “ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор хўжалигини тегиши равишда ҳукуқий жиҳатдан таъминламасдан туриб, бундай хўжаликни тасаввур қилиб бўлмайди”<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон парламенти - республика нинг олий қонун чиқарувчи органи - Ўзбекистон Олий Кенгаши бозор иқтисодиётига ўтишга замин яратадиган қатор қонунлар қабул қилди. Ўзбекистон Республикасининг мулк тўғрисида, корхоналар тўғрисида, ишбилармонлик тўғрисида, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, чет эл инвестициялари тўғрисида, валютани мувофиқлаштириш тўғрисида, биржалар тўғрисида, солиқлар тўғрисида, шунингдек, ижтимоий муносабатларнинг бошқа соҳаларига оид қабул қиласан қонунлари фикримизнинг далилидир.

Мазкур қонуний хужжатларда барча мулк шаклларининг тенглиги, мулк эгаси ҳукуқининг кафолатланиши ва ҳимояланиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг турли ташкилий-ҳукуқий нормаларини тузиш ва ишлаш қоидалари, ташқи иқтисодий фаолият таомиллари ва тизими кабилар ўз аксини топган.

Ҳукуқнинг янги соҳаси - яхлит товар-бозор муносабатларини қадам-бақадам мувофиқлаштирадиган ва ижтимоий йўналтирилган бозор учун яхлит ҳукуқ тизимини барпо этадиган ҳукуқий шакл барпо бўлмоқда. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик кодекси - бозор иқтисодиётининг ҳукуқий негизини ташкил этмоқда.

“Бозорни янада ривожлантириш ва унинг ҳукуқий таъминлашини мустаҳкамлаш мақсадила амалдаги қонунларни, уларнинг қўлланиш амалиётини ҳисобга олган ҳолда муттасил тўлдириб бориш, бозор муносабатининг фаолият соҳасини кенгайтирувчи ва уларни мустаҳкамловчи янги ҳукуқий хужжатларни ишлаб чиқиш зарур, Қонунлар ҳаётӣ, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи лозим”<sup>2</sup>.

Ўзбекистон янгиланиши ва тараққиётининг ўз йўлини асослайдиган тамойилларидан бири барча босқичларда ўзгаришларда кучли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилишидир. Иқтисодий ўзгаришларнинг чинакам кафолати ҳисобланган кучли ижтимоий сиёсат мустаҳкам ҳукуқий заминда юз беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ижтимоий қонунчилик тизими барпо этилмоқда. Гап республика парламенти ўз сессияларида қатор муҳим қонунчилик хужжатларининг қабул қиласанлиги ва уларнинг мамлакатдаги ижтимоий қонунчилик тизимининг асосини ташкил этиши тўғрисида боради. Мазкур йўналишда аҳолини иш билан, на-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин, 44-45-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўша асар. 41-б.

фақа билан таъминлаш, ногиронларни ижтимоий муҳофаза этиш, давлат ёшлар сиёсатининг умумий негизлари ҳақидаги ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва уларнинг ҳаётда амал қилиб туриши эътиборга сазовордир.

Бундай қонунчиликка оид ҳужжатлар Ўзбекистонда ривожланган ижтимоий қонунчиликни барпо этиш йўлидаги эзгу ишларнинг ибтидосидир. Айниқса, Меҳнат тўғрисидаги янги кодекснинг қабул қилиниши бу йўлда қўйилган муҳим қадам бўлди. Унда фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мустаҳкам ижтимоий кафолатланди. Дарҳақиқат, ривожланган ижтимоий қонунчилик давлатнинг ислоҳотчилиги билан мутаносиб бирга амалга оширилса, ижтимоий барқарорлик учун мустаҳкам замин яратилган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, унинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш сари интилиши ва қонун устуворлигининг эълон қилиниши сиёсий ҳаётда қонунчиликнинг тезроқ ривожланишига шароит яратди. Сиёсий кўп фикрлилик тизимининг амалга ошиши учун ҳуқуқий замин яратилди. Ижтимоий бирлашмалар тўғрисида, Олий Мажлисга ва ҳокимиятнинг маҳаллий органларига кўппартиявиyilik негизидаги сайловлар тўғрисида, виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида, матбуот тўғрисида ва бошқаларга оид қатор қонунлар қабул қилинди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси сифат жиҳатдан янги судлов ҳокимиятини тузди. Мазкур тизим тепасида республиканинг Конституциявий суди, ундан сўнг эса Олий Суд ва Олий хўжалик суди турибди.

Бугунги кунда янги одил қонунлар мажмуаси - Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Меҳнат кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят процесси ва Маммурий жавобгарлик тўғрисида кодекслар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси парламенти истиқдол йилларида қабул қилган қонунларни илмий жиҳатдан таҳлил этиш муаммоси республика қонунчилик ривожининг яқин йилларда ва истиқболдаги стратегиясини тузиш билан шуғулланишини кун тартибига қўймоқда<sup>1</sup>. Мазкур назариянинг биринчи галдаги вазифаси - қонуннинг жамиятдаги янги ҳуқуқий муносабатлар тасдиғидек тушунилиши, фуқаролар муносабатида оммавий тан олинган мезон каби қабул қилиниши, шунингдек, унинг жамият фаолиятини норматив тартибга солишнинг асосий воситаси бўлишини кўрсатиб беришдан иборат.

<sup>1</sup> Қаранг Уразаев Ш.З. Модель закона: какой ей быть. Т.: Фан, 1990. с. 47.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ривожланиши маромини зудлик билан ўрганиш долзарб муаммолардандир.

Ўзбекистон қонунчилиги илмий назариясининг асосий ғоялари республика президенти И.А. Каримовнинг асарларида ҳар томонлама чукур таҳдил этилган. Юртбошимиз қонунларнинг мезони ҳақида шундай дейди: “Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи керак”<sup>1</sup>.

Чиндан ҳам, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий мувофикалаштиришнинг зарур шарти ҳаётдагидек тизимиийлик бўлиб, у қабул қилинадиган қонунларнинг бир-бири билан узвий боғланганлигини ифодалайди. Тизимиийлик қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш муаммосига алоҳида талаблар қўяди, яни улар муқобиллик асосида тайёрланиши, мутахассисларнинг илмий синовидан ўтиши ва оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилинишини тақозо этади. “Шу билан бирга қонун ҳужжатлари бевосита таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиши керак, амалиётда пайдо бўладиган ҳар қандай масалаларни ҳуқуқий тизим қоидаларига мувофиқ ҳал қилишга имкон бериш зарур”<sup>2</sup>. Бунинг учун эса унинг мукаммал бўлиши муҳим. Қонунларда бошқа ҳужжатларга ҳавола этиладиган қоидалар жуда ҳам кам учраши керак, зоро бундай ҳолларда масаланинг ҳал этилишини аксарият ижроия органлари, бир-бирига зид келадиган қонун ости ҳужжатлари билан мувофикалаштирилиши мумкин бўлади.

Ҳокимият бўлинишининг конституциявий принципидан келиб чиқиб, ижроия ҳокимияти органлари қонунларни тўлдириш учун тегишли ҳужжатларни қабул қиласликлари, аксинча, мазкур қонунларни ижро этишлари жоиздир. Қонуннинг ўзида унга мажбурий риоя қилиш ва уни бажаришғояси мужассам бўлиши даркор<sup>3</sup>.

Қонун, қанчалик яхши бўлишидан қатъи назар. баҳарти у фақат баён этилса-ю, лекин давлат тизими уни ижро этиш ва унга риоя қилишни таъминламаса, у бир жонсиз мавжудотга ўхшаб қолади.

Фуқарорлар қонунга амал қиласа, қонуннинг нуфузи ошади, аксинча, у ўз таъсирини йўқотади. Шу боис ҳам ҳуқуқий фанлар вакиллари томонидан ҳуқуқни ижро этиши муаммоларининг чукур, ҳар томонлама ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўзининг мустақиллик йилларида давлат ҳуқуқий ривожланишининг ибратли йўлини босиб ўтди, у сиё-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон, 1994, 46-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўша асар. 47-б.

<sup>3</sup> Қаранг: Уразаев Ш.З. Власть и закон. Т.: Фан, 1991. С. 47.

сий тизимни янада ислоҳ қилиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш учун мустаҳкам хуқуқий замин яратди.

Янги қонун, кодексларни ишлаб чиқишида, муҳокама қилингда ва ҳаётга татбиқ этишида қатор қоидаларга риоя қилиш лозим бўлади<sup>1</sup>.

*Биринчидан*, янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида аҳолининг кундалик турмушига сингиб кетган халқ анъаналари, урф-одатлари, шахслараро ва миллатлараро муомала ҳамда диний эътиқодларнинг асрий тарихидан мерос қилиб олинган умуминсоний қадриятларга, одамларнинг хуқуқ ва эркинликларига хилоф бўлмаган ахлоқий нормалар албатта акс эттирилиши керак.

*Иккинчидан*, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва кейинчалик кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун қабул қилиш танлов асосида бўлишини, уларни билимдан эксперталар, жумладан, халқаро эксперталар кўриб чиқишини оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилишни қоида тусига киритиш лозим.

*Учинчидан*, ҳар бир қонун лойиҳаси халқаро хуқуқ нормаларига мос равишида жаҳон илгор юридик тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда тайёрланмоғи зарур.

*Туртинчидан*, қонунлар ҳаётий, амалиёт билан ўзвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи, шунингдек, конституциявий қоидаларини ривожлантиromoғи даркор. Барча қонунлар ягона миллий хуқуқий тизимимизнинг таркибий қисми сифатида ўзаро боғланган бўлиши лозим.

*Бешинчидан*, қонунларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш билан бирга уларни ҳаётга изчил жорий этиш, Конституция ва қонун ҳукмронлигини таъминлайдиган ихчам механизмни вужудга келтириш керак. Қонунларимизнинг самараадорлиги уларнинг сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча томонидан турли даражаларда ҳеч бир истисносиз ижро этилиши билан белгиланади.

*Олтинчидан*, фуқароларимизда Конституциямизга ва қонунларимизга нисбатан чуқур эътибор туйғусини тарбиялаш ва уларда юқори хуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришни давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири деб ҳисоблашимиз даркор. Зоро Конституциямиз қоидалари ва қонунларимиз талаблари кишилар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.

Шундай қилиб, республикамиз жаҳоннинг илгор хуқуқий тажрибаларидан сабоқ олиб, аксарият ўз тарихий ва миллий-хуқуқий анъаналарига содиқ қолиб, ўзининг давлат-хуқуқий ривожланиш ан-

<sup>1</sup> Қаранг: Адилкарниев Х. Новая Конституция - великий символ суверенитета Узбекистана. Т.: Адолат, 1993. С.42-58.

дазасини танлаб. демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлида собитқадамлик билан оғишмай ҳаракат қилмоқда.

Мозийга назар ташлайдиган бўлсак, фақат давлат, қонуний сайланган ҳукуматгина ислоҳотчи бўлиши мумкин ва лозим деган хуласага келамиз. Уларгина устувор йўналишларни белгилаб иктиомий ларзаларга олиб келмайдиган оқил, пухта ўйланган ва изчил сиёсат олиб боришлиари мумкин.

*Давлат нима?* Бу хусусда қадимий даврдан ҳозирга кунгача ўнлаб тавсифлар келтириш мумкин. Бизни давлат ва халқ муаммоси қизиқтиради. Шу маънода олганда давлат - халқнинг ўзи тақдирини ўзи белгилаши натижаси, туб ҳуқуқ ва манфаатларни ўзи ҳимоя қилиши учун ўз-ўзини бошқариши. ўз ҳокимиятини амалга ошириши дегани. Давлат - халқ маънавияти ва маданиятининг ифода этиш усли, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги етуклик кўрсаткичидир. Халқ жамоат ўюшмалари, диний жамоа, фуқаролар орқали ўзини жамият сифатида намоён этади. Шу сабабли, Ўзбекистон Конституяси Халқ, Шахс, Жамият, Давлат каби тушунчаларнинг умумийлигига, узвий бирлигига асосланган.

*Ислоҳот нима?* У аста-секин жорий этиладиган шунчаки ўзгаришлар ва янгиликлар эмас. Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотлар-халқ учун, халқнинг фаол иштирокида ва қўлаб-куватлаши натижасида амалга ошадиган янгиланиш ҳамда тараққиётдир. Давлат эса энг асосий ислоҳ қилиш воситасидир.

Унга озгина путур етказилса ҳам ислоҳот тартибсизликка айланади. Бунга мамлакатимизнинг ўзидан ҳам, унинг ташқарисидан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. “Демократия” моҳияти, яъни халқ ҳокимияти тушунчасининг ўзиёқ давлатнинг ислоҳотчилик вазифасига тўксинлик қилишни инкор этди. Жадал инқилобий Ислоҳотга халқ тайёр бўлмаган пайтда давлатдан ислоҳотни жадаллаштиришни талаб этиш ноўриндир. Бу борада Ўзбекистонда - давлат та-рафдорлари билан мухолифатчилар ўртасида кескин фарқ бор.

Нима учун Ўзбекистонда янгиланиш ва тараққиётга ўтиш босқичида давлат бош ислоҳотчи бўлиши керак.

Халқимиз давлат ҳокимиятчилиги борасида мустақилликка эга бўлмаган, бу ҳокимият ўзининг маънавий ва миллий негизидан ўсиб чиқмаган, қадимги даврдан бўён давлатни қандайдир ўгай, фақат зўравонлик воситаси деб билишдек нотуғри тушунча сақланиб келган эди. Шукрлар бўлсинки, Ўзбекистон Республикаси дея аталмиш мустақил давлат мавжудлигининг ўзи ҳозирги ўзбек халқининг, Ватанимиз кўп миллатли халқининг буюк ютуғидир.

Давлатнинг ислоҳотчилик роли фақат ҳокимият, ҳал этиш ва назорат қилиш ҳуқуқи, ҳуқуқий тартибот кафолати, моддий ресурс-

лар унинг органлари кўлида эканлигидангина келиб чиқмайди. Халқ учун буюк ифтихор бўлган давлат, унинг яратувчаник куч-ғайрати, одамларимиз қандай юксакликларни эгаллашга қодир эканлигини бутун дунёга намоён этишига оид саъй-ҳаракатлари манбаига айланди. Давлатнинг халқ билан ўзаро алоқаларига доир анъаналарида тарихдаги кўп асрлик энг фойдали андозалари мужассамланган. Шу билан бирга давлат фуқароларни ўз-ўзини бошқаришларининг мурakkab принципи бўлиб, уларнинг эҳтиёж ва манфаатларини қондириш учун шарт-шароитлар яратишга даъват этилган. У Республикадаги ҳамма гуруҳ ва қатламлар, барча миллатлар манфаатлари муштараклигини сақлаб, уни ягона умумманфаатга айлантиради. Бу Ўзбекистоннинг буюк келажагидир.

Бизнинг давлатимиз айнан шу маънода катта оила ҳисобланади. У бирдамлик - умумий ҳамкорлик принципига, яъни давлат - ўз фуқароларига, фуқаролар бир-бирлари ва давлатга асосланади.

Биз бошидан кечираётган даврнинг ўтиш босқичи эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Ҳар бир фикрловчи ўз нуқтаи назарини баён этишига хақди. Аммо ким тўғри йўлни топа олади, ким уни халқ манфаати йўлида амалга ошира олади. Бу битта партия, ҳаракат ёки бошлиқлар гуруҳининг кўлидан келармикин? Ўзимиз ва ўзгаларнинг тажрибасига таяниб бир сўз билан “йўқ”дек жавоб берамиз. Чунки агар давлат одамларнинг ташаббускорлиги ва улдабуронлигини ошира олса, бунга қодир бўлади. Шу боис Президент И.А. Каримов фуқароларнинг шахсий ташаббуси муҳим аҳамиятга эга ва уни кўллаб-кувватлаш давлатнинг бурчи деган фикрни зўр бериб уқдирмоқда.

*Ўзбекистон Республикасида давлатнинг ислоҳотчилик куч-қудрати нималардан иборат?*

Куч-қудрат - давлатнинг имкониятлариридир. Бу биринчидан, ҳуқуқий имкониятларни назарда тутади. Зеро ҳаёт, ҳар қандай мулк, ишбилармонлик ҳуқуқ ва қонунга асосланади. Давлатимизнинг ўз Конституцияси бор, у амал қўимоқда ва келажак истиқболига мўлжалланган. Биз шу пойдевор устида янги ҳуқуқий давлат, жамият қурамиз. Унда қонунга бўйсуниш - барқарорлик ва тараққиётнинг шарти бўлади.

*Иккинчидан*, Ўзбекистоннинг иқтисодий куч-қудрати унинг ички ва ташқи мустақиллиги учун етарлидир. Аммо у ўз-ўзидан эмас, балки фақат фуқаролар ташаббуси шарофати билан рўёбга чиқадиган давлат ташаббуси туфайли ҳаракатга келади.

*Учинчидан*, давлат бошқарувнинг бош принципи сифатида ҳаётнинг ҳамма соҳаларига таъсир ўтказади ва шу боис уни босқичма-босқич, равон ўзгартириб бориш мумкин. Ўзбекистонда иқтисодий

ислоҳотнинг бозор муносабатлари ва давлатнинг ижтимоий ҳимоялаш сиёсати сари муайян мутаносибликни таъминлаб туради.

*Тўртинчидан*, кўп partiyaли жамият кўп partiyaли давлат дегани эмас. У доимо нопартиявий қонуний сайловлар орқали давлат тепасига келган ҳар қандай партия фақат ўз партияси нуқтаи назарини акс эттиришини тўхтатади. Давлат тепасида турган ҳар қандай ақдли сиёсий куч ислоҳот мантиғига кўра умумхалқ мақомини олмоғи керак. Давлатнинг демократиявийлиги, унинг ижтимоий-сиёсий кучларининг ролини, фуқароларнинг хурфиклигини тан олиш демакдир.

*Бешинчидан*, Давлатнинг тарихий-маданий куч-қудрати ҳалқнинг маънавияти ҳамда бугунги ва эртанги тарихи демакдир. Ўзбекистонда давлат миллий маданияти тикланмоқда, истеъоддлар кўллаб-куvvatланмоқда, таълимда ислоҳотлар амалга оширилмоқда, ўзбек тилининг буюк қадр-қўмматини, обрўсини бутун чоралар билан оширилмоқда, миллатлараро ҳамжиҳатликни, ўзаро ҳурматни мустаҳкамланмоқда. Давлат ҳалқ эътиқодини ҳурмат қўлгани сабабли художўй мусулмонларнинг диний туйғуларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

*Олтинчидан*, давлат ҳалқ муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминламоқда. Бу ҳам бизнинг ҳозирги мураккаб геополитик вазиятда ўта муҳим воқеадир. Одамларнинг жиноятчи ва ҳукуқбузарлардан шахсий хавфсизлиги давлат ҳимоясига муҳтождир. Орол денгизи ва кўргина шаҳарларда юзага келган экологик вазият давлатнинг аҳолини экологик жиҳатдан ҳимоя қилишга унданмоқда. Ҳалқнинг хавфсизлиги элшуннослик билан, аҳоли сонининг ўсиши ва унинг моддий таъминоти билан чамбарчас боғлиқдир.

*Еттингчидан*, давлатнинг ташқи иқтисодий куч-қудрати унинг барқарорлиги ва ҳалқаро ҳамжамиятда тенг ҳукуқлилиги манбаи бўлиб хизмат қиласи. Ягонаю-яхлит ва ўзаро узвий боғлиқ дунё Ўзбекистонни ўзаро ҳамкорликка унданмоқда. Бизнинг ички ва ташқи сиёсатимизнинг ҳалқаро кўлами давлатлар орқали белгиланади. Ушбу ва давлат куч-қудратини белгилайдиган бошқа омиллар Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун хизмат қиласи.

Давлатнинг яратувчанлик куч-қудрати фуқароларнинг ташаббуслари орқали мустаҳкамланаб бориши туфайли жамиятнинг ҳам ислоҳотчилик куч-қудрати ўсиб боради. Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг кенг кўламлилиги ислоҳотнинг ижтимоий принциплари кўлами ҳам кенг бўлишини талаб этади. Шу боис демократик, ҳукукий давлат яъни фуқаролик жамиятини шакллантириш керак. Вакиллар ҳокимиятини сайлаш тўғрисидаги, яъни қонун давлатдаги ана шу ислоҳот вазифаларини ҳал қилишга даъват этади.

Халқаро тажрибалардан бизга маълумки, фақат давлатнинг ўзи ислоҳотчи бўлишга уринган мамлакатлар йўқ эмас. Бироқ ислоҳот изга туша бошлиши билан давлатнинг ўзи жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ташкил топишига кўмаклашади. Бу билан давлат фуқароларнинг сиёсий мададига эришади. Шу сабабли давлат мамлакатимиздаги муҳолифатчиларга нисбатан сабр-тоқат кўрсатмоқда. Ишонамизки, бу муносиб тарзда инобатга олинади.

**Ўзбекистонда давлат ислоҳотчилигининг асосий йўналишлари қандай? Улар куйидагича:**

*Янги қонунлар тузиш*: давлат қурилишига оид (сайловлар, Вазирлар Маҳкамаси, суд, милиция, ҳокимликлар ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш); бозор иқтисодиётiga оид (янги фуқаролик кодекси, савдо ва божхона кодекслари, халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонун); сиёсий партиялар; халқ маданияти ва маънавиятига оид қонунлар яратилди ва яратилмоқда.

*Бозор инфраструктурасини барпо этиши рағбатлантириши* (мол ва хизмат бозори, капитал бозори, банклар тизими) йирик давлат саноатини рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаб технологик жиҳатдан қайта қуриш, чет эл ва ички сармояларни ҳорижга мол чиқара оладиган муҳим тармоқларга, яъни транспорт, алоқа, қурилиш ва ахборот, ирригация, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини охиригача қайта ишлаш соҳаларига жалб этиш, бу соҳада муайян вазифалар амалга оширилмоқда.

*Одамларнинг иқтисодиётдан узилиб қолишиларининг олдини олиш текинхўрлик* ва боқимандалик кайфиятидан холос бўлиш тарзи сифатида зарар келтирадиган корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, ҳиссадорликка айлантириш ва кредитлаш. Хўжаликни бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг концерн, компания, ишлаб чиқарувчилар жамияти каби идоралари тизимини вужудга келтириш. Улар давлат бюджети елкасида ўтирумай, аксинча, уни тўлдиришлари керак бўлади. Бундан бўён турли (хусусий, давлат, аралаш, ижара) меҳнат жамоалари уларнинг яшовчанлигини текширувчи ҳолатда бўладилар. Бу кредитлар, технологиялар, ресурслар, ўзаро алоқаларни излашга ундейди. Истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва ишлаб чиқарувчиларнинг бозор муносабатларини шакллантиришга туртки беради. Улар ўргасида ҳакам ҳисобланувчи давлат эса ҳар иккаласини қонуний изга солиб, уларга ижтимоий ва иқтисодий тарафдан ёрдам беради.

*Ижроия ҳокимиятнинг ҳокимлар вазифасини ўзига олуви чиқи тизимига ўтилади*. Ҳокимлар Президентнинг жойлардаги вакиллари ва ҳамма йўналишларда ислоҳотларни уюштирувчилари бўлиб,

фуқаролар манфаатларини ифодаловчи халқ депутатлари Кенгашла-ри билан бирга фаолият юритади.

Давлат ижтимоий мададнинг шундай тизимини излайдики, у бизнинг иқтисодиётимиз имкониятларини ҳисобга олиб, айнан ўзини ўзи таъминлай олмайдиганларга кўмаклашади. Бунда давлат республика аҳолисининг учдан икки қисми унинг ёрдамида яшаётган ҳозирги вазиятни бир умр сақлаб қолмайди. Томорқа ерларига, ҳунармандчиликка солиқ томондан имтиёзлар беради, оилавий тадбиркорлик учун кредитлар ажратилади, бу ўз муаммоларини ўzlари ҳал этадиган кишиларнинг кўпайишига олиб келади. Бунинг йўли амалдаги демократиядир. У кўпчилик одамлар ўз уддабуронликлари-ни намоён эта оладиган келажакка мўлжалланган.

Юртбошимиз ўз китобларида ислоҳотларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини алоҳида таъкидлайди. Давлат ўтказаётган ислоҳотларнинг марказида *ватанпарвар* фуқаро туради, бундай маънавий хислатларсиз на билим, но унвон фойда бермайди.

Ўзбекистон *таълим тизими* муаллимлар ва ўқувчилар учун искеъдод мусобақаси бўлмоғи керак. Япония таълим тизими бунга мисол бўла олади. Таълим амалий, яъни шахсий ва ижтимоий, иқтисодий ва манавий муаммоларни ечишга тайёрлайдиган бўлиши лозим.

Ёшлирамиз миллий ва халқимиз қадриятларидан келиб чиққан ҳолда ҳаётга тайёрланмоғи зарур. Тараққиёт ва янгиланиш учун жаҳон тажрибасидан манба топа билиш ўта муҳимдир.

Бизнингча, Ўзбекистонинг *мустақил ташқи сиёсати* таркиб топди. Президентимиз Марказий Осиё ва МДҲда ҳам, Осиё, Европа бутун халқаро ҳамжамият билан ҳам кўп томонлама мувозанатли алоқани амалга ошироқдалар. Бизнинг ҳар қандай мафкуравий таассуб ва шартлардан холи миллий манфаатларимиз, ҳамма шериклар билан тенг ҳукуқлилигимиз - Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосини ташкил этади. Масаланинг моҳияти ташқи ресурсларни ва халқаро сиёсий мададни ислоҳот ва барқарорликка хизмат қилдиришдир. Ўзбекистон Республикасининг чинакам иттифоқчилари ва дўстлари ана шу қоидаларга қараб аниқланади.

Бизнинг мамлакатимиз халқаро майдонда ўзига муносиб ўрнини эгаллай бориб, қардош Тожикистон муаммолари масаласида қатъийлиги ва тинчликсеварлигини намойиш этиб, бутунги кунда халқаро кўламдаги дипломатия принципларини яратмоқда, Бунинг учун юқори малакали кадрларни тайёрламоқда.

Давлат ислоҳотчилигининг ўзига хос хусусияти шундаки, ислоҳотнинг асосий йўналишларини тўғри белгилай олиш ва уларни уйғунлаштира билиш лозим. Бундай стратегик йўл бир томондан,

Президентимизнинг сиёсий фалсафа таърифини чукур идрок этишида мужассамланган. Бунга мисол қилиб унинг куйидаги асарларини келтириш мумкин. “Ўзбекистон - келажаги буюк давлат” ва “Ўзбекистонинг ўз истиқол ва тараққиёт йўли”. Икинчи томонидан, давлатнинг ташкилотчилигига, амалга ошириладиган ислоҳотнинг шартларини очиб берувчи бешта принципида ўз аксини топган.

Давлатнинг ислоҳотчилик йўлининг ҳуқуқий-демократик принциплари нималардан иборат?

Конституция ва Ўзбекистон қонунларида бу принциплар батағсил кўрсатилган. Шунингдек, давлатнинг ислоҳотчилик роли ошган вақтда фуқаролик ҳуқуқи ва эркинликлари амал қилишининг ижтимоий кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Уларни қисқача санаб ўтишга ҳаракат қиласиз. Фуқароларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан тўла тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари, умумий, тенг, яширин сайлов ҳуқуқи ваколатлари, ижроия органларнинг сайлаб қўйилиши, давлат ва аҳолининг маҳалла уюшмалари орқали ўзаро алоқадорлиги.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорати - Олий Мажлис, Конституция, Қонун, Фармон, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси устидан Президентлик назорати, судлов назорати - буларнинг ҳаммаси давлатда самарали ислоҳот ўтказишнинг ҳуқуқий воситаладирид.

Ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати, аввало ҳалқ фикри орқали амалга оширилади. Бу Президентлик сайловлари ва давлат мустақиллигига бағишилаб ўтказилган референдумда яққол намоён бўлади. Олий Мажлис ва барча депутатлар кенгашлари сайлови умухалқ ҳоҳиш-иродасининг навбатдаги босқичи бўлди.

Конституция ва қонунга мувофиқ амал қилаётган сиёсий партиялар ўз таклифларини, давлат ислоҳоти ва бошлиқлари дастурларини тавсия этиш борасида катта ҳуқуқларга эгадирлар. Сўнгти ихтиёр - фақат ҳалқда, сайловчиди. Бу Ўзбекистоннинг давлатчилик ва иқтисодий ҳаётида мутлақо янгича воқеликдир.

Ўзбекистонда давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган ислоҳотни амалга ошириши учун жамиятда қандай шарт-шароитлар зарур?

Бизнинг азалий маънавий қадриятимиз бўлган ижтимоий законатни биринчи ўринга кўйишни истардик. Сиёсий муҳолифатчиликдан ҳалқ ва давлат манбаатларини кўзлаб, оқлона фойдаланиш мамлакатни биз ҳаммамиз фахрланадиган юксакликка олиб чиқиши мумкин. Унумтайликки, ҳар доим ҳалқимиз фақат бемаъни низо ва адоватлар туфайлигина тоҳ у, тоҳ бу империя зулми остига тушиб қолган. Ислоҳотнинг нафақат хабардор доиралар ва юқори малакали арбобларга, балки оқил-доно кишиларга ҳам дахли

бўлади. Аждодларимиз, хусусан, Абу Али ибн Сино донолик - инсоннинг ҳам, оиланинг ҳам, давлатнинг ҳам соғломлиги учун лозим бўладиган фойдали мезон, дея таъриф беради.

Бизнингча, фуқароларнинг давлатга ишончи ислоҳот учун зарур шартлардан биридир. Бу ишончга путур етказувчилар худбинилклари туфайли ҳалқимизнинг буюк ва қудратли ҳаёт дараҳтини қўпоришни истайдилар. Ҳеч кимнинг бунга эриша олмаслиги аён. Аммо у каттагина зарар етказиши мумкин. Ҳалқнинг ишончи ислоҳотнинг мураккаб ва машақатли эканлигини тушунишларидан ҳам, сабрбардошида ҳам ва айниқса, меҳнатида ҳам ўз ифодасини топган. Буни юракдан хис қилаётган дехқонлар ўзларининг оғир меҳнатлари маҳсулига ўзлари эгалик қилиш хукуқларини кенгайтироқдалар.

Мутахассисларга, олиму ишчиларга ҳам осон эмас, аммо улар давлатнинг вужудга келган иқтисодий бўхрон жабрини енгиллаштириш учун иложи борича чора излаётганлигини кўриб турибдилар. Ўзимизнинг ишбилармонларимиз ҳам маблағларини шу ишларга сарфламоқдалар.

Ҳалқимиз ўз Президентига ишонади, чунки мамлакат манфаати йўлида унинг куч-ғайратини аямётганини кўриб, билиб турибдилар. Улар адолат қарор топишига ишонадилар. Президентнинг одамларга қулоқ солаётгани, уларни тушунаётгани ва кўплаб режаларни рӯёбга чиқараётганини амалий мисолларда барчамиз кўриб турибмиз. Бу жамият соғломлиги ва ислоҳот тўғри ўтказилаётганининг ишончли белгисидир.

### **3. Қонунийлик - ҳуқуқий маданиятнинг негизи**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этилишини эълон қилди. Буни қонуннинг устувор ва мустаҳкам нуфузга эга бўлишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қонуннинг устуворлиги шундаки, у ҳуқуқий давлатда тўла амал қиласи. Ҳуқуқий кафолатсиз биз барпо қилишга интилаётган шахсий ва иқтисодий эркинлик жамиятини тузиб бўлмайди.

Мамлакатимизда кўрилаётган амалий чоралар туфайли давлат томонидан қонунийликни таъминлаш тобора ишончли бўлиб бормоқда. Амир Темур ўз тузукларида тегишли тартиб ва қонунга амал этиш менинг тақдирим ва ютуқларимнинг асоси ҳамда таянчи бўлиб хизмат қилди, деб ёзган эди. Қонуларнинг сўзсиз амал қилишига ишончсизлик жойлардаги ижроия ҳокимиятлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига маънавий салбий таъсир қилиб, уларни ҳуқуқий начор ҳолатга солиб қўяди.

Бутунги кунда қонунийликни таъминлаш учун тобора қатъий чоралар кўрилмоқда. Мулкни талон-торож қилувчилар, жамоат тартибини бузувчилар, жиноятчилар, масъулиятсиз шахслар қонунга мувофиқ, суд томонидан жазоланаётпти.

Фаразгўйлик, хизмат вазифасини сунистеъмол қилиш, давлат тизимиға ва жамиятга душманлик кўзи билан қараш ҳуқуқий саводсизлик, безорилик, ахлоқсизлик қонун бузилишининг манбаларидир. Одатда қонун бузилишининг дастлабки кўриниши ҳуқуқий саводсизликда, жиноят қилиб, жазосиз қолишга умид билан қарашда намоён бўлади. Ҳалқимизнинг ўзига хос маънавияти кўп жиҳатдан бизда жиноятчиликнинг оммавий тус олиб кетишига йўл қўймади. Лекин фуқаролар эркинликлари кенгайтирилиши билан адолат, ҳуқуқларни тушуниб этишнинг ўзи етарли бўлмайди. Кўпгина жиноий ишларнинг таҳлили айрим шахсларнинг, айниқса ёшларнинг нимани хоҳласа, шуни қила олишлари мумкин, деган тушунча оқибатида, уларнинг қингир йўлга қадам қўйганликларидан далолат беради.

Жаҳон ҳамжамиятида ҳуқуқий тафаккур ривожланишининг умумий йўналиши саводхонлик ва маданият билан чамбарчас боғлангандир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақил давлат сифатида 1966 йилда кучга кирган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро шартномага қўшилди. Мамлакатимизда ялпи ҳуқуқий таълимнинг йўлга қўйилиши катта аҳамиятга эгадир. Шунга кўра, биринчи галда барча соҳалардаги раҳбар ҳодимлар ҳуқуқий билимларни эгаллашлари керак. Иккинчидан, ўқитишига барча мутахассисларни ҳам жалб этиш лозим. Чунки улар хоҳ шифокор, муҳандис, дехқон ёки аллома бўлмасин ҳуқуқий нормаларга доимо дуч келадилар. Учинчидан, матбуот, телевидение ва радио орқали қизиқарли ҳуқуқий-маърифий ишларни олиб бориш керак.

Жамиятда қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий маданият билан мустаҳкамланади. Бу фуқаронинг хатти-ҳаракатлари, муайян бир вақтда нуфузли бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, қонунга қатъий риоя этишидир. Бу ҳуқуқий билим ва қонунга асосланган ахлоқийликдир. Етарлича умумий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган инсон ўзини қонун қўриқлашини билади ва қонун томонидан белгиланган чегаралардан чиқмайди.

Фуқаро қонунни ва шахсий ҳуқуқларини билмаса, амалдорлар қошида ночор қолиб тангликни бартараф этишнинг ҳозирги даврдаги мураккаб иқтисодий шароитида майший муаммолар олдида заиф бўлади. Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришни инсон ҳуқуқларидан ажратиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларни тушунириш катта аҳамиятга эга.

Конституция ва қонунлар давлатнинг энг муҳим белгилари ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистонда янги давлат қурилиши унга ҳукуқий асослар, қонунийлик пойдевори қўйишдан бошланади. Уларда давлатнинг халқ олдидаги масъулияти, инсон ва фуқаро ҳукуқларининг устуворлиги белгилаб берилди.

“Ҳаётий зарурат” ёки “қонунларнинг турмушдан орқада қолиши” баҳонасида қонунга риоя этмаган давлатлар мисоли ҳам ҳам кўз олдимиизда турибди. Бу ҳукуқий бошбошдоқлик сабаблари Конституцияга бефарқ муносабатда бўлиш оқибатидир. Қонунийлик барқарор бўлиши жамият ва давлатта ҳукуқий кафолат бўла олади. Бироқ шароит ўзгариши билан дарҳол қонунни ўзгартириш ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермайди. Ҳаёт тақозосини тушуниш, қонунларга янгича ёндошиш учун ҳукуқий асосларга суюнмоқ керак.

Ўзбекистон қонунчилиги мажмуасидан ўрин олаётган ҳукуқий ҳужжатлар фуқароларимизнинг узоқ йиллардаги орзу-умидларига ҳамоҳангдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда қонунийлик событқадамлик билан амалга оширилаяпти. Ҳозир буюк Ўзбекистоннинг ҳукуқий пойдевори қурилмоқда. Кўп partiyaийлик, иқтисодий ислоҳотлар шароитларида ҳокимлар фаолиятини, ваколатли ҳокимиятни сайлашни қонун томонидан мувофиқлаштириш мутлақо янги ҳол ҳисобланади.

Қонун ва бошқа ҳукуқий ҳужжатлар жаҳон ҳукуқий маданиятининг ҳамма томонидан тан олинган мезонларига мос тушиши зарур. Биринчидан, қонунда фуқароларнинг, давлат ва бошқа иштирокчилар эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда ҳукуқ ва бурчлари, манфаатлари аниқ-пуҳта мустаҳкамлаб қўйилиши керак. Бу ҳукуқий нормаларни амалга ошириш воситалари ҳам белгиланиши лозим. Иккинчидан, мустаҳкамлаб қўйилган ҳукуқий нормалар амалга оширилишини таъминлайдиган давлат органи кўрсатилиши керак. Учинчидан, қонун ижтимоий муносабатлар иштирокчилари фаолияти учун зарур имкониятларни очиб бериши керак. Инсон ҳукуqlari, ижтимоий тараққиёт, давлатнинг демократиявийлиги унинг чегараларидир. Тўртинчидан, қонун ўзида белгиланган нормаларни бузганлик учун жазо чораларини кўзда тутади. Бешинчидан, маданий қадрият ҳисобланган қонун халқ маънавиятига туб жиҳатдан мос бўлиши шарт. Олтинчидан, қонун ўз нормаларини ҳаётга тадбиқ этиш воситаларини мужассамлаштирган бўлиши керак.

Совет даври қонунларининг бир қисми очиқдан-ойдин халқ миллий маънавиятини чеклар эди. Масалан, маърифатпарвар давлатлар қонунларида “ўтмиш қолдиқлари билан кураш олиб бориш” нормасини тасавур этиш қийин.

Истиқлол йилларида миллий парламентимиз 300 дан кўпроқ қонун қабул қилди. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистон мустақиллигини турли - инсон ҳукуқлари, иқтисодиёт, давлат бошқаруви, жамоат тузилмалари, маданият ва халқаро муносабатлар соҳаларидағи ҳукуқий асосларни яратишга қаратилгандир. Бу қонунлар пойдеворга терила-ётган ғиштлардек мустақил Ўзбекистоннинг ҳукуқий биносини барпо этмоқда.

Энг мукаммал қонун ҳам ўз ҳолиша фақат қонунийликни кўзда тутувчи ҳужжатdir. Қонун амал қилиши учун унга итоат этиш зарур. Бу юксак умумий маданият мезонидир. Шарқ халқлари ана шундай маданиятли бўлганлар. Биз бу маданиятни ҳозирги давр демократик тушунчасида тиклашимиз лозим бўлади. /

Қонунга итоат энг аввало, қонунларни билишни тақозо этади. Қонунларни давлатнинг мансабдор шахслари ҳам, фуқаролар ҳам билиши шарт. Ҳукуқий билимдонликнинг советча тушунчаси амалда қонунларнинг омма томонидан чукур билишларини кўзда тутмас эди. Чунки бу маъмурлар ва авторитар бошқарув учун хавфли эди. Ҳамма жойда қонунга риоя этмаслик туфайлигина улар ҳукмронлик қиласидилар. Давлатда ҳукуқнинг аҳамиятини инкор этиш ижтимоий онгга салбий таъсир кўрсатди. Бугунги кунда кўп саъй-ҳаракатлар туфайлигина ҳукуқнинг устуровлиги, қонунларга ҳалол риоя этиш зарурати тушуниб етилмоқда.

Фуқароларнинг онгли равишда қонун талабларига амал қилишлари бугун ҳамма интилиши зарур бўлган фазилат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон беқиёс маданий ва маънавий ўсишни ўзи ихтиёрий равишда халқ, давлат, жамият, оиласи олдидаги масъулиятни тушуниб етади. Шариатда ҳам қонунга итоат ахлоқий норма ҳисобланган. Бирорнинг мулкига хиёнат қилган шахс инсоннинг ҳукуқидан маҳрум этилган. Бу шубҳасиз тўғри. Шундай экан, инсонпарварлик ёрдамини, дори-дармонларни, давлат томонидан ноchor кишилар учун ажратилган маблағларни талон-торож қилиш инсофисиз, диёнати йўқ маҳлуқларга хос. Айни вақда жиноятчиларга нисбатан ноинсоний муносабатда бўлишни талаб қиласиган нормаларга қаршимиз. Бироқ суд томонидан белгиланган жазо ва халқ лаънатидан жиноятчилар қочиб қутулмасликлари керак. Ахир кўлга тушмаган ва жазосини олмаган ўғрилар жиноятлари билан фаҳрланиб юришлари шармандали ҳол эмасми? Улар давлатимизни, халқни алдаётганликларини тушунмайдилар.

IX - X асрларда яшаган юртдошимиз буюк мутафаккир Ал-Форобий инсон ва фуқаро ҳукуқларини, давлат ва жамият асосларини, ижобий фаолиятини ҳукуқий кафолатлаш қонунийликнинг

мақсади, деб таъкидлаган эди. Албатта, тажрибада қонунларни кундалик турмушга жорий этиш фоят мураккаб. Яқин вақтгача бизда турмуш бошқа қоидалар асосига қурилар эди. Ана шу меросдан қутилиш осон бўлмаяпти. Давлат тузилмалари ва мансабдор шахслардан бошлаб ҳамманинг қонунга амал этиши фуқароларни қонунга итоат руҳида тарбиялайди. Амир Темур таъкидлаб ўтганидек, оддий кишиларга нисбатан қилинган адолатсизлик қонунга ва давлат нуфузига катта зиён етказади. Қонунийлик инсон қандай ҳукуқларга эгалигини, давлатнинг шу ҳукуқларни ҳаётта татбиқ этиши учун нима қилиши кераклигини кўрсатиб беради. Қонунда фуқароларнинг аниқ мажбуриятларини белгилаб қўйишдан хавфсираш демократияга эмас, балки қарамликка кўмаклашади. Давлат фуқаролардан бурчаларини адо этишларини талаб қилишга ҳақли бўлиб, фуқаролар ҳам давлатдан муайян шарт-шароитларни талаб этишлари мумкин. Ана шу ўзаро масъулият ҳисси қонунийлик кафолатидир. Конституциямизда давлат ва шахс ҳукуқларининг адолатли мутаносиблиги ўрнатилган.

Қонунийлик бу ҳамиша ҳукуққа асосланган барқарорликдир. Қонунийлик ишонч туғдиради. Шу сабабли аждодларимиз энг ёмон қонун ҳам қонунсизликдан яхши, деб ҳисоблаганлар. Чунки қонунни ўзгартириш ва бошқаси билан алмаштириш мумкин. Қонунсизлик эса чегара билмайди, у инсон турмуши, унинг мулки, маънавияти учун хавфлидир. Баъзан муҳолифлардан қонун эскириб қолган, унга риоя этишнинг нима кераги бор, деган гапларни эшигигб қоламиз. Аммо қонунни фақат қонун чиқарувчи олий орган қонунга мувофиқ белгиланган тартибдагина ўзгартира олади. бунгача тегишли қонунга амал қилиш ҳам фарз, ҳам қарэдир. Ҳукуқнинг олий мантиғи шундан иборат, қонун кафолати ҳам шунда кўринади.

Қонунларни мутлақо ўзгартирмаслик мумкин эмас. Акс холда улар тараққиёт талабларидан орқада қолади. Айни пайтда ҳукуқнинг бекарорлиги давлат ва жамият барқарорлигига ўта салбий таъсир кўрсатади. Бу айниқса, иқтисодий соҳада кескин намоён бўлади. Шунинг учун мулкчиликнинг турли шакллари ва мустақиллиги жорий этилаётган ҳозирги пайтда қонунларнинг ҳаётта мос бўлишини таҳлил этиш олим ға амалиётчи ҳукуқшуносларнинг касбий вазифаларидир.

Фикримизча, қонунларнинг адолатли эканлигини тушуниш фуқарони эркин қилади. Шу ҳолдагина фуқаро қонунга ихтиёрий амал этади. Шу сабабли қонун лойиҳаларини таҳлил этаётгандарига уларга узоқ йиллар давомида риоя этадиган кишилар кўзи билан қарашлари лозим.

Қонуннинг адолатлилиги унинг инсон ва жамият мустақиллиги эҳтиёжларига мослигидан келиб чиқади. Аммо биз бунга одатланган-

мизми? Ҳамиша ҳам бу саволга ижобий жавоб бериб бўлмайди. Шу сабабли, жамият учун тадбиркорлик, мустакиллик, ташаббускорлик-нинг аҳамиятига бефарқ қараш ҳоллари рўй бермаяптими, деган савол туғилади. Мустақил давлатимизда қонун маънавийлик, хўжалик юритиши, таълим олиш эркинлигининг ўзига хос ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда. Ҳар бир қонунда ҳали имкониятлар етарли бўлмасада, лекин зарур эркинлик кўламлари мавжуд. Бозор муносабатларининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга йўналтирилган қонунийлик ана шундай принципга қуриляпти.

Шахс манфаатини жамият манфаатига қарши қўйиш бизнинг қадим маърифатчилигимиз ва маданиятимизга ётди.

Шарқ маърифатчилигида шахс маънавий жиҳатдан ҳалқ томонидан ҳимоя қилинганилиги сабаблигина ривожланишга, ўз ҳаёти ва қадр-қимматини сақлаб қолиши имкониятига эга бўлган. Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий таъбирича, инсоннинг ўзи учун эмас, балки ҳалқ учун хизмат қилиши олий шараф ва қувонч бўлган. Биз учун бу юксак аҳлоқий ва ҳуқуқий ибратдир. Ҳозирги давр Европа - Америка ҳуқуқи бошқа шахснинг мутлақ ҳуқуқи устуворлигига асосланади.

Қонунийлик ва эркинлик ўртасида ихтилоф юзага келмаслиги учун кишиларда давлатнинг Ўзбекистон истиқдол ва тарқиётининг ташкилотчиси эканлигини тушунтириш жуда муҳимдир. Ёш давлатимизда қонунийликка риою этмасликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Айниқса яккаҳокимликни даъво қилган шахсларнинг қонунни бузиш ҳолларига йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳалқ маънавиятига, жамоатчилик фикри қонунийликнинг энг ҳалол кўринишларидан биридир. Эҳтимол ҳалқимиз ҳуқуқий анаънларидан фойдаланиш тўғрисидаги масалани баҳс-мунозара қилиб кўриш мумкинлар. Жумладан, маҳаллалардаги оиласлий-маиший мөжароларга доир виждан судлари фаолияти тўғрисида турли фикрлар бўлиши мумкин. Улкан ҳаётий тажрибага эга бўлган нуфузли оқсоқоллар, балки қариндош-уругларини, қўшниларини ҳеч бир ҳокимият аралашувисиз ўзлари яраштириб қўйишиларини йўлга қўйиш мумкинлар.

Давлатдаги қонунийлик жонли ва ривожланувчи тушунчадир. Ҳалқимиз Ўзбекистоннинг буюк келажагини қонунийликнинг мустаҳкам пойдеворига қурмоқда.

#### **4. Ўзбекистон фуқаролиги - ҳукуқий маданият белгисидир**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги давлат мустақиллигининг белгиси бўлиб, мазкур давлатга мансубликни билдиради. Фуқаронинг ҳукуқ ва бурчлари айнан Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон тарихида илк бор мустақил давлат фуқароларининг ҳукуқий мақоми ўрнатилди. Халқнинг асрий қадриятлари тиклаиди. Бу ўринда “Фуқаролик нима?” деган савол туғилиши табиий. Шунингдек, фуқаролик - давлат билан жисмоний шахс ўргасидаги барқарор ҳукуқий алоқа бўлиб, бу ҳукуқий алоқа уларнинг бир-бiri олдидағи ҳукуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқади. Юридик маънодаги фуқаролик шахснинг мазкур давлатга таалуқлилигини билдиради. У ёки бу давлатта фуқаролик, фуқаронинг қаерда бўлишидан қаъти назар, мазкур давлат ўз фуқаросининг хоммийси ва ҳимоячиси эканлигини тасдиқлади.

Маълумки, шахснинг фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлари унинг энг асосий ҳукуқ ва эркинликлари жумласига киради, шу жиҳатдан қараганда мустақиллигимиз асосида республикамизда демократик давлат барпо қилиш мақсадидан келиб чикувчи фуқароларнинг тенглигини эътироф этиш алоҳида аҳамият кассб этади. Бугунги кунга келиб, фуқаролик мақомига оид барча масалалар энг аввало, конституциямизда, фуқаролик тўғрисидаги қонун ва унинг асосида ишлаб чиқилган бир қанча қонуний актларда ўз ифодасини топди. Бу ҳам мустақиллигимиз маҳсулидир. Ўзбекистон дунёнинг энг нуфузли ташкилоти - Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Унинг халқаро ҳужжатларини тан олинган принциплари асосида давлат курмоқда. Худди шунингдек, республикамиз Хельсинки жараёни деб юритиладиган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлди, унинг Якупловчи актини имзолади. Ўзбекистонинг фуқаролик тўғрисидаги қонунида кўзда тутилган шахсларнинг табиий ва узвий ҳукуқларига тааллуқди қоидалар барча халқаро ҳужжатларга тўла мос келади. Чунончи, БМТ Ассамблеяси 1948 йилда қабул қилган “Инсон ҳукуқлари умумжаҳон Декларацияси”да ҳар бир инсон ирқи, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий, табақавий ва бошқа фарқларидан қатъи назар, барча ҳукуқ ва эркинликларга эга бўлиши керак деб эълон қилингани каби Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонун ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қонун олдида, барча тафовутларидан қатъи назар, тентглигини кафолатлайди.

Ўзбекистон фуқаролигига, аввало келиб чиқишидан ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машгулотининг туридан қатъи назар, Ўзбекистон ҳудудида доимий яшा�ётган, бошқа фуқаролиги бўлмаган шахслар кирса, яна давлат йўлланмаси билан республикамиз ҳудудидан четда ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган, ўқиётган шахслар ва бундан ташқари республика ҳудудида туғилган, фуқароликка қабул қилинган ва Ўзбекистоннинг ҳалқаро шартномаларида кўзда тутган асослар бўйича фуқароликка олинган шахслар мансуб бўлади. Юқорида зикр этилган ҳолатларда фуқароликка мансублик шахснинг истаги бўлган тақдирдагина амалга оширилади. Ўзбекистон фуқаролигига мансублик шартлари, шунингдек, 1966 йилда қабул қилинган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро Пактга мос келади.

Эндиликда ҳар бир ўзбекистонлик қалбida тўла гуур билин “Мен Ўзбекистон фуқаросиман” деб барадла айта олади. Давлатимиз ўзининг ҳар бир фуқаросини, дунёнинг қайси бурчагида бўлишидан қатъи назар, ўз ҳимоясига олади, унинг инсоний ҳуқуқлари ҳамма ерда бирдек амалда бўлишининг ва бу ҳуқуқлар поймол этилишига йўл қўймасликнинг чора-тадбирларини кўради.

Бизда фуқароликка олиш асосан, шу заминда туғилганлик билан белгиланади. Ҳалқаро ҳуқуқда бу тушунча замин принципи деб юритилади. Бу принципга кўра, ўз ота-онасининг қайси давлат фуқароси бўлишидан қатъи назар, шу давлат ҳудудида туғилган бола шу давлат фуқароси деб танилади. Замин принципи Америка Кўшма Штатлари ва кўпчилик Лотин Америкаси давлатлари қонунчилигига кўлланилиб, одатда, соф ҳолда учрамайди. Бизнинг қонунларимизда ҳам ушбу принципга кенг ўрин берилган. Чунончи, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон ҳудудида туғилган фарзанди Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланishi ёки ота-онаси номаълум бўлган, бироқ республикамизда яшा�ётган гўдак ҳам Ўзбекистон фуқароси деб тан олиниши, қонун билан белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон фуқаролигини никоҳдан ўтишда ва уни бекор қилишида сақланиб қолиши ҳолатлари ҳам қонунчилигимизда ниҳоятда холисона ҳал этилган. Унга кўра, Ўзбекистон фуқаросининг чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, никоҳнинг бекор қилиниши эр ёки хотиннинг фуқаролиги ўзгаришига олиб келмайди. Эр ёки хотиндан бирининг фуқаролиги ўзгариши иккинчисининг фуқаролиги ўзгаришига олиб келмаслик ҳолати БМТнинг 1957 йилда қабул қилинган “Никоҳдаги хотиннинг фуқаролиги тўғрисида”ги Конвенцияда кўзда тутилган. Шу конвенцияга кўра никоҳдан ўтишда, никоҳнинг бекор бўлишида никоҳдаги

эр фуқаролигининг ўзгариши хотиннинг фуқаролигига таъсир кўрсатмайди деб кўрсатилган.

Ўзбекистон фуқаролиги бошқа давлат фуқаролигига мансубликни тан олмайди. Лекин тарихий адолатсизликни тиклаш мақсадида тарихий ҳаққизликлар курбони бўлган юртдошларимиз ва уларнинг авлодлари ўз илтимосларига кўра республика фуқаролигига қабул қилинишлари мумкин. Бундай қоиданинг қабул қилинганлиги яқин тарихимизда ватандошларимизга нисбатан кўлланилган ижтимоий адолатсизликни бартараф этишга қаратилган.

Қонунчилигимиз фуқароликдан чиқиш ва фуқароликни йўқотиши фуқароликнинг тўхтатилиши асослари деб топади. Ҳар бир давлатда фуқароликни йўқотиш амалиётда умумий асослари, яъни автоматик (экспатриация) равишда фуқароликдан чиқиш, фуқароликдан маҳрум қилиш ва халқаро шартномаларда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда рўй беради.

Республикамизда амалда бўлган фуқаролик мақоми шахснинг фуқаролик ҳукуқларини, халқаро ҳукуқий хужжатларга мос ҳолда татбиқ этилишини таъминлайди.

Албатта, инсон ҳукуқлари кўп қиррали ва уларни кафолатлаш демократик ҳукуқий давлат қураётган мустақил республикамиз учун ўта масъуль вазифадир. Қабул қилинган қонунлар эса унинг давлат томонидан ижро этилажагини ифода этади.

Шундай қилиб, фуқаролик ҳақидаги қонун умуминсоний қадриятларга таяниб юқори даражадаги ҳукуқий маданиятни мустаҳкамлайди.

## 5. Давлат ва ҳукуқ рамзларини ҳурмат қилиш - ҳукуқий маданият юқори эканлигининг кўрсаткичи

Миллий истиқболга эришган ҳур республикамиз кейинги йилларда ўзининг мустақил давлатчилик асосларини қуришга катта шиҷоат билан киришли. Давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, манавий соҳада олиб бораётга саъй-ҳаракатлари ўз самараларини бермоқда. Улар миллий давлатчилик асосларини таркиб топтириш ва шаклантиришга йўналтирилгандир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги 1991 йил 31 августда қабул қилинган конституциявий қонуни ва кейинчалик конституциямизда ўз ифодасини топган давлатчилигимиз белгилари тўғрисидаги қоидалар ҳаётта изчил тадбиқ этилди. Ўзбекистон ўз давлат рамзларига эга бўлди. Матъумки, давлат белгилари деган тушунча ҳудуд, ижтимоий-сиёсий ҳокимият, солиқ тузилмасининг мавжудлиги каби

тушунчалар билан бир қаторда давлат рамзларини ҳам ўз ичига олади.

Давлат тимсоли ҳисобланган рамзлар - шартли белгилар бўлиб, улар миллий давлатнинг хусусияти, моҳияти каби ўзига хос белгиларни акс эттириши лозим. Айнан давлат рамзларида миллиат ҳаёти, унинг анъана ва одатлари, орзу-умидлари ва тарихи, фалсафаси ва руҳияти, ҳукуқий маданияти акс этади.

Давлат рамзлари фақат бир давлатга тааллуқли бўлган, моҳияти чуқур маънога эга шартли белгилар бадиий ифода сифатида маълум бир қўринишларда акс этадики, бундай қўриниш оҳанглар, сўзлар, табиат тасвири, ранглар, астрологик жисмлар ва бошқа турли шаклларда бўлиб, ҳалқнинг бугунги куни, унинг интилиши, орзу-умидлари, истиқболи, гурури ва фаҳрини, ҳукуқий маданиятини ўзида мужассамлаштиради. Мустақилликка эришишимиздан сал олдин 1990 йилнинг 30 марта даёқ республикамида янги давлат рамзларини барпо қилиш ишлари бошлаб юборилган эди. Ўшанда Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида қарор қабул қилиниб, унда республикада давлат мадҳиясининг матни учун кўрик танлови эълон қилинди. 1991 йилнинг 15 февраляда эса Олий Кенгашимиз республикамизнинг байроғи ва гербини ишлаб чиқиш юзасидан қарор қабул қилиб, унга кўра юртимизнинг энг зукко олиму мусаввирлари ва санъат арбоблари иш бошлаган эдилар. Ўнлаб эскизлар орасидан жонажон диёrimизни энг тўлақонли акс эттирган асарлар ажратиб олинган эди. Умумхалқ муҳокамасига қўйилган давлат рамзларимиз ҳалқимиз томонидан обдон ўрганиб чиқилди. Унинг натижаси ўлароқ, бугун дунё узра Ўзбекистонни намоён қилаётган, гўзал юртимизнинг ифодачиси бўлмиш давлат рамзларимиз қабул қилинди. Бугунги кунда давлатимиз рамзлари энг нуфузли ҳалқаро ташкилотларда, дунёнинг турли қитъаларида ва давлатларида ўзини намоён қилмоқда, мадҳиямиз барадла янграмоқда. Бу эса ҳар бир ўзбекистонликка фаҳр ва ифтихор туйғусини ҳис қилиш имкониятини беради.

Юқорида зикр этилган давлат рамзлари тушунчаси фақат мадҳия, байроқ, герб билангина чекланиб қолмай, балки давлатнинг пул бирлиги ва олий нишонлари ҳам ҳақли равишда мустақил давлатнинг рамзлари бўла олади. Пул бирлиги давлатнинг товар айирбошлашдаги ягона алмашув воситаси сифатида майдонга чиқади ва у айнан шу давлатга хос белги ва хусусият экани намоён бўлади. Пул бирлигида ҳам ҳалқнинг маънавий қадриялари, тарихий обидалари ва маданиятининг ўзига хос фазилатлари акс эттирилган. Масалан, бизнинг миллий пулимида маданиятимизнинг нодир бўлаги ҳисобланмиш наққошлик санъатида қўлланиладиган бадиий безак-

ларнинг турли кўринишларидан намуналар берилган. Республикамиз эндиликда ана шундай муҳим мумомала воситасига эга. Бу мустақил давлатчилигимизнинг муҳим белгиларидан биридир.

Миллий давлатчилигимиз шакллантириш йўлидаги яна бир қадам Ўзбекистоннинг олий нишони ва унвонларининг таъсис этилишидир. Хур республикамизда “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони “Мустақиллик”, “Дўстлик”, “Соғлом авлод учун” орденлари, “Жасорат”, “Шуҳрат” медалларининг таъсис этилиши, мустақил давлатчилигимизнинг рамзларини байроқ, гербдаги мазмунни нишонларимизда яна бир бор қайд этилиб, ўз номига муносаб мазмун билан бойитилган. Давлатимизнинг нишонлари халқимизнинг чинакам фарзандларига уларнинг ватан ва халқ олдидаги буюк хизматлари ва жасоратларига чукур ҳурмат ва эътибор тимсоли сифатида тақдим этилади.

Давлатимиз рамзлари ҳақида сўз кетганда, қонун йўли билан мустаҳкамланган юртимизда нишонланадиган умумхалқ байрамлари ни эслатиб ўтиш жоиздир. 1 сентябр - Ўзбекистоннинг мустақиллик куни, 8 декабр - Ўзбекистон Конституцияси куни, 21 март - Наврӯз байрами озод Ватанимизнинг улуг саналари сифатида нишонланади. Умумхалқ байрамлари давлатимиз ва халқимизнинг рамзий кунлари сифатида кўп миллатли Ўзбекистон халқига тааллуклидир. У Ўзбекистондаги барча миллат ва элатлар томонидан нишонланади ва дам олиш куни ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг яна бир ҳукуқий рамзини энг аввало, унинг Конституциясида кўриш мумкин. Ҳукуқий рамзлар асосан ҳукуқий одатлар ва ҳукуқий расм-руслар билан боғлиқ маросимларда ўзининг яққол ифодасини топади.

Ҳукуқий рамзларни бошқача сўз билан айтганда ҳукуқий маросимлар ҳам дейиш мумкин. Ўтмишда рим, юон тузумида ва мусулмон дунёсида ҳукуқий рамзлар жуда кенг қўлланилган.

Улар маълум бир мазмундаги матнларни ижро этиши бир қатор ҳукуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқарган. Масалан, шу ўринда қадимги юон ҳукуқи бўйича никоҳда “Сенинг юзинг менга ноҳуш” ёки мусулмон ҳукуқида “талок” сўзининг айтилишиёқ никоҳнинг бекор бўлиши учун асос ҳисобланган.

Ўрта асрларда эса инглиз ҳукуқида суд ҳайъатининг қасамёди, ёхуд ҳозирги кунда АҚШ да фуқароликка қабул қилишдаги фуқароларнинг қасамёди ва кўплаб бошқа мисолларни келтириш мумкинки, булар шубҳасиз ҳукуқий маросим ва одатларнинг нечоғлик салоҳиятли эканлигидан далолат беради. Собиқ совет тузуми даврида ҳукуқий маросимлар деярли қўлланилмаган Ўзбекистонда истиқдол шарофати билан биз ўз ҳукуқий тизимизни мукаммаллаш-

тиromoқдамиз ва дунё ҳуқуқий тажрибасида кўп қўлланиб келинаётган ҳуқуқий маросимларни қонунларимизда акс эттира бошладик.

Чунончи, Конституциянинг 92- моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қасамёди матни келтирилган бўлиб, у Президент томонидан Олий Мажлис йигилишида ижро этилади ва шу қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб давлатимизнинг энг олий мансабдор шахси - Президент ўз лавозимини бажаришга киришган ҳисобланади. Шу сингари, Ўзбекистон республикасининг Конституциявий суди Раиси ва суд аъзолари ҳам қасамёд қабул қилиб ўз вазифаларини бажаришга киришадилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XYI сессиясида қабул қилинган Жиноят - процессуал кодексида гувоҳнинг қасамёди биринчи марта ҳуқуқий қоида тусини олди.

Ҳуқуқий маросимларни амалга ошириш ҳуқуқقا бўлган ҳурматни, ҳуқуқий маданиятнинг юқорилигини, ҳуқуқнинг устувор мавқеини, жамиятда тартиб-интизом, қонун ва қоидаларга оғишмайриоя қилинишга бўлган интилишни ифодалайди. Ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган Ўзбекистонимиз учун бу улкан аҳамиятга молик жиҳатдир.

## XI боб

# ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ - ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ТАЯНЧИ

\* Ҳуқуқий маданиятнинг конституциявий асослари \* Ўзбекистон Конституциясининг ўзига хос хусусиятлари \* Инсонларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари - ҳуқуқий маданият кўрсаткичи \* Ҳокимият ваколатларини тақсимлаш - ҳуқуқий маданиятнинг конституциявий тамойили \* Ўзбекистон конституциявий тизимининг шаклланиши

### 1. Ҳуқуқий маданиятнинг конституциявий асослари

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини эълон қилиб маънавий ва интеллектуал, маданий ва ҳуқуқий қадриятларини тиклаб иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жабхаларда тубдан бурилиш даврига кирди. Очиқ бозор иқтисодиёти ва кучли ижтимоий ҳимоя тизимига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиши жараёни изчил давом этмоқда. Давлат-ҳуқуқий тузилмаларининг зарурлиги, йўналишлари ва шаклларини ривожлантириш тўғрисидаги сиёсатни халқ қўллаб-кувватлаяпти. Айни замонда демократик ўзгаришларда ижобий силжишлар сезилмоқда. Ҳуқуқий янгилашиб ва тараққиётдаги давлатнинг ўз концепцияси ишлаб чиқилган ва у амалга оширилмоқда<sup>1</sup>.

Мустақил Ўзбекистон биринчи Конституциясининг қабул қилинishi халқимизнинг узоқ асрлик тарихида оламишумул воқеа бўлди<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - ўзбек халқининг, ёш давлатимизнинг чинакам мустақиллигининг ҳуқуқий заминидир.

“Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни, давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусидир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимиз иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда,

<sup>1</sup> Каранг: Каримов И.А. Ўзбекистонинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., 1992; Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т., 1993; Каримов И.А. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т., 1995.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. - Т.: Ўзбекистон. 1993. 5-б.

Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир”<sup>1</sup>.

Мустақил Ўзбекистон учун биринчи Конституциянинг зарурати нималар билан ифодаланаар эди? Мазкур саволга:

бозор муносабатларининг ривожига ҳуқуқий замин тайёрлаш;  
давлат мустақиллиги негизида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлини мустаҳкамлаш;

мустақил Ўзбекистонинг янги демократик давлат тузилмаларини таъсис этиш ва тартиблаштириш;

ўз мустақил давлат-ҳуқуқий ривожланишининг янги конституциявий-ҳуқуқий заминини вужудга келтириш;

фуқарога, оиласга ва халқга кафолатланган ҳуқуқий эркинликни таъминлаш;

жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш учун зарур эди, деб жавоб бериш мумкин.

Конституциясиз жамиятда сиёсий барқарорлик ва тинчликка, қонунийликка ва миллий давлатчиликнинг мустаҳкамланишига эришиш амримаҳол. Конституция ҳамжиҳатлик ва ўзаро муросани тақозо этадиган сиёсий кучларнинг ижтимоий мувозанатини таъминлади. Бу эса мазкур кучларнинг келишувини ва ўз навбатида, бир мақсад йўлида ҳаракат қилишини назарда тутади.

Шу маънода Ўзбекистон Асосий қонунининг биринчи бўлими тамойили аҳамият касб этади. Давлат мустақиллиги, инсоннинг олий даражадаги қадрият эканлиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, халқ ҳокимияти, сиёсий фикрлар хилма-хиллиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, ҳуқуқий демократик давлат, иқтисодий фаолият шаклларининг хилма-хиллиги - мавхум тамойиллар эмас, балки туб конституциявий таг-заминлар, мажбуриятлар бўлиб, бутун жамият аъзолари уларни олий қадрият деб билади ва уларга қатъий амал қилиб яшайди. Умуман, Конституциямиз жамият ва давлат тўғрисидаги янги норматив билимларни беради. Бу собиқ совет империяси даврида “юқоридан” ёки “ташқаридан” киритилган ҳуқуқий қоида эмас, балки, аксинча, шахсни янгича тушуниш, унинг эркин ва баҳтили ҳаётини мустаҳкам кафолатланишини шакллантириш натижасидир. Бу ўринда тенглик - ҳақиқий тенглик, ҳуқуқлар - суд ҳимоясидадир. Бироқ мажбуриятлар ҳам анчагина, уларни онгли равишда бажармасак, биз олга силжий олмаймиз. Шу боис Конституция ва қонунларга риоя қилишимиз, табиий ва маданий меросни аср-авайлашимиз, солик ва йигимларни ўз вақтида тўлашимиз лозим.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., 1994. 185-б.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқаролик жамияти ва давлат ҳокимияти органлари янги тизимининг пухта ҳуқуқий заминларига асос солди.

Энг муҳими - Конституция халқнинг ўткинчи тантанаси ва шодиёнаш учун қабул қилинмайди. У жамиятнинг кундалик ҳаёти, унинг истиқбол йўлини белгиловчи норматив ҳужжатdir. Конституцияни амалга ошириш барча фуқаролар ва уюшмаларнинг биринчи галдаги вазифалари ва мажбуриятлари бўлиши зарур. Халқ - Конституциянинг кафолати ва унинг ҳаракатлантирувчи асосий кучидир.

Ўзбекистон Конституцияси - узоқ муддатга мўлжалланган ҳужжат. У ўзбек миллий давлатчилигининг, ўз ҳуқуқий янгиланиш ва тараққиёт йўлининг ҳуқуқий заминидир.

Конституциямиз аста-секин кундалик турмушимизга сингиб бормоқда. Бу фикр оддийгина кўринса-да, унда чукур маъно бор, яъни Конституциямиз амал қилмоқда ва ҳаётимизга тоборо чукурроқ кириб бормоқда. У Ўзбекистон мустақил давлат-ҳуқуқий ривожланишининг асосий йўналишларини белгилайди.

Шу жиҳатдан, Конституцияни ўрганиш, унинг принципларини ўзлаштириш, муайян моддаларини билиш ва уларга риоя қилиш Асосий қонун нормаларини ҳаётга изчил татбиқ этишнинг муҳим омили саналади.

Ўзбекистоннинг собиқ совет республикалари орасида биринчилардан бўлиб мустақиллик тўғрисидаги масалани кўтаргани бу тарихий воқеадир. Ўша йиллар ҳужжатларини эътибор билан ўрганилса, мустақиллик фояларини амалга ошириш режаси Республика раҳбарияти қабул қилган барча қарорлар ва дастурларнинг марказида турганлигига ишонч ҳосил қиласми.

1990 йилнинг март ойида бўлиб ўтган Республика Олий Кенгаши ўн иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаёқ Ўзбекистон ССР ҳукуматининг истиқболдаги фаолият дастури ва республика иқтисодий, ижтимоий-манавий мустақиллигининг асосий концепциялари кўриб чиқилди ва маъкулланди. Мазкур концепцияларда Ўзбекистоннинг мустақил давлат эканлиги, республиканинг барча бойликлари, жумладан, ер, ер ости бойликлари, табий заҳиралар, маданий ва тарихий бойликлар унда яшаб турган халқларнинг миллий мулки эканлиги эълон қилинган эди.

Айни шу сессияда собиқ иттилоғида биринчи бўлиб, 1990 йил 24 марта “Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни) га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга асосан президентлик бошқаруви шакли қабул қилинган эди”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> ЎзССР Олий Совети Ведомостлари. 1990. N 10-11.197-м.

1990 йилнинг 20 июнида ЎзССР Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ иккинчи сессияси мустақиллик тўғрисида Декларация қабул қилди. Мазкур ҳужжатда Республика мустақиллигининг асосий принциплари - республика ҳудуди ва чегараларида республика қонунларининг устуналиги, ички ва ташқи сиёсат масалаларини мустақил ҳал этиш, ҳалқаро ҳукукнинг асосий принципларини тан олиш ва ҳурмат қилиш, ўз тараққиёт йўли, ўз номи, давлат рамзларини белгилаш ва бошқалар мустаҳкамланди. СССР сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни инобатга олиб, Ўзбекистон ҳалқлари тақдирини ўйлаб ва мустақиллик тўғрисидаги Декларацияни амалга ошириш мақсадида Республика Олий Кенгashi ўзининг ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон давлат мустақиллигини тантаналиравища эълон қилди<sup>1</sup>.

“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида” конституциявий қонун қабул қилинди. Мазкур қонун, мантиқан, 1992 йилнинг декабрида мустақил Ўзбекистон Асосий қонуни қабул қилингунинг қадар муваққат Конституция мақомини бажарди<sup>2</sup>.

1991 йилнинг 29 декабридаги референдумда Ўзбекистон ҳалқи мамлакатимизнинг мустақил ривожи учун овоз берди ва тарихимизда илк марта бевосита, умумий, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан республика Президентини сайлади.

1991 йилнинг 29 декабридаги референдум натижаларининг аҳамияти шундаки, Ўзбекистон ҳалқларининг иродаси ифода этилишига эҳтиёткорлик билан муносабат билдирганлигини яққол намоён этди. Жамоатчилик фикрича, бундай муносабат шу жиҳати билан эътиборга сазоворки, фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган сиёсатга ҳалқ муносабатини ўрганмасдан истиқболдаги стратегияни ишлаб чиқиш мумкин эмас. Шу маънода 1995 йилнинг 26 мартада ўтказилган референдум Президент ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришга бағишлиланган бўлиб, у нафақат объектив зарурат, балки Президент ва Олий Мажлис сайловлари муддатини яқинлаштириш, балки босқичма-босқич демократик, фуқаролик жамиятини барпо этишининг ҳам шаҳодатидир. Шу боисдан Ўзбекистон ҳалқи республикада умуммиллий ҳамжиҳатликни таъминлайдиган ҳокимиятнинг яхлит тизимини яратишга интилишини, демократик ҳукуқий давлат ва ривожланган фуқаролик жамият қуриш йўлини кувватлади.

<sup>1</sup> ЎзССР Олий Совет Ведомостлари. 1991. N 11. 245-м.

<sup>2</sup> Сайдов А.Х Мустақиллик қомуси. Т., 1993. 7-6.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси демократик жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатини мустаҳкамлади. Мазкур Асосий қонунни Олий Кенгаш ҳар томонлама умумхалқ муҳокамасидан сўнг 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилди ва ушбу кун умумхалқ байрами - Конституция куни деб эълон қилинди.

Конституция Ўзбекистон халқларининг иродаси, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттириди. Энг аввало, у умуминсоний қадриятларга ва халқаро ҳуқуқ устунлигига содиқ қолди<sup>1</sup>.

Шунингдек, унда давлатнинг фуқаролар устидан ҳукмронлиги ҳам йўқ. Конституциядан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг қарийб барча тамойилий қоидалари - инсон ҳёти ва шахсий эркинликларининг дахлислиги ундан жой олган. Конституцияга кўп миллатли мамлакатимиздаги мустаҳкам маънавий ва ҳуқуқий маконнинг умумий ёяси киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистоннинг ўз изланишлари маҳсулидир. Конституция чиндан ҳам барча халқларнинг мустақиллик ва эркинликка интилиши билан пайдо бўлди. Бизнинг қонуншунослаrimиз ўз конституциявий тузумини қура туриб юртимизнинг, халқимизнинг кўп асрлар мобайнида ортирган бой тажрибасига суюндилар. Ўзбекистон халқлари манфаатлари ва интилишларидан келиб чиқиб, Конституцияни яратишда Шарқ ва Фарб, Жануб ва Шимолдаги турли мамлакатларнинг илфор конституциявий тажрибасидан унумли фойдаланилди.

Ўзбекистон республикаси қўхна Суғдиёна ва Хоразм, сомонийлар, хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар сулоласи давлатчилиги тажрибасини, халқимизнинг қадимий анаъналари ва унинг ўз давлати тўғрисидаги асрий тажрибани ўзида мажассамлаштириди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва инсоний демократияни конституциявий ҳимоя қилиш учун фаолият юргизётган барча қишиларни ва давлатларни чуқур ҳурмат қиласди. Жаҳон ҳамжамиятига кирган мустақил Ўзбекистон маърифий давлат бўлишга интилади, инсон ҳуқуқларининг мустаҳкамланишини конституциявий тарзда кафолатлади.

Демократия, инсон камолоти ва ҳуқуқлари унда умуминсоний ва миллий давлатчилик маъноларини муштарак этади. Ўзбекистон маърифийлигимизнинг икки ярим минг йиллик маънавий салоҳиятига мувофиқ келадиган инсон ҳуқуқларининг умумъетироф этган жаҳон андозаларига интилади. Ўзбекистон Оврупо ва Осиёни боғлаб, буюк халқаро йўллар чорраҳасида жойлашган.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т., 1993. 6-8--6.

<sup>2</sup> Саидов А.Х. Мустақиллик қомуси. 6-10-6.

Ўзбеклар қадимий ва кўп сонли - саклар, массагетлар ва сўёдлар, Кайхусрав ва македониялик Искандар, салавкийлар замонидаги юзжи (жужон) лардан бу маконда қариб минг йиллар давомида ўтроқ яшаган кўп қабилали туркларгача бўлган покиза илдизларга эга ёш миллатдир.

Ўзбек миллитининг келиб чиқишида араб, форс-тожик, XIII - XIV асрлардаги муғулларнинг ҳамда XV - XVI асрларда чигатой улусининг қисман бўлса-да, таъсири бор. Агарда бу нарсага янада чукурроқ қаралса, ўзбек алломаларининг етишиб чиқишида ҳинд, хитой ва эллисларнинг генетик бўлмаса-да, маданий таъсирини кўриш мумкин. Мазкур этник сўзанага уйгур, арман, лўли ва бошқа ўнаб нисбатан кичик бўлган миллий жамоалар ўзларининг маданий ипланини омухта қилганлар. Бухоро ва Самарқандда йигирма асрдан зиёд аждодларимиз билан бирга яхудийлар ҳам истиқомат қилдилар. X асрдан XV асрларгача Мовароуннаҳр шаҳарларида масиҳий-историанлар анчагина бўлган, бунинг устига мўғул зодогонлари ислом қабул қилингунига қадар оммавий равишда уларга ҳомийлик қилганлар. XIX аср ўрталаридан бошлаб Ўзбекистон халқлари оиласи сафига руслар ва русийзабон кишилар ҳам келиб қўшилдилар.

Буларнинг барчаси муайян тарихий ва этник ўзига хослик билан инсон ҳукуқларининг конституциявий ривожланиши замонимизда гёй табиий тугилганлигидан далолат бермоқда. Худди мана шунга Мовароуннаҳрдаги уйгониш даври гувоҳдир<sup>1</sup>. Шу даврларда ёқ Абу Райҳон Беруний, Мұхаммад ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино ва Миризо Улугбеклар буюк олимларнинг байналмилал ҳамжамиятини яратдилар. Мазкур мутафаккирларнинг ижодий мероси бутун инсониятнинг мулки сифатида хизмат қилмоқда.

Халқимиз дунёқарашини ислом маърифийлиги тўлдирди ва бойитди. Ислом маърифийлиги мусулмон оламига маълум ва машҳур бўлган Аҳмад Яссавий, И smoil Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний каби бутун мусулмон олами эътироф этган буюк мутафаккирларни, ҳукуқшуносларни тухфа этди.

Республика Олий Кенгаши Конституциявий комиссияси жаҳон конституциявий тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда Асосий Конунимизнинг вазифаларини тўғри белгиладилар. Яна ҳам аниқроқ фикр юритадиган бўлсак жаҳон конституциявий тажрибаси, конституциямиздаги қўйидаги ҳукуқий нормаларда ўз аксини топди:

- конституциявий бошқаришнинг тамойиллари - ҳокимиятларнинг бўлиниши, инсон ҳукуqlари, халқaro ҳукуқ нормаларига содиклик, Конституциянинг барқарорлиги;

<sup>1</sup> Қаранг: Правовое государство - независимость, нация, экономика, идеология. политика. В 4-х томах, т.4. Т., 1994.

- преамбула ва бўлимлар, боблар ва моддалар, шунингдек, уларнинг мантиқий жойлашиши бўйича матнинг тузилиши;
- ифоданинг қисқалиги (давлат ва ижтимоий ҳаётда Конституциявий-хукуқий нормаларнинг турлича шарҳланнишига йўл қўймаслик учун); бошқа ҳудди шундай қонунларга ҳавола этишнинг конституциядан жой олмаганилиги бунинг мисолидир;
- бир мағкуранинг ҳукмронлигига йўл қўймаслик; фикр. сўз. виждон ва эътиқод эркинлиги;
- конституциявий кафолат Конституциянинг устунлигидир; конституциявий суднинг тузилиши, Асосий қонунни ўзgartиришнинг алоҳида тартиби;
- ҳалқ ҳокимиятининг шакли сифатидаги Президент республикасининг тузилиши, яъни Конституциянинг Президент давлат ва ижроия ҳокимияти бошлиғи сифатидаги мақомини белгиланиши қабилар<sup>1</sup>.

## **2. Ўзбекистон Конституциясининг ўзига хос ҳусусиятлари**

Илгариги совет конституцияларидан фарқли ўлароқ мустақил Ўзбекистоннинг Асосий Қонунида оврупоцентрик ақидаларнинг тазийқи сезилмайди. Аксинча унда фуқаролик жамиятининг Фарб мамлакатларидағи демократик конституцияларга хос бўлган ҳокимиятларнинг бўлиниши, ҳокимиятларни бошқариш ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш оқилона инобатга олинган. Бу ўринда ҳам исломнинг маънавий анъаналари - умма (жамоа) яъни давлатни катта бир бутун оиласадек конституциявий тушуниш, оила бошлиғи мазкур оиласининг хотиржамлиги, қадрқиммати ва фаровонлиги учун масъул бўлиши кабиларнинг таъсири сезилади.

Ўзбекистон Конституцияси - мамлакатимизнинг тараққиётга бўлган давлат, ижтимоий, маънавий-маданий эҳтиёжларининг, шунингдек, конституциявий ўз-ўзидан барқарор ривожланиш жаҳон таърибасининг ижодий муштараклигидир. Ўзбекистон Конституцияси қадриятларнинг “шахс-жамият-давлат” тизими устуворлигини ўрнатади.

Эркин, мустақил, онгли шахс фуқаролик жамиятининг таркибий қисмидир. Фуқаролик жамияти - ўз-ўзидан уюшган ҳалқ - ҳар қандай ҳокимиятнинг чинакам манбай ва ижодкоридир. Мустақил, демократик, хукуқий давлат - шахс ва жамият манфаатлари ва хукуқларининг ҳимоячисидир. Шу маънода Конституция фуқаро,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Сайдов А.Х. Мировой конституционный опыт и концептуальный опыт и концептуальные ориентиры Конституции республики Узбекистан. Т., 1992.

жамият ва давлат ҳокимияти ўртасида ўзига хос ижтимоий шартнома мақомига эга бўлади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 128 моддани ўз ичига олган бўлиб, 26 боб ва 6 бўлимдан иборат. Преамбула жуда қисқа, лекин сермазмундир. Унинг моҳияти - мамлакатнинг тўла ваколатли эгаси - ҳалқ конституциясини қабул қиласи ва унда ўз иродасини ифода этади. Мабодо биринчи бўлим - конституциявий тузум асосий принципларнинг йигиндиси бўлса, иккинчи бўлим эса ҳукуқлар тўғрисидаги ўзбекона “билл”дир. Бошқача айтганда, унда шахсий ҳукуқларнинг аниқ ва моҳияти тизими мавжуд. Давлат ҳокимияти тўғрисидаги бўлимдан инсон ҳукуқлари тўғрисидаги бўлимнинг олдинроқ жойлашиши ҳам табиий. Зеро давлат ҳукуқларни тухфа қилмайди, балки фуқаролар онгли ва масъул равишда эркинликнинг уларга берган ҳукуқларидан фойдаланадилар. Учинчи бўлим файриодатий бўлиб, деярли жаҳоннинг бирор-бир конституциясида учрамайди. Мазкур бўлимнинг асосий мақсади - фуқаролик жамияти анъаналарини тиклаш, ижтимоий бирлашмалар ва ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий щакллантириш, уларнинг чинакам ва соғлом ривожланишини таъминлаштириш. Тўртинчи бўлим давлат ва маъмурий-худудий тузилишга бағишлиланган. Қорақалпоғистон Республикаси тўғрисида мустақил боб мавжуд. Бешинчи бўлим ҳокимиятларнинг бўлинниши негизида давлат ҳокимиятининг янги тизимини мустаҳкамлайди, давлатнинг олий ва маҳаллий идоралари таркибини ифодалайди. Олтинчи бўлим Конституцияга ўзгартиришлар киритиш тартибини тушунтиради<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг тинчтотувлигига, яъни миллий ва ижтимоий муросага; шахс эркинлиги ва танлов эркинлигига; сиёсий барқарорликка; фаровонлик ва иқтисодий ривожланишга; давлатнинг фуқаролар олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришга эришувига йўналганлигини намоён этади.

### **3. Инсонларнинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликлари - ҳуқуқий маданият кўрсаткичиги**

Шахснинг ҳукуқ ва эркинликлари - инсоний маърифийликнинг ютуғидир. Демократия, тараққиёт, инсон ҳукуқларидек умумбашарий тушунчаларни белгилайдиган асосий конституциявий тамойиллар - миллий давлатчилигимиз манфаатларига, ҳалқимизнинг ўзига хослигига, унинг анъаналарига, мустақилликни чуқур эъзозлашига муво-

<sup>1</sup> Адилкарьев Х. Новая конституция - великий символ суверенитета Узбекистана. Т., 1993. 18-21-б.

<sup>2</sup> Уразаев Ш.З. Конституция независимого Узбекистана. Т., 1993. 31-40-б.

фиқ келади. Жамиятимизда демократия ва инсон ҳуқуқлари фақат қонунлар йўли билан эмас, балки ҳалқнинг оғлилиги, унинг ҳалолликка оид ахлоқий тажрибаси, меҳмондўстлиги билан ҳам мустаҳкамланади. Ўзбекистонда инсонпарварлик қадриятларидан бири - Шарқ маърифийлигига хос бўлган фазилат - оиласи ҳар томонлама қувватлаш бўлган ва шундай бўлиб қолади. Инсон ҳуқуқларини тўла идрок этиш ва шахсни хурмат қилиш миллий маданиятимиз ва ёш давлатимизни бойитади.

Халқдаги ватанпарварлик туйгулари, унинг эркка, баҳт-саодатга интилиши янги давлат рамзларида - Ўзбекистоннинг мадҳиясида, байроғида, гербida мужассамланган. Булар - ҳар бир Ўзбекистонлик учун муқаддас бўлган маъно ва мазмун касб этади.

Ўзбекистон Конституциясининг биринчи саҳифаларидаёқ инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинларни баён қилинган, ундан сўнг эса сиёсий ҳуқуқ ва эркинлар, шунингдек иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинларни жой олган. Бундай изчиллик ўз ички мантиғига эга. Мабодо илгари ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларнинг устуворлиги таъминланган бўлса, энди эса барча тоифадаги ҳуқуқ ва эркинларнинг бир маънода акс этиши кўзга ташланади, айни замонда шахсий ва сиёсий ҳуқуқларнинг афзаллиги кўрсатилади. Зеро илгари бундай ҳуқуқларга аксарият риоя қилинмаган.

Конституцияда давлатчиликнинг негизи сифатида плюрализм (хилма-хиллик), кўп partiyaийлик, сўз ва фикрларни ифода этиш эркинлиги, дин ва эътиқодлар эркинлиги, жамиятда манфаатларнинг турли-туманлиги эълон қилинди. Зикр этилган инсон ҳуқуқлари ва эркинларини таъминлаш ва мазкур соҳага оид зўравонликнинг вужудга келишини истисно этиш учун Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқларига бағишлиланган иккинчи бўлим мавжуд. Унинг заминида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1948 йилда қабул қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, шунингдек, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт ва бошқа ҳужжатлар мавжуд.)

Ўзбекистонда ҳуқуқ ва эркинларнинг тадрижий ривожланиш баробарида иқтисодий, фуқаролик, сиёсий ва ижтимоий-касбий йўналган қонун чиқариш ҳужжатларидан иборат ҳуқуқий ҳимоя механизмларининг ижобий ўзгариш жараёнлари ҳам ишлаб чиқилган.

Ҳуқуқлар ва эркинларни таснифлашнинг қуидаги кўринишлари умумътироф этилган. Улар - фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлардир. Зикр этилганлар Ўзбекистон Конституциясининг VI - IX бобларида ўз ифодасини топди.

Ўзбекистондаги давлат ҳокимияти органлари ўз сиёсатларида ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш механизмини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш заруратидан, умумэътироф этилган фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликлари мажмуида тўплангандан умумисоний қадриятларга асосланади.

Ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишида асосий конституциявий кафолат-мулкий ҳуқуқдир. Унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиши, тасарруф этиш ҳуқуқлари тушунилади. Мазкур ҳуқуқ “Мулк тўғрисида”ги “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида изчил ва батафсил баён этилган.

Инсондаги энг муҳим ҳуқуқлардан бири - унинг тинч-тотув яшаш ҳуқуқидир. Худди ана шу ҳуқуқ билан демократиянинг инсонийлиги билинади. Давлат ва жамиятнинг асосий мажбурияти - мазкур ҳуқуқларни кўлдан келган воситалар билан муносабиб кафолатлашдир. Мазкур қонунни амалга ошириш - давлат ва жамият демократик ривожланишининг илк шартидир. Зеро бу билан демократиянинг инсонийлиги белгиланади.

Ўзбекистон Конституциясида Республикада қарор топган ва халқимиз маънавий анъаналарига тўла жавоб берадиган виждан эркинлигига иззат-икром ифодаланган. Давлатнинг фуқаролар шахсий эътиқоди ва динларига аралашмаслик умумисоний принципи давлатга диний моҳият беришимизга йўл кўймайди. Динни давлатлаштириш унинг ўз муқаддас арконларига ҳам зид келади ва у давлатни диннинг маънавий моҳиятига аралашиби хавфини туғдиради. Динга ишониш ҳар бир инсоннинг шахсий ишидир. Бунинг устида муқаддас Қуръони Карим ҳам диний қарашларни кишиларга зўрлаб сингдиришни инкор этади.

Динга эътиқод қилувчилар ва унга ишонмайдиганларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш масаласи ҳам Асосий қонунда акс этган бўлиб, унга кўра Конституция уларнинг ахборот ва уюшмалар эркини таъминлаш, давлат тизимидағи маорифнинг илмий моҳияти билан кафолатланади. Фуқароларнинг бурчлари эса Ўзбекистон халқларининг тарихий, маънавий ва маданий меросларини эҳтиётлаб сақлашдан иборат.

Инсоннинг илк ҳуқуқларига унинг ижодий куч-кудратини ҳарақатга келтириш ва бошқаришга оид тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш эрки ва ҳуқуқи ҳам тааллуқлидир. Жамиятимизнинг ижтимоий йўналган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиши халқнинг тадбиркорликка нисбатан илгари мавжуд бўлган нотуғри муносабатидан, дангасалик ва ялқовлиқдан қутулишини тақозо этади. Мазкур жараён соғ иқтисодий ва ижтимоий сабаблар билангина му-

раккаб бўлмай, ҳалқнинг туйғуларига дахлдорлиги билан ҳам мураккабдир.

Ўзбек давлати қўпмиллатлидир. Шу боис ҳар бир инсоннинг миллий қадр-қимматига, ўз она тилига ва маданиятга эга бўлиш ҳукуқини биз миллий тинч-тотувликнинг гарови деб тушунамиз.

Бизда “миллий озчилик”атамасининг жуда кам ишлатилиши тасодиф эмас. Ўзбек ҳалқи бу билан умумий оиласиздаги бошқа ҳалқларнинг мавқеини эъзозлайди. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган мазкур ҳалқларнинг умумий сони эса юздан ошади. Ҳукуқий тартиб ва жамоатчилик фикри орқали барча ҳалқларнинг миллий ҳукуқлари ва манфаатларининг ҳимоя тизими барпо этилган ва у ривож топмоқда. Шуни қайд этиш лозимки, фуқаролик тўғрисидаги қонунга кўра, Ўзбекистоннинг барча аҳолиси ирқидан, миллитидан, динидан, ўтроқлик цензидан ва тилидан қатъи назар, ўз хоҳишлирага кўра республика фуқаролигига эга бўлишлари мумкин. Бу ҳукуқий маданиятнинг энг муҳим қўринишларидан бири.

Ўзбекистон демократик ҳукуқий ривожланишининг манбаи ҳалқимизнинг умуминсоний қадриятларга мойиллигидир. Асрлар оша у адолат, тенглик, яхши қўшничилик ва инсонпарварлик куртакларини асраб-авайлаб келмоқда. Ватанимиз янгиланишининг олий мақсади - мазкур қадриятларни тиклаш, уларни янги мазмун билан бойитиш, заминимизда тинчлик, инсонпарварлик, демократия, тўкин-сочинлик, маданият, виждан эркинлиги ва ҳар бир инсон камолоти учун зарур шарт-шароитларни яратишдир.

#### **4. Ҳокимият ваколатларини тақсимлаш - ҳукуқий маданиятнинг конституциявий тамоили**

Ҳар қандай давлатнинг конституцияси давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принципларни белгилайди, яъни у турли давлат органларининг ваколатларини ўзаро тақсимлади. Мамлакатимиз Асосий қонунида “давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади”, - деб таъкиданади (Ўзбекистон Конституциясининг 11-моддаси).

Ўзбекистон Конституцияси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўзаро муносабатларнинг конституциявий-ҳукуқий асосларини яратди.

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органи - Олий Мажлисdir (76-модда). У Республика Консти-

туцияси ва қонунларини қабул қиласи, уларга ўзгаришилар ва тўлдиришилар киритади, шунингдек, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари органлари тизими ва ваколатларини аниқлади. Айни пайтда Олий Мажлиснинг мутлоқ ваколатига: бож, валюта ва кредит ишлари, ҳудудий-маъмурӣ тузилмалар масаласи, республика чегараларини ўзгариши, Вазирлар Маҳкамасининг тавсиясига биноан республика бюджетини қабул қилиш ва уни бажариш устидан назорат ўтказиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўрнатиш; ҳалқаро шартномалар ва бошқаларни тасдиқлаш ёки тасдиқламаслик кабилар тааллуклидир.

Шу билан бирга Олий Мажлис давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги асосий йўналишларни аниқлади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 3-банди) ва умумий парламент назоратини уюшибди. Бироқ бу Олий Мажлис ижро этувчи ҳокимият ишларига аралашибди, деган маънони билдирамайди.

Олий Мажлис Олий Мажлиснинг Раисини, Конституциявий судни, Олий судни, Олий хўжалик судини ва Президент тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат Кўмитасини, Марказий банк раисларини тайинлайди ва ишдан озод этади.

Асосий қонуннинг 78-моддасига асосан Олий Мажлис алоҳида ваколатлар гурухини - Президент фармонларини тасдиқлаш мақомини ташкил этади. Улар:

- Бош Вазирни, унинг биринчи муовини ва бошқа муовинларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош прокурор ва унинг муовинларини лавозимга тайинлаш ва уларни лавозимидан озод этиш;
- вазирликларни, давлат қўмиталарини ва бошқа бошқарув органларини таъсис этиш ва уларни бекор қилиш;
- умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат ҳаракатларни жорий этиш, узайтириш ва тўхтатишни эълон қилиш тўғрисидаги ваколатлардир.

Конституция ва ижро этувчи ҳокимиятнинг самарали фаолияти учун зарурӣ ҳуқуқий негизларни яратади. Собиқ иттифоқнинг тарқалишидан кейин қарор топган иқтисодий муносабатларнинг бузилиши собиқ ҳудудлардаги бошбошдоқлик шароитларида кучли ижро ҳокимияти, қатъий ҳуқуқий тартиб амал қилишини тазоқо этади.

Конституция - Асосий қонун - давлат ҳокимиятини уюшган ва амалга ошириш куроли ва у турли ҳокимият тармоқлари ўртасида давлат сиёсатининг умумий йўналишларига оид ўзаро консенсус (муроса) дир.

1990 йилнинг марта мартида собиқ иттифоқ республикалари ўртасида биринчи бўлиб, Президентлик лавозими таъсис

этилган эди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хорижий мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда президентлик бошқарувининг ўзбекона йўлини танлади ва қарор топтириди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Президент ҳокимиятини анча мустаҳкамлайди. 89-моддага мувофиқ Ўзбекистон республикасида Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, айни пайтда у Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир.

Президент - давлатда бош арбобидир. У давлат ва ижроия ҳокимиятнинг бошлиғи, миллатнинг рамзи, фуқаролар хавфсизлигининг кафолатидир. Шу боисдан ҳам Асосий қонунда Президентга кенг ваколатлар берилган (Ўзбекистон Конституциясининг XIX боби).

## 5. Ўзбекистон конституциявий тизимининг шаклланиши

Ўзбекистон Республикасида жорий этилган конституциявий тизим, энг аввало, Марказий Осиё ўзагида жойлашган, қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлган 23 миллионлик аҳолининг давлат мустақиллиги билан вужудга келди. 1991 йилнинг 31 августида олий қонун чиқарувчи орган - Олий Кенгаш “Ўзбекистон Республикаси”нинг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида” конституциявий қонун қабул қилди. Шунга кўра Ўзбекистон устидан Россиянинг қарийб 130 йиллик ҳукмонлиги, 70 йилдан зиёд Совет Иттифоқи таркибида давом этган “гулаб-яшнашлик” сиёсатига чек қўйилди.

1991 йилнинг 29 декабряда мамлакатимиз барча фуқароларининг референдуми давлат мустақиллиги эълон қилингандигини бир овоздан тасдиқлади. Бунинг устига референдумни ўтказиш тўғрисидаги қонун унинг иштирокчилари деб мамлакатда мустақиллик эълон қилингунига қадар доимий истиқомат қилувчилар, шунингдек, хорижда яшайдиган фуқароларни назарда тутди.

Мустақилликни қонунлаштиришнинг муҳим босқичи илк бор 1991 йилнинг 29 декабряда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайловлари ва олий қонун чиқарувчи орғандаги Қасамёд қабул қилиши, шунингдек Президент сайлови бўлди.

Демократик ислоҳотларнинг умидбахш ҳуқуқий кафолатини 1992 йилнинг 8 декабряда умумхалқ муҳокамасидан сўнг қабул қилинган Конституция мустаҳкамлади. Конституциянинг 1-моддасида “Ўзбекистон суверен демократик Республика. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади” деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистоннинг ҳозирги миллий-хуқуқий тизими моҳиятини аксарият Асосий қонуннинг Преамбуласида қайд этилган сатрлар ифодалайди. Булар - инсон хуқуқлари ва давлат суверенитети фояларига содиқлик, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаларига таяниш; демократия ва ижтимоий адолатга садоқат; инсонпарвар демократик хуқуқий давлат барпо этишга йўналганиларидир.

Ёш давлатни хуқуқий таъминлаш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш ва жаҳон ҳамжамиятига очиқлик, Ўзбекистонда хуқуқий ислоҳотлар суръати ва қонун чиқарувчи фаолиятни белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги давлат ва шахсларнинг ўзаро хуқуқ ва бурчларида ифодаланган доимий сиёсий-хуқуқий боғланишларини белгилайди. Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари учун ягона фуқаролик ўрнатилган (Конституциянинг 21-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги қонунчилиги республика Конституцияси нормаларидан, шунингдек, 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги фуқароликни қабул қилиш асослари ва тартиби, шунингдек, ундан озод этилишини аниқлайдиган Қонундан иборат.

“Ўзбекистон Республикасида фуқаролик тўғрисида”ги қонунга мувофиқ шу қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистонда истиқомат қилган, келиб чиқишидан, ижтимоий ва мулкий мавқеидан, ирқий ва миллий мансублигидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқодларидан қатъи назар, бошқа давлатларнинг фуқароси бўлмаган Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилишга хоҳиши билдирганлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўладилар.

Қорақалпогистон Республикаси фуқаролари айни пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижда истиқомат қилиши Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг унинг учун тугалланганлигини билдирамайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Республика ҳудудида бўлганидек хорижда ҳам Ўзбекистон Республикасининг хуқуқий ҳимояси ва ҳомийлигидан фойдаланадилар (Конституциянинг 22-моддаси).

Республика фуқаролиги куйидаги ҳолларда қабул қилинади:

- туғилиши билан;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши натижасида;
- Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида назарда тутилган асосларга кўра.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик уни қабул қилғанлик асосларидан қатъи назар, барча учун тенг мақомга эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги гўдак, башарти унинг отонаси номаълум бўлган ҳолларда ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлади.

Хориж фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлғанларида ҳалқаро ҳукуқ нормаларига мувофиқ ҳукуқ ва эркинликлар билан таъминланадилар. Улар Конституцияда; Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ҳалқаро шартномаларида ўрнатилган мажбуриятларга риоя қиласидилар.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар уларнинг аризалари билан қонунчиликка кўра келиб чиқишилари, ирқий ва миллий мансубликлари, жинслари, маълумотлари, тиллари, динга муносабатлари, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қўйидаги ҳолларда:

- шахснинг хорижий давлат ҳарбий хизматига, хавфсизлик идоралари хизматига, ички ишлар органларига, адлия идоралариға ёки бошқа давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралариға хизматга кириши билан;

- башарти шахс доимий равишда яшаб турган бўлса-ю, узрли сабабларсиз бир йил мобайнида консуллик ҳисобидан ўтмаганда;

- башарти Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғон маълумотлар ёки соҳта ҳужжатлар билан олинганида озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қўйидаги ҳолларда тўхтатилиди:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши;

- Ўзбекистонда назарда тутилган ҳалқаро шартномаларга кўра;

- мазкур қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпогистон Республикасидан иборат. Қорақалпогистон Республикасига, вилоятларга, Тошкент шаҳрига, шунингдек шаҳарларга ва туманларга ном бериш ёки уни бекор қилиш, ёхуд ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади. Олий Мажлис ваколатига, шунингдек, янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларни Ўзбекистон таркибидан чиқариш тўғрисидаги қарорнинг тасдиқланиши ҳам тааллуқидир.

Мустақил Қорақалпогистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради. Қорақалпогистон Республикаси мустақиллиги Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлмаслиги керак.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди ва чегаралари унинг ро-зилигисиз ўзгариши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурӣ-худудий тузилишини мустақил ҳал қиласди, шунингдек, у Қорақалпоғистон халқларининг умумий референдуми асосида Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳуқуқига ҳам эга.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси-нинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида тузилган шартномалар ва битимлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги баҳслар ўзаро келишув жараёнлари асосида ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиюти тизими ҳокимиятларни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиш принципига асосланади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият олий давлат вакиллик органи Конституцияга мувофиқ сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади. Олий Мажлис ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявилик асосида беш йил муддатга сайланадиган 250 нафар депутатлардан иборат.

Сайлов кунигача ёши 25 га етган ҳар бир фуқаро Олий Мажлис-га сайлананиш ҳуқуқига эга.

Олий Мажлиснинг мутлақ ваколатларига: Конституцияни қабул қилиш; унга ўзгартериш ва тўлдиришлар киритиш; қонуиларни қабул қилиш; Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати йўналишларини белгилаш ва стратегик давлат дастурларини қабул қилиш; қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари органларининг тизимлари ва ваколатларини аниқлаш; бож, валюта ва кредит ишларини қонуний тартибга солиш; Вазирлар Маҳкамаси тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси бюджетини қабул қилиш, мазкур бюджет ижросини назорат этиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни жорий этиш; маъмурӣ-худудий тузилиш масалаларини қонуний му-вофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикаси чегараларини ўзгартериш, Олий Мажлис Раисини ва унинг муовинларини, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари ва аъзоларини сайлаш; халқаро шартнома ва битимларни ратификация қилиш ва денонсациялаш; давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш кабилар тааллуқлидир.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президенти тавсияси бўйича Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисларини лавозимларига тайинлаш ва лавозимларидан озод этиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирини, унинг биринчи ўринбосарини, Бош Вазир ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош Прокурор ва унинг муовинларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиши; вазирликларни, давлат қўмиталари ва бошқаруви идораларини таъсис этиш ва тутатиш; умумий ёки қисман сафарбарлик, фавқулодда ҳолат ҳаракатларини жорий этиш, узайтириш, тўхтатиш тўғрисидаги Президент фармонларини тасдиқлади.

Олий Мажлисда қонунчилик ташабуси Ўзбекистон Республикаси Президентига, Коракалпогистон Республикаси номидан унинг олий давлат ҳокимиятига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларига, Вазирлар Маҳкамасига, Конституциявий судга, Олий судга, Олий хўжалик судига, Бош Прокурорга таалтуқлидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонун, қарор ва бошқа хужжатларни қабул қиласи. Қонунни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг овозлари кўп бўлиши шарт.

Олий Мажлис фаолиятига умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси амалга оширади. У Олий Мажлис йиғилишларида раислик қиласи, Олий Мажлисга Олий Мажлис Раисининг муовинлари номзодларини, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари вакилларини тавсия этади, Олий Мажлис қарорларига имзо чекади ва кўрсатмалар беради.

Олий Мажлис қонун лойиҳалари бўйича ишларни юритиш учун депутатлардан қўмита ва комиссияларни сайлайди. Ҳозирги кунда профессионал типдаги парламентга босқичма-босқич ўтиш жараёни давом этмоқда. Олий Мажлис депутати ўзининг дахлсизлик хукуқидан фойдаланади. У Олий Мажлис розилигисиз суд томонидан амалга ошириладиган жиной жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас ёки маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. У айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилида эркин сўзлашадиган, Ўзбекистон ҳудудида доимий яшаш муддати сайловгача 10 йилдан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланishi мумкин. Бир шахснинг ўзи сурункасига икки муддатдан ошиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ўзбекистон фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳукуқлари асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайлайдилар. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш тўғрисида”ги қонуни билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилишининг кафолати бўлади; Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги, хавфисизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш учун зарурий чоралар кўради; Ўзбекистон Республикаси номидан мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда сиёсат юргизди; Ўзбекистон Республикаси номидан музокаралар олиб боради, шартномалар ва битимларга имзо чекади. Республика тузган шартномаларга, битимларга ва қабул қилган мажбуриятларга риоя қилишни таъминлайди; ўз ҳузурида аккредитацияядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қиласди; Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қиласди; Республика Олий Мажлисига ички ва халқаро вазият тўғрисида ҳар йил аҳборот тақдим этади; ижро этувчи аппаратни тузади ва унга раҳбарлик қиласди; Республика олий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органларини тузади ва тутгатади, бу ҳақда фармонларни Олий Мажлис тасдигига киритади; Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирини, унинг биринчи муовинини, бошқа муовинларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош Прокурор ва унинг муовинларини бу ҳақда Олий Мажлис тасдигига қўйиш йўли билан лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди; вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади; вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларини халқ депутатлари кенгашларининг тасдигига қадар лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди; Республика давлат бошқаруви органлари, шунингдек, ҳокимлар қабул қилган хўжжатларни бекор қиласди; Республика Қуролли Кучларининг Олий Бош Кўмандонидир; Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ва сиёсий бошпана бериш масаласини ҳал этади; афв этиш ҳужжатларини қабул қиласди ва Ўзбекистон Республикаси судлари қарори билан маҳкум этилганларга раҳм-шафқатни афв этишни амалга оширади; миллий хавфисизлик ва давлат назорати хизматини ташкил этади, уларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари асосида уларнинг ижроси учун Республиканинг барча ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси - Конституциянинг 98-моддасида қайд этилганидек, иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунларни ва Олий Мажлиснинг бошқа қарорларини, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг ижросини таъминлайди. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳукумат солик қонунчилигини йўлга қўйиб маъмурий-бўйруқбозлиқ услубларидан воз кечади. Давлат - ислоҳотларнинг асосий ҳукуқий ташкилотчисидир. Ҳукуматнинг сиёсати ҳукуқий асосда қурилган бўлиб, мафкура ҳукмронлигидан ҳолидир.

Вазирлар Маҳкамаси Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий бўлган қарор ва фармойишлар чиқаради. Вазирлар Маҳкамасининг жорий фаолиятини Бош Вазир уюштиради. Янги сайланган Олий Мажлис олдида Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатларини зиммасидан соқит этади. Асосий қонун Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини уюштириш тартиби ва ваколатини тартибга солувчи қонун билан белгилаб қўйилишини назарда тутади.

Конституциявий тартибда бошқарувнинг мазкур тармоғи жойлардаги давлат ҳокимиятига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органларига бўлинади. Бу ҳақдаги қонунлар 1993 йилда қабул қилинган.

Ҳокимлар томонидан бошқариладиган халқ депутатлари қенгашлари давлат ҳокимиятининг вилоят, туман ва шаҳарлардаги органларидир. Улар давлат ва фуқаролар манфаатларидан келиб чиқиб ўз ваколатлари доирасига кирувчи масалаларни ҳал қиласидилар.

Маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларига қўйидагилар киради:

- қонунчиликни, ҳукуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфси-злигини таъминлаш;
- ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиши масалалари;
- маҳаллий бюджетни тузиш ва уни бажариш, маҳаллий солиқ, йигимларини белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни вужудга келтириш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Конститу-

цияси ва қонунчилигига зид келмайдиган норматив ҳужжатларни қабул қилиш ва бошқалар.

Тегишли ҳудудда вакиллик ва ижро этувчи ҳокимиятта вилоят, туман, шаҳарлар ҳокимлари бошчилик қиласидилар.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари бошчилик қиласидиган идоранинг қарорлари ва ҳаракатлари учун шахсан жавоб берадилар.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруви яшаш жойлари - маҳаллалардаги ёки даҳалардаги йигин (анъанавий қўшнилар жамоаси йигини) шаклида намоён бўлади. Йигин қатнашчилари оилалар, кўча аҳолиси номидан йигиладилар. Улар ўзини-ўзи бошқариш раҳбари - оқсоқолни йигин раиси ва котибини сайлайдилар.

Оқсоқол ёхуд йигин раиси таклифи билан йигин маслаҳатчиларни тасдиқлайди. Майший масалалар бўйича фуқароларга хизмат кўрсатиш оқсоқол (раис) ва котиб томонидан амалга оширилади. Мазкур ўзини-ўзи бошқариш органи юридик шахсdir, у ўз бюджетига эга бўлиб, ҳоким, жойлардаги вакиллик ва ижро этувчи раҳбар билан муносабат олиб боради.

Фаолият юргизишнинг асосий йўналишлари ижтимоий ва маданий соҳалар - ободонлаштириш, атроф-муҳит тозалиги, фуқароларнинг қўшничилик манфаатларини муросага келтиришдан иборат. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруви жойларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига нуфузли шерикдир. Улар фуқаролар ҳаётининг мұхим масалалари бўйича жамоатчилик фикрини билиб туришлари лозим.

Фуқаролар ўзини-ўзи бошқарувининг жорий таркиби Марказий Осиё ва бутун Шарқда шакланган табиий демократиянинг узоқ асрлек бой тажрибасига таянади. Айни вақтда у Франция, Италия, Германиянинг майший идоралари илгор тажрибаси билан сугорилган.

Суд ҳокимиятининг ваколатлари Конституция ва 1993 йилда қабул қилинган қонун билан белгиланган. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа уюшмалардан мустақил фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида суд тизими Олий Мажлис томонидан беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Олий суди, Қорақалпоғистон Хўжалик судидан, Республика Президенти томонидан маълум муддатга тайинланадиган вилоятлар, шаҳар, туман, Тошкент шаҳар хўжалик судларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳужжатларининг Конститу-

цияга мос келишини кўриб чиқади. Конституциявий суд раиси, раис муовини ва судьялари сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислардан, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси вакили таркибидан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қиласиган қонунлар ва бошқа ҳужжатларни, Президент фармонларини, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларини, давлатларо шартномалар ва бошқа мажбуриятларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини белгилайди. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлигини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари унинг зиммасига юклаган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд ҳокимиятининг фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов соҳасидаги олий органидир. Унинг ижро этиш учун қабул қиласиган ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида мажбурийdir.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар судлари фаолияти устидан назорат ўтказиш ҳуқуқига эга.

Иқтисодий соҳада ва уни бошқариш жараённида вужудга келадиган, мулк шаклининг турли-туманлигига асосланган корхоналар, муассасалар, бирлашмалар, шунингдек, тадбиркорлар орасидаги баҳсларни ҳал қилиш Олий хўжалик судига ва ўз ваколатлари доирасида хўжалик судлари зиммасига юклатилган.

Судлар мустақил, улар фақат қонунга бўйсунадилар, Олий судловни амалга ошириш учун ташқаридан бирор тазиқнинг бўлиши мумкин эмас ва бундай тазиқ қонунга кўра жазоланади. Судларнинг дахлисизлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддаси билан кафолатланади. Барча тоифадаги судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзолигига кира олмайдилар, шунингдек, уларнинг қандайдир бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Барча судлар учун суд ишларини таҳдил этиш ошкора амалга оширилади. Ишларни ёпиқ суд мажлислиарида қараб чиқишга қонунда белгиланган тартибда йўл қўйилади. Суд ҳокимияти ҳужжатлари барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийdir.

Шундай қилиб, Конституция ва қонунлар, конституциявий тизим мамлакатда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишида катта роль ўйнайди, ва аксинча, ҳуқуқ маданияти Конституция ва қонунларнинг изчил ҳаракат қилишини таъминлайди. Уларнинг умумий мақсади, вазифалари бир.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ҮРНИ

\* Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг конституциявий асослари \* Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари \* Ўзбекистон дипломатиясининг ҳуқуқий асослари \* Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати

### 1. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг конституциявий асослари

Бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётининг конституциявий замини яратиљди. Шунга мос равищда инсон ҳуқуқлари ҳам тикланмоқда. Халқимизнинг маънавий салоҳияти, унга хизмат қиласиган табиий ва техникавий заҳиралар, мустаҳкамланаёттан халқаро муносабатлар демократик ривожланиш ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш учун барча шароитларнинг босқичма-босқич яратилишига кафолат беради.

Ўзбекистон Конституцияси "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллiği асослари тўғрисида"ги қонунда белгиланган конституциявий анъаналарни давом эттиради. Мазкур анъаналарга кўра халқаро ҳуқуқ давлатимиз қурилишининг муҳим манбай бўлиб, Ўзбекистон ўзининг халқаро ҳуқуқ нормаларига содиклигини конституциявий даражада мустаҳкамлаб намойиш этмоқда.

Бу эса ёш мустақил давлатимизнинг энг нуфузли халқаро ташкилотларга қабул қилинишига имкон берди, республикамизнинг бошқа давлатлар томонидан дипломатик тан олинишига, халқаро иқтисодий муносабатларга киришишимизга йўл очди.

БМТ устави, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари ҳақидаги бошқа халқаро пактлар, Хельсинки битимлари, Париж ва Мадрид хартиялари қоидалари Конституциямиздаги халқаро ҳуқуқ принциплари ва

нормаларига асос бўлди. Бундай конституциявий ёндошув, айниқса Конституциянинг муқаддимасида, 4-бобида, иккинчи бўлимда 22, 23 ва 26-бобда яққол кўзга ташланади. Бу бобларнинг тегишли равишда, "Ташки сиёсат", "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари", "Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимиюти", "Сайлов тизими", "Мудофаа ва хавфсизлик" деб номланиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Масалага бундай эътибор, ҳалқаро ҳуқуқнинг олий нормаларига садоқат, фақат ҳалқаро мажбуриятлар билан боғлиқ бўлмай, балки Ўзбекистоннинг миллий манбаатлари учун ҳам зарурдир.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилот ва Хельсинки жараёнининг қатнашисидир. Ўзбекистон Республикаси 170 дан ортиқ давлат томонидан тан олинган. Мамлакатимизда ҳалқаро ҳуқуқ ва умуминсоний қадриятлар устун мавқега эга бўлди. Демократик фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий заминлари фаол шаклланмоқда. Жаҳон тажрибасига асосланиб, виждан эркинлиги, жамоат бирлашмалари, фуқаролик тўғрисидаги, шунингдек, ҳалқимизни маърифий тадбиркорлика жалб этадиган қонунлар мажмууси қабул қилинди. Бошланаётган демократик жараёнларнинг фавқулодда янгилиги ва кенг миқёслилиги СССРдан қолган аянчли мерос - қийин иқтисодий шароитларда кечмоқда. Жамиятнинг барча қатламлари ҳаракатта келди, ривожланишнинг турли гоя ва андозалари илгари суримоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилиниши - инсон ҳуқуқлари соҳасида фаол қонун ижодкорлиги фаолиятининг ибтидосидир. Бу иш Конституция бошлаб берган ҳуқуқий истиқболга таянади. Биринчидан, муҳим қонунлар мажмууни яратиш ва қабул қилиш даркор. Иккинчидан, амалдаги барча қонунларни Конституцияга мувофиқлаштириш зарур.

Шуниси қувонарлики, мустақил Ўзбекистон парламенти қабул қилган қонунлар Асосий Қонун руҳига мос келади. Қонунчилик фаолиятининг асосий йўналишлари Конституцияда мустаҳкамлаб кўйилган.

Ўзбекистон Конституцияси ҳалқимизнинг умумий ақлидроқи маҳсулидир, зоро у ҳалқнинг орзу-умидлари, интилиш

ва мақсадларини ифодалайди. Республикамиз Конституцияси прогрессив ривожланишдаги Асосий Қонун олий мақомига тұла мутаносибdir. Конституция жамиятимизда халқ манфаатларини күзлаб ўтказилаёттан ислоҳотларга шароит яратувчи ҳуқуқий асосларни барпо этди. У инсон ҳуқуқларини, ҳар бир оиласынг муносиб турмушини, Ўзбекистон барча фуқароларнинг буюк истиқболга ишончларини кафолатлады. Ўз давлатчилеги, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятининг тарихий тажрибасига эга бўлган ўзбек халқи шундай Конституцияга муносибdir.

## 2. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари

XX асрнинг сўнгти ўн йиллиги ижтимоий дунёқараш ва жаҳон ҳамжамиятининг жўғрофий-сиёсий тузилишида туб ўзгаришлар давридир. Жаҳон ҳамжамияти янги даврга қадам қўйди. Бу давр ўзининг икки жиҳати билан ажralиб туради. Биринчидан, бу давлатлар, халқлар ўртасидаги яқинлашув жараёнлари ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит бўлган сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий маконларнинг вужудга келиши, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ нормаларининг яратилишидир. Иккинчидан, «социалистик лагер»нинг емирилиши, тоталитар тузумдаги давлатларнинг тугатилиши, улар ўрнида мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир. Эндилиқда «совуқ уруш»га барҳам берилди, «капиталистик» ва «социалистик» деган тушунчалар ўртасидаги фарқ амалда йўқ бўлиб бораятти. Мафкуравий ақидалардан холи бўлган янги эркин тафаккурни шакллантириш зарурати пайдо бўлди.

Истиқол - ҳар бир суверен давлатта ўз миллий манфаатларига мос келадиган мустақил ички ва ташқи сиёсатни ўтказиш имконини беради.

Жаҳоннинг ҳозирги мураккаб ва зиддиятли тараққиёти йўналишларининг халқаро муносабатлардаги инъикосини объектив баҳолаган ҳолда мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Республикамиз олдида умумжаҳон жараёнларига ва халқаро ҳаётта қўшилиш йўлларини танлаш масаласи кўндаланг кўйилди. У ёки бу йўналишдаги ташқи сиёсатни танлашга таъсир кўрсатадиган кўпдан-кўп омиллар мавжуд. Улар

орасидан иккита энг асосийсини алоҳида эслатиб ўтиш лозим. Биринчиси - Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлишида ҳамма учун бир хил бўлган талаб мавжуд бўлса, иккинчиси - ташқи сиёсатда иқтисодий манфаатларнинг сиёсий манфаатларга нисбатан устунлигидир.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш - давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир!<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг жаҳондаги 170 дан ортиқ мамлакат томонидан тан олингандиги бу мақсад сари қўйилган улкан қадам бўлди. Шуни фахр билан қайд этиш лозимки, кўпгина ёш суверен давлатлар халқаро майдонда ҳали зарур даражадаги нуфузга эга бўлмаган, бошқа давлатлар уларга нисбатан ғоят эҳтиёткорона муносабатда бўлиб турган бир пайтда, Ўзбекистон жаҳон сиёсий майдонида муносиб ўрин эгаллаб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди.

Республикамиз давлат мустақиллигига эришгаңдан сўнг ташқи сиёсатимизни мустақил шакллантириш учун реал имкониятлар пайдо бўлди. Эндиликда бу сиёсат ташқаридан белгиланмасдан, чинакамига Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига, шарт-шароитлари ва имкониятларига жавоб берадиган тарзда шакллантирилмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамия-тидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ташқи сиёсат йўналишлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон учун мустақил ташқи сиёсат юритиш давлат фаолиятининг ҳали амалда қўлланилмаган йўналишларидан биридир. Мустақилликка эришгунимизга қадар "қизил империя" маркази ташқи сиёсат соҳасини темир панжаларида маҳкам ушлаб турар эди. Бизга нари борса, мўтабар хорижий меҳмонлар олдида «гуллаб-яшнаган Совет Шарқи» вазифасини ўташ имкони бериларди, холос.

Эндиликда эса мустақил Ўзбекистоннинг ҳар тарафлама асосланган ташқи сиёсатини ишлаб чиқиши республика Президентининг, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий идораларнинг вазифаси бўлиб қолди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992 й.. 24-бет.

Президентимиз "Ўзбекистоннинг ўз истиқол ва тараққиёт йўли" китобида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг концепцияси тўғрисида, ташқи сиёсий йўл, бу йўлнинг ҳуқуқий негизи ва уни амалга ошириш воситалари ҳақида тўхталиб ўтган. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегик йўли, асосий қоидалари ва мақсадлари, унинг устувор ва минтақавий йўналишлари, хусусиятлари негизида республиканинг миллий манфаатлари жой олган. Ҳар қандай сиёсат ақл-идрок билан иш тутишни тақозо этади. Ривожланаётган, тез тараққий этиш учун кучли илмий, саноат куч-кувватига эга бўлган мамлакатнинг ташқи сиёсати эҳтирослардан холи бўлиши лозим. Республикамиз ана шундай давлатлар сирасига киради. Янги ҳалқаро иқтиносидий тартиб учун ҳаракат қилиш қоидалари Ўзбекистон учун ҳам диққатга молик масаладир. Бу - хом ашё ва саноат маҳсулотлари нарх-наволарининг адолатли бўлган нисбати, ривожланаётган давлатларнинг фан ва техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконияти ва ҳоказолардир.

Ташқи сиёсий фаолият учун ҳуқуқий негиз яратиш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсадларга эришиш учун қуийдагиларни амалга ошириш лозим:

- янги ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- собиқ Иттифоқ иштирокчи бўлган ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуасини республика манфаати нуқтаи назаридан ўрганиш;
- Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос тушадиган ҳужжатларни ратификация қилиш;
- мамлакат ҳалқаро фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Қабул қилинган ҳалқаро шартномалар тўғрисидаги қонун, Консулилк устави шулар жумласидандир. Улардан ташқари божхона хизматининг ҳуқуқий асосларини яратувчи қонунлар, Ҳаво кодекси ҳам қабул қилинди. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқол ва тараққиёт йўли» китобининг ташқи сиёсатта бағишлиланган бобида ушбу фаолият йўналишлари аниқ-равshan ифодалаб берилган. Улар асосан қуийдагилардан иборат:

Биринчидан, китобда миллий манфаатлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор мақсади эканлиги қатъий баён этилган.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари деганда, нимани тушунмоқ керак? Манфаат бу зарурый эҳтиёждир. Эҳтиёжлар эса биринчи галда Ўзбекистон учун тараққиётнинг муайян ички ва ташқи шарт-шароитлари билан белгиланади. Бу бизнинг жуғрофий ва табиий иқдимий, демографик ҳолатимиз, ҳалқимизнинг кўп миллатли таркиби, унинг тарихий ва маданий мероси, маънавият омили, ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг даражаси, хом ашё ва замонавий технология билан таъминланганлик, давлатнинг ҳалқаро муносабатлардаги ўрни ва ҳоказолардир. Бу омиллар Ўзбекистоннинг эҳтиёжларини белгилайди. Эҳтиёжлар эса манфаатларда ўз ифодасини топади. Давлат манфаатлари унинг ташқи сиёсий фаолиятини белгилайди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий манфаатлари ҳалқаро алоқаларни ривожлантираётган, унинг тузилмалари ва фаолиятини белгилаб бераётган кучдир.

Барча давлат ва ҳалқаро ташкилотлар билан алоқа қилишда давлатимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқилади. Табиийки, бунда шерикларимиз манфаатлари, улар ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобга олиниши зарур. Зоро, ўзаро узвий боғлиқликсиз ташқи сиёсатни тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистоннинг ҳалқаро ташкилотлар ва давлатлараро уюшмалар фаолиятидаги иштироки республика ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу ташкилотлар жаҳон ҳамжамиятига кириш, хўжалик алоқаларини ўрганиш, экология, тиббий муаммоларни ҳал этиш, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришда катта ёрдам бермоқдалар.

Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиши, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига қўшилиши, БМТ нинг ихтисослаштирилган муассасаларига киришидан мақсад ҳалқаро ҳамжамиятларда узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган фаолиятни таъминлашдир.

Бизнинг ёш давлатимизни дунё мамлакатлари диққат билан кузатмоқдалар. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари нимадан иборат эканлиги билан қизиқмоқдалар. Юртимизга кўпдан-кўп хорижий делегацияларнинг келаёттанилиги бежиз эмас.

Республика Президенти давлатимиз ўз қиёфасини йўқотмасдан ҳалқаро талабларга риоя этишга тайёрлигини

қатый тасдиқлади. Бу талабларга риоя этмасдан халқаро жаҳон ҳамжамияттига кириб бўлмайди. Бу ерда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосидаги кафолатлар, БМТ Низоми ва Хельсинки келишуви қоидалари - ҳужум қиласлик, халқаро муносабатларда куч ишилатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш, халқаро ҳуқуқ қонунларининг миллий қонунлардан устуворлиги, ва ҳоказолар тўғрисида гап бормоқда, жаҳондаги барча тараққийпарвар мамлакатлар худди шундай ёндошув тарафдоридир.

Иккинчидан, кўп томонламалик, Ўзбекистон ташки сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Давлатимизнинг жаҳондаги ўрни, тарихий тажрибаси ва иқтисодий эътиёжлари шуни талаб этади.

Маълумки, давлатимиз тарихий тараққиёти ва этник жиҳатларига кўра мусулмон мамлакатлари жумласига киради. Табиийки, биз ўзимизнинг ташки сиёсатимизда бу ҳолни, албатта, инобатта оламиз, яъни мусулмон мамлакатлари билан алоқаларга катта эътибор билан қараймиз. Шу билан бирга Оврупонинг маърифатпарвар дунёси билан ҳам ўзаро ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Бу қитъадан биз саноатни жадаллаштириш, иш билан таъминлаш, фавқулодда муаммоларни ҳал этиш ва жаҳон бозорига кириш учун зарур бўлган замонавий технология олиш имкониятига эгамиз. Ўз вақтида биргина Туркия эмас, шунингдек Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, аҳолисининг кўпчилиги мусулмонлар бўлган Миср, Қувайт, Малайзия, Индонезия ҳам ана шу йўлни танлаган.

Давлатлараро ташки сиёsat, ички ва халқаро омилларни ҳам ҳисобга олади. Собиқ Иттифоқ ва Шарқий Оврупода рўй берган туб ўзгаришлардан сўнг жаҳон сиёсатининг асосий кучлари ўз таъсир доираларини қайтадан кўриб чиқишга киришдилар. Бизнинг мустақил давлатимиз ана шундай долзарб сиёсий шароитда ҳомийлар излаш ва янги мустамлака ҳолатига тушиб қолиш ниятида эмаслигини таъкидлади. Ҳамма давлатлар, айниқса, жаҳон майдонида ўз мавқенини мустаҳкамлаётган давлатлар учун иттифоқчилар танлаш доимо роят мураккаб иш бўлиб келган. Ўзбекистон дипломатияси ҳам худди шу билан шугулланмоқда. У аввалги мафкуравий ақидалардан воз кечди ва келгусида бунга йўл қўймасликка интилмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатида иқтисодий омиллар марказий ўринни эгаллайди. Унинг халқаро муносабатларига бизнинг Ўзбекистоннинг ҳам аъзо бўлганлиги халқаро валюта фондига таъсир кўрсатмоқда. Бу зарур бўлганда муайян қарз олиш имкониятидан ташқари, республикамизнинг иқтисодий жиҳатдан бақувват эканлигидан далолат беради. Қайта тиклаш ва ривожланиш халқаро банки, Тариф ва Савдо бўйича бош битим, Оврупо Иттифоқи билан алоқалар ўрнатида.

Дипломатиянинг устувор йўналишларини танлашга қийинчилкларимиз ҳам, якин ўтмишимиз ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу соҳада нотўғри қўйилган ҳар бир қадам жиҳдий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Тўртминчидан, умумжаҳон ва минтақавий ўзаро яқинлашиш эҳтиёжи бизнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тарафдори эканлигимизни билдиради. Бу Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишини ташкил этади. Ҳамдўстлик кўзлаган мақсадларимизга эришишимизда кўп жиҳатдан ёрдам беради.

Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар билан ташқи сиёсати ушбу республиканинг давлатлар билан икки томонлама фаол муносабатларини ривожлантиришни кўзлаб йўлга қўйилмоқда. Айни пайтда Ҳамдўстлик доирасида давлатлараро муносабатларни барқарорлаштиришга қаратилган ҳаракатларни қўллаб-кувватляпмиз. Ҳамдўстликнинг йирик давлатлари бўлган Россия Федерацияси ва Украина билан муносабатларга катта эътибор берилмоқда. Шу билан бирга давлатимиз Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон билан муносабатларни ривожлантирмоқда. Собиқ иттифоқдош республикалар билан муносабатлар тенг ҳукуқлилик асосида олиб борилмоқда. Бу республикалар билан дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши шундан далолат бериб турибди.

Юртбошимиз Ислом Каримов МДҲ бизнинг мустақил давлатимиз учун нима бераёттанлиги ва бериши мумкинлигини чуқур асослаб берган. Бу миллий ҳудуд ва давлат чегараларининг дахлсизлиги, бирлашган қуролли кучлар орқали миллий мудофаани мувофиқлаштириш, умумбашарий манбаатларимизни бирлашиб ҳимоя қилишдир.

Ҳамдўстлиқда қайси жойда яшашларидан қатыи назар турли миллатларнинг ҳуқуқларини ўзаро ҳимоя қилиш учун имкониятлар бор. Бу эса энг муҳим нарсани - миллатлараро тутувликни таъминлашга хизмат қиласи. Натижада ўзаро манфаатли айирбошлиш учун имкониятлар яратилади. Ўшбу айирбошлишнинг бузилиши эса барча давлатлар иқтисодиёти учун кўшимча қийинчиликлар туғдиради.

Ҳамдўстлик давлатлари ихчам бозор тарзидадир. Бу ерда маҳсулот сифатига кўйиладиган талаблар ишлаб чиқаришимизнинг таркиб топган техникавий даражасига мос тушади. МДҲ доирасида молларни транзит ҳолда етказиб беришни таъминлайдиган, Европа давлатларига чиқиш имконини берадиган транспорт алоқалари таркиб топган. Хўжалик алоқалари тизимининг сақлаб қолиниши бир қатор ресурслардан жаҳон баҳоларидан паст нархларда фойдаланиш имконини беради.

Ҳамдўстликка аъзо бўлиш ҳозир яратилаётган, XXI аср даражасига мос келадиган технологияларга эга бўлишини таъминлайди. Ҳозирги пайтда мустақил эгалик қилишимизга имкон бўлмаган телекоммуникациялар, космик алоқадан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоламиз. Биргалиқда, минтақалараро иқтисодий иттифоқ тизимида биз ўзимизга манфаатлироқ шарт-шароитларда жаҳон бозорига чиқишимиз, ўз иқтисодий манфаатларимизни халқаро монополия тузилмаларидан ҳимоя қилишимиз мумкин. МДҲ доирасида камроқ сарф-харажатлар билан қатор етакчи мутахассисликлар бўйича ходимлар тайёрланса бўлади. Ҳамдўстлик орқали биз учун муҳим аҳамиятта эга бўлган қатор экологик муаммолар (масалан, Орол муаммоси)ни ҳам ҳал этиш кўзда тутилмоқда.

Ҳамдўстлиқда, айниқса, бизнинг минтақа - Ўрга Осиё ва Қозогистонда давлат бошлиқлари билан икки ва кўп томонлама амалий алоқалар йўлга кўйилди. Марказий Осиё Давлатлари Ҳамдўстлиги минтақа даражасида бирлашиш учун қўшимча рагбат вазифасини ўтайди. Бу Марказий Осиё давлатларини ўзаро ғамхўрлик қилишга ва барқарорликка даъват этади. Зоро, кўшнинг хонадонида аза бўлаётганда ўз уйингда тўй қилолмайсан.

Давлатимиз Ҳамдўстлиқдан ташқарида бошқа мамлакатлар билан тинчликсевар алоқалар ўрнатишда бирон-бир чеклашга эга эмас. Буни тасдиқлаш учун кўпдан-кўп мисоллар келтириш

мумкин. Ҳамдўстликка аъзолик дипломатия соҳасида фаолроқ бўлиш учун мавқеимизга мавқе қўшади. Бизнинг шериларимиз ҳам эрганги кунга назар ташлаб, Ҳамдўстлик давлатлари билан ҳозирги алоқаларни сақлаб қолишга интилмоқдалар.

1992 йил майда МДҲ давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Тошкентдаги учрашуви илк бор ҳамдўстлик ва давлатларнинг мустақиллиги бир-бираига зид эмаслигига умид тутдирди. Ўзбекистоннинг МДҲ даги бундан кейинги фаолияти ҳам Президентимизнинг ташқи сиёсати фаоллигини тасдиқлади.

Республикада ҳамма йўналишларда, айниқса, инсон ҳукуқлари бўйича ўзаро ҳукукий ва иқтисодий кафолатларни муфассал аниқлаб олиш борасида иш олиб борилмоқда. Тенглар ўртасида тенг бўлиш бизнинг МДҲ даги ва бутун ташқи сиёсатимиздаги шиордир.

Бешинчидан, мағкуравий қарашлардан қатъи назар, ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик принципи Ўзбекистонга қисқа муддат ичидан икки тарафлама кенг ташқи алоқалар ўрнатиш имконини беради. Ўзбекистон азалдан Ўрта Шарқдаги умумбашарий сиёсий манфаатларнинг энг муҳим чорраҳасида жойлашган. Республикализ қондош давлатлар, биринчи навбатда Туркия билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйди. Мусулмон давлатларнинг кўпчилиги ҳам Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик қилишга интилмоқда. Бизнинг давлатимиз юксак ривожланган давлатлар бўлмиш АҚШ ва Германия, улкан давлатлар ҳисобланган Хитой ва Ҳиндистон, шунингдек Скандинавиядан то Жанубий-Шарқий Осиёгача бўлган бошқа давлатларда ҳам қизиқиш уйготяпти.

Мабодо баъзи жойларда Ўзбекистоннинг иқтисодий куч-қувватини тўлиқ тасаввур этмаётган бўлсалар, вақти келиб бундай кемтиклиknинг ўрни тўлдирилади. Биз ҳам қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Ташқи сиёсатимиздан хабардор қилиш учун жўшқин ва собитқадамлик билан иш олиб бормоқдамиз. Ваколатхоналар билан алоқалар муҳим бўлса-да, бизни биргина бу муассасаларнинг ўзи қизиқтираётгани йўқ. Ўзбекистонда қўшма иқтисодий ва маданий лойиҳалар, ташқи инвестиция, мутахассислар ва ахборот технологиялари билан айирбошлиш учун қулай имкониятлар яратилмоқда. Республикалинг янги қонунлари Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти тилларида эълон қилинмоқда, тарқатилмоқда. Республикадаги аҳволни холисона ёритишга жаҳон ва МДҲ етакчи ахборот агентликлари, хорижий матбуот мұхбирлари кенг жалб этилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, етакчи сиёсатшунослар, иқтисодчилар, ҳуқуқшуносларнинг ҳалқаро оммавий ахборот воситаларида иштироклари ташкил этилмоқда.

Республика ташқи сиёсий ва иқтисодий идоралари учун миллий ходимларни тайёрлашнинг яхлит тизимини шакллантиришишга бўлган ҳаётий талаб кескин ошмоқда. Шу муносабат билан ҳалқаро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар бўйича маҳсус ўкув юрти - Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил қилинди. Шунингдек, ходимлар чет элларга ўқитиш ва тажриба ўрганиш учун юборилмоқда. Бу ходимлар фақат амалий хислатларига қараб танланмоқда. Ўзбекистоннинг таниқли давлат ва сиёсий арбоблари дипломатия хизматига жалб қилинмоқда. Айни пайдада дипломатия ходимларининг биринчи авлодини тайёрлашга киришилди. Тошкент иқтисодиёт университети, шарқшунослик институти, Тошкент давлат юридик институтида бу йўналишда катта ишлар олиб борилмоқда. Собиқ иттифоқнинг элчихона ва ваколатхоналарида ишлаган миллий ходимларимиз ҳам бу ишга жалб этилмоқда.

Олтинчидан, Ўзбекистон ўз иқтисодиёти ва ташқи сиёсатидаги миллий манфаатларни Россия билан ҳамкорлиқда рўёбга чиқариши мумкин. Айрим кимсалар эҳтиосларга берилиб, ҳақиқий аҳволни унугиб қўяётган бу мураккаб шароитларда Ислом Каримов миллий манфаатларни чинакамига тушуниш намунасини кўрсатмоқда.

Тарихимизнинг сўнгти 200-250 йили мобайнида Ўзбекистонда мавжуд бўлган давлатлар - Кўқон ва Хива хонликлари, Бухоро амирлиги, Туркистон ўлкаси, сўнг эса Ўзбекистон ССР СССР манфаатлари доирасида бўлиб, бевосита улар таркибида эди. Эндилиқда давлатимиз ички ва ташқи сиёсатда суверендир. Лекин мустақил Ўзбекистон Россия билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларнинг юзлаб йўналишларидан ўзи учун катта наф топиши мумкинligини инкор этиш ақл-идроқдан эмас. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома

бунинг ёрқин мисолидир. Ўз навбатида Россиянинг давлат раҳбарияти ҳам ушбу шартнома имзолаганлигини катта ютуқ, деб ҳисоблашди. Шундай қилиб, Россия билан тенг ҳукуқли алоқалар Ўзбекистон ташки сиёсатининг барқарор йўналишидир.

*Еттингичдан*, хорижий ватандошлар билан муносабатимиз улар яшаётган давлатлар билан келишилган ҳолда бу ўзбекларга ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан келиб чиқади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидағи қўшниларимиз ва хорижий мамлакатлар билан ҳам шу таҳлилтда музокараларни олиб борамиз. Бунда, табиийки, фуқароларнинг ўз давлати олдидағи масъулияти тан олинади. Бу масалада бирор ҳудудий эътиrozлар, тарихий чегараларга даъво қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Бу ўта хавфлидир. Биз ўзбекларнинг умумжаҳон маданий ҳамжамияти тарафдоримиз.

*Саккизинчидан*, «Буюк Ипак Йўли» қабилидаги Евроосиё иқтисодий ва маданий кўпригини барпо этиш республика ташки сиёсатининг стратегик истиқболидир. Бу сиёсатнинг ҳам иқтисодий, ҳам геостратегик асослари бор.

Ўзбекистон Марказий Евроосиёнинг кўпгина йўллари кесишган жойда жойлашган. Бу бизга эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш имконини беради. Улар эса қайта ишлаш учун етарли хом ашё, малакали ходимларга эга бўлишини талаб қиласди. Бу ходимлар сифат жиҳатидан янги иш жойларини ҳамда маданият, меҳнат, турмуш учун бошқа шароитларни яратадилар.

Тошкентда «Буюк Ипак Йўли» мамлакатлари бўлмиш Япония Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Туркия, шунингдек янги давлатлар, Оврупо Иттифоқи аъзолари, АҚШ ва Канада мамлакатлари раҳбарларининг учрашувларини ўтказиши гояси катта аҳамиятта эгадир. Улар минтақамизда ўрта ва кичик ишбилармонликка ёрдам кўрсатиш воситаларини яратиш масалаларини муҳокама этишлари мумкин эди.

Президентимиз Ислом Каримов жаҳон маданиятининг энг кўҳна ўчоқларидан бири бўлган мамлакатимизнинг қайта тугилишида Шарқ билан Фарбнинг ўзаро мустаҳкам ҳамкорлиги тарафдори эканлигини аниқ-равшан баён этди. Ўзбекистон фаравон иқтисодиётта эга бўлган маконлардан бири бўлиши учун барча асослар бор, деган фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Бу билан инсоният янги

андозасининг, янги ҳалқаро тартибнинг ташкил этилиши ҳамда бу ҳамжамиятда шарқ ислом маърифатпарварлиги ва маданияти ҳалқларининг муносиб ўрин эгаллаши муддатлари яқинлаштирилган бўлади. Бу биргина асрий майл ва анъаналарга эмас, энг аввало аниқ имкониятларга таянади.

Суверен Ўзбекистон ташки сиёсатининг бош хусусиятлари ҳақида мушоҳада юритилар экан, Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларга жавоб берадиган, XXI асрга қаратилган ташки сиёсатни самарали олиб боришга тайёр, деган хулоса келиб чиқади. Ана шундай ташки сиёсат атрофида қайси партия ёки сиёсий қарашларга мансублигидан қатъи назар, республиканинг барча ватанпарвар кучларини жипслаштириш мумкин.

### 3. Ўзбекистон дипломатиясининг ҳуқуқий асослари

Жаҳон ҳамжамиятида фаол иштирок этиш ва Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама сиёсат юритиш давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир. Бунинг учун шароитлар мавжуд. Ўзбекистонни дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакати тан оди, 120 давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Ўзбекистон жаҳон сиёсат майдонидан борган сари муносиб ўрин эгалламоқда. Биз бу йўлда кўпгина амалий қадамлар қўйдик. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиш, Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши ишига қўшилиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтинослаштирилган муассасаларига кириш шулар жумласидандир. Бундан ташқари республикамиз 20 та етакчи жаҳон молиявий-иқтисодий ташкилотлари таркибиға кирган, чет мамлакатлар билан 500дан ортиқ шартнома ва битимлар тузилди. Ўзбекистон МДҲ давлатлари ичida биринчи бўлиб қўшилмаслик ҳаракатига қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг бўлғуси жаҳон парламенти тимсоли бўлмиш Парламентларо Иттифоқда кирганлиги ёш ўзбек давлатининг демократия ва парламентаризм гояларига содиклигидан далолат беради. БМТ Бош котиби Бутрос Голий Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ўрнатувчилик ролига, унинг вазмин ва ошкора ташки сиёсатига юқори баҳо берди.

Бугунги кунда ўз мустақил ташқи сиёсатини конституциявий қоидаларга таяниб юритаёттан Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқи субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби халқаро ҳуқуқнинг умузътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Мамлакатимиз Асосий қонунининг 17-моддасида шундай деб очиқ-равшан айтилган.

Ўзбекистон бутун дунё кўз ўнтида ташқи сиёсий ва маданий алоқаларининг бой тарихига эга бўлган, мустақил равишда замонавий дипломатик алоқаларни амалга ошираёттан тинчликсевар ҳуқуқий давлат сифатида намоён бўлмоқда. Халқаро ҳуқуқ жиҳатидан Ўзбекистон учун асрлар оша буюк бўлиб келган давлатлар ҳам, давлатчилик тарихи бизнигида ўхшаш ёш мамлакатлар ҳам баб-баравардир.

Ўзбекистонда тараққиётнинг конституциявий асоси сифатида инсон ҳуқуқлари тикланмоқда. Халқимизнинг маънавий имконияти, унинг катта табиий ва техник заҳиралари, мустаҳкамланиб бораёттан халқаро алоқалари демократик тараққиёт ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар мавжудлигига ишонч тутдидари.

Ўзбекистон ўзининг халқаро бутун жаҳон жамоатчилиги олдида ҳуқуқнинг умумзътироф эттан нормаларига содиқлигини конституция даражасида мустаҳкамлади. Бу эса ёш мустақил давлатимизнинг энг обрўли халқаро ташкилотларга тўла ҳуқуқи аъзо бўлиб киришига имкон беради. Бу бизнинг амалда ялписига дипломатик тан олинишимизга ва халқаро иқтисодий алоқаларга тортилишимизга йўл очиб берди.

Халқаро ҳуқуқ нормалари устунлигининг Ўзбекистон томонидан тан олиниши Конституцияда ёзиб қуйилганидек:

биринчидан, инсон ҳуқуқларига содиқликни;

иккинчидан, демократик гояларга садоқатни;

учинчидан, фуқаролар тинчлигини, миллатлараро totuvlikни;

тўртинчидан, барча давлатларнинг суверенитетини, чегараларнинг бузилмаслигини сўзсиз тан олиши;

**бешинчидан**, куч ишлатмаслик ва куч ишлатишни рўкач қилиб дўйғ-пўписа қилмасликни;

**олтинчидан**, давлатлараро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиши;

**еттинчидан**, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмасликни билдиради.

Ўзбекистон Конституциясининг 93-моддасига биноан Президент халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди. Халқаро ва ўзимиздаги анъанага мувофиқ, ўзбек давлатининг бошлиги мамлакат ташки сиёсатининг олий мартабали раҳбаригина бўлиб қолмасдан, балки унинг самарали амалга оширилишини ҳам бевосита таъминлайди.

Президент И.А.Каримов 1991 йилдан бошлаб чет давлатларнинг олий мартабали вакилларини, халқаро тижорат бошлиқларини қабул қилмоқда, расмий, дўстона ва амалий ташрифлар билан чет мамлакатларга сафар қилмоқда.

Юртбошимиз кейинги йилларда Швейцариянинг Давос шаҳрида мунтазам равища үтказиб туриладиган таниқли иқтисодчилар, тижоратчилар, олимлар, давлат ва ҳукумат бошлиқлари, жамоат арбоблари учрашувлари Жаҳон иқтисодий анжумани мунозараларининг доимий иштирокчисидир. Жаҳон иқтисодий анжуманининг Истанбул (1992й.) ва Тошкент (1993й.) шаҳарларидағи каби ялпи ва минтақавий учрашувлари республикамиз учун амалий алоқалар ўрнатишнинг ва ислоҳотлар қай даражада асослигини халқаро иқтисодий экспертизадан үтказишнинг мухим воситасига айланди.

Ўзбекистон ташки сиёсатининг жўғрофияси узлуксиз кенгайиб бормоқда. Бу эса давлатимизнинг стратегик йўлига мос келади. Давлатимиз суворенитетининг энг муҳим кафолатларидан бири эса жаҳон ҳамжамиятининг ишончидир.

Ўзбекистон ташки сиёсатининг асосида давлат мустақиллиги, ўзбек халқининг, юксак манфаатлари, унинг фаравонлиги ва хавфсизлиги ётади. Табиийки, бунда ўз шерикларининг манфаатлари, уларнинг геосиёсий

йўналишлари ҳисобга олинади, чунки муштараклик бўлмаса, ташқи сиёsat ҳам бўлмайди.

Халқаро муносабатларда фойдалилик деганда фақат ҳозирги моддий манфаатнинг ўзигина тушунилмайди. Агар шундай деб тушуниладиган бўлса, ҳурмат ва ишончни бой бериб қўйиш мумкин.

Бизнинг халқаро майдондаги ilk қадамларимиз муносабатларимизнинг давлат шаънига ва ҳурматига йўналтирилганлиги билан ажралиб турди.

Инсонпарварликнинг юксак ва олиjanоб принципларига таяниш Ўзбекистон халқаро дипломатиясининг асосини ташкил қилади. Бу принциплар Ўзбекистон Президенти олиб бораёттан барча музокаралар, сафарлар ва учрашувларда намоён бўлмоқда. Бу йўл Тожикистондаги машъум воқеаларга билдирилган муносабатларда айниқса яққол кўринади. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг раҳбарияти, Президент И.А.Каримов қон-қариндошларнинг ўзаро уруши қўшни, дўст халқа келтирган фалокатта бефарқ қараб туролмас эди. Шу муносабат билан 1992 йил сентябрда Президентимиз биринчи бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Голийга мурожаат қилди. 1993 йил март ойида Бутрос Голийга юборган иккинчи мактубида Ўзбекистон Республикасининг Президенти тожик қочоқларини ватанига қайташида БМТ нинг ёрдам бериши масаласини қўйди. Марказий Осиёда тинчликни сақлашнинг энг мураккаб муаммоларини ҳал этишда Ўзбекистоннинг иштироқи - бу самимий, инсонпарвар ва бегараз ҳаракатлар эканлигини кўрсатувчи кўпгина бошқа ишончли мисоллар ҳам бор

Чет элдаги бутун илгор тажрибани, қаерда бўлмасин, ўрганиш Ўзбекистон халқаро дипломатиясининг энг муҳим принципларидан биридир. И.А.Каримов ҳамма ерда шундай муҳим, яхши, фойдали нарсаларни топа биладики, булар кейинчалик бизда мустақил равищда қайта ишланиши, ҳисобга олиниши ва қўлланилиши мумкин. Шу маънода ҳар бир музокара жараёни мустақил иқтисодий ва сиёсий фикрни бойитишга ҳисса қўшади, ўзининг янгиланиш ва тараққиёт йўлидан илгарилаб боришига туртки бўлади.

Ўзбекистон ташқи сиёsatида иқтисодий омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Халқаро валюта фонди, Тикланиш ва

тараққиёт халқаро банки, Оврупо тикланиш ва тараққиёт банки билан яқин алоқалар ўз самарасини бера бошлади. Дунёнинг 80 дан ортиқ етакчи банклари билан корреспондентлик алоқалари йўлга қўйилди. Чет мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида, шу жумладан, инвестицияларни рагбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида 300 га яқин ташқи иқтисодий ҳужжатлар амал қилиб турибди, Ўзбекистонда 50 дан ортиқ мамлакатнинг вакиллари билан кўшма корхоналар очиди.

Бизнинг юргбошимиз бошқа мамлакатлар қандай қилиб иқтисодий инқироздан чиқишга, бозор иқтисодиётини ўзлаштириб олишга, миллий манфаатларини кўзлаб четта тайёр маҳсулотлар чиқаришни кўпайтиришга, молия хўжалиги, саноат, агарар соҳа тузилишини қайта куришга эришганликларини чуқур синчковлик ва изчиллик билан ўрганиб бормокда. Германия Федерал канцлери Гельмут Коль, Туркия Президенти Сулаймон Демирал, Жаҳон иқтисодий анжуманининг Президенти Клаус Шваб ва кўпгина бошқа билимдон сұхбатдош арбоблар таъкидлаганидек, Президент И.А.Каримовда йирик молиячи, амалиётчи-бошқарувчи, фикр доираси кенг иқтисодчи сифатлари яққол намоён бўлади.

Президентимиз дипломатиясининг яна муҳим бир принципи, унинг музокарадош шериклари эътироф этишича, ҳар бир халқаро битимнинг мустаҳкам ҳуқуқий заминга эга бўлиши, ташқи иқтисодий йўналишлар бўйича амалий жиҳатдан келишиб олиш тўғрисида ғамхўрлик қилишдир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи юқори органи Республика Олий Мажлисида халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш билан боғлиқ бўлган бирор зиддият йўқ.

Сезигир одам Ўзбекистон қонунлари республикамизнинг барча ташқи сиёсий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашини билиб олади. Ҳа, давлат чегараларининг барқарорлиги масаласида ҳам, инсон ҳуқуқлари буйича ҳам, чет эллик инвесторлар, мулқорлар, фуқароларнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилиши хусусида ҳам бу ҳуқуқларнинг бажарилиши кафолатланган.

Давлатимиз ўзининг ҳуқуқий қиёфасини йўқотмаган ҳолда жаҳон жамиятига кириш учун зарур бўлган халқаро талаб ва стандартларга риоя қилишга тайёр. Бу ерда Инсон

ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига асосланган кафолатлар, БМТ Устави ва Хельсинки битимлари, Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг асосий ҳужжатлари - ҳужум қилмаслик, ҳалқаро муносабатларда уруш билан таҳдид солищдан воз кечиш, ҳалқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устунлиги тўғрисида ҳақида сўз боради, И.А.Каримов бундай ёндошувга ҳар доим амал қилиб келмоқда, у бу соҳада Ўзбекистоннинг суверенитетини ҳамиша қатъият билан ҳимоя қилмоқда. Ҳалқимизнинг маънавияти ва цивилизациясини чукур билмай туриб буни тушуниб бўлмайди.

Ташқи ва ички сиёсатнинг стратегик, амалий йўналишлар бўйича ҳалқаро ва ташқи иқтисодий битишувларнинг ўзаро боғлиқлиги - Ўзбекистон давлати бошлигининг ташқи сиёсий фаолиятига сингиб кетган самарали прагматик принципдир. Ҳар бир музокара, ҳар бир ташриф, амалий учрашув ва хорижий меҳмонларни қабул қилиш, юртбошимизнинг ҳар бир сафари Ўзбекистоннинг суверен тараққиётини таъминлаш ишига фойда келтирмоқда. Айтиш мумкинки, И.А.Каримовнинг дипломатик менталитети ҳалқимизнинг миллий менталитетига тамомила мос келади. Зоро бизнинг ҳалқимиз юксак маънавиятни ва қундалик эҳтиёжлар тўғрисида ғамхўрликни ўз шуурида мустаҳкам сақлаб тура олади.

Президент И.А.Каримов чет мамлакатларнинг вакиллари олдида давлатимиз номидан иш кўрганда, ҳал этадиган муаммолар миёси ҳамиша реал имкониятларга жавоб беради. Ўзбекистон ташқи сиёсатида пешқадамликка ёки мустақил ташаббускорликка даъвонинг йўқлиги ҳам тасодифий эмас.Холис кузатувчи ҳамма нарсада ва ҳар доим бизнинг мамлакатимиз жаҳон ҳамдўстлиги, Марказий Осиёдаги қўшни-дўстларимиз, МДҲ даги иттифоқчиларимиз, барча ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий шерикларимиз олдидаги юксак масъулиятини ҳис этишини пайқамай қолмайди. Булар мамлакатларми, ҳалқаро ташкилотларми, тадбиркорларми ёхуд давлатта қарашли бўлмаган ташкилотларми, барибир. Мустақил Ўзбекистоннинг ҳалқаро аҳволи ва дипломатиясининг хусусияти шуки, бизнинг мамлакатимиз ҳалқаро ҳамжамият учун муаммо келтириб чиқараётгани йўқ. Аксинча, тинчликни, барқарорликни мустаҳкамлашда, давлат чегараларининг бузилмаслигини таъминлашда ўз имконияти даражасида иштирок этишга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор принципи кўп томонламалиқдир, чунки давлатимизнинг геосиёсий аҳволи, тарихий тажрибаси ва иқтисодий эҳтиёжлари шундай, У, энг аввало, Шарқий Осиё мусулмон цивилизациясига мансубдир. Бизнинг ташқи сиёсий майларимиз Ўзбекистоннинг аксарият кўп фуқароларига жуда яқин бўлган ислом қадриятларини ҳисобга олади.

Қарийиб 2,5 минг йилдан буён биз Оврупо цивилизацияси билан ўзаро таъсирда бўлиб келмоқдамиз. Оврупо юртдошларимиз бўлмиш ал-Хоразмий ва ал-Берунийнинг математикага оид асарларини ўзлаштириб олган, тиббиётни Ибн Сино «қонунлари»дан, астрономияни Улугбек жадвалларидан ўрганганд, Испан Кордоваси ислом университетлари орқали иккинчи Арасту деб аталмиш файласуф Форобийнинг бир бутун дунёқарashi билан танишган.

Ўзбекистоннинг эшиклари очилганлиги туфайли биз саноатни жонлантириш, иш билан таъминлашдек гоятда долзарб муаммоларни ҳал қилиш ва жаҳон бозорига кириш учун зарур бўлган замонавий технологияларни олиш имконига эга бўлмоқдамиз. Ўзбекистон давлатининг раҳбари ташриф буюрган мамлакатларнинг ҳаммаси - Туркия, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия, Хиндистон, Миср ҳам ўз вақтида миллий маънавиятни, ўз бойликлари ва кучларига таянишни фан-техника тараққиёти билан уйгунаштириб борувчи ана шундай йўлни танлаган эдилар. Президент И.А.Каримов қадимги замонда Марказий Осиё орқали Узок ва Яқин Шарқни, Хиндистон ва Русияни бирлаштирган Буюк ипак йўлини қайта тиклашни қаттиқ ёқламоқда.

Ташқи давлатлараро алоқалар баланси барча ички ва халқаро омилларни ҳисобга олади. Иттифоқчилар танлаш ҳамиша ҳар қандай давлат учун, айниқса ўзининг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлаёттан давлат учун жуда қийин иш ҳисобланади.

Аввалги мағкуравий хурофотлардан воз кечган ва янгисига йўл қўймасликка интилаётган Ўзбекистон дипломатияси Президент раҳбарлигига энг аввало шу иш билан банддир. Дипломатиямизнинг устувор йўналишларини танлашга давлат, тарихий, маданий, миллий, диний анъанааларнинг ва Ўзбекистон манфаатларининг турли-

туманлиги ўз таъсирини ўтказмоқда. Бизнинг қийинчилик-ларимиз, яқин ўтмишими хам шарт-шароитимизни бир мунча мураккаблаштириб қўймоқда.

Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга интилаёттан бир-бирига мутлақо ўхшамаган шерикларни энг аввало, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги ва ислоҳотларнинг кескин сақрашларсиз, бузишларсиз, босқичмабосқич, қадам-бақадамамалга оширилаёттанилиги қизиқтироқда.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ҳамкорлик, янгиланиш ва тараққиёт йўналишларининг бир бутунлигини акс эттиради. Дунёning ҳар қандай мамлакати билан давлатлароро муносабатларнинг мезонлари орасида мустақиллигимизни сўзсиз таниш ва амалда тасдиқлаш биринчи ўринда туради. Ўз тараққиёт йўлимиз хусусиятларининг бошқа давлатлар томонидан тушунилиши мухим аҳамиятта эгадир.

Собиқ иттифоқ ҳудудидаги барча мустақил давлатлар билан ҳам, бутун дунё мамлакатлари билан ҳам икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш - Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принципидир. Бундай ёндошув мамлакатимизнинг жуда аниқ натижаларга эришувини кўп жиҳатдан кафолатлайди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий мувозанати учун ҳар бир шерик давлат ёки давлатлар гуруҳи билан ўзаро муносабатлар мустақил аҳамиятта эгадир.

Гарбнинг ривожланган мамлакатлари ва Япония, Россия, Туркия, ислом ва араб давлатлари, Хитой, Ҳиндистон, Жануби-Шарқий Осиёдаги, Узоқ Шарқдаги янги индустрисал давлатлар билан юксак давлатлароро даражада алоқа боғлаш халқаро обрў учун алоҳида аҳамиятта молиқдир.

Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари уларнинг сиёсий жўғрофиясида акс этади. Бунда у ёки бу мамлакатлар гуруҳини ажратиб кўрсатар эканмиз, уларни бошқаларига асло қарамакарши қўймаймиз.

Ўзбекистон Президенти дипломатиясининг энг янги ташқи сиёсий таъсири минтақаси Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар бўлмиш Қозогистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистондир. Ўз маънавияти, турмуш тарзи, иқтисоди жиҳатидан қон-қардош ҳисобланган, тарихий илдизи ва тақдирни умумий бўлган шу минтақа халқларининг тенг

хуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилинмоқда. Бу давлатлар бошлиқларининг 1993 йил январда Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви халқаро лугатта «Марказий Осиё» деган янги тушунчани киритди. Ўзбекистон Президенти қардош халқларнинг қўшничилик ва биродарлик принципларига қатъий амал қимоқда, уларнинг ўзаро мақбул йўл топиш борасидаги улкан имкониятларини алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқда. Шубҳасизки, бундай келищувчилик йўли ислом цивилизациясига бориб тақалувчи бирдамлик ва ўзаро ёрдам анъаналарида намоён бўлади.

Президент И.А.Каримовнинг қатъий ташқи сиёсий баҳсларидан аниқ-равшан кўриниб турибдики, Россия мустақил Ўзбекистоннинг энг муҳим геостратегик ва иқтисодий иттифоқчисидир. Марказий Осиё чегараларини биргалашиб қўриқлаш ва мудофаа қилишни таъминлашда унга катта умид боғланмоқда.

Янги Россия билан ўзаро иқтисодий алоқалар уларнинг ўзаро манфаат кўришига халал берувчи ҳамма нарсадан холос этилмоғи лозим, бунда таркиб топган ва мутлақо янги хўжалик-иқтисодий муносабатларни ҳисобга олмоқ керак. Россия Президенти Б.Н.Ельциннинг ва Россия Бош вазири В.С.Черномирдиннинг гапларига қараганда, уларнинг мамлакати Ўзбекисон билан дўстлик ва ҳамкорликка жуда қизиқиш билан қарайдилар.

Президент И.А.Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини Ўзбекистон учун узилиб қолган ўзаро иқтисодий-хўжалик алоқаларини тезроқ тикаш, аҳолига ижтимоий ёрдам беришни, мудофаа сиёсатини, илмий-техникавий тадқиқотларни, жиноятчиликка, айниқса уюшган жиноятчиликка қарши курашни мувофиқлаштириш имконияти деб тушунади. Ўзбекистон дипломатияси МДҲ да империя ёки изоляция тарафдорлари психологиясининг ҳар қандай жинояткорона такрорланишига қарши чиқмоқда, алоҳидалиқдан холи бўлган янги давлатлар ўтасидаги алоқалар сифатининг янгиланишига катта эътибор бермоқда.

1992 йил май оида МДҲ давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқлари томонидан Тошкентда имзоланган энг муҳим қарорлар, масалан, Коллектив хавфсизлик тўғрисида шартнома, Ҳаво бўшлигидан фойдаланиш тўғрисида шартнома ва яна 14

та хужжат реал ҳамкорлик сари илгари силжиш рўй берганлигини кўрсатади.

Фарб ва Шарқнинг ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорлик бу ерда ишлаб чиқилаётган технологиялардан, XXI асрда кўл келадиган техника ютуқларидан Ўзбекистоннинг баҳраманд бўлишини таъминлайди. Президент И.А.Каримовнинг Германия Федератив Республикасига, Австрия Федерал Республикасига, Жанубий Кореяга, Швейцарияга, Францияга, Финляндияга ташрифлари Ўзбекистон ташқи сиёсатининг «тиланчилик» дипломатиясидан воз кечиш каби характерли хусусиятини очиб берди. Шунинг учун бўлса керак, олий мартабали давлат раҳбарлари, энг йирик молиячилар ва тадбиркорлар, гарчи баъзи масалаларда биз билан бир фикрда бўлмасалар-да, бизнинг мамлакатимизга ҳурмат билан қарамоқдалар.

АЗАДДАН Ўзбекистоннинг мұхим чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон қардош мамлакатлар билан, энг аввало Туркия билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликни юқори даражада мустаҳкамлади. Туркия бизга амалий ёрдам кўрсатиш учун кўп иш қилди. И.А.Каримовнинг Туркия Республикасига ташрифи, туркиялик олий мартабали меҳмонларнинг Ўзбекистон заминидаги учрашувлари гоят самимийлик ва бир-бирини тушуниш руҳида ўтди. Ўзбекистоннинг Туркия билан иттифоқи ҳарбий стратегик тусда эмас, лекин Ўзбекистон куч-қудратини шундай ривожлантиришнинг қўшимча омилидирки, бундай ривожланиш республика сиёсатининг мустақиллигини таъминлай олади.

Аксарият мусулмон давлатлари Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга интилмоқдалар. Шу маънода Ўзта Осиё ва Қозогистон мамлакатларининг шерикларимиз Туркия, Эрон, Покистон иштирокидаги Ашгабат учрашуви амалий ишларга ўтишга имкон беради. Биргалиқда Трансосиё магистраль темир йўли қурилиши ташқи иқтисодий режалар миқёси кенглигини кўрсатади. Мамлакатимизнинг Миср, Иордания, Саудия Арабистони, Қувайт ва Ўммон каби араб мамлакатлари билан қилаётган ҳамкорлигида уларнинг бир-бирига маънавий интилиши сезилмоқда.

Ташрифлар, музокаралар, имзоланган давлатлараро ҳужжатлар, улар қанчалик мұхим бўлмасин, ҳар доим ҳам

дарҳол йирик натижаларга олиб келмайди. Кўпгина давлатлар, одатда, шеригининг ниятлари жиҳдийлигига, сиёсий барқарорлигига ишонч ҳосил қилиш учун эҳтиёткорлик билан қарамоқдалар, орада масофа сақлаб турибдилар. Айниқса, бу Хитой каби буюк мамлакатнинг дипломатик услуби учун характерлидир. Президент И.А.Каримовнинг Хитойга ташрифи шуни кўрсатдики, бу буюк давлат билан ўзаро тенг ҳукуқли иқтисодий ва ижтимоий-маданий алоқаларнинг, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг аста-секин ўсиб бориши Ўзбекистон учун айниқса истиқболли кўринади. Бунинг устига Хитой, ўз ҳудуди жиҳатидан Ўзбекистонга жуда яқин жойлашган буюк бир мамлакатdir. Ўзбекистон Президенти олиб бораётган бутун дипломатиянинг муҳим хусусияти катта истиқболни кўра билишилди.

Юргашимиз Ислом Каримовнинг ташқи сиёсат фаолияти ватанпарварлик, Ватангга, ўзбек ҳалқининг тарихи ва маданиятига, Мовароуннахр-Туркистон цивилизациясига муқаддас муҳаббат руҳи билан сугорилган. Президент, аввало, ўз суҳбатдошларига Ўзбекистонда қўлма иқтисодий ва маданий обьектлар қуриш, ташқи инвестициялар, одамлар ва мутахассислар, ахборий технологиялар айрбошлаш учун қулай имкониятлар яратиб берилишини кўрсатиб, исботлаб берди.

Президент ўзининг чет эллик суҳбатдошларига республиканизнинг қанчалик бойлигини, бизнинг жаҳон цивилизациясидаги маънавий илдизларимиз қанчалик чуқурлитини, одамларимиз қанчалик истеъододи ва меҳнатсеварлигини тушунтиришга астойдил ҳаракат қиласи. И.А.Каримовнинг дипломатия услуби ўзбекларнинг миллий руҳига самимий садоқат, Ўзбекистоннинг кўп миллатли ҳалқига раҳбарлик, унинг баҳт-саодати йўлида ҳамма нарсага тайёргарлик руҳи билан узвий равища уйғуналашиб кетади. Ишчанлик, янги алоқаларга тайёр туриш, янги ташқи сиёсий ишларга билимдонлик билан тайёргарлик кўриш, шерикларни қаттиқ ҳурмат қилиш - Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлидаги жўшқин, амалий интилишлардир.

Ташқи сиёсат, дипломатия - бу юксак маҳорат, зўр ақлзаковат, кучли ирода, юқори малака талаб қиласидиган фаолият туридир. Дипломатиянинг хилма-хил нозик жиҳатларини, дипломатия принципларини ҳар қанча санаб ўтса ҳам мукаммал ифодалаб бўлмаса керак.

Миллионлаб ҳамюртларимиз ишонадиларки, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов туттан йўл мамлакатимиз миллий манфаатларига жавоб берувчи, XXI асрга мўлжалланган самарали ички ва ташқи сиёсат олиб бориш йўлидир. Шу сабабдан мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг ташки сиёсий фаолияти ҳаққоний қизиқиши туғдирмоқда ва бу қизиқиши ўсиб бормоқда.

#### **4. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсати**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти деб номланган йирик халқаро ташкилотнинг бунёд этилиши иккинчи жаҳон уруши даврида инсоният гоят катта машаққатлар билан эришган табаррук неъмат бўлди. Аксилгитлерчи иттифоқ аъзолари бўлмиш давлатлар шундай ташкилот тузиш гоясининг ташаббускори бўлдилар. 1942 йил 1 январда Бирлашган Миллатлар Декларацияси номи билан машҳур бўлган Вашингтон декларациясига имзо чекилиши жипслашув йўлида муҳим қадам бўлди. 1945 йил 26 июнда БМТ Уставининг тўла матни Бирлашган Миллатларнинг Сан-Францискода (АҚШ) бўлиб ўтган анжуманида ишлаб чиқиб имзоланди. БМТ Устави ўша йили 24 октябрда қатнашувчи мамлакатлар томонидан ратификация қилингач, кучга кирди. Бу кун 1947 йилдан бошлиб БМТ куни деб эълон қилинди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда БМТ ваколатхонаси самарали фаолият кўрсатмоқда. У шахсан БМТ Бош котиби Бутрос Голий ташаббуси билан очилган эди.

Бутунжаҳон парламенти деб аталувчи Бош Ассамблея БМТнинг асосий органидир. Ҳамма давлатлар унга аъзо бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси бир овозга эга. Одатдаги жўн масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Муҳим масалаларни ҳал этища эса учдан икки овоз лозим бўлади.

Бош Ассамблея ҳар йили сентябрь ойининг учинчи сешанбасида навбатдаги сессияга тўпланади. Бош Ассамблея сессияси бошлангич уч ҳафтани умумий музокараларга қаратади. Бу жараёнда делегацияларнинг бошликлари

Ассамблеяда кўрилаётган ҳамма масалаларга оид ўз ҳукуматлари нуқтаи назарини баён этишлари мумкин.

Бош Ассамблея ҳамма масалаларни БМТ Устави доирасида муҳокама этиш ва улар юзасидан тавсиялар бериш ҳукуқига эга. У давлатларни бирон бир хатти-ҳаракатта мажбур этиш ҳукуқига эга эмас, аммо унинг тавсиялари жаҳон ҳамжамияти фикрини намоён этади. Ассамблея БМТ сиёсати ва фаолиятини, тараққиёт борасидаги аниқ мақсадни белгилайди, бу фаолиятта раҳбарлик қиласи, муҳим масалалар юзасидан бутунжаҳон анжуманларини чақиради ва диққат-эътиборни аниқ масалаларга қаратиш мақсадида халқаро вазифаларни эълон қиласи. БМТ Бош Ассамблеяси бошқа ҳамма органлардан маърузалар олади, Бош котибни тайинлайди ва ташкилотларнинг бошқа аъзоларини сайлайди.

Ўзбекистон фуқаролари Президентимиз И.А.Каримовнинг тарихда биринчи марта Бош Ассамблеянинг 48-сессиясида сўзга чиққанлиги билан фахрланишга мутлақо ҳақлидирлар. Бизнинг мустақил мамлакатимиз жаҳоннинг энг олий анжуманида зўр қадр-қиммат билан иштирок этди. Бу умумсиёсий музокаралар жараёнида юз берди. Музокарани эса АҚШ Президенти Билл Клинтон бошлиб берди. Бош Ассамблеяда сўзлаш янги мустақил мамлакат учун инсоният кўз олдида ўзлигини намоён этиш билан тенгдир. И.А.Каримов БМТнинг бутунжаҳон ҳамжамияти учун энг муҳим муаммоларни муҳокама этиш ва ҳал қилишдаги, тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-куватлашдаги, жамики халқлар тараққиётига кўмаклашишдаги ролини алоҳида таъкидлайди.

Ўзбекистон 1992 йилнинг марта БМТ га яқдиллик билан қабул қилинди. Бизнинг мамлакатимиз халқаро ҳукуқнинг энг асосий принципларига, БМТ Уставига содиқликни мустаҳкамлади. Республикаиз Конституцияси ва қонунлари қатъий амал қилинаётган халқаро ҳукуқларнинг умумэътироф этилган тамойил ва меъёрларига тўла мос келади. Юртимизда сиёсий барқарорликнинг, тинчлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликнинг сақланиб турганлиги бунинг яққол исботидир. Машаққатли ўтиш даврида бундай осойишталик ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги, маданий ва маърифий тажриба алмашинувдаги қадимий ва улуғвор роли бугунги кунга келиб қайта тикланмоқда. БМТ ишида тўлақонли иштирок этиш

Ўзбекистон учун нафақат фахрланиш манбаи, балки ҳамкорлик ва кенг манбаатлар сари катта имкониятлар очилди дегани ҳамдир.

Хавфсизлик Кенгаши фаолият кўрсата бошлаганидан сўнгти 44 йил давомида 13 та тинчликларвар ва кузатувчилик миссиясини тузган бўлса, кейинги тўрт йил ичда ҳам шунчаси ташкил топди. Кўпгина операциялар уришаётган томонларни ярашгиришдан иборат бўлди. Эндилиқда Хавфсизлик Кенгашининг фаолияти қочоқларнинг қайтишига кўмаклашиш, сайловларни кузатиш, инсонпарварлик ёдами кўрсатиш, ҳукуқ-тартиботни сақлаш ва инсон ҳукуқларига риоя этилишини назорат қилишни қамраб олмоқда.

БМТ собиқ Бош котиби Бутрос Голий Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Марказий Осиёдаги жамики ихтилофлар мажмуига оид мурожаатларига гоят дикқат-эътибор билан муносабатда бўлган эди. Шунинг шарофати ўлароқ, ёнгиннинг авж олиб кетишига ва бу ишга кўплаб мамлакатларнинг аралашишига йўл қўйилмайди. Бизнинг Президентимиз олдини олиш дипломатиясини қўллаб, Бутрос Голийни Марказий Осиёга, жумладан, Ўзбекистон Республикасига келишга таклиф этган эди. Олдини олиш дипломатияси БМТ Бош котиби томонидан «Тинчлик кун тартиби»га асос қилиб олинди. Бутрос Голий уни Хавфсизлик Кенгашига тавсия этди.

Мамлакатлар ўртасидаги мафкуравий адоватлар туфайли БМТ саъй ҳаракатлари самараси узоқ муддат сусайиб қолган эди. Давримиз тарихининг бу машъум саҳифаси йўқолганлигини бутун инсоният тан олди. Бинобарин, ҳар бир мамлакатнинг ўз мустақил тараққиётида ҳамда иқтисодий бақувват мамлакатларнинг бутун жаҳон ҳамжамияти саломатлиги борасидаги масъулияти анча ошди.

Президентимиз БМТ мақсадлари ва қонун-қоидаларига мувофиқ ҳамма минтақаларда, хусусан Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммосини ўз нутқига асос қилиб олди. Амалда минтақавий хавфсизлик тамойили таклиф этилди. Унда кўпмиллатли минтақадаги воқеалар номувофиқ ривожланган тақдирда бутун дунёда нотинчлик ўчогига айланиши мумкин бўлган вазият ҳисобга олинган. Шу муносабат билан И.А.Каримов Тожикистондаги ва тожик-афғон чегараларидаги вазият оқибатлари таҳдил

етилганда, фақат Ўзбекистоннинг манфаатлари билангина чегараланиб қолмади. У жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини Марказий Осиё халқлари ўртасидаги чамбарчас алоқа ва улар хавфсизлигининг ўзаро боғлиқдигига қаратди.

Давлатимиз бошлиги нутқида нафақат сиёсатчининг овози, балки бир неча ўн минг тожик қочоқларининг тақдиридан қайгураёттан инсонпарвар раҳбарнинг чақириги ҳам янгради. Бизнинг мамлакатимиз дўст ва қўшни мамлакатлар ҳамда Афғонистон ўртасидаги оғир қисматни тинчлик йўли билан ҳал этишга ўзининг амалий иши билан салмоқли ҳисса қўшаётгани барчага маълум. И.А.Каримовнинг хуносаларига қўшилмаслик мумкин эмас. Бу ихтилофларнинг кўлами ва кучи, бутун дунёга етказадиган ҳалокатли оқибатлари ҳали жаҳон миқёсида тўла англаб етилгани йўқ.

Одамийлик, сабр-бардошлиқ мавзуси Каримов нутқининг бошидан охиригача сингдирилган эди. У фундаментализм, экстремизм, зўравонлик ҳаракатлари, миллий ва диний асосдаги муросасизлик хусусида ғоят ташвишланиб гапирди. Кимларгадир нокулай туюлиши мумкин бўлган масалалар ўткир ва қатъий қилиб қўйилди.

Эътироф этмоқ керакки, БМТнинг анъянавий ва кўп жиҳатдан фойдали тинчликпарвар тамоилилари ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги таназзул ва ихтилофларнинг асосий сабабларини бартараф этишга ҳали қодир эмас. БМТ Хавфсизлик Кенгаши кўп ҳолларда айrim минтақалардаги ихтилофли вазиятлар ривожланиши ҳақида ўз вақтида ва тўла ахборотта эга бўлаолмаяпти. Ўзбекистон БМТнинг воқеалар одини олиш имкониятларини қучайтириш учун Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалаларига оид мунтазам ишловчи семинар ташкил қилишни таклиф этди. Шундай қилинса минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини вужудга келтириш имкониятлари қучайган бўлар эди.

И.А.Каримов нуфузли халқаро ташкилотлар кўп ҳолларда ихтилофни тўхтатиш мушкул бўлганидан кейингина унга эътибор бераётганлиги масаласини ҳам тилга олди. Бу БМТнинг шу муаммолар билан бевосита шугулланувчи муассасалари бўлмиш Бош котиб муовинининг маҳсус сиёсий масалалар бўйича бошқармаси ва Хавфсизлик Кенгашининг сиёсий масалалар ва ишлар бўйича департаменти ваколатига

киради. Давлатимиз бошлигининг бу борадаги фикри АҚШ Президентининг тинчликни сақлаш бўйича БМТ операцияларини янада пухта таъминлаш тўгрисидаги фикрларига мос тушди. И.А.Каримов бу муаммонинг ҳарбий томони эмас, балки амалий-таҳлилий жиҳатларини алоҳида таъкидлади. Уни ҳал этиш учун вужудга келаётган халқаро ихтиофлар бўйича Хавфсизлик Кенгаши қошида маҳсус гурӯҳ тузишини таклиф этди.

Ўзбекистон Бош Ассамблея сессиясида ўзининг қуролсизланишининг чинакам тарафдори эканлигини кўрсатди. Бизнинг мамлакатимиз ядроий қуролларни бутунлай йўқотиш ва Марказий Осиёни ядросиз минтақага айлантиришни, Ядроий қуролларни тарқатмаслик тўгрисидаги шартноманинг самарали ва чекланмаган муддатларда амал қилишини ёқлаб чиқди.

Президент И.А.Каримов кимёвий қуролларни тақиқлаш ва бактериологик қуроллар муаммосига оид конвенцияга қўшилиш, бундай қуролларнинг минтақамизга ўтишига йўл қўймаслик учун халқаро назорат тўгрисида зарур музокаралар олиб бориши мақсадларини ҳам баён этди.

Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва уларни иш билан таъминлаш сиёсатига, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига кўмаклашиш БМТнинг асосий вазифаларидан биридир. Бош Ассамблея сайёрамизнинг тўртдан уч қисми аҳолиси истиқомат қилувчи ривожланаётган мамлакатлар дунё миқёсидаги тизимдан ўзининг мунособ ўрнини эгаллай олишлари учун халқаро иқтисодий муносабатларни қайта қуриш зарурлигини уқдиради.

Ихтиофларнинг олдини олиш муаммоси табиатан яхлитлик касб этади. Шу боис бизнинг мамлакатимиз Шимолий мамлакатлар билан Жанубдаги ривожланаётган давлатлар ўртасидаги ихтиофлар кучайишидан ташвища. Бунинг илдизи иқтисодий зиддиятлардадир. Зиддиятли минтақалардаги табиий ва ишчи кучлари ресурсларини ҳаракатта соладиган иқтисодий, молиявий ва илмий-техникавий чораларни биргаликда ўйлаб топиш оқилона иш бўлур эди. БМТ нинг дунёни кўра билиши ва жаҳон миқёсидаги стратегияси иқтисодий-ресурсий сабабларни унинг сиёсий оқибатлари билан бирга қўшиб ўзаро мувофиқлаштириш сари йўналтиришга муҳтождир. Бизнингча Бош Ассамблеянинг

максус сессиясини, ана шу услубиятни ишлаб чиқишига багишлаш мумкин бўларди.

Эҳтимол, БМТ даражасида узоқ муддатли йўналиш ва ўзаро ёрдам андозаларини асослаб, жаҳон ҳамжамияти ҳукмига ҳавола этиш зарурдир. Бу йўналиш ва андозаларни ривожланаётган мамлакатлар халқаро ёрдам шарти билан ўзларига олишлари мумкин. Бундай андозалар Халқаро валюта жамғармаси талабларининг ривожланаётган мамлакатлардаги тимсолининг ҳам ижобий, ҳам салбий тажрибаларини ҳисобга олмоги керак.

Айни вақтда етакчи иқтисодий бақувват мамлакатлар (ҳозир уларнинг сони еттитадан ошган) мустақил иқтисодий ислоҳотлар учун ривожланаётган мамлакатларга кўмаклашишнинг самарали деб билган шарт-шароитларини таклиф этишлари мумкин бўлади. Бу тинчлик ва барқарорлик ишига, тоталитаризмга барҳам беришга капитал маблаг сарфлаш бўлар эди. Ана шунда ҳамма давлатларнинг тараққиёти учун замин яратилади. БМТнинг Устави ҳам буни кўзда тутади.

Гиёҳвандлик иллатига қарши қенг кўламда кураш олиб бориш муаммоси Марказий Осиёдаги иқтисодий қолоқлик ва халқаро наркобизнеснинг кучайиши билан боғлиқдир. Бизнинг мамлакатимиз ҳақиқий аҳволни ва вақти-вақти билан иғвогарларча бузиб кўрсатишларга бир йўла зарба берди.

БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари, хусусан гиёҳвандлик моддаларини суиистеъмол қилишга қарши кураш жамғармаси таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликлар плантациялари ва қайта ишлаш, уни ташиш базаларини тутатиш юзасидан Ўзбекистон кириттан таклиф Афғонистон раҳбарияти учун ҳам эътиборга лойик. Гиёҳвандлик экинлари кўплаб етиштирилаётган мамлакатлар худудида ҳаракат килиши учун БМТ ва Интерполнинг тезкор кучларини ташкил этиш зарурати етилди. Тўғри, бунинг учун ўша мамлакатлар ҳукуматининг розилиги керак. Ўзбекистон ўз худудидаги гиёҳвандлик экинларининг ҳатто энг майда манбаларини ҳам йўқ килиш учун халқаро миқёсда фаол ҳамкорлик қилишга ҳозирданоқ киришди.

Инсоният ишлаб чиқариш потенциалининг ўсиш хусусиятлари сайёрамизнинг экологик потенциалига мос эканлигини фаҳмлайтими? Орол денгизи атрофидағи ҳақиқий

аҳвол бутун дунёга ошкор қилинди. Нұкусдаги халқаро аңжуман унинг илк қадамларидан бири бўлди.

Минтақамиздаги мамлакатлар Оролни қутқариш халқаро жамғармасини туздилар ва ўз бюджетларининг бир фозини шу жамғармага ўтказишга қарор қилдилар. Бироқ, бу маблағ етарли эмас. БМТ Оролни асраб қолиши халқаро лойиҳасини ҳар жиҳатдан кўллаб-кувватлаши лозим. Бу лойиҳа Марказий Осиёнинг экологик жиҳатдан кафолатланган иқтисодий тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

БМТ Устави халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга қаратилган сайъ-ҳаракатларни таъминлашдаги ҳал қиувчи ролни Хавфсизлик Кенгаши зиммасига юклайди. Бу орган жаъми 15, жумладан 5 та доимий (АҚШ, Хитой, Россия, Буюк Британия ва Франция) ва 190 та доимий бўлмаган аъзолардан иборат. Улар адолатли жўғрофий бўлинганлик ва халқаро обрў-эътибори ҳисобга олинган ҳолда, Бош Ассамблея томонидан икки йил муддатта сайланади. Доимий аъзолар «вето» - яни қабул қилинаётган қарорни ман этиш ҳуқуқига эга. Буюк давлатларнинг бу имтиёзлари ривожланаётган мамлакатларда шубҳа туғдиради. Ўзбекистон бу масалага ўта босиқлик билан муносабатда бўлди. Бироқ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг шаклланган бу консерватив таркибини кўриб чиқиши керак, деб ҳисоблайди.

БМТда асосий ресурсларни бир қатор жиҳдий минтақавий низоларни туттишига қаратишга мойиллик кучаймоқда. Шу билан бирга бутун жаҳон ҳамжамиятининг дунёвий муаммолари гўё кейинги ўринга тушиб қолди. Ҳар бир минтақавий низонинг айрим минтақа ва мамлакат доирасидан ташқарига чиқувчи маълум сабаблари бор.

БМТ аъзолари бўлган давлатлар ўртасидаги бирлашишга мойиллик кайфияти кучайиб бормоқда. Бир қатор давлатлар панконтинентал тузилма ташкил этишини таклиф қилмоқдалар. Бироқ уларнинг ўзлари ҳам мустаҳкам бўлмай туриб, БМТнинг барқарорлаштирувчи ролини сусайтириб юборишлари, жаҳон сиёсатида интеграция жараёнларига путур етказишлари мумкин. Халқаро муносабатларда кўп нарса нуфузли мамлакатларнинг ташкил сиёсий йўл-йўригига боғлиқ бўлади. Ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқларига амал қилиниши ўта муҳим бўлганидек, ҳар бир давлат жаҳон ҳамжамиятида ҳуқуқий кафолатланган бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48 ва 50-сессияларида сўзлаган нутқлари юзасидан фикр юрита туриб, мамлакатимиз ташки сиёсий йўли тўгрисида умумий хуносалар чиқариш мумкин бўлади. Биринчи - минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик муаммоларини ҳал этиш йўл-йўрги дунё миқёсидаги муаммолар билан бирга қўшиб очиб берилди. Иккинчи - Ўзбекистоннинг миллий-давлат манфаатлари нутқати назаридан ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти ва минтақадаги қўшнилар олдидағи масъулиятини ҳисобга олган ҳолда қараганда, ҳар бир муаммо ўзининг аниқ баҳосига эга. Учинчи - Ўзбекистоннинг кенг кўламли ҳамкорликка оид ҳамма таклифларида уни БМТ фаолияти ва бу ташкилотнинг ихтисослаштирилган муассасалари орқали амалга ошириш тамойиллари илова қилинган. Тўртинчи - Мустақил Ўзбекистон ташки сиёсатининг маънавий йўналиши инсонпарварлик, инсонийлик, ошкоралик, қадр-қиммат, ўз имкониятларига таяниш ва инсониятнинг ягона оиласида ўз тараққиёт йўлига эга бўлишдир.

Мамлакатимиз туттган ҳалқаро йўлнинг И.А.Каримов томонидан асослаб берилган муфассал моҳияти ҳамма янги мустақил давлатлар учун шу жиҳатдан қизиқиши уйғотадики, у айни вақтда pragmatik ва истиқболли, миллий ва умуминсонийдир. Жаҳон матбуотида чоп этилган дастлабки акс-садолар шундай бўлди. Ўзбекистон фуқаролари эса ташки сиёсатимиз ички ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишга қаратилганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

## **МУНДАРИЖА**

<b>Сўз боши .....</b>	<b>3</b>
<b>Кириш .....</b>	<b>6</b>

### **Умумий қисм ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИННИГ УМУМИЙ МУАММОЛАРИ**

**Биринчи бўлим  
ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ - ИЛМ ВА ЎҚУВ ФАНИ**

#### **I боб. Хуқуқий маданият назарияси фанининг предмети ва методлари**

1.Хуқуқий маданият назарияси фанининг предмети .....	9
2.Хуқуқий маданият назарияси фанининг методлари .....	12
3.Хуқуқий маданият назарияси фанининг методологияси.....	15
4.Хуқуқий маданият назариясининг ижтимоий ва юридик фанлар тизимидағи ўрни .....	24

#### **II боб. Хуқуқий маданият назариясининг асосий тушунчалари**

1.Хуқуқий маданият назарияси тушунчаси .....	27
2.Хуқуқий маданиятнинг функциялари.....	32

#### **III боб. Хуқуқий маданиятнинг тузилиши**

1.Хуқуқий маданиятнинг таркибий қисмлари.....	36
2.Хуқуқий маданият ва тараққиёт .....	48

#### **IV боб. Хуқуқий маданиятни юксалтириш - давлат сиёсатининг муҳим йўналиши**

1.Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури - давлат хуқуқий сиёсатининг асоси.....	50
--	----

**2.Хуқуқий саводхонлик - хуқуқий маданият асоси..... 57**

**V боб. Хуқуқий маданият назариясини яратишда хуқуқшунослик  
фани ва юридик таълимнинг аҳамияти**

1.Хуқуқшунослик фани - хуқуқий маданият назариясининг манбай .....	61
2.Хуқуқий маданиятни шакллантиришда юридик таълимнинг аҳамияти .....	69

**VI боб. Ҳозирги замон асосий хуқуқий тизимлари**

1.Ҳозирги замон хуқуқий тизимлари ва юридик ҳарита .....	79
2.Юридик типология .....	81

**Иккинчи бўлим  
ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ АСОСЛАРИ**

**VII боб. Ўзбек миллий мафкураси - жамиятимиз хуқуқий  
маданиятининг асоси**

1.Миллий мафкура ва унинг таркибий тузилиши .....	110
2.Миллий мафкуранинг моҳияти .....	117
3.Ўзбекларнинг миллат сифатида шаклланиши ва ривожланиши .....	118
4.Миллий маданият ва маънавий мерос .....	124
5.Тил, маънавият ва ватанпарварликнинг маданият таркибида тутган ўрни .....	127

**VIII боб. Маданият, миллий турмуш тарзи ва хуқуқий онг**

1.Хуқуқий маданият - хуқуқий давлатнинг муҳим омили .....	133
2.Миллий турмуш тарзи ва хуқуқий маданият .....	141
3.Хуқуқий ва ахлоқий қадриялар - хуқуқий маданият асоси .....	147

**Учинчи бўлим  
ДАВЛАТ ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ**

**IX боб. Ўзбек миллий давлатчилиги ва хуқуқий тарихий  
тажрибаси - хуқуқий маданияти пойдевори**

1.Давлатчилик, хукуқ ва хуқуқий маданият тарихидан .....	156
2.Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва	

хуқуқий маданият.....	209
3. Ўзбекистон миллий хуқуқий тизими ва хуқуқий маданият.....	212
4. Ўзбек давлат-хуқуқий тажрибаси сабоқлари ва хуқуқий маданият.....	215

## **X боб. Ўзбекистонда хуқуқий маданиятнинг асосий тамойиллари**

1. Ўзбекистон истиқтол ва тараққиёт тамойиллари хуқуқий маданиятнинг асоси .....	225
2. Хуқуқий маданият тараққиётининг юридик асослари .....	236
3. Қонунийлик - хуқуқий маданиятнинг негизи .....	248
4. Ўзбекистон фуқаролиги - хуқуқий маданият белгисидир .....	254
5. Давлат ва хуқуқ рамзларини ҳурмат қилиш - хуқуқий маданият юқори эканлигининг кўрсаткичи .....	256

## **XI боб. Ўзбекистон Конституцияси - хуқуқий маданият таянчи**

1. Хуқуқий маданиятнинг конституциявий асослари .....	260
2. Ўзбекистон Конституциясининг ўзига хос хусусиятлари .....	266
3. Инсонларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликлари - хуқуқий маданият кўрсаткичи .....	267
4. Ҳокимият ваколатларини тақсимлаш - хуқуқий маданиятнинг конституциявий тамойили .....	270
5. Ўзбекистон конституциявий тизимининг шаклланиши .....	272

## **XII боб. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини амалга оширишда хуқуқий маданиятнинг ўрни**

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг конституциявий асослари.....	282
2. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари.....	284
3. Ўзбекистон дипломатиясининг хуқуқий асослари .....	294
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати .....	305

**Для заметок**

Для заметок

Для заметок

Для заметок

**У. ТАДЖИХАНОВ  
А. САИДОВ**

## **ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ**

**ДАРСЛИК  
Икки томли  
1-том**

Муҳаррирлар      С.Раззоқов, И. Ҳувайтов,  
Мусахҳих            Н. Имомов, А. Тўлаганов  
Техник муҳаррир    Н. Ризабаева  
                        Ф. Полатова

Босишига руҳсат этилди 30.04.1998. Қоғоз бичими 84x108 1/32  
Ҳисоб-нашр табориги 21,7. Тираж 3000. Буюртма № К-6033.  
Баҳоси шартнома асосида.

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
700197 Тошкент, Интизор кўч., 68  
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг  
ижарарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30